



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:
Санд АҲМАД,

Гулчеҳра ЖУРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ

[бош редактор ўринбосари],

Омон МАТЖОН,

Сулаймон РАҲМОН

[масъул секретарь],

Йўлдош СУЛАЙМОН,

Худойберди ТҮХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмамбет ХҲЖАНАЗАРОВ,

Абдулла ШЕР,

Урие ЭДЕМОВА,

Иброҳим ҒАФУРОВ,

Ўткир ҲОШИМОВ.



1982
ЙИЛ,
СЕНТЯБРЬ

ТОШКЕНТ
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

НАСР

Шароф РАШИДОВ Дил амри. Қиссадан
Боблар 3

Дилбар САИДОВА. Еру осмон ўртасида. Кичик
қисса 18

НАЗМ

Сулаймон РАҲМОН 14
Омон МУХТОРОВ 29
Шукур ҚУРБОНОВ 58
Собит МАДАЛИЕВ 60
Муҳсина БОБОЕВА 65

ҚАЛДИРҒОЧ

Нормурод НОРҚУЛОВ 30
Абдуҳаким АБДУЛЛАЕВ 69

КАМАЛАК

Нодар ДУМБАДЗЕ. Абадият қонуни. Роман . . . 31
Павел БОЦУ. Сенгача бор эди. Шеър 76
Георге ЧОКАЙ. Ёмғир. Шеър 76

НАФОСАТ ЧАМАНИ

О. ЛЕБЕДИНСКАЯ. Ранглар мусиқаси 59

ДАВРА ГУРУНГИ

М. МАНСУРОВ, М. ҲАБИБУЛЛАЕВ, Ш. СОЛИҲОВ,
Ҳ. МАМАЖОНОВ, М. МУЙДИНОВ, Н. ҚОБУЛ,
Ш. АҲМЕДОВА. Катта ҳаёт бўсағасида 61

АДАБИЙ ТАНҚИД

М. СОЛИҲ, И. ҲАҚҚУЛОВ. Покланаётган умид . . . 66

ПУБЛИЦИСТИКА

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ. Қуёшга интилиб 70
Шокирвали НУРАЛИЕВ. Ташаббуснинг қанотини
синдирган «хўп-хўп»чилик 73

ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Қувноқ ҚИТМИР. Туя лўк-лўк этади. 77

МУҲТАРАМ ДУСТЛАР!

1983 йил учун

«Ёшлик» журналма

ОБУНА

давом этмоқда.
Журналнинг бир
йиллик

баҳоси — 6 сўм;
олти ойга — 3 сўм.

Обуна барча
«Союзпечать» ва
алоқа бўлимларида,
шунингдек
ташкilotчилар
томонидан
қабул қилинади.

МУҚОВАДА

Биринчи ва тўртинчи
бет: Рассом Ж. УМАРБЕКОВ-
нинг «Куз фантазияси» асари.
Иккинчи бет: И. Ҳайда-
ровнинг «Чинор. Ревком» аса-
ри.
Учинчи бет: «Эсни шаҳар»
деб номланган бу расм муал-
лифи А. ТУХТАЕВ ҳозир ўн
беш ёшда.



Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, кўп миллатли совет адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган атоқли адибимиз Шароф Рашидовнинг номи кенг китобхонлар қалбидан чуқур жой олган. Унинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Кашмир кўшиғи» асарлари бепоен мамлакатимиз сарҳадларидан ўтиб, жаҳондаги кўплаб халқлар томонидан ҳам севиб ўқилмоқда. Ёзувчининг Ойқиз, Олимжон, Пўлат, Баҳор сингари ажойиб қаҳрамонлари ёшларимизни юксак идеаллар руҳида тарбиялашда ёрқин тимсол бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳтарам адибимизнинг «Дил амри» деб номланган янги қиссасида Улуғ Ватан урушининг суронли воқеалари, бепоен рус тупроғи учун бўлган шиддатли жангларда мамлакатимиздаги турли миллат фарзандларининг бир жону бир тан бўлиб кўрсатган мислсиз матонат ва жасоратлари ҳақида эҳтирос билан ҳикоя қилинади, оталарнинг муқаддас ишига содиқ совет йигит-қизларининг жўшқин ватанпарварлик туйғулари тараннум этилади.

Қуйида ана шу асардан боблар ўқийсиз.

ШАРОФ
РАШИДОВ



ҚИССАДАН БОБЛАР

Иван Иванович саҳар палласида уйғондию ювиниб-кийиниб олгач, қудуқдан сув тортиш ниятида ҳовлига чиқди. Кекса ўқитувчининг ҳовлиси ҳамиша покиза, ҳамиша саранжом, ҳамиша гулзор ва гўзал бўлиб, қайин дарахтлари билан қопланган эди.

У ташқарига чиқиши биланоқ анвойи гулларнинг шабнам аралаш анқиган ҳиди гуп этиб димоғига урилди. Кўм-кўк майсалар, қадди-қомати келишган қайин дарахтлари ҳам эрта тонг шабнамида ювилиб-таралиб кўзга ташланади. Ҳовлидаги ҳар бир туп гул, ҳар бир туп қайин ва майсалар кекса ўқитувчига таниш ва ардоқли эди. Негаки, у буларнинг ҳаммасини ўз кўли билан эккан, пешана тери билан суғорган, меҳр қўйиб, зўр иштиёқ билан парвариш қилиб ўстирган эди.

Иван Иванович кўлидаги пақирни ерга қўйиб, жонажон қишлоғининг тонг-саҳардаги ҳусни-жамолига мафтун бўлган ҳолда ширин хаёлотга берилди, гуллар, майсалар, дарахтларни суқ-ҳавас билан, меҳр-муҳаббат билан, фахр-шукроналик билан кўздан кечирди. Нигоҳи қайин танасидан юқорилаб, кўкка тикилди, шу лаҳзада киндик қони тўкилган қишлоқ бор савлати, кўрки-камоли билан унга пешвоз чиқиб, бағрига олгандай, эркалагандай бўлди. «Эҳ, Берёзовка, Берёзовка... нақадар гўзалсан, жонажон қишлоқ! Поёнсиз ўрмонларинг, экинзорларинг, майсазорларинг, қишин ва ёзин мусаффо ҳаволаринг нақадар ҳузурбахш, нақадар ёқимли, нақадар ширин, нақадар гўзал, она қишлоғим! Эҳ, Берёзовка, Берёзовка, ҳамиша мафтунингман, ноёб юртим...»

Мамнунлик, таъби равшанликдан қушдай енгил тортган ўқитувчи мусаффо тонг ҳавосини сувдай шимириб, сокин ва жимир-жимир оқаётган дарё бўйига яқинлашди. Қишлоқнинг пастки томонидан оқадиган бу дарё жуда серсув, жуда теран бўлса ҳам мулойим оқарди. Поёнсиз ўрмонлар ўртасидан кесиб ўтган ва хаёлчан оқими билан ҳаммани ўзига мафтун этган дарё ўша ўрмонларнинг қумуш камари эди мисоли. Иван Иванович она қишлоғининг тонг саҳарги ҳуснига маст бўлиб дарё бўйига чиқди, унинг сирли оқишига маҳлиё бўлиб қолди.

Расми А. МИРЗАЕВ чизган

У кумушдай оқариб кетган ва ҳурпайган сочларини, ўзига ярашиб турган чўққисоқолини узун-узун бармоқлари билан тараб, тутамлаб, силаб, қишлоқ манзараси, дарё оқимидан кўз узолмас, баҳри дили очилиб, қалбини тўлдирган севинч ва фаҳр ҳис-туйғусига фарқ эди-ю, бироқ булар ҳаммаси тушдай, саробдай кўринар, кафтига кўниб турган бу бахт қуши ҳозироқ учиб кетадигандай туюлиб, юраги орқасига тортиб кетарди, ич-ичидан эзиларди. «Наҳотки, наҳотки, шулар бари топталса, оёқости бўлса, одамлар ҳўрланса... Мактабдаги болалар-чи...» деган ўйларидан ўзи кўрқиб кетарди. Кейинги кунларда кекса ўқитувчи чечалари алламаҳалгача гоҳ приёмник олдида мункайиб ўтириб қолар, гоҳ тун оғушида осмони фалакка қулоқ солиб, қишлоқ тепасида, жуда баландликда қовоқари ғувиллаганига ўхшаш товушни илғар, баъзида чекка томонда, йироқ-йироқлардан бомба портлаганига ўхшаш овозлар эшитилиб, юрагига ваҳима соларди. Сахарга бориб чарчаб, кўзи илинарди. Эрталаб сал енгил торгандай ўрнидан турарди-да, ҳозиргидек ҳовлиси, дарё бўйини кезарди, назариди шу сайр тасалли бергандай бўларди.

Шу пайтда осмон гўмбурлади. «Бу нимаси, — деб ўйлади у, — момақалдироқми ё самолётмикан?» У ўз саволига жавоб топмасданоқ осмонда немис-фашист самолётлари пайдо бўлди. Ғув-ғувлаган овозлар қишлоқ жимлигини, эрта тонг сокинлигини бузди. «Яна ўша газандалар, халқимиз бошига ажал уруғини сепиш учун келмоқда», дея кўнглидан ўтказди у. Самолётлар баланд учиб, Берёзовка қишлоғи устидан ўтиб кетди ва шарқ томонда кўринган булутлар ичига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Кекса ўқитувчи бомбардимончи самолётлар изидан қараб қоларкан, ҳозирги рўҳия-ҳолатини, қалб тўла ҳузур-ҳаловати ўрнини ғамгинлик қамраб олди, юрагиди оғир ташвиш пайдо бўлди: «Шаҳар, қишлоқларимизни вайрон қилади, саноят корхоналаримизни портлатади, қанча мусибат, қанча қон тўкилади! Лаънатилар!» У жаҳл ўтида ёниб орқасига ўгирилди ва қудуқ томон йўл олди.

Қудуқ бўйида бир зум ўтириб, бомбардимон оқибатларини тасаввур қилдию юраги санчгандай бўлди. Сув тортоқчи бўлиб энди пақирга қўлини узатганда яна ваҳимали ғув-ғув товуши эшитилди, бошини кўтариб осмонга тикилди. Саросимага тушган немис-фашистлар энди овчидан кўрққан қуёндай ўша булутлар орасидан орқага қайтар эди. Фашист самолётлари мўлжаллаган нишонини бомбардимон қилолмай, энди бомбаларни йўл-йўлакай дуч келган жойга — қишлоқларга, машиналар ва одамлар қатнаб турган йўл ва кўприкларга, биноларнинг устига ташлаб, ғарбга қочарди. Қанотида қизил юлдуз порлаб турган бизнинг самолётларимиз ўқ ёмғири ёғдириб газандаларни қувиб келарди.

Самолётлар Берёзовка устидан ўтаётганида қолган-қутган бомбаларини қишлоқ устига ёғдирди. Ана шу бомбалардан бири Иван Иванович яшаб турган уйнинг дарвозаси устига тушиб, портлади. Дарвоза ва уйнинг ёғоч-тахталари худди бўронда тўзғиган қоғоз варақларидек парча-парча бўлиб осмонга кўтарилди, бомбанинг адашган бир парчаси кекса ўқитувчининг елкасини тешиб, бўйнидан чиқиб кетди. Қандай қилиб яраланганини сезмай қолган Иван Иванович бомба тўлқини билан қудуқдан анча нарига бориб тушди, аъзойи бадани қонга беланиб, ҳушидан кетди.

Бир зумда кўни-қўшнилари қий-чув билан, бомба тушган ва ёнган кўтарилган жойга югурдилар. Колхоз темирчиси Миша бобо ва унинг неваралари Серёжа билан Ирина ҳаммадан олдин етиб келадилар, келасолиб севиқли ўқитувчиларини қидира бошладилар. Бироқ... кўкка ўрлаётган аланга ҳаммани шошириб қўйган эди, унинг уйи худди керосин сепилгандай ловиллаб ёнарди. Миша бобо эса бақириб-чақириб одамларга йўл-йўриқ кўрсатар, тахта-ёғочларни чеккага олишни буюрар, тез-тез сув келтиришларини айтар, ёнғинни ўчиришга ўзи бошчилик қиларди.

Серёжа қўли-қўлига тегмай, ниҳоятда чаққонлик

билан қудуқдан сув тортарди. Узатилган пақирни тўлдириб берарди. Ирина ҳам эпчил ҳаракат қилар, пақир-пақир сузни бобосига пешма-пеш етказиб турарди. Миша бобо невараси Ирина билан бирга оловнинг иссиғини ҳам, димоғига урилган тутунни ҳам писанд қилмай ўт ўчиришарди.

Ёнғин билан олишиш узоқ давом этди. Ниҳоят ўт ўчирилди. Аммо бурқсиётган тутун эрталабки соф ва сокин ҳавони бузиб, бутун қишлоқни қоплади.

— Иван Иванович қани? — дея суриштира бошлашди одамлар. — Наҳотки, ўт ичида қолиб кетди!

— Овозингни йўқит! — Миша бобо йўғон овозининг борича жаҳл билан кимгадир бақирди. Ҳамма жим бўлди. Қудуқ тепасида кўрқув ичида саросимага тушиб турган Серёжа бирдан қайин даррахтининг узилиб тушган шохлари остида ётган Иван Ивановичга кўзи тушиб, қичқириб юборди:

— Иван Иванович! Иван Иванович!

Ҳаммалари унинг ёнига чопиб келишди. Кекса ўқитувчи қип-қизил қонига беланиб ҳамон беҳуш ётарди.

Миша бобо бақувват қўллари билан ўқитувчинини авайлаб кўтариб, ўз уйига олиб кетди. Одамлар — аёллар, қариялар, болалар ғамгин, ташвишли ҳолатда кекса темирчинини анча ергача кузатиб қолишди. Серёжа билан Ирина кўзёшлари юзларини ювган ҳолда боболари орқасидан борардилар.

...Иван Иванович жаҳон уруши фронтларида жон олиб, жон берган, қон кечиб баҳодирона жанг қилган, кўпни кўрган одам. Граждан уруши жангларида актив қатнашган. Олдини Оренбург фронтида, сўнгра Урта Осиёда босмачи тўдаларига қарши олиб борилган жангларда иштирок этган. Иван Ивановичнинг отлич аскарлар полки Будённый қисмлари билан Биргаликда Бойсун тоғларида, Шеробод чўлларида, Боботўра остоналарида бўлган шиддатли жангларда босмачиларга қирон келтирган. Иван Ивановичнинг ўзи душман ўқидан бир неча бор ярадор бўлишига қарамай, жангдан чиқмаган, ёш совет ҳокимиятини ҳимоя қилган. Империалистлар ташкил этган босмачи тўдалари узил-кесил тор-мор этилгандан кейингина ғалаба билан, ёруғ юз билан она қишлоғи Берёзовкага қайтиб келган эди. Мана, энди ўша империалистлар, йиртқиш немис-фашистлари тинч юртимизга кўққисдан хиёнаткорона бостириб кириб, жонажон шаҳар ва қишлоқларимизга захарли илон мисоли ўрмалаб келарди. Ана шу газанданинг бошини мажақлаб ташлаш ҳар бир совет кишининг — ёшу қари, эркагу аёл, ҳар бир ватандошимиз, кўп миллатли аҳил оила аъзоларининг муқаддас бурчи, дил амри эди.

Ахир, бутун Европа империалистлари планетамиздаги яққаю ягона социалистик давлатни емириб ташлашга жон-жаҳдлари билан уринса, унинг озодлиги ва мустақиллигига чанг солиб, хуруж қилса, аҳолисини қирса, шаҳар ва қишлоқларини вайрон қилса, ўт қўйса, Иван Ивановичдек одам «кексаман» деб қўл қовуштириб ўтира олармиди?! Ахир, тенги йўқ бу жангда Ватаннинг тақдири, ҳар бир инсоннинг тақдири, совет кишининг тақдири ҳал бўларди-да. Албатта, ҳар бир киши ўз виждон амри билан, қалб даъвати билан иш кўради, ўз ўрнини ўзи белгилайди. Иван Иванович бу борада аллақачон қатъий қарорга келиб қўйган, фронт орқасида қолиб, ўзининг инсоний бурчини садоқат билан адо этишни, кекса коммунист сифатида партизанлар сафида туриб жонажон ватанини озод этишни дилига жо қилиб, қадрдон дўсти Миша бобо билан келишиб қўйган эди.

Иван Иванович уч кечаю уч кундуз ҳушига келмади. Миша бобо ҳам, Серёжа билан Ирина ҳам унинг бошида парвона бўлдилар. Тунлари ғалма-ғал мизғиб, ёнида ўтириб чиқдилар, яраларини авайлаб боғладилар, ардоқлаб даволадилар, парварिश қилдилар. Тўртинчи кун тонг саҳарда ҳушига келиб кўзини очган ўқитувчи ўз уйида эмас, балки дўстининг уйида ётганини кўрди. Мишжа қоқмай тепасида ўтириб тонг оттирган меҳрибонларини бир-бир кўздан кечирди-да, зўрға, қийналиб, «Уй нима бўлди?», деб

сўради дўстидан. Иван Иванович ўзини узоқ ва оғир касалдан турган кишидай бедармон, ҳорғин сезарди. Қўл-оёқлари увишган, қарахт эди. Куч-қуввати йўқлигидан кўзларини очолмасди, ҳамма нарса хира кўринарди, овоз чиқариб бирор нарсани сўраганда худди шивирлагандай бўларди. Миша бобо қайнатилган ва ичига асал солинган, буғи чиқиб турган стакандаги сутни унга тутаркан, далда берди:

— Мен сенга айтсам, ўз уйингдасан, Ваня, бу ёғини ўйлама. Мана буни ичворгин, дўстим, қайноққина, тезроқ дармонга кирасан. Мен сенга айтсам, ўзинг ҳам уч кундан буён туз тотмадинг-да, азизим, дўстим, ича қол,— илтижо қилди темирчи бобо.

Иван Ивановичнинг зил-замбил боши оғриқдан тарс ёрилади. Кетма-кет кўнгли айниб, беҳузур бўла бошлади. Шишнқираган қовоқларидан беҳол кўзлари зўрға-зўрға очиларди. Яна, бунинг устига оғзи заҳар, иштаҳаси тугул, кўнгли ҳеч нарсани тусамасди, қовжираб, пўрсилдоқ босган лабларини очишга ҳам мадори келмасди. Шу азобда ётган бўлса ҳам Миша бобонинг гапини икки қилмай, итоаткорлик билан стаканни қўлига олганида, ака-ука Серёжа-Ириналар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Гап-сўзсиз кечган бу қарашдан, катталар ибораси билан айтганда, «Ана иноқлигу ана меҳр! Ҳавас қилса арзийди», деган маънони уқиб олиш қийинмасди.

Бу икки дўст бир-бирларига жудаям қадрдон, суяниб қолишган, бир-бирларини жондан зиёд кўришар, хурмат қилишар эди. Темирчи билан ўқитувчининг бу иноқлиги, ҳамфикр, ҳамдардлигини ҳамма биларди, билганлар: «Иван Иванович жудаям камсуқум одам-да, димоғ деган гапни билмайди, темирчи билан улфатчилик қилади», деса, билмаган, оғзига кучи етмаганлар: «Зиёли, ўқитувчи, кекса коммунист бўлатуриб тенгини тополмаганига ҳайронсан, қаёқдаги темирчи билан улфат, ўз обрўини тушириб юради», дерди.

Иван Иванович бундай гапларга эътибор бермасди, «Майли, гапираверишсин, қанча гапиришса, шунча гуноҳим тўкилади», дея қўл силтаб, кулиб қўярди. У ҳаммасидан ҳам Миша бобонинг гапни ҳаммиша «азизим...» деб бошлашини ёқтирарди, бўлмаса, ўқитувчи ўз ҳаётида бу сўзни жуда кўп марта эшитган, ҳозир ҳам эшитади, аммо темирчининг талаффузи жуда ўзгача бўларди. Нимага, нимаси билан ёқшини, ўзгача бўлишини билмасди-ю, аммо жуда яхши кўрарди. Ўзи ҳам Миша бобо бирон марта «азизим»сиз гап бошлаганини эслолмайди. Айниқса, икковлари отамлашганларида, умуман, бирга бўлишганда темирчининг «азиз дўстим» деб аташи дил-дилининг энг нозик ерига етиб борар, меҳрини ошириб юборар, ҳар гал шу сўзни айтганида баданлари жимирлашар, уни қучоқлаб олгиси келарди-ю, ўзини босарди. Назарида, ёруғ дунёда шу сўзни — «азиз дўстим» иборасини Миша бободек дилдан чиқариб, бутун меҳру муҳаббатини шунга жо қилиб айтадиган одам йўқдай эди. Ҳатто Иван Иванович ўзи ҳам шундай қилиб айтолмасам керак, деб юрарди. Бироқ кўп марта оғиз жуфтлади-ю, бирон марта ҳам «Ҳой, Миша, шу сўзни жуда боплаб айтасан-да», деб ўзига иқрор бўлолмади. Дилдан айтилган сўз дилига бориб жой олса, тилга ҳожат қолмайди. Ҳозир, шу азобда ҳам Миша бобонинг «Ич, азизим, дўстим», деганигина ўқитувчига кифоя қилди, қалтираган қўлида стаканни ушлаганча, оҳиста сутни хўплади. Узоқ-узоқ нафас олиб, охиригача ичди.

Кунлар ўтиши билан Иван Иванович темирчи бобо, унинг неваралари парваришида борган сайин куч-қувватга кириб, тетиклашиб борарди. У энди сеvimли дўсти — темирчининг уйда истиқомат қиладиган бўлди.

Ўқитувчи жуда хушфезъл, мулоим табиатли, каттаю кичикка меҳрибон, ростгўй, камтарин, меҳнатсевар эди. Шунинг учун ҳам ҳамқишлоқлари унга алоҳида ишонч ва эҳтиром билдирар эдилар. Миша бобо айниқса ҳозир у билан бир уйда истиқомат қилиб, ана шундай оғир мусибатли дамларда садоқатли дўсти билан дардлашиб, ҳасратлашиб, фикрлашиб турганидан мамнун эди.

Кунларнинг бирида темирчи дўстини суяб ташқарига олиб чиқди, дарё бўйига ўрнатилган скамейкага ўтқаэди.

— Мана, азизим Ваня, мен сенга айтсам, очиқ ва тоза ҳаво, ўзинг айтардинг-ку, азизим, тоза ҳаво — дардга даво, деб, ана, тўйиб-тўйиб нафас олсанг, тез орада кучга кирасан.

— Раҳмат, — деди Иван Иванович нимжон овоз билан, атрофни кўздан кечираркан.

Темирчи дўстини очиқ ҳавога олиб чиқиш баҳонасида уруш келтириб чиқарган муаммолар тўғрисида, юрагини тимдалаб ётган ўй-хаёллар тўғрисида фикрлашини кўнглидан ўтказган эди. Бир неча дақиқа ўртага жимлик чўқди, бу жимликни тинч оқар дарёга термилган Иван Иванович бузди. У бўғиқ овоз билан сўзлай бошлади:

— Сенга ҳавасим келади, Миша. Биласаним, кўзларинг бургутнинг кўзидай ўткир, ҳаммиша ёниб туради, юзларинг қип-қизил, ҳалигача ажин ҳам тушмаган. Соқолинг кўкрагинга тушса ҳам, оппоқ тишларинг нуқрадай ялтирайди. Овозинг-чи, овозинг, ўхў, йўғон, тиник, ёқимли, ҳаммиша жаранглаб туради, ёшлар ҳавас қилса арзийди. Мактабда узоқ вақт дарс берганим учунми ёки онадан шундай туғилганим учунми — менинг овозим юмшоқ, бўғиқ, таъсирсиз.

— Дўстим Ваня, мени ҳадеб мақтайверма, ғашимга тегади. Мен сенга айтсам, ўзингни ҳам кўпам камситаверма, азизим, овозинг бўғиқ бўлса ҳам ширали, ёқимли.

— Сихат-саломатлигинг жойидами — қудратинг, куч-қувватинг ҳам шунда. — Иван Иванович темирчининг сўзларини эшитмагандай, дарё сувига термилган ҳолда сўзида давом қиларди: — Биласаним, темир ироданг, жасурлигинг бир томондан ҳавасимни келтирса, иккинчи томондан юрагини фахр билан тўлдирарди. Айниқса, дўстим, мана шундай мусибатли кунларда сихат-саломатлик ҳам, куч-қувват ҳам, темир ирода ҳам зарур. Ахир, ўзинг ўйла, Миша, немис тиш-тирноғигача қуроланган!..

Миша бобо унинг сўзини оғзидан олди:


— Мен сенга айтсам, Ваня, тиш-тирноғигача қуроланган немис ўз ажали билан келяпти бу ерларга.

— Миша, мендан кўра яхшироқ биласаним, — деди Иван Иванович бўғиқ овоз билан, — унинг олдида бошқалар тиз чўқди, ваҳима ичида таслим бўлишди, ҳам қўрқоқлик, ҳам хоинлик қилишди. Биласаним, Миша, иродаси йўқ, ор-номуси йўқ, виждонини амал-парастлик ва порахўрлик билан, бойлик ва фойда билан алмаштирган буржуа корчалонлари бир ҳамлага тоқат қилолмадилар. Биз-чи, Миша, биз таслим бўладиган, тиз чўқадиган халқ эмасмиз, биласаним! Сен айтгандай, немис ўз ажали билан келяпти. Немис фашизми машинасини мажақлаб ташлайдиган кучимиз ҳам, қувватимиз ҳам мавжуд, иродамиз ҳам, ишончимиз ҳам бор. Ахир, биз совет кишиларимиз, Миша, совет кишилари сир-сира енгилмайдилар. Гапларимга ишонавер, дўстим!

Кекса ўқитувчи бир зумда дўстининг кўз олдида ўзгариб кетди, ўтирган жойида қақди-қоматини ростлади, бошини кўтарди, кўзлари ўтдай чақнади, кучига куч қўшилди, ғайрати жасоратга айланди. Энди у алоҳида бир бекиёс қатъият ва метин ирода касб этган эди. У темирчи дўстининг кучи ва иродасига ҳаваси келганини айтдию шу билан унинг кучига яна куч, иродасига ирода, ишончига ишонч қўшди.

Узоқ-узоқлардан тўп отишмасининг гумбурлаган овози эшитилди. Икки дўст тўп овозига кулоқ соларкан, йиртқич душманга бўлган ғазаб ва нафратлари тўлиб-тошарди.

Шу пайтда, ҳамдард, ҳамфикр дўстларнинг қалби бир маромда ураётган пайтда ёнларида Серёжа билан унинг ўртоғи Тарас пайдо бўлганини ҳам пайқашмади. Миша бобо сеvimли неварасига меҳри товганиб назар ташлаган эди, Серёжа кексаларни мулоиймлик билан уйга тақлиф қилди:



— Овқат тайёр. Ирина сизларни дастурхонга таклиф қиляпти.

— Баракалла, болам.

— Бу бола ким бўлди? — сўради Иван Иванович дўстидан, болаларнинг орқасидан тикилиб қоларкан. — Мактабда кўрардим-у...

Миша бобо дарё оқимини кузатган ҳолда эътибор-сизлик билан жавоб берди:

— Кўшнинг ўғли, Серёжанинг ўртоғи.

— Қайси кўшнинг?

— Шульганинг.

— Шульга, Шульга... Ҳов қулоқ қилинган, кечаси қишлоқ Советининг раисини чавақлаб кетган қотилга алоқаси йўқми?

— Мен сенга айтсам, азизим, ўшанинг невараси.

— Герасим Шульганинг ўғлими?

— Ҳа, ўша. Аммо, Тарас отасига ҳам, бобосига ҳам ўхшамайди.

Миша бобо дўстини эҳтиёткорлик билан суяб ўрнидан турғизди. Қўлини белидан ўтказиб суяганича, икковлон битта-битта қадам ташлаб йўлга тушишди, оҳиста юриб уйга келишди. Ичкарига киришлари биланок, иштаҳани қитиқлайдиган таом ҳиди гуп этиб димоққа урилди. Қўлларини ювиб, стол атрофига ўтиришлари ҳамона Ирина тарелкаларга сузилиб, юзига қаймоқ солинган, буғи чиқиб турган чучварани келтириб қўйди. Дўстлар чучварани зўр иштаҳа билан ейишди.

— Мана, кўрдингми, азизим, мен сенга айтсам, очиқ ҳавога чиқишинг билан иштаҳанг ҳам очилди, — деди Миша бобо дўстининг юзларига мамнун термилиб.

— Серёжа билан Тараснинг ҳам иштаҳаси чакки эмас, Миша, — жавоб берди Иван Иванович болаларнинг овқат ейишини завқ билан кўздан кечираркан ва кулги аралаш сўзида давом этди: — Аммо ошпазга балли, қўли ширин экан, Иринага офарин! Қизим, бундай ширин овқат пиширишни кимдан ўргандинг?

Ирина уялиб ерга қаради, онаси эсига тушиб кетди, ўпкаси тўлиб келди, томоғига нимадир қадалгандай туюлди. Буни сезган Серёжа дарҳол синглисининг ёнига яқинлашиб ўтирди ва ҳурматли ўқитувчисига ўзи жавоб берди:

— Онамиздан ўрганган.

— Онаси биринчи бомбардимон вақтида... — деганича тўхтади Миша бобо дўстининг нигоҳини илғаб.

Ўқитувчи билиб туриб, бехосдан сўраб, қизнинг ярасини янгилаганини фаҳмлаб қолди, ич-ичидан койинди-ю, энди гапти чалғитиш фойда беролмаслигини сезиб, Иринанинг сочларини силаб, эркалади:

— Билсанми, қизим, онанг учун ҳам, ҳамма оналар ва етим-есир қолган болалар учун ҳам қасос оламиз. Йиғлама, қизим.

Уруш бошлангандан икки ҳафта ўтар-ўтмас, Берёзовка қишлоғини кесиб ўтган катта йўл серкатнов, гавжум бўлиб қолди. Кечаю кундуз тинмай машиналар ўтарди. Фронтга янгидан-янги ҳарбий қисмлар, қурол-яроғ, аслаҳалар, озиқ-овқат, кийим-кечак жўнатиладди. Ҳаво айғоқчилари орқали буни пайқаб қолган немислар қишлоқни ҳам, йўл-кўприкларини ҳам, машиналар, отуловни ҳам тўхтовсиз бомбардимон қиларди. Ана шу кунларда Берёзовка қишлоғининг қанчадан-қанча уйлари вайрон бўлди, қанчадан-қанча қон тўкилди, қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Серёжа билан Иринанинг севимли онаси Анна Владимировна ҳам ўшаларнинг бири бўлиб, бомба тагида қолди, уйи ёниб кетди. Миша бобо севимли қизини ўз қўли билан кўмиб, невараларини уйига олиб келди.

Уруш даҳшатини бошидан ўтказган, ҳали дард кўрмаган мурғак қалби жудоликка учраган болалар ақлан ва фикран тез улғаядими ёки Ирина габиатан — гўдак-лигидан шундайми, ҳар қалай, ўн икки ёшида бобосининг катта уйини бир ўзи эплаб олган, кўпни кўрган аёллардек рўзгор юратар, йиғиб-терар, овқат пиширар, кир ювар, ҳамма ишни билиб-билиб, чаққон ва дид билан қиларди. Миша бобо назарида қизи тирилиб келгандай бўларди. Иринанинг фаросати ва эпчиллиги ай-

ниқса ўқитувчининг ярасини даволашда, парвариш қилишда асқотди. Бамисоли ҳамшира бўлди-қўйди.

Ирина чой келтирди. Тарас ҳаммадан олдин стаканга бирданнига тўрт чақмоқ қандни солиб, ҳовлиқиб чойдан хўплаган эди, оғзи куйди, ўрнидан туриб, югурганича эшикка чиқиб кетди. Орқасидан Серёжа ҳам чиқди. Боланинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб турган ўқитувчи Миша бобого бир қараб қўйди. Кўп ўтмай болалар киришди, ҳеч нарса бўлмагандай яна ўз жойларига келиб ўтиришди; оҳисталик билан чой ича бошлашди. Тараснинг чой хўплашига разм солиб ўтирган Иван Иванович мулойимлик билан ундан сўради:

— Отанг қаерда, Тарас?

Тараснинг кўзлари бир зум олайиб кетгандай бўлди ва пешанасида тер ялтиради. У қўққисдан берилган саволга нима деб жавоб қайтаришини билмай саросимага тушди, олдин Миша бобого, сўнгра Серёжага тикилди.

— Қамоқда, — деди шивирлагандай.

Орага жимлик чўкди.

— Ота учун бола жавобгар эмас, Тарас, — деди кекса ўқитувчи уни юпатиб, — Ватан олдида сенинг виждонинг пок бўлса бас.

Худди шу пайтда шарқ томонга учиб ўтган «Юнкерс»нинг ғув-ғулаган хунук овози эшитилди.

Ҳаммалари айвонга чиқишди.

— Бомбардимончи...

— Ун саккизта...

— Яна вайроналик! — Иван Иванович тобора дарғазоб бўларди.

— Яна ўлим, яна қон, лаънатилар... Мен сенга айтсам, азизим Ваня, ҳали қараб тур, ҳамма кирдикорлари учун немис-фашистлари тиз чўкиб жавоб берардилар, — деди Миша бобо.

II

Серёжа билан Тарас қишлоқнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтадиган катта йўл бўйидаги баландликда ўтириб, ўтган-кетган машиналарни томоша қилишарди. Томоша деб бўлармикан? Йўқ. Булар гўдаклик кўзларига томоша бўлиб кўринарди-ю, аслида кўнгиллари, диллари ғамгин, катталардек фронт ташвиши, юрт ташвиши билан банд бўларди. Акс ҳолда, томоша бўлганида лоқал унинг қувончи юзларида, кўзларида сезиларди. Қани улар?

Фронт Берёзовка қишлоғига яқинлашган сари машина ва от-араваларнинг қатнови кўпайиб қолди. Шу тобда Серёжа ана шу серкатнов йўлнинг ғарб томонида — жанг авжига чиққан жойларда меҳрибон дадажониси қонхўр немис-фашистларни қираётганини кўнглидан ўтказиб ўтирарди, фикри-ёди отасида эди. Тарас-чи? У ҳам отасини ўйлар, онасини кўз олдига келтирарди, ҳаммасидан ҳам ўқитувчининг сўзлари кўпинча уни ўйлантириб кўярди, эзарди, азоб берарди. Болаларнинг шу ҳолатларини томоша қилаётганлар ҳолатига ўхшатиб бўлармиди?

Шу пайтда йўлнинг нариги бетига юк машинаси келиб тўхтади, кабина эшиги очилиб, ундан қотмадан келган йигит ерга сакради. Қизил аскар кийимидаги бу йигит камарини ечиб, гимнастёркасини текислаб, бошқатдан боғлаб олди-да, атрофни кўздан кечирди, баландликда ўтирган болаларга кўзи тушиб, уларни ёнига чақирди. Серёжа билан Тарас юрганларича пастга тушиб, бир зумда қизил аскарга рўпара бўлдилар, олдинма-кетин салом бердилар. Юзлари қоп-қорайиб кетган, соқол-мўйловлари ўсган, кўзлари ич-ичига тушиб қизарган, қовоқлари салқиллашган шофёр йигит болаларнинг ёқимтой саломидан чеҳраси ёришиб, кулди, оппоқ тишлари ярқираб кўринди.

— Салом, — деди у болаларга бир-бир тикилиб, қўлини узатаркан.

Серёжа билан Тарас ҳам шофёрнинг бошидан оёғигача кўз югуртириб чиқишди. Эғнидаги терга ботган гимнастёркаси, эскириб кетган ботинкаси ва обмотка-

сини, кир босган пилоткасини кўриб, ҳам таажжубландилар, ҳам солдатга раҳмлари келди.

— Қишлоқнинг номи нима? — сўради шофёр болаларга мамнун илжайиб. Унинг садафдек тишлари қорайиб кетган юзларига ярашиб турарди. Серёжа олдинга бир қадам ташлаб, фахрланиб жавоб берди:

— Берёзовка!

— Есинларнинг уйи ҳам шу қишлоқдами?

Дадил туриб, мағрур жавоб берган Серёжанинг боши шилқ этиб тушди, ерга қараб қолди, гавдасиям букчайгандек бўлди.

— Есинларнинг уйи биринчи бомбардимондаёқ ёниб кетган, — деди Тарас ва у ҳам хомушланиб бошини қуйи солди.

Шофёр чаккаларидан, бўйинларидан оқиб тушаётган терни рўмолчаси билан артиб, сумкасидан олган хатнинг адресини ўқиди. Унда «Берёзовка, Анна Владимировна Есинага» деб ёзилган эди. Хатни ўқидию бошларини қуйи солиб турган болаларга ўйчан тикилиб қолди. Орага оғир сукунат чўкди. Болаларнинг маъюс ва ғамгинлигидан таажжубланган ва бу ҳолат бежиз эмаслигини фаҳмлаган шофёр мулоимлик билан сўради:

— Анна Владимировнани танийсизларми?

Серёжани электр токи ургандай бўлди, тишларини тишларига шундай қаттиқ босдики, ғижирлаганини ўзи эшитди.

— Серёжанинг онаси... — деди Тарас унга яқинлашиб, — бомбардимон вақтида ҳалок бўлган, айтдимку, уйлари ҳам ёниб кетган.

Шофёр дарҳол бошидан пилоткасини олиб, панжалари орасида ғижимлаганича Серёжанинг олдида бошини эгиб, бир зум туриб қолди, кейин унга чуқур таъзия билдирди:

— Серёжа, дўстим, — деди шофёр маъюс оҳанда ва тўхтаб қолди. У жуда кўнгли бўш, хушфёъл бўлганидан дарҳол хўрлиги келди, кўзёши томоғига тикилди, қанча ўзини босмасин, ўпкаси тўлиб келаверди, шунинг учун юрак сўзларини баён қилишга ҳам ожиз эди. Кечагина қон кечиб қуршовдан чиққан, неча бор ажалга тик келиб, чап бериб ўтган бу йигит бу ерга отланганида севимли командирининг оиласини хурсанд қиламан деган ниятда эди-ку. Бунинг ўрнига, Анна Владимировнанинг ўлими устидан чиқиб ўтирибди. Бу даҳшат уни ларзага солди, ўзи босиб ўтган қонли ва фожiali жангоҳини кўз ўнгидан ўтказди, ғазаб олови аланга олиб, ўртаниб ёнди, беихтиёр қўллари муштланди, кейин бирдан хўрлиги келиб, ўпкаси тўлди, бошини қуйи солганча бўғиқ овоз билан сўзида давом қилди: — Дўстим! Кел, танишайлик! Омонов бўламан. Даданг командирлик қилган ўқчи батальон кеча қаттиқ жанг билан қуршовдан чиқди. Қуршовдан чиқдию яна қулай маррани эгаллаб, фашистларга қақшатқич зарба бермоқда.

— Мени ҳам олиб кетинг, ўртоқ Омонов, илтимос қиламан, ёлвораман! — Шофёрнинг ўнг қўлидан ушлаб олган Серёжанинг илтижоли кўзлари жиққа ёш эди.

Омоновнинг бардоши етмади, боланинг кўзларига тик қаролмади, ўзини зўрға босиб, бошини қуйи солганча вазминлик билан сўради:

— Қаёққа олиб кетай?

— Дадамнинг олдига.

— Дадамнинг? Ахир, у олдинги маррада, ажал ёмири ёғилиб турган ўт-олов ичида жанг қиялпти-ку!

— Майли, дадамга ёрдам қиламан.

— Нима билан?

— ...

— Серёжа, дўстим! Олдинги маррада кечаю кундуз отишма, портлаш, жанг тинмайди, жуда хавфли, дўстим!

— Сиз учун, дадам учун, жангчиларимиз учун хавфли эмасми?

— Жуда хавфли, бироқ... — У Серёжанинг сап-сап, жингалак сочларини сийпалаб эркалади.

— Соғиниб кетганимни билсангиз эди... — Серёжа

хўнграб йиғлаб юборди. Омонов қанча юпатса ҳам бўлмади, бошини унинг кўкрагига қўйиб, пиқиллаб йиғлашда давом қилди. Омонов унга раҳми келди, юзларидан ўпиб:

— Мана, Серёжа, мана бу хат дадангдан! — деди.

— Дадамдан?... — У хатни олдию шофёрнинг чанг ва тер босган юзларидан қайта-қайта ўпди ва баттароқ унга ёпишиб қолди. «Дадамнинг олдига олиб кетасиз», деб қаттиқ туриб олди.

— Серёжа, дўстим! Мен кимман? Оддий бир жангчман. Ҳамиша буйруққа итоат қиладиган одамман. Бироқ, илтимосингни капитанга айтаман. Билиб қўй, олдинги маррага бориш болаларга қатъий ман қилинган... Менга қара, дўстим, ичадиган сув борми, томоғим қақраб кетди.

Омонов Серёжа билан Тарасни машинасига ўтказиб олди. Улар Миша бобоникига келишди. Табиатан сермулозамат Миша бобо Омоновни очик юз билан кутиб олди, меҳмон қилди. Дастурхон устида улар узоқ отамлашиб ўтиришди. Омонов фронтдаги аҳвол, қуршовдан чиқишдаги қаттиқ, даҳшатли жанглр тўғрисида, командирни — капитан Есининг маҳорати ва жасорати ҳақида гапириб берди. Иван Иванович уни саволга тутиб, фронтдаги аҳволни чуқурроқ билиб олишга интилди.

Сухбат давомида кекса ўқитувчи Омоновнинг ҳаракатлари, гапиришлари, рус тилидаги талаффузига зимдан разм солиб ўтирди. Қорамгағиздан келган юзлари, кулганида ярқираб кетадиган, бир текис садафдек тишлари, қоп-қора қуюқ қошларининг чимирлиши, қақнаган кўзларидаги зийраклик — булар ҳаммаси унга ўзининг йигитлик даврини эслатди. Шеробод чўлларида, ёзнинг ҳолдан тойдирувчи жазирамасида, Бойсун тоғ ораларида ўтган суронли йиллар, худди шу йигитга ўхшаган иссиқ юзли ўзбек, тожик жанговар дўстларининг самимийлиги, одамгарчиликлари бирмабир кўз олдидан ўтаверди. Бу йигит ҳам ўша томонлик, Қайроқсой сувини ичиб, Бойсун тоғларини кезиб катта бўлганлиги кўришиб турибди, бунни фамилияси ҳам айтиб турибди, бунисига шубҳа қилмасди Иван Иванович. Аммо ҳали бу тўғрида гап очгани йўқ, «Аввал фронт маълумотларини билиб олай, шуниси муҳим...», деган хаёл билан ўзини босиб ўтирарди. Уқитувчи яна шуни ҳам яхши билардики, қизил аскар дам олгани ё сайрга келганмас, вақти зик бўлиши керак. Худди ўйлаганидек, йигит безовта бўла бошлади, қариларининг ҳурматини сақлаб, бунни сездирмасликка уринарди-ю, кўзларининг бежоллиги билдириб қўярди. Иван Иванович дарров бунни илғаб олди.

— Ўғлим, айбга қўшмайсиз, исмингизни сўрамадим-а ?

— Бобоёр.

— Шошманг, шошманг... — Уқитувчи бир нарса эсига тушгандай, кўзларини йигитга тикканча хотирлай кетди. Миша бобо ҳам, болалар ҳам унга қараб қолишди.— Бу, бобо, деганингиз бува дейилганимиди?

— Ҳа, отахон. Қаёқдан биласиз? — қизиқди Омонов.

Болалар «Уқитувчимиз шунақа, билагон», деган маънода фахрланиб, бир-бирларига қараб олишди.

— Сал-пал билардим, қаранг, қарилик-да, ёддан кўтарилибди. Бобоёр, жуда чиройли исм. Ер дегани — бу ҳалиги... — чайналди ўқитувчи.

— Ер дейилгани — паноҳ, ҳамроҳ, мураббий бўлсин, дегани экан, бувим шундай дердилар. Бобонг ҳаммиша ёр бўлсин деб, шундай исм қўйдик деган эдилар. Амаки, сиз қаёқдан биласиз?

— Эй, тарихи узун, қанийди вақтингиз бўлса, тўйиб-тўйиб гаплашиб олардиг-а, афсуски... — Иван Иванович шу йўсин қўйнига қўл солиб кўрди-ю, йигитдан садо чиқмагач, уни ортиқ банд қилиш мумкинмаслигини фаҳмлади. — Аслида, Бобоёр ўғлим, бир чеккаси сизга ҳамюрт бўламан. Ҳаётимнинг навқирон йиллари Бойсун тоғларида ўтган.

— Бойсун?! — Бобоёрнинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди, қорачиқлари намланди, беихтиёр Иван Ивановични кучоқлаб олди. Боя, кўчада Серёжанинг кучоғидан қутулиш қандай қийин бўлган бўлса, ҳозир ўзи

нимжон ўқитувчини ҳеч қучоғидан қўйгиси келмасди.
— Бундан чиқди, босмачиларга қарши курашда бобомнинг командири, жанговар дўсти бўлгансиз? — дерди энтикиб Бобоёр.

— Шундай, бўтам, отлик аскарлар полкидан эдик. Бобонг қахрамонларча жанг қилиб, ҳалок бўлган.

— Бобомнинг қуролдош дўсти — бобомсиз, — дея бир нафас ўйга толди йигит.

Болалар ҳам, Миша бобо ҳам ҳайрон бўлиб, бақрайиб қолишганди.

Хийладан кейин даст ўрнидан турган Бобоёр гимнастёркаси, камарини текислаб, пилоткасини кийди, қарияларга ҳеч бериб, жиддий, қовоқлари уюлган ҳолда:

— Отахонлар, кетишга рухсат беринглар. Ортиқча қолишга ҳақим йўқ, — деди-да, автоматни елкасидан ўтказиб олди.

— Баракалла, азамат! — деб ўрнидан туриб кетди Иван Иванович. «Баракалла» сўзини у ўзбекча айтган эди. Бобоёр яна ўқитувчини беҳтнёр қучоқлаб олди. Бу гал унинг кўзлари ёшланди. Ўпкаси тўлиб келди. Болалар ҳам, Миша бобо ҳам қандай сўз айтилдию нега қизил аскар кўзига ёш олганини билишолмади.

Бобоёр ҳаммалари билан бирма-бир хайрлашиб, ташқарига чиқди, машинасига ўтираркан, Серёжанинг отасига ёзган хатини гимнастёркаси чўнтагига солди. «Эх, фронт, фронт... бирпас ўтиришга ҳам қўймадинг-а! Қандай яхши одамлар, ҳамқишлоқ эканмиз-а. Тилники шунчалик билган одам, танишлари ҳам бордир. Нега сўрамадим-а?»

Машина қушдай учиб борар, Омоновнинг хаёллари эса қишлоғи, она юртига ундан ҳам тезроқ учиб борарди.

Катта кўчада машина тугул, унинг гилдирагидан чиққан чанг босилгунча қараб қолган болалар Омоновга ҳаваслари келиб, ўйга қайтишди. Боболарнинг суҳбатига ҳалақит бермай, нариги хонага киришди.

— Биласанми, фронтдаги аҳвол жиддий, — деди Иван Иванович Миша бобога маънодор тикилиб.

— Мен сенга айтсам, азизим, душманнынг ерда ҳам, осмонда ҳам биздан қўли баланд, — деди Миша бобо унга жавоб қайтариб. — Бироқ бу вақтинчалик гап. Бизникилар яқин орада устунликни қўлга олишларига имоним комил. Аммо, одамларимиз, совет кишилари-чи, азизим... Мана, биттасини кўрдинг. Ҳозир дўзахдан чиқиб келган-у, бирпас ўтира қолай, демайди-я! Нега? Ярим жон бўлиб, нега сен тинмаётибсан? Нега Серёжа фронтга бораман, дейди? Болалик, шўхлик қилибми? Йўқ, уруш буларни бирдан улғайтириб қўйди.

— Тўғри, Миша... — деганча хаёл сурарди Иван Иванович. — Қани неваранг, чақир, хатни ўқиб берсин.

Есин уруш бошлангидан бир йил бурун ҳақиқий армия хизматида қақирган бўлиб, унгача Берёзовка қишлоғидаги колхозда бош агроном эди. Урушдан бурун ундан тез-тез хат келиб турарди, уруш бошландио хат-хабар узилиб қолди. Мана бу унинг биринчи хати эди. Серёжа боя учбурчак қилиб букланган конвертни очиб кўргандаёқ, «Ҳа, дадамнинг қўллари», дея дарров таниб ҳаяжонга тушган эди. Хат қалам билан, шочиё ёзилганлиги сезилиб турарди.

Серёжа хатни тўлқинланиб ўқиди:

«Анечка, Серёжа, Ирочка! Бугун фронт бўйлаб мисли кўрилмаган миқёсда шиддатли жанг бормоқда. Мен командирлик қилаётган батальон олдинги маррада. Жангчиларимиз ичида кўпни кўрган тажрибали кишилар ҳам, кечагина қақирилган қалби олов ёшлар ҳам бор. Она юртимизнинг ҳар бир қаричи учун жанг қилмоқдамиз. Ҳа, оғир пайт. Тиш-тирноғигача қуролланган жаллод юртимизга бостириб кирган экан, ҳар бир инсон фронт учун, ғалабамиз учун мардонавор курашмоғи лозим. Энди каттаю кичик ҳар бир киши ўзини фронтга сафарбар деб эълон қилмоғи ва ҳар кунни ўзидан, бошқалардан «Фронт учун бугун нима қилдинг!», деб сўрамоғи лозим.

Энди сизлар ҳам, бизлар ҳам қонли урушнинг бе-шафқат, қаттиқ қонунлари асосида яшаймиз. Йиртқич

босқинчининг боши мажақланади. Тарихий ғалабага албатта эришамиз. Хайр, Анечка, Серёжа, Ирочка, сиҳат-саломат дийдор кўришайлик! Миша бобога салом айтинглар».

Хат тугагач, орага жимлик чўқди. Фақат эшик орқасида Ирочканинг пиқ-пиқ йиғлаётгани эшитиларди, холос. Серёжа ўзига тикилиб турган Иван Ивановичга кўзи тушиб, унга яқинлашди, хатни ҳурматли ўқитувчисининг қўлига берди. Иван Иванович уни ичида ўқиб чиқди. Ғамгин ва ташвишли чеҳраси тағинам жиддийлашди, олдин Миша бобога, кейин болаларга бир-бир қараб олди.

— Биласизларми, ҳақиқий инсон, — деди у бошини кўтариб, — чин ватанпарвар, жасур жангчи бўлмоғи лозим. Биз ҳамқишлоғимиз Есин Қизил Армиямизнинг муносиб командири бўлиб етишгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Командирнинг бу хати ҳаммамиз учун жанговар чақириқ, ҳаммамизга қаратилган мурожаатдир. — Иван Иванович бир дақиқа ўйланиб қолди, кўнглидан қандайдир фикрлар ўтарди. У олдин Серёжага, сўнг Тарасга маънодор тикилди. — Марҳамат, Сергей Есенин! — Хатни Серёжага узатаркан, жиддий қиёфада бир нимадир демоқчи бўлди-ю, афтидан, даврада Тарас ўтиргани учун гапни бошқа томонга буриб юборди.

Бундан икки йил бурун мактаб клубида Улуғ Октябрнинг шонли 22 йиллиги муносабати билан бўлган тантанали мажлисда ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар қатнашган эди. Мажлис охирида мактаб ҳаваскорлари катта концерт кўрсатишди. Концертда Серёжа Сергей Есениннинг «Тонгда мени уйғот, онажон» шеърини берилиб, овозини гоҳ баландлатиб, гоҳ шивирлагандай пасайтиб, ифодали ўқиб берди. Саҳнанинг ўртасида туриб, бошини баланд кўтариб, сатрлар маъносига монанд ҳаракат қилишлари — гоҳ илжайиб, гоҳ жиддийлашиб, гоҳ ёришиб, гоҳ қўлларини баландга кўтариши, қулочкашлаб, кейин бағрига олаётгандаги ҳаракатлари бутун зални ўзига маҳлиё қилиб қўйган эди. Шу залда ҳаяжон билан ўқилаётган шеърнинг охириги сатрлари айниқса таъсирли жаранглади:

**Мени сахар уйғот, онажон,
Чироқларни ёқиб қўй ҳозир.
Дейдиларки, бўлмоғим аён
Россияда шўхратли шоир.**

Серёжа шеърни тугатдию залда гурр этиб кўтарилган қарсақ садоларидан гангиб қолди, қарсақ ҳадеганда босилмади, қий-чув, ҳатто қичқирган, ҳуштак чалган овозлар эшитилди. Анчагача ўзига келолмаган Серёжа «Қочиб қутулмасам бўлмайди», дедими, ҳар қалай, биров қувлагандек чопқиллаб, саҳнадан тушиб кетди. Унинг бу ҳаракати гурр кулги кўтарди, дадаси билан онасининг ўртасига келиб ўтирганда ҳам зал тинчмаган эди. Шу-шу бўлдию уни мактабда ҳам, қишлоқда ҳам «Сергей Есин» эмас, «Сергей Есенин» деб чақирадиган бўлишди. Узи ҳам кўринишдан Сергей Есениннинг ёшлигига ўхшаб кетарди. Қадди-жомати келишган, тўлагина, ўрта бўйли, юзларидан нур томарди. Жингалак сочлари ҳам Сергей Есенинникига ўхшаш қалин ва сап-сарик, худди телпак кийгандай кўрнарди. Мактабдаги ўқитувчилар уни Сергей Есениннинг ёшлигига ўхшатсалар, улуғ шоирнинг ҳаётини ва ижодини чуқур билган Иван Иванович уларга эътироз билдирарди:

— Шоир ёшлигда шўх ва уришқоқ бўлган. Сергей бўлса мулойим, босиқ, мўмин. — Иван Иванович севимли ўқувчисининг характери шоирниқидан бутунлай фарқ қилишини исботлаб берарди.

Кекса ўқитувчи ҳовлига чиқмоқчи бўлиб энди ўрнидан турганда осмон гумбуллаб кетди. Яна фашист қузғунлари учиб келди. Бир зумда қишлоқни ҳам, катта йўлда бораётган машиналарни ҳам, жангчиларни ҳам бомбардимон қила бошлади, ўққа тутди. Яна вайронгарчилик, яна ўлим, яна ёнғин... Шу пайтда ташқарида Ирнининг қичқирган овози эшитилди:

— Мактабимиз ёняпти!

Ҳамма эшикка чиқди. Иван Иванович билан Миша

бобо каттау кичик қишлоқ аҳолисини ўт ўчиришга чақирди. Улар мактаб томон югурдилар. Серёжа билан Тарас ҳовлидаги пақирларни кўтариб, уларнинг орқасидан қолишди. Улар қарсиллаб ёнаётган мактаб биносига етиб боришганда қишлоқ болалари ҳам йиғила бошлаган эди. Серёжа уларни ёнма-ён тургазиб, дарё қирғоғига туширди. Бир неча дақиқа ичида дарё билан мактаб ўртасида икки қатор болалар тизмаси пайдо бўлди. Дарёдан олинган сув қўлма-қўл узатилиб турди. Ўтга сув сепиш ишини катталар бажарар, бўшаган пақирлар иккинчи қатордаги болалар қўлидан ўтиб, кўз очиб юмгунча дарё бўйига етиб борарди.

Иван Иванович касалини ҳам, ярасини ҳам унутиб, ўт ўчирадди. Миша бобо бўлса, «тезроқ-тезроқ» дея бақариб-чақариб, ҳаммани шоширар, ғайратга соларди.

Шарқ томон учиб ўтган самолётлар орқаларига қайта бошлади. Энди улар қишлоқ устига келганда пастлаб, ўт ўчираётган одамлар устига пулемётлардан ўқ ёғдирарди. Бу сафар уларнинг орқасидан бирорта ҳам самолётимиз қувиб келмади. Қўли-қўлига тегмай ўт ўчираётган, фикри-хаёли осмонда бўлган Серёжа бу ҳолатни сезди ва ич-ичидан ўртаниб кетди, аламини ўтдан олмоқчидай, пақирлаб сув сепарди, ўт ўчиришдан тўхтамасди.

Ёнғинни ўчириш анчагача давом этди. Иван Иванович пешанасидан оқиб тушаётган терни артишга ҳам дармони етмай, Серёжа тўнтариб қўйган пақирнинг устига ўтирди. Шу пайтда пастдан, дарё томондан Иринанинг чинқирган овози эшитилди:

— Тарас ўляпти!

Ранглари ўчиб кетган, чарчаб ҳолдан тойган Иван Иванович сапчиб ўрнидан туриб кетди, Серёжага деди:

— Югур, болам, ёрдам қил!

Серёжа шамолдай учиб пастликка тушиб кетди, бир зумда ҳушидан кетган Тараснинг ёнида пайдо бўлди. Пулемётлардан ёмғирдай ёққан дайди ўқлардан бири Тараснинг курагини тешиб, кўкрагидан чиқиб кетган эди. Иринанинг айтишича, у ўқ тегиши биланоқ кўм устига ўтиргану кўзлари пирпираб, бошлари чайқалиб турган-да, шилқ этиб орқасига йиқилган ва ҳушидан кетган. Ёнида турган Ирина жонҳолатда юзларига сув селса ҳам Тарас кўзларини очмаган. Шундан сўнг кўрқиб кетган қиз овозининг борича, йиғи аралаш «Тарас ўляпти», деб чинқариб юборган.

Тараснинг тепасига йиғилган болаларнинг ҳам, катталарнинг ҳам кўзларида қаҳр-ғазаб ёши йилтираб турарди. Миша бобо билан Иван Иванович дархол етиб келишди, Тараснинг кўйлагини йиртиб, ўқ тешиб чиққан жойини авайлаб кўришди. Иван Иванович енгини шимариб, тирқираб оқаётган қонни тўхтатишга уринди.

— Биласанми, ўқ суякни тешиб ўтган, — деди Иван Иванович, қонга беланган ўнг қўли билан боланинг бўйнидан ушлаган ҳолда. — Миша, сен гавдасини кўтариб тур, мен яраларини боғлайман, қон кетиши тўхтайдди.

Тарасни кўтариб олган Миша бобо олдинда борар, унинг ёнида одимлаётган Иван Иванович боланинг юзларига қараб-қараб қўярди. Серёжа билан Ирина ва бир тўда болалар уларнинг орқасидан боришарди. Миша бобо Тараснинг онаси қаттиқ юрак касалига дучор бўлиб, оғир аҳволда ётганидан болани ўз уйига олиб келди.

Иван Иванович билан темирчи Тараснинг ярасини боғлаб, ётқизиб, эшикка чиққанларида ҳовли тўла болаларни кўришди. Улар бошларини қуйи солиб, шундай бир шикаста, мотамсаро ҳолатда сукут сақлаб туришардики, уларга бефарқ қараб бўлмасди. Улар, мана шу болалар — кечаги ўқувчилар, ўйинқароқ ўғил-қизлар эмас, бирдан улғайиб, вояга етиб қолган, болалик, шўхлик, ўйинқароқликни ғазаб-нафратга, матонат-жасоратга, садоқат-фидойиликка айлантирган йигит-қизлар эди. Тараснинг соғлиги тўғрисида қайғуриш уларни бир жон, бир тан қилиб жипслаштирган эди. Бу ҳол кекса ўқитувчини қаттиқ ҳаяжонга солди, тўлқинлантириб юборди. Талабалар тўдасида курсига ўтирди, кўйлагини, енгларининг тугмасини солди, ўзини салгина босиб ол-

гандан сўнг чуқур ух тортиб қўйди. Болалар унинг оғзини пойлар эдилар.

— Тарас яшайди, — деди у ўнг қўлини кўтариб ва яна нимадир демоқчи бўлди-ю, кўнгли бузилиб кетди. бир оз нафасини ростлаб, ўзига келгач, сеvimли ўқувчиларига насиҳат қила бошлади: — Азиз ва ширин болаларим, содиқ дўстларим! Биласизларми, эҳтимол, бугун сизлар билан охириги марта юзма-юз ўтириб суҳбатлашаётгандирман. Эҳтимол, эртага ёки индинга бундай учрашув шарафига муассар бўлолмасмиз. Ланати немис-фашистлари она юртимизга кўққисдан бос-тириб кирди. Бостириб кириши биланоқ, бахтли болалигини қонга белади, ширин турмушимизга оғу солди, шаҳар ва қишлоқларимизни вайронага айлантирди, элимизга қирғин олиб келди. Бугун жонажон мактабимиз бомбардимон қилинди. Шуни билинглар ва унутмангларики, уруш оловини ёққанлар ўзлари ана шу оловда куйиб кул бўладилар, фашизмнинг ҳалокати ана шу бўлади. Адолатнинг ҳукми, тарихнинг ҳукми шу! Менинг содиқ дўстларим! Ғайрати зўр, ақли расо, иродаси кучли, виждони пок кишилар илчиллик билан охиригача курашиб, олий мақсадга эришадилар. Аксинча, ичи бўш, иродасиз кишилар биринчи зарбадаёқ дарҳол чекинадилар, таслим бўладилар. Биласизларми, немислар бизларни ҳам худди шундай бир зарбадаёқ таслим бўлади, деб ўйладилар ва шу билан катта хатога йўл қўйдилар. Совет кишининг табиатини, маънавий қиёфасини, метин иродасини билмадилар. Бизнинг халқимиз охиригача курашадиган ва ғалаба қиладиган халқ. Ленинча авлоднинг табиати шундай, дўстларим! Биласизларми, яқинда фронтдан келган бир мактубни ўқидим. Унда Серёжанинг отаси, Қизил Армия командири капитан Есин «Энди каттау кичик ҳар бир киши ўзини фронтга сафарбар деб эълон қилмоғи ва ҳар кунни ўзидан, бошқалардан, фронт учун бугун нима қилдинг, деб сўрамоғи лозим. Энди сизлар ҳам, бизлар ҳам қонли урушнинг бешафкат қаттиқ қонунари асосида яшаймиз. Йиртқич босқинчининг боши мажақланади, тарихий ғалабага албатта эришамиз», деб ёзган. Биласизларми, ҳамқишлоғимизнинг бу хати оддий бир хат эмас, балки ҳаммамизга қаратилган оташин қақирқ, жанговар нақаздир. Шунинг учун ҳам, содиқ дўстларим, немис-фашист йиртқичларга қарши шундай кураш очайликки, токи она тупроғимиз озод бўлсин, ер юзида уруш ва фашизмдан асар ҳам қолмасин. Урушни ғолибона тамомлаб, сизлар билан, сеvimли дўстларим, ёруғ юз билан, пок виждон билан кўришишни ич-ичимдан умид қиламан!

Тараснинг муқаддас қони тўкилган кунда болалар бошларини баланд кўтарган ҳолда сеvimли ўқитувчилари билан хайрлашдилар. Устозининг ва фронтнинг олдинги марраларида жанг қиладиган Қизил Армия командирининг оташин нақазларини дилларига жо этиб, ич-ичларида охиригача курашишга қасамёд қилдилар.

III

Кунлар ҳаддан ташқари қизиб борарди. Бугун ҳам қуёш эрталабданоқ олов сочиб чиқди. Ҳаво дим бўлди. Қуёш кўтарилган сари ҳарорати ҳам кучайиб борди. Туш вақтида эса, худди Берёзовка қишлоғи устига келиб таққа тўхтагандай, ҳамма нури ва ҳароратини шу қишлоққа инъом этаётгандай туюлди. Ҳаво ҳаммомдай қизиган, нафас олиш оғирлашарди. Бунинг устига кўлдан буён ёғингарчилик ҳам бўлгани йўқ. Оқибатда у ер-бу ердаги майсалар, ўтлар саргайдди, барглар сўлиб, қовжираб, қайин дарахтларининг ости хазон билан қопланди.

Серёжа билан Ирина ўрмон ичидаги ёлғизоёқ йўлдан боришаркан, бутун вужудлари терга ботган, кўйлаклари жалада қолгандай ҳўл эди. Ака-ука ўрмон кезиб, колхоз раиси Шаховни ахтарар эдилар. Серёжа ҳам, Ирина ҳам юра-юра ҳориб-чарчашди. Куннинг иссиғидан, ҳавонинг димлигидан, ҳаддан ташқари

узоқ йўл босиб ҳолдан кетганликларидан тиллари оғизларига тикилиб, нафас ололмай, кўзлари тинарди, гандираклаб боришарди. Юриш тугул, қимирлашга мадорлари қолмаган эди-ю, муҳим жанговар топшириқнинг жавобгарлик ҳисси уларни ушлаб, суяб борарди. Ахир, улар яширин партия ташкилотининг топширигини биринчи марта адо этишлари, бу ҳазилакам иш эмас, албатта.

...Кеча кечқурун улар қишлоқ Советининг секретари Васильевнинг уйига боришганди. Бу ерда Иван Иванович билан бирга колхоз шофёри Мартинов ҳам ўтирарди.

Серёжа ҳам, Ирина ҳам Васильев амакини яхши билишарди. Бутун қишлоққа таниқли одам у. Секретарлигидан ҳам кўра граждандар урушида қатнашгани, ёш совет давлатини ҳимоя қилишда фидойилик кўрсатганини кўпроқ ҳурмат қилишарди. Самара яқинида бўлган шиддатли жангларда ротага командирлик қилган капитан Васильев оғир ярадор бўлиб, икки оёғидан айрилган эди. Ёғоч оёқда юрарди. Яқинроғида бораётган одам ёчирлашидан сезмаса, билмаганлар ёғоч оёқлигини пайқамасди ҳам; фақат сал салмоқланиб, бамайлихотир одимлаётгандай қадам ташларди, холос. Аммо ўзи серғайрат, ҳар қандай ишни тез бажарар, шошиб-шошиб гапирарди. Ёши анча жойга бориб қолган бўлса ҳам, қоп-қора жингалак сочлари, қотмадан келган юзлари, ҳамиша чақнаб ва кулиб турган кўзлари, қолаверса, доим гимнастёркада юриши уни анча ёш қилиб кўрсатарди.

Колхоз шофёри Мартиновнинг хотини оғир оёқли бўлиб, яқин кунларда кўзи ёриши муносабати билан, партия ташкилотининг алоҳида топшириғига биноан у қишлоқда қолдирилган эди.

Хонага киришлари билан салом бериб, остонада ёнма-ён қимир этмай туриб қолган Серёжа билан Ирнининг юраклари дук-дук ура бошлади. Яширин партия ташкилоти деб номланган мўтабар ва шу билан бирга ниҳоятда сир сақланадиган бу даргоҳнинг ҳам, унинг раҳбарларининг ҳам салобати босиб турарди. Орада оғир ва қандайдир сирли сокинлик ҳукмрон эди.

— Чақиртирган экансиз, Васильев амаки, келдик, — деди дедил Серёжа.

— Баракалла! — деди кескин ва шиддатли оҳангда Васильев ва столдаги шамни қўлига олиб, болаларга яқинлашди:— Партизан бўлишдан кўрқмайсизларми?

Серёжа кўққисдан берилган бу саволга нима деб жавоб беришни билмай, олдинига Иринага, кейин Иван Ивановичга қаради. Бир дақиқалик сукунат орасида ақли-хушини йиғиб олгач, ёқасининг тугмасини солиб, ғоз туриб жавоб берди:

— Йўқ!

— Эндиликда ҳаммамиз, капитан Есин ёзганидек, фронт ишига сафарбармиз. Катталар ҳам, болалар ҳам! Мана, партизанларимизнинг қасами, ўқинглар.— Секретарь қасам ёзилган варақни Серёжага узатди. Болалар қасамномани ўқиб бўлишгач, Васильев жиддий қиёфада деди:— Қасамни бузганлар уруш даврининг бешафқат қаттиқ қонуни асосида жазоланади.

Болалар яна бир-бирларига қараб олдилар.

— Ушбу қасамга содиқмиз! — дейишди Серёжа билан Ирина.

— Шахов билан алоқа боғлаш зарур. Бу иш сизларга топширилади.

— Топшириқни бажаришга тайёрмиз!

Ака-уканинг овозлари илгари машқ қилиб олгандай, баб-баробар жаранглаб эшитилди. Бу жарангдан шамнинг учи ҳам липиллагандай бўлди, ўтирганлар бир-бирларига мамнун қараб олишди.

Улар бир оз дам олгач, ташқарига чиқиб, қоронғилик кўйига шўнғиб кетишди. Ёнма-ён боришаркан, деярли гаплашишмасди-ю, бари бир ўй-фикрлари битта эди: қасамга садоқат, фронт ишига сафарбарлик, метиндек ирода!

Шу хаёллар билан қандай қилиб уйларига етиб келганларини, қандай қилиб ечиниб ётганларини бил-

май қолдилар. Назарларида, ёстиққа бош қўйишадияу қотиб ухлаб қолишадигандай туюлган эди. Ундай бўлмади. Серёжа ҳам, Ирина ҳам қаттиқ ҳаяжонда эди. Уйку келмади, тонг отгунча мижжа қоқмай, хаёл дарёсига ғарқ бўлдилар. Хавфли ва нозик топшириқлар, жанговар буйруқлар, буюк ишонч... Буларнинг уддасидан чиқиш масъулияти, охири нафасгача Ватан ишига содиқ бўлиш... Серёжа оҳиста ўзича гапирди: «Капитан Есин! Биз, Сизнинг болаларингиз, Сиз кўрсатган йўлдан боришга олт ичдик. Шаънингизга доғ туширмаймиз. Пионерлик бурчини, партизанлик бурчини охиригача адо этамиз». «...охиригача адо этамиз», деди ёнида ётган Ирина ҳам дадил.

Берёзовка сигирлари районда ҳам, областда ҳам, ҳатто республикада ҳам ўзининг зотдорлиги ва ҳаммишлиги билан ном қозонган эди. Сутчилик фермаси колхознинг ҳам, қишлоқнинг ҳам, қолаверса, раис Шаховнинг ҳам фахри ва ғурури эди. Шахов фермадаги илғор иш методлари тўғрисида катта-катта маъракаларда мароқ билан сўзларди. Ҳатто 1940 йилда Москвада, Қишлоқ хўжалик кўргазмасида ҳам колхоз фермаси биринчи мукофотга сазовор бўлди. Раис Ленин ордени билан тақдирланди. Уруш бошланиб кетгач, Шахов ўзи тўғрисида эмас, сутчилик фермаси тўғрисида қайғурди. Чунки қишлоқдаги каттаю кичик ҳаммаининг турмушини фаровон қилган ҳам шу ферма.

Немис-фашист босқинчилар чигирткадек гала-гала бўлиб, шаҳар ва қишлоқларимизни бирин-кетин ишғол қилгани, кўшни районгача етиб келганини эшитган Шахов зудлик билан колхоз активларини чақирди.

Немислар босиб олинган қишлоқлардаги ҳамма зотдор сигирларни Германияга олиб кетаётганлари тўғрисидаги хабар халқ ичиде тарқалиб кетган эди. Шахов бу тўғрида активларга уқтириб, «Немис-фашистлар Берёзовкадаги сигирларни эмас, унинг тезагини ҳам ололмайдилар», деди ғазабкор, қўлларини мушт қилиб.

Шахов эрталаб қоқ саҳарда сигирларни узоқ ўрмон ичкарисига ҳайдаш зарурлигини айтди.

— Бу ўрмондан фашист тугул, бўри ҳам кўрқадим, — деди сўзини якунлаб.

Тонг отганда колхознинг барча сигирлари фермадан ўрмонга ҳайдалган эди. Колхоз активлари ҳам раис бошчилигида бир кечада кўздан ғойиб бўлган эдилар.

Босқинчилар қишлоққа яқинлашиб қолганидан зудлик билан эҳтиёт чораларини кўрган яширин партия ташкилоти Серёжа билан Ирнини чақиртириб, уларга раис билан алоқа боғлаш, ундан зарур маслаҳатни сўраб келишга жўнатган эди.

...Кўёш ҳарорати тобора забтига оларди. Бирпастина ўтириб нафас ростлаб олгач, яна йўлга тушишди. Сал ўтмай, селгиган кўйлаклари яна нам бўлди, қавариб кетган оёқлари энди бадтар зирқираб оғирди. Шундай бўлса ҳам, муҳим топшириқни адо этиш масъулияти ғолиб келарди.

— Тарас соғайиб кетармикан? — сўради Ирина йўл ёқасидаги майса устига беҳол чўзилиб. У қайин дархатларининг шохларига термилиб, дўстини ўйларди. Пулемёт ўқи курагидан тешиб, кўкрагидан чиқиб кетган вақтдаги ҳолати, бир зумда ранги қув ўчиб, шилқ этиб йиқилгани кўз олдида гавдаланарди. Фикри-зикри, бутун вужуди зарур ва хавфли топшириқни бажариш ташвиши билан банд бўлган Серёжанинг аччиғи чиқди:

— Ҳозир Тарасни ўйлайдиган вақтми!

— Нима-е, шунчаки сўрадим-да.

Серёжа қанчалик кўрслик билан қаттиқ жавоб берган бўлса, Ирина шунчалик мулойимлик билан гапирди:

— Сенга қанчалик қалтис иш топширилганини биласанми ўзинг, йўқми?

Ақасининг аччиқ устида берган даккиси Иринага оғир ботди. У қоғоғини солиб олди, ақасидан хафа

бўлди. Уртага жимлик чўкди. Серёжа сукунат ичида Васильев қўлга тутказган қасамёд тўғрисида, топшириқни бехатар бажариш тўғрисида ўйларди. «Бу кўзикорин ёки малина теришмас, — деди ўзича, қўлидаги саватчага тикилиб, — балки махфий жанговар топшириқни бажаришдир. — Серёжа колхоз раиси Шахозни ўйлай бошлади: — У Халхин-Голдаги урушнинг иштирокчиси, коммунист. Балки у сигирларни сақлаш билан бирга партизан отряди ҳам тузгандир. Ким билсин, олдинги марраларда жанг қилаётган қисмларимизга ҳам ёрдам бераётгандир. Партия ташкилотики, у билан алоқа боғлашга шунчалик аҳамият бераётган экан, демек, Шахов жуда муҳим ишга бошчилик қилмоқда. Буни сир, ҳарбий сир!»

Шу пайтда ўрмон ичида ўтлаб юрган отга кўзи тушдию ялт этиб синглисига қаради.

— Балки отга минарсан?
— Ўзинг минақол!
— Оёқларинг қавариб кетди-ку?
— Ўзингни оёғинг қавариб кетган.
— Сенга нима бўлди, Ирина?
— Сенга нима бўлди, Сергей?
— Хафа бўлдингми?
— Катталингга ишониб, кўпам талтаяверма.
— Талтайганим йўқ-ку...
— Топшириқ хавфли, топшириқ қалтис, буни мен сендан яхшироқ тушунаман ва сендан яхшироқ бажарман.

Ирина сакраб ўрнидан турдию оёғининг зирқираб оғриётганини писанд қилмай, шахдам қадам ташлаб кетди.

Серёжа отга алаҳсиб қолган эди. «Эҳтимол, раис шу томонлардадир, от ҳам колхозникидир». У отга тикилиб туриб, ундан анча нарида ўтлаб юрган ола-була бузоққа кўзи тушди. «Отни-ку таний оламидим, балки бузоқ колхозникидир, ахир, сигирларимиз ҳам шунақа ола-була-ку», кўнглидан ўтказди Серёжа.

Шу пайтда дарахтнинг устида ниманингдир шарпаси эшитилди. Ирина кўрққанидан қичқириб юборди, қизнинг бутун вужуди электр токи ургандай зириллаб кетди, у кўзини чирт юмиб, ўрмалаган ҳолда буталар ичига кириб кетди.

— Каламушинг ўзи экансан-ку, — деди дарахт устидан сакраб тушган йигит.

Қадди-қомати келишган, юзлари оппоқ, соқоллари олинган, кўзлари кўм-кўк бу йигит шапқасини бостириб кийиб, чит кўйлагининг тугмаларини томоғигача қадаган эди. У қизга қараб кулиб турарди. Ирина ўтирган жойида бошини кўтариб, йигитнинг этигидан то шапқасигача кўздан кечирди.

— Ўзингиз каламуш, — деб жавоб берди-да, шартта ўрнидан турди ва тўрт томонга аланглаб, акасини қидирди. «Наҳотки, у қочиб кетган бўлса, йўғ-эй, мени ташлаб кетармиди», кўнглидан ўтказди Ирина қадди-қоматини ростлаб, кўйлаklarини қоқиб, у ёқ-бу ёғига қараркан. Сўнг дарахтдан тушган йигитга дадил хўмрайди:

— Ерда жой қуриганмиди, нега дарахтнинг устига чиқиб олдингиз? Ўзингиз кимсиз?

— Яна саволлар борми?
— Кимсиз?
— Ўзинг кимсан, қизим?
— Ирина... — У ерга қаради.
— Акангнинг оти нима?
— Серёжа! — Қиз овозининг борича қичқириб, акасини чақирди.

Буталар орасидан бошини кўтарган Серёжа синглисига қараб, «Бақирма!», деб жеркиди-да, чап қўлида саватчасини кўтариб, номаълум йигитга яқинлашди. Ётсираб турган Серёжага шу заҳотиёқ ҳамма нарса ойдинлашди; уларнинг суҳбати узоққа чўзилмади. Йигит Ирина ҳам, Серёжа ҳам агроном Есиннинг болалари эканини дарҳол таниган эди.

Болалар икки жойдаги ана шундай дозордан ўтиб, Шаховнинг қаршисидан чиқашди. Ҳарбийча кийиниб, белини камар билан боғлаган, сочлари бежирман та-

ралган Шахов яшариб кетгандай кўринди кўзларига. У болаларни илиқ кутиб олди-да, ертўлага бошлаб кирди. Дастурхон ёздириб, меҳмон қилди.

Болалар ҳамма нарсага тез кўниканиданми, ёки раиснинг салобати босибми, ё топшириқнинг (энди бажарилган биринчи топшириқнинг деса бўлади) бажарилишини писанда қилмаслик учунми, ҳар қалай, икковлари ҳам йўлда чеккан азобларини, ҳолдан тойгунча чарчаб, оёқлари зирқираб оғриганини сездирмасликка уринишарди. Қоринлари очган бўлса ҳам, ўзларини сипо тутиб еб-ичаётганларини Шахов зимдан сезиб ўтирди. Бир чеккаси болалар ўзларини катталардек жиддий тутишларидан фахрланди. Ора-сиря: — Қани, тортинмасдан энглар, қоринни тўйгазинглар, — дер ва топшириқни тушунтирарди.

Саҳар салқинида йўлга чиққан болалар кун оққанда кўзиқорин, малина ва турли хил мевалар билан тўлдирилган саватчаларини кўтариб, қишлоққа кириб келдилар. Икковлари ҳам бир кеча-кундузда қишлоқ кўчаларида ярадорларни ортган машиналар, от-аравалар шунчалик кўпайиб кетганини, йўлнинг ҳов нариги томонидан иккита палатка қурилганини, оқ халатли доктор ва ҳамширалар югуришиб юрганларини кўриб ҳайрон қолишди. Фронт Берёзовкага яқинлашиб келаётгани сезилиб турарди. Тўхтовсиз отилаётган тўп ва пулемётларнинг овози худди дарёнинг нариги қирғоғидан эшитилаётгандек туюларди. Серқатнов катта тош йўлнинг бир томонидан тўхтовсиз визиллаб ўтаётган машиналар, йўл чеккасида бораётган от-аравалардан кўз узолмай, ваҳима ва ҳаяжонга тушган Иррининг қаршисида оқ талат кийган, сап-сарик жингалак сочлари юзларига тушган, кўм-кўк кўзлари кулиб турган жувон пайдо бўлди.

— Салом, — деди Ирина худди эски танишлардек, жувонни кимгадир ўхшатиб. Қадди-қомати келишган, кийимлари ўзига ярашган жувон ҳамон қизга тикилган ҳолда кулиб турарди. Ирина нима дейишини билмай, саватчасини унга тутди:

— Олинг, малинадан татиб кўринг.
— Раҳмат.
— Олинг, олақолинг...

Бир-икки дона малинани олиб, қизнинг кўнгли учун оғзига солди жувон.

— Мунча чиройлисан, қизим?
— Ўзингиз чиройлисиз.
— Отинг нима?
— Ирина.
— Отинг ҳам чиройли экан.

Она меҳридан бевақт жудо бўлган кўнгли ярим қиз юмшоқ ва ёқимли сўзлардан эриб кетди-ю, шу заҳотиёқ хушёр торгандек ўзини тутиб олди-да, дилига жуда ҳам ёқиб қолган, истараси иссиқ жувонни уйига меҳмонга таклиф қилди.

Жувон қизнинг гапини икки қилмади. Қалин ва жингалак сочларини орқасига олиб ташлади-да, камарини сиқиброқ боғлаб олиб, беихтиёр «хўп» дегандай кўзини қисди. У ҳозир жуда соғинган ўз қизини кўриб, уни бағрига босгандек бахтли эди, ихтиёрини ҳам унга бериб қўйганди. Шу вайдан ҳам оналик соғинчи ҳарбий интизом қондаларидан устун чиқди.

Улар ёнма-ён борнишаркан, жувон бурро-бурро сўзлайдиган қизни гапга тутарди. Боя «Чиройлисан», деганида талтайиб кетмай шартта «Ўзингиз чиройлисиз», деб дадил жавоб бергани унга жуда ёқиб қолган эди. Ҳозир ҳам қиздан нима сўраса, ўзи ҳақидамас ўртоғи Тарасга меҳрибонлиги, куйиниб, ачиниб гапириши жувоннинг меҳрини тағинам ошириб юборди, яна қизини эслатди. Ирина Тараснинг ярасини айтиб, даволашга маслаҳат сўради. Жувон уйга кириши биланоқ қўлларини совунлаб ювиб, бажонидил ишга киришиб кетди. Тараснинг яраларини спирт билан тозалаб, дори қўйиб, яхшилаб боғлади. Иринага нималар қилишни тушунтириб, анчагина пахта, бинт, дори-дармонлар қолдирди.

Кетма-кет кириб келган Серёжа қўшни хонада босқиннинг дўриллаган овозини эшитдию кирмай кўя-

қолди. Ирина ҳамшира билан овора экан, у чой қўйиб, дастурхон тузаган эди.

Улар стол ёнига ўтириб, энди чой ича бошлаган эдиларки, ташқаридан машина сигналлари, кўчма дала госпитали бошлигининг йўлга чиқиш тўғрисидаги командаси эшитилди. Кўча ва унинг атрофига тарқалиб дам олаётган одамлар чошиб қолишди. Ирина бўлса, тушида кўргандек ғойибдан пайдо бўлиб, унга жуда-жуда ёқиб қолган ҳамширадан сирасира ажралгиси келмасди. Ҳарбий кийимлари бўйбастига ярашиб, чиройига чирой қўшаётганига бир ҳаваси келса, шундай ёш жувон уруш олови ёниб турган хавфли-хатарли жойларда ярадорлар жонига ора кириб, улар хизматини адо этиб юрганга, иродасига, довуораклигига, қўрқмаслигига ўн чандон ҳаваси келар ва тан берарди. Ҳамиша кулиб турган жувон Иринани бағрига олдию кўнгли бир хил бўлиб кетди. Шошиларкан, орқасига ўгирилиб, қизга қўл силкиди:

— Хайр Ирина.

— Менга жуда-жуда ёқиб қолдингиз, — деганича Ирина ундан ажралмай ёнида кетаверди, — яна қачон кўришамиз?

— Ғалаба кунларидан!

— Ғалаба кунлари қачон бўлади?

— Яқинда, қизим, яқинда. — У Иринани яна бағрига босди, шошиб-шошиб юзларидан, пешаналаридан, бўйинларидан ўпди ва хайрлашар экан, мулоимлик билан деди:— Худди менинг қизимга ўхшайсан, соғ бўл, Ирочка. Яқинда қайтиб келамиз...

Ана шу бир жумланинг ўзи қизнинг ёш қалбини бир олам қувонч ва умидга тўлғади. Бутун чарқоларини ҳам унутган Ирина хурсанд бўлганича, Серёжага ҳам қарамай, уйига югурди.

Уй олдига келиб, дераза тагида таққа тўхтаб қолди. Ичкарида Иван Иванович билан бобоси қандайдир иш устида баҳс қилишарди. У қўлини оғзига қўйиб, орқадан етиб келган Серёжани ҳам тўхтатди. Кексалар ўртасидаги тортишув тобора кескинлашиб борарди.

— Йўқ, Ваня, — деди Миша бобо йўғон овозини чўзиб. Унинг овози йўғон бўлгани билан ҳаммиша тиниқ эшитиларди. Аммо бирор киши билан тортишса, овози ундан ҳам йўғонлашиб кетарди. У жон-жаҳди билан ўзининг ҳақ эканлигини исбот қилишга уринарди. — Мен сенга айтсам, хато қиляпсан!

— Бақирма, Миша. — Иван Иванович ётиғи билан сўз бошлади. Унинг овози юмшоқ ва ширали бўлиб, сўзлари мантиқ жиҳатдан кучли эди. У мулоимлик билан сўзида давом этди: — Нега бақирасан, қулогим кар эмас-ку, нариги хонада касал борлигини унутма. Биласанми, Миша, масала мураккаб. Қизиқ-қонлик қилиш ярамайди. Халқимизда етти ўлчаб, бир кес, деган ҳикмат бор.

Аммо Миша бобо яна қизишиб кетди ва овозини салгина пасайтириб, дўстига жавоб берди:

— Мен сенга айтсам, Ваня, темирни қизиғида ур, деган мақол ҳам бор. Масалани бугун ҳал қилмасак, эртага кеч бўлади. Сен етти марта ўлчаيمان, дегунингча, немис Берёзовкани ҳам ишғол қиладию коммунист бўлганинг учун энг олдин сени дорга осадди.

Иван Иванович фикрини бир ерга йиғиб, жавоб учун энди оғиз жуфтлаганда дераза орқасида қандайдир шарпани сезиб, бошини кўтарди ва Серёжа билан Иринани кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Эшикни очиб, уларга пешвоз чиқди, олдинма-кейин кириб келган болаларни бағрига босди, кўзларида ёш йилтиради, хатарли йўллардан соғ-омон келганларидан ич-ичидан мамнун бўлди. Миша бобонинг ҳам қувончи ичига сиғмасди-ю, бари бир одатига кўра хўмрайиб, таъна қилди:

— Бунча кечикмасаларинг, меҳмонга борувдиларингми? Мен сизларга айтсам, болага иш буюр, орқасидан ўзинг югур, деганлари бежиз эмас экан. Хавотир олиб, Ваня билан орқаларингдан бормоқчи ҳам бўлдик.

Орага жимлик чўкди. Серёжа бир кўнгли «Боя келувдик, Тарасни ҳамширага кўрсатдик», демоқчи бўлди-ю, индамай қўяқолди, стол устидаги чойнақдан бир стакан чой қўйиб, нафас олмасдан шимирди-да, «Ичасанми?», деган маънода Иринага қараб қўйди. У жавоб ўрнига бочкадан бир стакан сув олдию уйнинг бурчагига ўтириб олиб, шошилмасдан ича бошлади.

— Мен сенга айтсам, Серёжа, қани, гапир, гапир, болам. Сенларни кутавериб тоқатимиз тоқ бўлди. Ваня билан бир неча бор уришиб ҳам олдик.

Серёжа нафасини ростлаб, раиснинг топшириқларини бирма-бир айта бошлади. Миша бобо неварасининг ҳарбийларга тақлид қилиб гапирётган сўзларини фахрланиб, қунт билан тингларкан, дўстига маънодор тикилди ва кўзларини катта-катта очиб, деди:

— Мана, кўрдингми, темирни қизиғида ур, десам, аччиғландинг, норози бўлдинг. Мен сенга айтсам, Ваня, гапни қисқа қилу кишлоқдан жўна.

Боши қотган Иван Иванович Серёжага «Сен нима дейсан?», деган маънода тикилиб қолди-ю, бари бир ўз саволига ўзи жавоб топди: «Албатта, ўрмонга жўнаш ҳам мумкин, лекин шу ерда ҳам яширин равишда фронтга фойда келтириш мумкин-ку, ахир». У ич-ичидан ана шу мураккаб масалани ўйлар ва севимли мақолини такрор қиларди: «Етти ўлчаб, бир кесмоқ зарур». У ана шу мақол билан Миша бобони анча ранжитиб ҳам қўйди.

«Ой туйнуқка, арава эшикка келиб қолибди-ю, ивирсиган бу чол етти ўлчаб тўғрисида эзмалик қилди-я!»—ўзича жиғибийрон бўларди Миша бобо.— Ҳозир зудлик билан иш тутадиган пайт, фақат темирни қизиғида урмоқ зарур». Миша бобо «Ким ҳақ?», демоқчидай неварасига маънодор тикилди. Серёжа бўлса катталардек бир жумла билан ўртадаги жумбоқни ечди:

— Бобо, сиз ҳам...

— Нима? Мен ҳам?..

— Ҳа. Тонготарда раиснинг олдида бўлишингиз шарт, буйруқ шундай!

— Ҳа. Бу — буйруқ, — деди Ирина акасини қувватлаб.

Иван Иванович дўстининг елкасига қўлини қўйиб, «Энди нима дейсан?», дегандай кўзига тикилмоқчи эди, аммо темирчи ерга қаради.

— Топшириқни аъло бажарган Серёжага ҳам, Иринага ҳам катта раҳмат. Баракалла, болаларим!

Миша бобо бошини кўтариб, невараларидан жиддий қиёфада сўради

— Эртами-индин немислар Берёзовкани ишғол этади. Сизлар қоласизларми ёки кўчиб кетасизларми? Ака-ука бир-бирларига тикилиб қолишди.

— Биз кишлоқда қоламиз, бобо!— деди Серёжа. Бобо шу савол билан Иринага ҳам мурожаат қилди:

— Сен-чи?

— Мен ҳам, бобо. Бу ҳам бизга берилган буйруқ. Биз кишлоқда қоламиз, бобо! — деди Ирина ўрnidан туриб.

Орага жимлик чўкди. Оз ўтмай эшик очилиб, нариги хонадан Тарас чиқди. Унинг ранглари ўчиб кетган, нимжон эди, оёқлари қалтирарди. Ирина дарҳол уни қўлтиғидан суяб стўлга ўтқазаркан, болаларнинг бир-биринга меҳрибонлигини кўрган Иван Иванович билан Миша бобонинг кўнгиллари анча таскин топди. Энди уларнинг юрагига ҳукмрон бўлган ўй-хаёл раиснинг буйруғини ўз фурсатида бажариш эди.

Ўрталиқни табиатан ёмон кўраман,
 менга маъқул сафнинг боши ёки охири!
 Лекин тез-тез ўрталикқа тушиб тураман,
 билолмайман, нима экан бу ҳолнинг сири!
 Менга ёқар чойни ичмоқ ҳамиша қайноқ
 ё ичаман яхна қилиб бамисоли мой.
 Илиқ чойга ҳеч тоқатим йўқ менинг, бироқ,
 бироқ менга тутадилар тез-тез илиқ чой!
 Кулар бўлсам менга одат: қаққада урмоқ
 ёки овоз чиқармасдан жилмаймоқ маъсум.
 Лекин менга насиб этар негадир кўпроқ
 на у ёқли, на бу ёқли илиқ табассум!
 Мен севаман шом пайтини ва саҳар чоғин,
 оқшомдан то тонгга қадар чўзилган фурсат —
 гўё дўзах азобидир, тамуғ қийноғи,
 лекин кўпроқ шу фурсатни эп кўрар қисмат.
 Мен севаман ё «Йўқ» деса, ёки деса: «Хўп»,
 ишим тушиб борган чоғим бирорта раҳбар.
 Индамаган одамларни иқим суймас кўп,
 менга эса, нетай, тез-тез индамайдилар!
 Сергаклигим ошар агар кўп бўлса душман,
 дўстлар билан билинмайди ғамда ёнишлар.
 Лекин, не тонг, атрофимни кўпроқ қуршаган
 бахтсизлигим ва бахтимга лоқайд танишлар!..
 Баҳор ва қиш ўртасида бирор ном йўқдир,
 қиш бўлиб—қиш, баҳор бўлиб баҳормас бироқ.
 Ўрталик, бу—шундай рангки, ғирт қоришиқдир,
 қора бўлиб—қора эмас, оқ бўлиб ё—оқ!
 Шоир бўлсанг, шеърлар ёзма ўртамиёна
 ё йиғлатгин одамларни ё кулдир фақат.
 Йўқдир ўрта шонрларда дард ва диёнат,
 улар учун диёнат—пул, дард пулдир фақат!
 Ўрталик — нақ қил кўприқдир, туби йўқ жарлик,
 икки соҳил — икки нажот аро бир ўпқон!
 Бу дунёда ё сув бўлгин қилмай ўжарлик
 ёки яллиғ таратувчи оташ бўлиб ён!
 Ўрталикда турмоқ—бекут муаллақликдир,
 ё ер сенга она эмас, ё осмон—она!
 Утинаман, ўрталикда қолдирма, тақдир,
 қилма мени еру кўкка бирдай бегона!

Буюк орзу

Кўкрагини буюк орзу макон этган шахс
 унутолмас чап кўксида борлигин юрак!
 Буюк орзу учун асло ўз жони эмас,
 ўзгаларнинг жонин азиз билган мард керак!
 Буюк орзу қонуллари шафқатдан йироқ,
 ҳисоблашмас асло шахсий истаклар билан.
 Битта ўзи бормас эди ўлимга Широқ,
 дўст бўлмаса буюк орзу—юксаклар билан!
 Буюк орзу қурбонлари, эй, муқанналар,
 қул қилолмас эди сизни босқинчи ё пул!
 Қул қилолмас эди сизни олтин тангалар,
 фақат сизни буюк орзу қилган эди қул!



СУЛАЙМОН
 РАҲМОН

Буюк орзу қурбонлари, муҳтарам зотлар,
 менинг ўғлим кўзидаги бахтиёр ҳолат,
 сизлар учун эмасмиди ҳатто қанотлар
 битганда ҳам етиб бўлмас олис адолат!
 Шовуллайди беминнат сув, айқирар дарё,
 соҳилида висолдан маст бир қиз, бир йигит,—
 Орзу эди бу ҳолат ҳам сизларга, эвоҳ,
 орзу,—яъни, униб япроқ ёзмаган чигит!
 Қўлда ғалвир, тоғ бағрида, ана, бир аёл
 тўкин хирмон узра мамнун шопирмоқда дон,—
 бу ҳолат ҳам эмасмиди бир туш, бир хаёл,
 хаёлигина эмас, ҳатто бир оғриқ—армон!!
 Биз—сизларга орзу бўлган озод бир Ватан,
 эркин меҳнат, тиниқ осмон фарзандларимиз!
 Буюк орзу, садқа бўлсин сенга жону таи,
 биз—инқилоб, исёнларнинг дилбандларимиз!
 Бизларни ҳам тарк этмаган буюк орзулар,
 бу—истиқбол орзулари, Ватан камоли!—
 Портламасин еримизда «қўзиқоринлар»,
 доим ғолиб эсаверсин тинчлик шамоли!
 Буюк орзу — эзгуликка раҳнамо қуёш,
 дўст бўл унга, дилдан мижғов ўйларни ҳайда!
 Буюк орзу сўнган кунни— тупроқлар талаш,
 номуслар—ер, орлар—поймол, одамлар—майда!
 Буюк орзу қовуштиргай халқлар бошини,
 буюк орзу адолатни айлағай байроқ!
 Орзули эл йўқотмағай ўз қуёшини,
 орзули эр бу оламда бойлардан бойроқ!
 Шараф—буюк орзу учун қилмоқ жон фидо,
 унутмағай бундай зотни тарих хотири!
 Дўстлар, буюк орзулардан бўлмасин жудо
 элимизнинг ҳар ўғлони, ҳар бир ботири!

Турсунбой

Ёзувчи Саид АҲМАДнинг «Уфқ»
романини ўқиб

Яшайсан бир ўзинг ҳаммадан қочиб,
яшайсан бир ўзинг элдан ташқари.
Сенинг ҳолатингга жуда ўхшайди
шамолнинг тупроқни тимдалашлари.
Гоҳ-гоҳ хаёлингга меҳмон бўлади
бургутдай ҳамлакор, ваҳший фикрлар.
Лекин сени жуда яхши кўради
қамишзорлар, тўқай, ўйдим-чуқурлар.
Сен ўзинг билмайсан, анов булутлар—
юрагинг оҳлари, хўрсиниқлари...
Худди нолишингга ўхшаб қирсиллар
қадамингдан кўчган муз синиқлари!..
Баъзан... инсофингни бўри оғзидан
қутқазган кезларинг хаёлга чўкиб,
ҳатто ой нуридан таъна туясан,
гуноҳкор боқасан гулга, энтикиб...
Ҳаросат туясан теграида қалин
ўсган қамишларнинг шитирлашида;
сен ҳадик туясан, турли жонзотлар
ўйнашиб, қувлашиб питирлашида!
Нотавон заррасан
фидойи, қодир
бу дунё саҳнида,—билади қуёш!
Шу боис у сенга парво қилмайди,
сенинг эса бундан кўзларингга ёш.
Бегонасан ҳатто қамишларга ҳам,
ҳатто деёлмассан онангни «Она!»
Сен қўрқув бандаси, шу боисдан сен
эзгу туйғуларга ёт ва бегона!
Сенинг ўйларингга сизмас, қушларни
юксак-юксакларга кўтарган қанот.
Чексизлиги учун ёқмайди осмон,
эркинлиги учун еллар сенга ёт.
Қуёш—ёруғлиги учун қаҳрингга,
юксаклиги учун захрингга дучор.
Қиш—совуқ, шу сабаб, дўст деб билмайсан,
гуллай олганидан сенга ёт баҳор!
Сен ҳамон кимнингдир қалбида борсан,
кўрқасан ёруғдан, қуёш, ойлардан...
Ватаним, онажон, ўзи асрасин,
бошингга ғам тушса, турсунбойлардан!..

* * *

Лабларим остига... шовуллаб қўнса
сочларнинг қоп-қора ул кечалари;
Лабларим остида... ловуллаб ёнса
кўзларнинг меҳрибон юлдузчалари;
Лабларим остида... типирлаб урса
қошларнинг қайрилма қанотлари-ей;
Лабларим остида... питирлаб турса
киприкларнинг питрак қанотлари-ей;
Лабларим остида... таратса хуш ҳид
ёноқларнинг нақшин, оқ олмалари;
Лабларим остига... тўшалса бархит
дудоқларнинг қирмиз қизғалдоқлари;
Лабларим остида... ўша куни мен
туяр эдим бахтни ҳаммадан ортиқ!..

Учинчи қиз

Қирол Лир, отахон нима жин урди,
ишончинг йўқолмиш одам зотига!
Ким арши аълодан сени туширди,
ким сени миндирди ғазаб отига!!

Сен уни оқ қилдинг! Нега оқ қилдинг!!
Разолат чоғига тушдинг юзубан!
Қабоҳат қаърига тойдинг, йиқилдинг,
телбалик, не ажаб, қисматинг экан!

Ёлворма, бас, фалак чақмоқларига,
сиғинма худога, кўкка, юлдузга.
Ишонма бу дунё алдоқларига,
сен ишон, сен сиғин учинчи қизга!

Нега ҳам ишондинг, нега ишондинг!
Отахон, тўнғичинг алдаган эди!
Уртанчанг ҳам бисот дардида ёнди,
кўзини лўқ қилиб: «Севаман!» деди...

Аммо учинчи қиз, сени, отахон,
чиндан ҳам севарди, унинг севгисин
безамади сохта каломлар, ёлғон,
ҳисларни эса сохта гул иси...

Жумлалар пойма-пой, содда, бепардоз...
лаблари куюниб титрарди фақат,
фақат рост сўзларни айтарди, холос,
ҳақиқат эди у, тирик ҳақиқат!

Лекин ул ҳавойи мақтовлар аро
ўзда йўқ талтайиб учиб юрган дил —
ёғдусиз тун эди, юлдузсиз само!
Сен унга сизмадинг, сизмадинг, сингил!

Оҳ, сени танимай ўтди бир умр
риёлар қўйнида алданган ул руҳ.
Учинчи қиз—чақмоқ, учинчи қиз—нур,
учинчи қиз, сенсиз одамзод мажруҳ!

Учинчи қиз, нечун у зулмат дунё
ҳақиқат нуридан сени қисмади!
Наҳотки, ҳамиша ғолибдир риё,
қувгиндир—учинчи қизлар қисмати!!

Учинчи қиз — ёғду! Руҳимиз — нурдан,
мажруҳ бўлганида меҳрдан кўзлар!—
Кошкийди шундай пайт туғилса бирдан
ҳақиқат шуъласи—учинчи қизлар!

Учинчи қиз—мардлик! Дил ожиз қолса,
бир ноҳақ ҳукмдан қийналса ҳислар,—
шундай пайт кошкийди мададга келса,
ҳақиқат сўзлари—учинчи қизлар!

Учинчи қиз—севги! Бизни разолат
ҳалок этмоқ бўлган тангу тор кезлар,—
халос эта олгай бериб кафолат
адолат ҳислари—учинчи қизлар!

Учинчи қиз—журъат, жасорат, ёлқин!
Чалғитган чоқларда бизларни ёлғон,
рўй-рост ҳақиқатни айтмоқлик учун
учинчи қизимиз бўлсин ҳар қачон!

Баҳор қушиғи

Боғлар учрашувга таклиф этсалар,
лолалар тоғларда интиқ кутсалар
ё қушлар меҳмонга айтиб кетсалар,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Бормасам, то абад юпундир боғлар,
бормасам, лоласиз ўкингай тоғлар,
бормасам, кетмагай ул қаро зоглар,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Мен борай, куртаклар кутиб қолдилар,
мен борай, чечаклар кутиб толдилар,
мен борай, шамоллар ҳуштак чалдилар,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Бормасам, кулмагай нурга ташналар,
бормасам, жилмагай қотган чашмалар,
бормасам, дунёни баҳри ашк олар,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Нур бўлиб баргларга инганим хуш-ку,
гул бўлиб шохларга қўнганим хуш-ку,
шавқ бўлиб дилларда ёнганим хуш-ку,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Бил, менсиз дарёнинг шитоби бўлмас,
бил, менсиз фалакнинг офтоби келмас,
бил, менсиз тупроқнинг хоби тўкилмас,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Ҳис эт, тун қўйнига кирган нур менман,
сафосиз дил ичра кирган шеър менман,
юртингга шамолдай кирган ҳур менман,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Соғинсанг, майсага кўз сол, рангим бил,
ёмғирдан, сойлардан сўра, жангим бил,
ёлбор боларига куй, оҳангим бил,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Фахр этгил, фасллар наҳори—ўзим,
Фахр этгил, табиат оҳори—ўзим,
Фахр этгил, оламнинг баҳори—ўзим,
куйма, бевафога йўйма, дилбаржон,
бормасам бўлмайди, ўйла, дилбаржон!

Найқамиш

Оддий бир қамиш деб хор этма мени,
хор этма —меҳрингга зор этма мени.
Оҳ, агар қалбингни уйғотолмасам,
поймол эт, оламда бор этма мени!..
Лекин бир илтимос: кўзларимни оч,
куйларимни — тўтқун сўзларимни оч.
Майли, йиғларимни, куларимни ё,
ё эса тамоман бўзларимни оч!..
Оч, токи баҳорлар тили бўлайин,
ошиқнинг изҳори дили бўлайин.
Орзуманд зотларнинг, дардманд зотларнинг
ҳасратдоши, дардқаш эли бўлайин!..
Маконим билурсан, ботқоқ жойлардир,
емишим — нур, ҳаво, тупроқ, лойлардир.
Эрксевар шамоллар бағрида ўсдим,
дўстларим — юлдузлар, қуёш, ойлардир...
Бағримда шамоллар, бўронлар ухлар,
бўрондан беш баттар суронлар ухлар.
Сен уйғот уларни, сени кутганча
наволар—туғёнлар, исёнлар ухлар.
Янграйман—энг аввал ҳавасинг лозим,
сўнг қалбинг, истагинг, ихлосинг лозим.
Оҳ, бўм-бўш дилимдан куй олмоқ учун
руҳинг, сўнгра оддий нафасинг лозим!..
Унутма, куйимга нурлар ийлангай,
унутма, борлигим қалбга айлангай,
унутма, тилимда тупроқ ҳиди ҳам,
осмон ҳам, севги ҳам, гул ҳам куйлангай!..
сен иста, мен бўлай диллар баҳори,
сен иста, мавж ургаи тонглари диёрни.
Сен иста, мен бўлай юксак бир қўшиқ—
шайдои қалбларнинг яловбардори!..

* * *

Чирмовуқлар—сарик, суқ чувалчанглари!
Қийнар райҳонларни
чирмашиб олиб!
На илдиз уларда,
на гул,
на уруғ—
ўсар ўзгаларга тирмашиб олиб.
Ё мева тугмайди,
таратмас ё ҳид,
онаси—шамолдир, аммо тонади!
Уларнинг кун кўриш усули битта:
ўзгалар ҳақидан озиқланади.
Билмаслар ҳаттоки туғилган жойи
офтобрўядами ёхуд кўлкада..
Билганлари шуки, елкада ўсган,
ўлсалар ҳам ўлар фақат елкада!
Райҳонлар, дўстларим, биродарларим,
кутманг киш аёзи ва совуқларни:
силкининг, беомон қаттиқ силкининг,
тўкинг елкангиздан чирмовуқларни!..

Синди тилимизнинг оғир қулфлари —
 уфқни симирди баҳри дилимиз.
 Тонг чоғи чўққидан заррин зулфларин
 тўзғиб юборган қуёш — қулимиз.
 Мен — ишқ подшоҳиман, сен — маликаси,
 то абад қолгаймиз иззатимизда.
 Дарёлар, денгизлар, тоғлар — ҳаммаси,
 ҳаммаси шай тургай хизматимизда.
 Райҳонлар, раънолар, оқ, пушти гуллар —
 она табиатнинг қизалоқлари, —
 қучоқ очиб бизга югуриб келар
 лоласи, ялпизи, қизғалдоқлари.
 Нозланиб вафосин шивирлайдилар
 ҳозир тун қўйнидан чиққан гиёҳлар.
 Биз учун атайин живирлайдилар
 ҳавода турфа хил ранглар, бўёқлар.
 Биз учун дарёлар кириб келади
 шу мовий воҳанинг бағрига атай.
 Биз учун денгизлар тирик қолади,
 биз учун синмайди бўронларда най.
 Биз учун оқшомлар оғушига жим,
 жим кириб боради боғлар, кундузлар.
 Биз учун кўкарар дўнгликларда чим,
 биз учун яшайди кўкда юлдузлар.
 Чунки биз севамиз ўз еримизни,
 севамиз — дунёни нақшин кўрамиз.
 Чунки биз, чунки биз бир-биримизни
 туз каби, нон каби яхши кўрамиз!..

Телефонда

Учрашади жўшқин овозларимиз,
 титроқ уйғотганча совуқ симларда.
 Аммо кўзларимиз кўриша олмас,
 кўзларимиз кезар... аллакимларда.

Учрашади иссиқ нафасларимиз,
 илитади ҳатто совуқ симларни.
 Аммо қалбларимиз кўриша олмас,
 қалбларимиз қўмсар... аллакимларни.

* * *

Мабодо юракни ҳаяжон босса,
 яширамиз титроқ қўлларимизни.
 Мабодо қўрқоқлик бизга тош отса,
 яширамиз титроқ тизларимизни.

Уят ҳужум қилса агар ногаҳон,
 биз олиб қочамиз кўзларимизни.
 Агарда ўқ отса бизларга бўҳтон,
 бекитиб ташлаймиз сўзларимизни.

Уруш эълон қилса мабодо ўлим,
 Ер, сенга кўмагимиз ўзларимизни.
 Фақат сен, муҳаббат, хуруж қилганда,
 яшира олмаймиз ҳисларимизни!

Театр, кинода, томошаларда
 гўё мен йўқдайман, санам, ёнингда,
 нега мен бўлмайман, санам, ёдингда!
 Сени қизғонаман томошалардан!
 Сен кўзгу ёнига кетган чоғларда,
 мажбурман кутнишга мен узоқ-узоқ;
 сени тортиб олар мендан тақинчоқ...
 Сени қизғонаман тақинчоқлардан!..
 Кириб кетсанг агар магазинларга
 худди вужудимдан узилган жондай,
 қўрқаман йўқотиб қўядигандай...
 Сени қизғонаман магазинлардан!
 Қўяр бўлсанг гоҳи гулзорга қадам,
 назаримда худди гулга дўниб, сан
 гулзорлар ичида қолиб кетурсан...
 Сени қизғонаман гулзорлардан ҳам!
 Сингиб, ўт ичида йитган каби шам,
 оҳангларга тўлиб кўз қароқларинг,
 қўшиққа айланиб қолган чокларинг,
 сени қизғонаман қўшиқлардан ҳам!..

* * *

Сиз айтасиз, устоз Олимжон,
 сиз айтасиз, ишонмас бироқ...
 Гулга кирди яна ўриклар
 деразамиз тагида оппоқ.
 Сиз айтасиз, шигил шоҳларни
 кўзларига суртар ул аёл.
 Сиз айтасиз унинг ёдида!
 Уни ўртар ошуфта бир ҳол!
 Пичирлайди, ўрганмоқчидай
 оқ гулларнинг тилларини у.
 Ҳар баҳорда ўпади такрор
 ўригингиз гулларини у.
 У туяди димоғда чуқур
 довуччанинг кўм-кўк ҳидини.
 Сўқланади — қонар кўзлари,
 тамшанади, ёнар ютиниби!
 Аёл билар, «қурғур шаббода
 олиб кетган гулнинг тотини!» —
 Аммо ишонч онасидир у,
 умидларнинг содиқ хотини!..
 Сиз айтасиз, у ишонмайди,
 кутар кўм-кўк довуччаларни.
 Кўз олдига келтириб, дўмбоқ,
 митти-митти ҳовуччаларни...

* * *

Илтимос, азизам, ўзимизни биз
 муҳаббат қўлига берайлик буткул.
 Сен бўл садоқатга муносиб бир қиз,
 мен бўлай вафога муносиб ўғил.
 Қўрбон қилолайлик шодлигимизни,
 келса бизникидан каттароқ шодлик.
 Фарзанд қилиб олсин саховат бизни,
 Фарзанд қилиб олсин олижаноблик.
 Сабот билан супур, жоним, бахт йўлин,
 йўл борми мусаффо, равон ва беғов!
 Сен бўлгин бардошга меҳрибон келин,
 мен бўлай сабрга суюкли куёв!..



ДИЛБАР
САИДОВА

ЕРУ ОСМОН ЎРТАСИДА

КИЧИК ҚИССА

Мен яшайдиган тўрт қаватли уй шаҳар марказида, истироҳат боғининг яқинида жойлашган. Бу уй бир қараганда атрофдаги бинолардан фарқ қилмайди: ташқи кўриниши ҳам, олд ва ён тарафидаги дарахтлари болалар майдончалари ҳам... Эрта тонгда бирин-кетин катталар ишга, кичкинтойлар пилдираб боқча ва мактабларга йўл олишади. Кундузи бу ерлар сокинлашиб қолади, кечқурунлари эса нақ бозордек гавжум бўлади. Сариқ кум сепилган йўлчалардаги қатор скамейкаларда қўшни аёллар гап сотишади, чор-атрофни болакайларнинг қийқириги тутиб кетади. Деразалардан куй-қўшиқ, турли-туман товушлар эшитилади, доғ қилинаётган ёғ ҳиди димоққа урилади. Хўроз ҳамма жойда бир пайтда қичқиради, деганларидек, бу уйларда ҳам кунлар ва тунлар худди шундай бир тарзда кечади. Лекин бари бир, назаримизда, биз яшаётган уй ўзгаларникидан чиройлироқ, иссиқроқ, шинамроқ туюлади. Бошқаларга қандай — билмайман, лекин мен учун шундай.

Баъзан ишхонада тикув машиналарининг шовқини шунчалик толиқтирадики, кечқурун тезроқ уйга етиб олай, деган гапдан бошқа нарсани ўйлашга мажолим қолмайди.

Бугун ҳам шундай ҳолатда автобусдан тушаётиб, подъездимизнинг биринчи қаватида яшайдиган Собир акага дуч келиб қолдим. Сўрашиб, гаплашса ҳам, гаплашмай бош иргаш билан кифояланса ҳам бўлаверадиган танишлар сирасига кирувчи бу одам энди истасам-истамасам уйга етгунча ҳамроҳ бўлиб боради.

Одатдагидек, уй олдида қўшни аёллар бир-бирига гал бермай чувиллашиб ўтиришибди. Уларнинг менга назари тушган захоти гап мавзуи яшин тезлигида ўзгариши аниқ. Ана, улар даврада хуш-хандон ёйилиб ўтирган Каромат опага — Собир аканинг хотинига бирдан ялт этиб қарашди. Каромат опа дик этиб ўрнидан турдию уй томонга тарс-турс юриб кетди.

— Оббо, худо урди энди! — Об-ҳаво ҳақида бемалол гап сотиб келаётган Собир аканинг қадами секинлашди, овози алланечук ўзгариб кетди.

Расми Ш. БАҲРОМОВ чизган

Мен ўзимни бепарво тутишга уриниб одимларканман, аёлларнинг нима хусусда пичирлашиб сўзлашаётганини тахминан тасаввур қиламан:

«Ҳай, шу Ҳафиза жуда семириб кетаётганга ўхшайдими?»

«Йўғ-э, аёл киши ўттиздан ошса, тўлишаверади-да...»

«Ие, бу ҳали ўттиздан ошганми?!»

«Нима, ўн саккиз яшар деб юрувадигизми?»

«Яхши қиз ўзи...»

«Аёл денг!..»

«Тавба, нега эрга тегмайди-я?...»

«Эр деганнинг ташвишига бизга ўхшаш шўрпешоналар чидайди, айланай, бунақалар фақат ўзини ўйлайди, маишатини билади, ҳа! Бир ҳисобда, қандини урсин...»

Мен аёлларга қараб оҳиста бош ирғайман, улар ҳам чувиллаганча нималардир деб қолишади. Чамаси, давраларига чорлашяпти. Юзимда нимабабасум билан, жон-жон деб борардим-у, лекин афсуски, жудаям шошиб турибман, дегандек бўламан-да, аллақачон қоронғиланган подьездга буриламан.

Учинчи қаватга кўтарилгунча ҳансираб қоламан. Бундай дамларда ҳар гал кўнглимга ғулғула тушади. Ҳаляитдан нафасим қисиладиган бўлиб қолибди. Ҳол-буки, ёшим ўттизга ҳам етгани йўқ. Лекин ёшлик абадий эмас, қаримоқ ҳаммининг қисматида бор. Ушанда ким мени бу қоронғи йўлакда суяйди, ҳориб-чарчаб келганимда ким истиқболимга чироқдай чарақлаб пешвоз чиқади? Ким бир оғиз ширин сўз билан толиққан руҳимга таскин беради?..

Кўнглим алланечук ўқиб, эшик кўнғирғини оҳиста босдим. Лекин шу заҳоти ҳушимга келдим: тентак, ахир эшикни ўзингдан бошқа ҳеч ким очмайди-ку! Калит қидириб сумкамни титкиларканман, ичкарида қулф шиқиллагандек туюлди, кейин қоронғи йўлак хиёл ёришиб, куз ўнгимда кадрдон, азиз бир сиймо пайдо бўлди.

— Бувижон! — Негадир ўпкам тўлиб, кўзларимда ёш қалқиди, бош-кўзим айланиб кетди.

— Асалим! — деди бувим мени бағрига маҳкам босиб. У мени болалигимдан шундай деб атарди. — Чарчадингми, кўзим? Қани, бўлақол, овқат тайёр.

— Овқатни қўтариб, аввал сизга тўйиб олай... — дея унинг кўксига бош қўярканман, улкан шаҳарнинг диққинафас ҳавосида унутилаётган қишлоғим ҳидини қайта туйгандек бўлдим.

Ичкари кирдик. Дастурхонда иссиққина мошкичири, қатик, сарёғ, тандирда ёпилган нон...

— Бувигинамдан ўргилай! Чакки овра кўлибсизда! Кўнғироқ қилганимизда дарров етиб келардим.

— Э болам-а, сени ташвишга қўймай, деб...

— Бувижон-эй, қизиқ бўлди-да. Мен манави катта сумкани уйга қўйиб кетиш учун бирровгина кирган эдим. Бир жойга борадиган эдим.

— Қаерга борасан яна? Уйда ўтирадиган кунинг йўқ экан-да.

— Келишингизни билмадим-да. Ўзим ҳам сизни роса соғинган эдим. Ҳа, қийналмай келдингизми иш-қилиб? — дея гапни буришга уриндим.

— Районгача Абдулла тракторчининг ўғли Истам бор-ку, шопир, ўшанинг машинасида келдим. Эсингдами, сенга биринчи марта ўша совчи юборган эди?

— Ҳа, у билан синфдош эдик. Қачон совчи юборганим эсингиздами? Ҳали еттинчини ҳам тугатмаган эдик.

— Бояқиш, у ҳам турмушдан ёлчимаяпти. Хотини билан ажрашибди. Хотиним ёмон эмасди-ю, фарзанд бўлмади, дейди. Сочига оқ тушибди. Кўчада ўйнаб юрган болаларни кўрсам, хўрлигим келади, дейди. Кимдан камим бор, кимга нима ёмонлик қилибманки, шу кўргуликка дучор бўлдим, дейди-ю, кўзида ёш гилтиллайди. Машинадан тушаётсам, негадир сени сўраб қолди...

Бувимнинг гапи беихтиёр яна ўша мавзуга бурилаётгани, бу мавзу чексиз, вақтим эса зикрлигини эслайман.

— Уҳ, жудаям яхши кўраман-да шу мошкичирини! Айниқса, сиз пиширсангиз... — Мақтовга зўр бериб, гапни чалғитишга урина бошладим.

— Бўпти, бўпти, шайтон-эй, мени лақиллатмоқчисан-а! Майли, борадиган жойингдан кеч қолма, лекин одамни хавотирлантирмай эртароқ қайт.

Бувим мени йўлаккача кузатиб чиқади-да ортимдан мунғайиб қараб қолади. Унинг нигоҳи юрагимни эзиб юборади. Бунчалик меҳр, бунчалик шафқат кичкинагина бу жуссага қандай мужассам бўлган экан? Эсимни таниганимдан буён кўп сувлар оқиб ўтди, кўз ўнгимда кўп нарса ўзгарди, мана, ҳатто сочларим ҳам оқара бошлади, бўяйдиган бўлдим, бувим ҳам қариди. Лекин унинг боқиши ҳамон ўша-ўша — қандайдир гуноҳқорона... Мен жуда кўнғилчан одамман. Эҳтимол, бувим сира бундай ҳолатга тушмас, менгагина шундай туюлар...

* * *

— Бугун туш пайти ишхонамга тўсатдан Мастура кўнғироқ қилиб қолди. Овози қандайдир ташвишли эди.

— Нима гап, Мастур, тинчликми? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Эй, бизда қачон тинчлик бўлувди?! — деди у негадир зарда билан.

— Яна уришиб қолдингларми?

— ...

— Гапирсанг-чи, ахир?

Трубкани жавоб ўрнига ҳиқиллаган товуш келди. Оббо, бу камии энди шу эди — иш пайти йиғи-сиғи эшитиб ўтириб... Эр-хотинлар жанжалининг менга нима алоқаси бор, ҳайронман!

— Илтимос, тезроқ бўлақол, бу ёқда иш...

— Сенга фақат иш керак! Одамнинг дардини сира тушунмайсан...

— Тавба-ей, қизиқмисан! — дедим энди аччиғимни яширолмай. — Нуқул ҳиқиллайсан!.. Сен шаҳарнинг нариги бошида турган бўлсанг, мен бу чеккасида, дардингни қаёқдан билай?!

— Майли, майли, трубкани жойига қўй. Иккинчи кўнғироқ қилмаганим бўлсин... — дея баттар йиғламсиради у.

— Мастура, бекорга ўзингни қийнама. Бунақада баттар чўп бўлиб кетасан. — Шундай дедим-у, лабимни қаттиқ тишладим. Эҳ, нега бундай деяпман, ахир, шундоқ ҳам ўзи... Унинг гапида жон бор: мен ҳеч кимнинг дардига малҳам бўлолмайман. У ҳозир жонидан тўйиб турибди-ю, мен эса...

— Мастура, — дедим энди хиёл юмшаб, — кечқурун учрашайлик, ҳаммасини гаплашамиз.

— Кечқурун мени тополмайсан, — деди у.

— Ҳар қалай, осмонга учиб кетмассан?

— Кечқурун кеч бўлади!

— Ке, қўй энди ҳазилни. Мақсадга ўт.

— Сенга фақат мақсад керакми?

— Гапни қисқа қилсак, демоқчи эдим...

— Чиндан ҳам менга жонинг ачийдими?

— Нима деганинг бу?

— Ун биринчи қаватда бир учрашасак...

Ун биринчи қаватни бизнинг шаҳарда ҳамма биларди. Чунки шаҳримизда биттагина ўн қаватли бино бор, унинг томида ёзги кафе жойлашган. У ерда бир-икки марта бўлганман. Тўрт тарафдан ғир-ғир шабада эсиб туради, атрофда сон-саноксиз чироқлар жимирлайди. Шундоққина бошингиз устида мовий осмон, бир зумда санаб чиқиш мумкиндек туюлувчи юлдузлар... Кўк бурчида ҳилол кезади. Ён томонга хиёл ўгирилсангиз, минглаб чироқлар оша Шердор, Тиллакори ва Улуғбек мадрасаларининг иллий минору гумбазлари нигоҳингиз тушади. Беихтиёр болаликда эшитган эртақларингиз ёдга тушади, тегрангиздаги буткул борлиқ алланечук сирли, маҳобатли туюлади. Кўприб турган муздек шампан ёки хушбўй коктейл, атрофда беғам-беташвиш суҳбат қуриб ўтирган бир-бирдан чиройли, келишган ёш йигит-қизлар давраси сизни бу серташвиш, шовқин-суронли дунёдан сездирмай аста узоқлаштиради. Хушнавво мусиқа оғушида сархуш ўтирар-

кансиз, гўё ер билан осмон ўртасида қанот қоқиб юргандек бўласиз... Еру осмон ўртасида...

Хуллас, Мастуранинг таклифига кўнмасдан илож йўқ. Лекин бундан мақсад нима—ҳали ҳам тушунмадим.

— Э, тавба-ей, одамни хит қилиб юбординг. Келсанг келгин, келмасанг ўзинг биласан! — деди Мастура баттар асаби қўзиб.

— Ҳар ҳолда, нима гаплигини билишим керак-ку? Кимлар бўлади ўзи?

— Мену сен бўламиз. Бир четдаги столдан жой олиб, шундай, атрофни кузатиб ўтираемиз.

— Йўқ, бўлмайди.

— Нега?

— Ғанижон-чи?

— Вой, Ғанижонсиз менга кўнгилхушлик татирмиди?! Фақат у бошқа столда ўтиради.

— Кизиқ...

— Бир гап бор, кейин биласан.

— Кўй, мени шунақа жанжалларга аралаштирма, — дедим қандайдир кўнгилсизлик юз беришидан чўчиб.

— Майли, майли, ўзинг биласан, дедим-ку!..

Телефондаги бу суҳбатни шу кўйи яна чексиз давом эттириш мумкин, лекин тайин бир гапни англаш мушкул. Ночор қолиб, кечқурун учрашишга розилик билдирдим.

* * *

Ун биринчи қават лифти олдида Мастура мени кўтиб турган экан. Юзига тикилиб, ҳеч нарса пайқамасдим: гул-гул яшнаб, янаям очилиб кетган. Қани бояғи йиғию бояғи афсус-надомат?

Официант кўрсатган столга бориб ўтирдик.

— Нима буюрамиз? — деб сўради Мастура.

— Ўзинг биласан, — деб елка қисдим.

Ҳозир кўнглим ҳеч нарсани тиламасди. Эҳтимол, бунга Мастура сабабчидир. Бу ерга келарканман, йиғидан кўзлари қизарган, сочлари тўзғиган, хаёли парижон аёлни кўришни, унга ўзимча таскин-тасалли беришни кутган эдим. Қаршимда эса, қошига ҳақсала билан ўсма қўйган, бекаму кўст кийинган, бутун кўришни билан ҳаётдан, бугунги кундан мамнун, бахтиёр ва гўзал жувон ўтирарди. Бу нарса негадир бир оз ғашимни қўзғатди. Ахир, озиб-ёзиб бир келган бувигинамни каталакдек уйга қамаб... Э, тавба!

Бунча ўйланасан, сени бу ерга хаёл суришга чақирдимми?..

Айтмоқчи, Мастурадан ҳол-аҳвол сўрашим лозим-ку! Одамлар ҳам қизиқ: ўз ғам-ташвишларига ўзгаларнинг ҳам дарров шерик бўлишини талаб этишарди. Мен ҳозир унинг юрагини кемираётган дардни суриштириш, қўшилиб бирга кўйиниш, керак бўлса, ҳатто йиғи-сиғи қилишга ҳам мажбурман. Дунёда кишига бундан ортиқ азоб бўлмаса керак.

— Бу ерга келгандан кейин оз-оз ичилмаса бўлмас. — Мастура зўрма-зўраки илжайиб, қадаҳларга вино қуяди.

Ундан ҳалигача ҳол-аҳвол сўрамабман. Бахтиёрмисан ёки шўрпешонамисан, бари бир, баъзан кимнингдир меҳр-эйтиборига зор бўларкансан киши. Мана, Мастуранинг олайлик — бошида бинойидеккина эри, бири биридан ширин ўғил-қизчалари бор. Ота-она, қариндош-уруғлар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ўзи ёш, гўзал, соғлом. Тагин нима етишмайди унга? Нега яна нола-ҳасрат қилгани қилган? Бир аёлнинг бахти бўлса, шунчалик бўлар... Аммо у негадир менинг ҳам — ғаму қувончини ёлғиз ўзи тортадиган одамнинг ҳам эйтиборини қаратишни истади. Лекин менинг қўлимдан нима ҳам келарди?

Бундай қараганда, бахтнинг чегараси йўқдек. Унга эришганинг сари қониқмай бораверасан. Масалан, Мастура сиртдан бахтли кўринади, ўзича балки бахтсиздир?.. Аслида, бу ерга бувим келиши керакмиди? Ахир, у ҳамманинг кўнглини топади, ҳамманинг дардига малҳам бўла олади. Менинг мунис, мушфиқ бувигинам...

* * *

Бувимнинг бирор лаҳза бекор ўтирганини шу пайт-

гача асло кўрмаганман. Доим қандайдир юмушларга куймаланиб юради. Ҳозир ёлғиз ўзи нима қилаётган экан?

...У ичкари кириб, чироқни ёқади. Кўзлари қамашиб кетади. Сандиқ устидаги кўрпаларнинг таҳини бузмай авайлаб четга олиб қўяди, сўнг қалитни бурайди, даранглаган садо тарқалади. Бувим сандиқдан катта-кичик тугунларни бирин-кетин олади: ранг-баранг қуроқ кўрпачалар, дастурхонлар, болишлар... Уларнинг ҳар бирини алоҳида ёйиб кўради, бир оз шамоллатиб, яна тахлаб қўяди. Бошқа бир тугунда чақалоққа атаб тикилган кўйлакчаю иштончалар, бешик асбоблари... Келинлик безаклари — авлоддан авлодга мерос ўтиб келаётган тиллақош, шилдироқ тангачалар тақилган дастрўмол, пешонабанд, билагозук, зебигардон... Бувим буларни неча йиллардан бери сақлаб келади.

— Буви, қизиқсиз-а, зарурми шулар сизга? — дея баъзан ғудраниб қўяман.

— Буларнинг бари сенга, — дейди у ҳар гал менга маъноли тикилиб. — Яхши ният — ярим мол, қизим. Булар сув билан ҳаводек керак бўлади ҳали.

Бувим қадимий авлодимиздан давом этиб келаётган кўҳна удумнинг заволи топишини истамайди. Ахир, қачон бўлмасин, бир кун пешонамга тиллақош боғлашим, зеб-зийнатларни бўйнимга тақимам, шилдироқ тангачалар кийган бахмал дастрўмолчани юзимга тугтиб, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар қаршисида намоён бўлишим, кўзимни ердан ўзмай, уларнинг ҳар бирига «келинсалом» қилишим керак... Онам, бувим, бувимнинг онаси, хуллас, авлодимиз юзлаб аёллар кийган келинлик либосини қачондир мен ҳам кийиб, бу қадимий одатни такрорлашим лозим — унинг эзгу орзуси ана шу.

Келинлик сарупоси хунук қизни ҳам чиройли қилиб юборади, дейишади. Лекин бувим ёшлигида чиндан ҳам гўзал бўлган. Кекса қариндошларимизнинг айтишича, келинлик либосида кўзгуга тикилганида, ўз чиройидан ўзининг боши айланиб кетган экан.

Бувам ҳам тик қоматли, ўткир нигоҳли йигит бўлган. Бекасам тўн, қати бузилмаган чуст дўппи ва куёвлик шаън-шукуҳи унинг қиёфасига янада кўркамлик бахш этган. Лекин у чимилдиққа киргач, ўзини хийла йўқотиб қўйибди...

Бувим ва бувам... Уларнинг досғони кўп узун, кўп ғаройиб...

* * *

— Сезиб турибман, ҳозир кўзингга жуда ёмон кўриниб кетяпман. — Мастуранинг овози хаёлимни бўлди. — Лекин, ахир кимгадир дардимни айтишим керак-ку! Сендан яқин дугонам йўқ... — Унинг ўпкаси тўлиб, қўлидаги рўмолча билан кўзларини арта бошлади.

— Нима гап ўтди ўзи ораларингдан? — деб сўрадим тизгинсиз ўйларимни базўр жиловлар.

У жавоб ўрнига яна йиғлади. Майли, юрагини бўшатиб олсин, йиғи кўнглидаги ғашлик-ғуборни ювиб кетади.

Чор атрофдаги бўш столлар аллақачон эгалланибди. Чарақлаган юлдузли осмон остидаги бу гўшада хуш-чақчақ суҳбат, ҳазил-мутоиба, шўх кулги ҳукмрон. Ён томонимизда эллик-олтмиш чоғли одам узун стол атрофида ўтиришибди. Йўғон гавдали, тепакал бир киши зиёфатга раислик қияпти.

— Нима тантана экан? — деб сўрадим.

— Ғанижон шу ерга келиши керак, — деди Мастура.

— Нега?

— Академик Жавлон Раззоқовнинг номини эшитган бўлсанг керак. У яқинда Давлат мукофоти олди. Ғанижон ишлайдиган институтнинг директори. Уйланганининг эллик йиллигини нишонляпти... Билсанг эди, қандай ақлли одам! Хотини ҳам таниқли профессор. Бизнинг даврда бундай узоқ, тотув турмуш кечириш қийин, — деди Мастура хўрсиниб.

Мастурага нима дейишни, қандай далда беришни билмай қийналардим. Дугонамнинг дард-алами ҳам менга қоронғи. Ён тарафдаги даврада эса «олтин тўй»-

нинг тантанали қисми давом этмоқда. Зиёфат раисининг ўктам овози баралла янграйди:

— Ҳаёт тўқис-туғал байрам эмас, унинг майда-чуйда ташвишларга тўла кунлари кўп. Аслида, ҳаёт бизни тақдирлайдиган қувончу шодликлар мазмунини ана шу кунлар белгиламайдими? Жавлон акамиз билан Ҳожархон опамиз ҳаёт мазмунини ўзаро садоқат билан, ўзаро ҳамжихат меҳнат билан, ўзаро ҳурмат-иззат билан бойитишди. Бу ҳаёт бир дoston, бу ҳаёт анвойи гулларга, мевали дарахтларга тўла бир бўстон!.. Аввало, Жавлон ака билан Ҳожархон опа номига келган табриқномаларни ўқиб эшиттиришга рухсат этингиз, қадрли дўстлар! — деди тантанавор оҳангда раис. — Мана бу телеграмма Москвадан, ҳаммамизнинг устозимиз Фёдор Ивановичдан. У киши шундай дебди: «Дўстларим, мен бугун икки карра бахтиёрман — чунки эллик йил бурун никоҳ тўйларингда иштирок этганман. Гарчанд «олтин тўй»ларингда қатнашмаётган бўлсам-да, мени ўз давраларингда деб ҳис қилинглр. Мен сизлар учун қадаҳ кўтараман...» Буни си Варшавадан: Поль Збигнев — Жавлон акамиз билан Ҳожархон опамизнинг қадрдон ҳамкасблари. «Жавлон ва Ҳожар! Олис Варшавадан салом ва қутловимни қабул этгайсизлар. Гўзалликка, меҳр-муҳаббат ва мардонворликка тўла турмушингизга ҳавас қиламан...» Душанбеда Пўлат Турсунов, академик. «Хизматчилик важдан тўйларингда иштирок этолмапман. Сизнинг мисолингизда шуни кашф этдим: Инсон саодати — шахсий бахтда...» Ватанимизнинг турли бурчакларидан келган телеграммаларнинг барчасида ҳам худди шундай қизгин қутловлар битилган. Афсуски, уларнинг ҳаммасини ўқишга вақтимиз етмайди. Бу даврада Жавлон ака билан Ҳожархон опамизни шу қутлуғ кунда табриқламоқ ниятида келган кўпгина ҳамкасб дўстлар ўтиришибди...

— Биласан, Ҳафиза, мактабдаги драма тўғарагимизда энг чиройли, энг севимли қизлар роли доимо менга топширилди, — дея тўсатдан сўз бошлади Мастура. — Ошиқ йигитлар ролини эса колхозимиз раисининг ўғли Мухтор ўйнади. Ҳам ақлли, ҳам келмишган, ҳам бадавлат йигит эди. Вой, мени деб жинни бўлай деган эди-я! Ушанда синфимиздаги болаларнинг ҳаммасидан бир-бир севги мактуби олувдим. Қандай болалар эди-я!.. Ҳеч бирига ақалли қиё боқмабман. У пайтларни қўявер, унда ёш эдим, ҳеч нарсанинг фаҳмига етмасдим. «Ҳой қиз, ҳушингни йиғ, дунёда энг катта бахт ҳали олдинда!», деб ўйлардим. Институтдаги тўғаракда ҳам ижобий қахрамонлар ролини менга беришарди. Демак, бутун бошли институтда ҳар жиҳатдан кўркам ва баркамол қиз мен бўлган эканман-да! Бир гал Зайнаб ролида ҳам чиққанман. Баъзан нега ўшанда бунга рози бўлган эканман, деб ўйлайман. Фанижоннинг домига ана шунда тутилдим. У Омоннинг ролини шундай бошлаб ўйнадики, оқибатда мен чин Зайнабга айланиб қолдим. Институтда бизни ўз номимиз билан аташмасди, «Зайнаб-Омон» дейишарди...

— Энди... мактабу институтда ҳаммамиз ҳам энг кўркам, энг чиройли, энг ақлли одамлар эдик. У даврлар ўтиб кетди, бугунги кунимизни ўйлашимиз керак. — Сен ҳам ҳамма қатори насиҳат бошладинг-ку! Насиҳат қилиш осон, ўртоқжон, лекин ҳаёт бутунлай бошқа нарса-да. Ҳали бошингга тушар, ўшанда кўра-миз...

Мастура ҳам шу гапни юзимга солди-я!.. Беихтиёр юрагим зирқираб кетди.

— Мени кечир-у, Мастура, аввало сенга насиҳат қилмоқчи эмасдим, шунчаки фикримни айтдим, — дедим ўзимни аранг босиб. — Менинг ҳам ўзимга яраша дарду ташвишим бор, ахир! Очиги, сендан буни кутмаган эдим.

Кўзларимга ёш қуйилиб кела бошлади. Сўнгги пайтларда асабларим бўшашиб қолган, сал нарсага ҳам ўпкам тўлиб кетаверади.

Маҳзун кайфиятимни янада маҳзунлаштириб, атрофга оғир, сокин мусиқа тарала бошлади.

— Сизни рақсга таклиф этсам майлими?

«Майли, майли, ахир бу айна муддао-ку! Бўлмаса, ҳозир йиғлаб юборишим мумкин».

Аста ўрнимдан турдим.

Мусиқа бор вужудим, ақлу ҳушимни оғушига олди. Фақат, юрагим безовта-безовта уряпти, холос...

Аллақандай саркаш туйғулар ўзи ҳам, ички дунёси ҳам менга нотаниш мана шу йигит кўксига оҳиста бош қўйишга ундайди. Гаройиб ҳолат! Лекин мен иродали одамман, туйғуларимни жиловлаб олишга қодирман! Бир дақиқа муқаддам қайгадир учиб кетган ақлу идрок шу ондаёқ вужудимга қайтади.

Қизиқ, биз ҳамisha хавфсираб яшаймиз. Эҳтимол, ана шу ортиқча эҳтиёткорлигимиз, инсонга ишончсизлигимиз туфайли ҳам бир умр йўлимизда қуёшдек порлаб туриши мумкин бўлган бахтимиздан жудо бўлармиз!..

Лаҳзалик туйғу ва лаҳзалик армондан сўнг яна жойимга қайтдим. Мастура энди бир оз сергаklangан кўринади.

— Ке, қўй энди, кўпам куйинаверма, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади, — деди у қадаҳларга вино қуяркан. — Буюк Бетховен: «Ҳаёт — трагедия! Яшасин ҳаёт!», деб ҳайқирган экан.

Кўшни даврада «олтин тўй» авж нуқтасига етган — кулги жўшқин, кайфият мастона, бахтиёрлик...

Биз эса ҳозир «трагедияга тўла ҳаёт» шарафига қадаҳ кўтаришимиз керак.

— Илгарилари ҳаёт кўзимга фақат муҳаббатдан иборат бўлиб кўринарди. Муҳаббат деганлари эса турган битгани галва экан. Институтни битирибману шоша-пиша турмушга чиқибман. Тавба, бунча ошиқмасам! Одамларга ўхшаб аспирантураларда ўқимайманми! Бундоқ, ёшлик завқини суриб, ялло қилиб юрмайманми! Йўқ, бир оилада бир киши олим бўлса кифоя, рўзғорга қарай, болаларни тарбиялай, деб, ўзимни ҳам, оламни ҳам унутибман-қўйибман. Илмий иш қилишининг ўзи бўладими! Фанижон акам зорикмасин, деб, ҳар ой Москвага эллик сўмлаб пул жўнатардим. Мана энди, болалар катта бўлиб қолишди, мен эса қаридим. Фанижон акамиз бўлсалар, ҳалиям ёшгиналар, келажаги порлоқ, фан кандидати! Энди акамизнинг кўнгиллари янги ёр тусаб қолганмиш... — Мастуранинг товуши титради.

«Йиллар нақадар шафқатсиз! — деган ўй келди хаёлимга. — Улар сочимизни оқартиргани, юзимизга ажинлар солгани учун нолимайман. Наҳотки, муҳаббат учун, севимли ёри учун жонини қурбон қилишга тайёр ўша масъума Зухра, Лайли ёки Зайнабни йиллар шунчалик ўзгартиришга қодир бўлса? Мастуранинг Зайнаб-лигию Фанижоннинг Омонлиги қайда қолиб кетди?.. Бувижон, бувигинам, сизнинг умрингиз, сизнинг фидо-йи ишқингиз-чи?!»

* * *

«Одамнинг беғам-бахтиёр дамлари фақат турмуш қургунча экан. Бувангга теғдиму ҳаловатим йўқолди. Ўзиям нотинч, серхархаша одам эди. Бирор марта беамалол ўтириб овқатланганини ёки бир пиёла чойни охиригача ичиб тугатганини эслаёлмайман. Нуқул қайгадир шошиб турарди, доим қандайдир ташвишлар билан овора, гўё бу дунёнинг бор ғами, бор ташвиши унинг елкасида. Лекин уйда нима бор, нима йўқ, қариндош-уруғнинг ҳол-аҳволи қалай, деган гапларни асло билмасди. Ўқимишли одам эди. Инқилобдан кейин ҳукумат ишларига боши билан шўнғиб кетди. Камарида наган пайдо бўлди, бошида қизил боғичли телпак, эрта тонгда сакраб отга минадию дарвозани ланг очиб қолдирганча кетади-қолади.

Очиқ қолган дарвозани кечқурун занжирлайликми-йўқми, кетган одам қачон қайтади — номаълум. Катта бувинг иккаламиз мўлтираб йўлини поилаймиз. Эй, ўзи шу дунёда аёл қилиб яратмасин — умринг кутиш билан ўтаркан... Катта бувинг анча қариб қолган эди — ёлғиз ўғлини кута-кута мижжа қоқмай ётар, эшик тиқ этса, ўрнидан сапчиб турар эди. «Ҳой, қанақа хотин-сиз ўзи, бирам беғамсизки!.. Эр сизники бўлса, боши-эти билан сизга топширган бўлсам-у, пинагингизни

бузмайсиз-а! Бундай маҳкамроқ тутсангиз бўлмайдими, ахир!» деб кўярди.

Аслида, у кишидан кўра мен кўпроқ қайғурардим, лекин дардим ичимда, чурқ этиб оғиз очмасдим. Ота-онам мени уйда шундай тарбиялаган эди. Ундан ташқари, эрга тегмайман, деб йиғи-сиғи қилганимда, ойим айтган бир насихат қулоғимга маҳкам ўрнашган эди. Ҳозир ўйлаб қарасам, онам раҳматли донишманд аёл бўлган эканлар. «Қизим, кўп йиғлама, йиғлаб кўзларингни қизартма, юрагингни сиқма, тўй деган гап эртани-кечми, ҳар бир қизнинг бошида бор савдо. Аёлнинг энг катта бахти — келинлиги, кейинчалик — оналиги. Ҳозир қанчалик жаврамай, бари бир тушунмайсан, бу гапларимни кейин-кейин эслайсан. Кўвинг бамаъни йиғитга ўхшайди, эсли-хушли, ҳали уни яхши кўриб ҳам кетарсан, лекин бир нарсани ёдингдан чиқарма: эрингни ҳурмат қил, иззатини жойига қўй. Кўнглингдаги меҳр-муҳаббатни очик-ойдин ошкор этаверма. Меҳр-муҳаббат дегани худди денгиз остидаги марвариддек, юракнинг тубида бўлгани маъқул, шунда қадрини йўқотмайди...»

Ҳаётда дунё кўзинга фақат чаманзордан иборат бўлиб кўринган ва, шунингдек, зим-зиё тунга айланган чорасиз дамлар ҳам бўларкан. Бундай кезларда мен ҳамisha онамнинг сўзларини эсладим, улардан куч-қувват олдим.

Буванг доим: «Кўнглингни билолмай ўтпаман. Сиз мени сира яхши кўрмагансиз, яхши кўрмайсиз ҳам», дерди. Шунда: «Нега энди ёмон кўрарканман, болаларимга отасиз-ку!», деган жавобни оларди. Менинг мийғимда сирли жилмайиб қўйишимдан эса баттар шубҳаси ортарди. Лекин ярим тундами, эрта тонгдами ҳориб-чарчаб қайтаркан, мен ҳам ҳориб-чарчаб уни интизор кутишларимни, ёстиққа ёнбошлаган кўйи уйкуга кетганида бошида соатлаб соғинч билан термилиб ўтиришимни, сўнг лойга ботган этигини авайлаб тозалашини, кўйлагидоги тугмаларини ҳам баъзан ўпиб олишимни билмасдан, сезмасдан кетди, боёқиш...»

* * *

— Ана, бегуноҳ мусичадек акамиз ҳам келиб қолдилар-ку! — деди Мастура тўсатдан. Мен у имо қилган тарафга қараб, қўлида бир даста яшнаб турган гул, аммо кўриниши алланечук ҳорғин Ғанижонга кўзим тушди. У ҳам бизни кўриб, бир зум ўзини йўқотиб қўйди, қовоғи осилди, қадами секинлашди. Даврадагилар эса уни кўриб, қийқириб чапак чалганча олқишлашди. Жавлон ака ўрнидан туриб, қучоғини очганча унга пешвоз чиқди.

Ишхонасида Ғанижоннинг ҳурмат-этибори баланд экан. Наҳот, Мастура учун бу нарсанинг ҳам аҳамияти бўлмаса?

— Ҳар гал учрашганимизда гул тақдим этарди. Ушанда бу дунёда унга тенг келадиган йигит йўқ, деб қаттиқ ишонган эдим. У бўлса, ишончимни поймол, умримни хазон қилди... — дея Мастура алам билан шивирлади.

— Нима гап ўтди ўзи оранглардан, тушунтириб айтсанг-чи?!

Мастура ҳамма нарсани унутгандек, бир нуқтага тикилиб қолди. Туриб-туриб, унга раҳим келди. Балки, бу саволни бермаслик керакмиди? Эҳтимол, орада не гап ўтганини англашга ўзи ҳам ожиздир? Эҳтимол, ногаҳоний бу ташвишдан эсанкираб қолгандир? Заррама-зарра йиғилган аламу нафрат энди захарга айланиб, бутун вужудини сирқиратаётгандир? Бундай дамда кўнглимга хурсандчилик сиғадими, на тилда, на дилда бирор ширин сўз қоладими?!

Маълум бўлишича, орада хиёнат юз берган эмиш. Айбдор — Назокат деган бир аёл. Мастура эрини ярим кечаси Назокатнинг уйида тутган эмиш. Қўлида бу бетамиз ошиқ-машуқаларнинг севги мактублари ҳам бор эмиш. Ғанижон ажралишмоқчи бўлиб, аллақачон судга ариза ҳам берибди. Иккита гулдек бола энди етим қолади!

Мастурага бирон нарса деб тасалли беришдан ожиз эдим...

* * *

...Бувижон, бувигинам, биламан, ҳозир сиз тўртинчи қаватнинг очик деразасидан узоқ-узоқларга кўз тикиб ўтирибсиз. Мовий осмон юлдузларга тўла. Салқин тун ҳавоси қалбингизга сокин, осуда кайфият бағишлайди. Чор атрофдан, биз ўтирган ўн биринчи қаватдан ҳам таралаётган шодон музика содалари, ёр-ёрлар оҳанги бехиётёр хаёлингизни ўғирлайди. Хотиралар қуёни энди тинчлик бермайди, ўша ўтган кунларни орзиқиб-орзиқиб эслайсиз...

* * *

«Эркак кишини кўздан узоқлатма экан. Эркаклар аслида аёлнинг қаровига, аёлнинг меҳрино назокатига муҳтож. Халқ маорифи бўлими бувангни олис тоғ қишлоғига муаллим қилиб тайинлади. Айтган эдим-ку, буванг рўзгор нима бўлади, болаларнинг аҳволи не кечади, деб ўйлаб юрадиган одам эмасди. Бориш керак, дейилдими, тамом, шартта отланиб жўнарди. Унинг феълига тушуниб қолган эмасманми, йиғи-сиғи қилиб йўлни тўсмадим ҳам. Тўрт болани бағримга босганимча қолавердим... Икки-уч ойда отини елдириб, тор кўчамизнинг чангини тўзитиб бир келиб кетади. Ёшманми ёки болаларимнинг, рўзгорнинг ғурбати етиб ортадими, ишқилиб, кўнглимга сира ёмон фикр келмайди. Келса, мендан хушбахт одам йўқ, кетса, бир-икки кун пинҳона йиғлаб-йиғлаб оламан... Кейин яна болалар, тирикчилик ташвишлари билан андармон бўламан. Зап содда бўлган эканман-да ўзим ҳам. Бир сафар келиши анча чўзилиб кетгандек туюлди. Икки ой ўтди, уч ой ўтди, кейин бирон йил... Хунук бир миш-миш ҳам қулоғимга етиб келди: «Муродбек ўйланганмиш...» Қариндош-уруғлар ташвишга тушиб қолишди. Қайнонам ҳар кун аллақандай бўлмағур тушлар кўриб чиқади. Мен эса ичим ёниб кулга айлансам ҳам, одатдагидек, сир бермасликка, ўзимни хотиржам тутишга уринаман. Сўнграқ яна бир гап етиб келди: «Фарзандли ҳам бўлибди...» Худди бундай миш-мишларнинг чиқишига мен сабабчидек ҳамма мени койийди. Ахийри бўлмади — тоғамнинг ҳаддан зиёд жон куйдириши таъсир қилдими, унга эргашиб, тўрт болани олиб йўлга тушдик... Аввалига отаравада, кейин эшакда, ниҳоят, пиёда юриб, минг азовлар чекиб, ўша қишлоққа ҳам етиб келдик. Буванг қишлоқдаги таниқли одамлардан экан — уйини қийналмай топдик.

Бу қишлоқда бизга ўхшаб меҳмон бўлиб келади-ганлар кам эканми, кўчалардан ўтиб бораётганимизда эркагу аёл, бола-чақа ҳаммаси бизни томоша қилишарди. Роса ҳориб-чарчаганимиз. Муқаддам холанг эмизикли эди, болаларнинг ҳали униси йиғлайди, ҳали буниси юрмайман, деб ўтириб олади. Ниҳоят, амаллаб, бувангнинг уйига ҳам етиб келдик.

Бизнинг келаётганимиз бу уйдагиларга маълум бўлмаган шекилли, деворсиз ҳовли юзида ҳеч ким кўринмади. Лекин пастак томли уй эшиги негадир очик эди. Тўри кириб боравердик. Даҳлизда ҳам, ичкарида ҳам ҳеч ким йўқ эди.

Тўрдаги хона янги келинчақларнинг уйдек безатилган: деворларда кашта, сўзаналар... Бурчакда буванг чаладиган дутор ҳам осифлиқ турибди. Чап тарафда бешик...

Уз кўзинг билан кўрмасанг, минг гап-сўз бекор экан. Юрагимга пичоқ санчилгандек бўлди, қотиб қолдим. Бағримда Муқаддам пишиллаб ухлаб ётарди. Тоғам аҳволимни сезди шекилли, дарвор болани кўлимдан олди.

— Ўзингн тут, жон синглим, ўзингни тут, — дерди у нуқул.

Алам дегани ёмон бўлар экан. Агар ҳовли юзига тўпланган одамлар бўлмаса, агар ёнимда тоғам бўлмаса, агар чарчоқдан дийдираб қотган болаларим бўлмаса, агар бешикда ухлаб ётган гўдак бўлмаса, мен ўзини ерга отиб, овозимнинг борича додлаган, кўзимдан дарё-дарё ёш тўқкан бўлар эдим. Уша лаҳ-



зада кўз олдимида ярқ этиб онам пайдо бўлдилару гўё: «Қизим, меҳр-муҳаббатингни ҳам, қаҳрингни ҳам ҳар жойда ошкор этаверма», дегандек секин бош чайқаб кўйдилар.

Ўзимни кўлга олдим. Тирқираб келаётган аччиқ кўз-ёшларимни энгимнинг учига артдим-да, менга қандай далда беришни билмай гангиб турган тоғамга қараб: — Нима қилай, пешонамга буюм ёзилган экан-да, — дедим...

Кўни-кўшнлар бирин-кетин «Ассалому алайкум», деб кириб кела бошлашди. Улар билан сўрашмоқ, гаплашмоқ учун куч-қудратни қайдан олай? Хайриятки, энди ўзимни анча тетик сезардим. Кўшни хотинлардан бири дастурхон ёзди, бири чой қайнатиб келди.

— Барно қаерда? — деб сўради аёллардан бири ёнидагисидан.

— Боягина шу ерда кўринаётувди, — деди бошқаси.

— Келиб қолар, — деди яна бири. Аммо унинг овозида қандайдир киноя борлигини пайқадиму бу аёллар ҳам, ўша Барно ҳам бизнинг келишимиздан аллақачон воқиф бўлганликларини фаҳмладим. Чамаси, Барно эшикни очиқ қолдириб қочган...

Бешиқдаги бола қутилмаганда чирқираб йиғлашга тушди. Аёллардан бири туриб, бешикни тебратга бошлади. Лекин бола баттар зўр бериб йиғлайверди.

— Қорни очган, — деди бешик бошидаги аёл.

Негадир кўнглимда бу мурғак гўдақинасини, уйини ташлаб жон талвасасида қочиб бораётган аёлга нисбатан ачиниш пайдо бўлди. Ўзим ҳам онаман, ахир! Отаси ёмондир, онаси ёмондир, лекин мана бу бегуноҳ чақалоқда нима айб?! Шартта ўрнимдан турдим-да, бориб бешик устидаги кўрпани очдим. Ё тавба, гўдак бувангнинг ўзгинаси эди! Муқаддамга ҳам озмоз ўхшаб кетарди. Қандай қилиб гўдакка кўкрагимни тутганимни билмай қолдим... Ахир, чирқираб йиғлаётган чақалоқ фарёдига қайси она дош бериб тура олади?!

Аёллар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Тамшаниб-тамшаниб эмаётган гўдакка бирдан ҳавасим келиб кетди. Қани энди бир юмалаб гўдакка айланиб қолсаму бу дунёнинг ғурбату уқубатларидан қутулсам! Унга тикилиб ўтирарканман, энди ўзимни тутолмадим, бешикка бошимни қўйганча йиғлаб юбордим.

Аёл халқи бир-бирининг кўнглини яхши билади. Қўшни хотинлар ҳозир менга далда ҳам, маслаҳат ҳам, насиҳату кўмак ҳам қилмаслигини дилдан сезишди шекилли, секингина чиқиб кетишди. Тоғам ҳам болаларни айлантириб келишни баҳона қилиб ўзини ташқарига урди.

Хонада чақалоқ иккаламиз қолдик. Шу дамда иккаламиз ҳам бир аҳволда эдик — гўдақнинг қўл-оёқлари бешикка маҳкам боғланган, менинг қўл-оёғим эса болаларимга, шу хонадон соҳибига чамбарчас боғланган эди.

Гўдак бирор гапни фаҳмлашга қодир эмасди, мен ҳам юз берган воқеа-ҳодисаларни тўлалигича идрок этишдан ожиз эдим...

Қорни тўйган гўдак беозор пишиллаб уйкуга кетди. Ҳайхотдек уйда энди ёлғиз ўзим қолдим. Хўрликдан ўқсиб, қадр толмаган муҳаббатимга куйиб, кўзёшларим тагин қуйилиб кела бошлади.

Бир пайт эшикнинг секин очилганини пайқаб, бошимни кўтардим. Қаршимда мени ғаму кулфатга дучор этган ўша аёл турарди. У бола кўрган жувонга ўхшамасди ҳам: ниҳоятда баркамол, оқ юзли, серкиприк, қорақош, гўзал бир қиз. Унинг қаршисида мен ўзимни анча қари, кўрimsиз ҳис этдим. Хўрлигим келиб, шум қисматимни, бутун эркак зотини ич-ичимдан қаргадим.

Кўйлагимнинг ёқасини тугмалаб, секин ўрнимдан турдим, рўмолимнинг учи билан юз-кўзимни артдим: энди йиғлаб бўлган эдим.

Она — она-да! Бу шўрлик жувонни ҳам ана шу туйғу бу ерга қайтариб келган эди. У аста бешикка яқинлашди, кўрпани очиб боласига тикилди-да, бошини бешикка қўйганча хўнграб юборди...

Қош қорая бошлаган палла деразалари кичик,

шифти паст, ғира-шира хонада икки муштипар аёл — бир-биримизга қараёлмай, бир-биримизга чурқ этолмай, қаро қисматимизни қарғаб йиғлардик.

— Бўлди! — дедим ниҳоят, асебий қичқириб. — Нега энди йиғлайсиз? Ахир, қаҳ-қаҳ отиб кулиш сизнинг, қон-қон йиғлаш менинг насибам-ку!

Жувон лом-мим демай, яна хийла вақтгача ҳиқиллаб ўтирди. Сўнг эгик бошини кўтариб менга тикилди. Кўзимга баттар чиройлироқ кўринди: сочлари ёйилиб кетган, чеҳраси аллақандай сирли, эртақлардаги париларни эслатади. Қоронғиликда айниқса яна ҳам чиройли... Эрим, ўша бевафо, номард, бевурд эрим кўзига у ҳар қуни ана шундай қиёфада намоён бўлади — ёш, соғлом, сулувл..

Мен нега келдим ўзи?! Нега ўзимни ерга уриб шунча йўл босиб келдим? Қуриб кетмайдими ҳаммаси — эр ҳам, рўзгор ҳам, болалар ҳам! Бундан кўра ўлим афзал эмасми, нега келдим?!

Ичим, бор вужудим алангада ёнаётгандек... Ёнимда беҳол шалвираган қўлларимни қаерга қўяримни билмай, нуқул бошимга муштлардим. Дарду аланинг зўридан одамнинг овозия қичмай қоларкан...

Бир пайт ўгирилиб қарасам, Барно югуриб-елиб нарсаларини тугунга жойлаяпти.

— Нима қилайсиз? — деб сўрадим гангиб.

— Кетаман...

— Қаёққа?

— Бошим оққан ёққа... — У тугунининг устига ўтирдию тагин йиғлади.

— Ҳеч қаёққа кетмайсиз! — дедим ўзимни босишга тиришиб. — Қўрқманг, эртагаёқ уйингизда изимиз ҳам қолмайди. Овора бўлиб нима қиласиз! — дея истеҳзо билан кўшиб кўйдим.

— Йўқ, кетишим керак.

— Ҳеч қаёққа кетмайсиз! — дедим мен янада қатъийроқ оҳангда.

У индамай бош чайқаб, ўрнимдан турди:

— Келишда ҳеч кимдан сўрамай келганман, кетишда ҳам сўрамайман!

— Қўйинг, мен касофатни деб турмушингиз бузилмасин. — Бу гапни сидқидилдан, ҳеч бир маломатминнатсиз айтдим. — Жиллақурса, болани ўйланг!

— Болаям бир кунини кўрар, ўлмасам...

Ҳар қалай, аёлмиз, қанчалик иродали, қанчалик мардона бўлмайлик, бари бир ҳамиша кимгадир — ўзимиздан кучлироқ, ақллироқ бирор одамга суянгимиз келади, унинг бақувват қўллари доимо бизни эркалаб, бало-қазолардан асраб туришини истаймиз.

Айни дамда эса иккаламиздан биримизнинг пешонамизга ёлғизлик муҳри босилиши керак. Барча аёллар каби биз ҳам ёлғизликдан қўрқардик. Аммо қай биримизга бундай қисмат насиб этаркин?..

— Мен ҳозир кетаман, — деди Барно бир маҳал. — Сизлар ҳали ярашиб кетасизлар, бўлган гапларни унутасизлар ҳам. Сиздан ягона ўтинчим шу: бу ишларнинг ҳаммасига мен саббчиман. Муродбек акани айбдор санаманг. Ҳеч қачон юзига солманг, илтимос, жон опа...

— Нега энди у одамнинг тарафини оласиз? Хўп, мен сизни-ку айбламайман, ёшсиз, билмаган бўлишингиз мумкиндир, лекин у киши қап-катта эркак-ку, болаларининг уволи тутишини ўйламадимми?! — Шундай дедиму, аммо ўзимча ўйладим: «Тавба, шу пайтдаям эрининг тарафини олади-я, жувон ўлгур! Шунча қилиб, алдаб-авраб, ўзига оғдириб олган-да...»

— Йўқ, йўқ, у киши яхши одам. Яхши одамларга ўзи бу дунёда кун йўқ экан...

— Қўйинг, кўп мақтайверманг, у кишини сиздан кўра олдинроқ ҳам, яхшироқ ҳам билиб олганман...

— Яхши билсангиз, яхши кўргансиз, у кишини кечиршингиз керак.

— Менга қаранг, синглим, шукр, яхши-ёмоннинг озми-кўпми фарқига бораман. Лекин сиз ўзингиз неча ёшдасиз?

Ҳали ёшгина экан... Негадир дил-дилдан раҳмим келди, гўёки у менинг туғишган синглим, мен эса у билан ҳасратлашаётгандай...

У мендан анча ёш бўлса-да, мендан кўра кўпроқ ғам-ташвишни бошидан кечирибди. Ота-онасидан етим қолиб, ҳар кимларнинг эшигида хизмат қилиб юраркан, ўн тўртга кирганида бошига маломат ёғилибди: Назирбек деган бой уни ёмонотлиқ қилиб қўйибди... Энди одамлар эшигида юмуш бажариб кун кўриши ҳам мушуқлашибди.

— Муродбек акани шунда учратдим, — деди у хўрсиниб. — Бунгача ҳеч ким мен билан одамдай гап-лашмаган, ҳол-аҳвол суриштирмаган эди. Йиғлаб дардимни айтдим: борар жойим йўқлигини, дунёдаги энг шўрпешона кимсалигимни... У киши узоқ ўйланиб қолдилар. «Майли, кўп хафа бўлманг, синглим, ҳали бахтингиз очилиб кетади. Саводингизни чиқарамиз, кейин ўзингиз бошқа аёлларни ўқитасиз», дедилар... Бундай илиқ гапни менга ҳеч ким гапирмаган эди, кўзимда шашқатор ёш, оёғига йиқилдим. «Борар жойим йўқ, мени ўзингизга хизматкор қилиб олинг, бир умр хизматингизда бўламан», деб ялиниб-ёлвордим.

У киши менга ачиниб розилик бердилар-у, лекин бўлмади: «Муаллим бир бузуққа уйдан жой берибди, ўзиям бўлмағур одамга ўхшайди», деган гап тарқалибди. У киши боши қотиб: «Нима қилай, ҳайдаб юборолмайман-ку бир бечорани», деганида, дўст-ёрлари: «Никоҳингизга олақолинг, юзи ёруғ бўлсин шуниям», деб маслаҳат беришди. Бу орада саводим ҳам чиқиб қолган эди. Оқ-қорани танийдиган бўлдим. «Шунақа гап, сен нима дейсан?», деб сўрадилар бир кун. Мен нима деяримни билмай, оёқларига йиқилдим, у киши кўтариб олдилар...

— Хотиним, бола-чақам бор, деган гапни айтмадиларми?

— Йўқ, буни мен никоҳдан ўтганимиздан кейингина билдим. Ушанда у киши фақат менинг шаънимни ўйлаган бўлсалар керак... Бу гапдан хабардор бўлгач, «Бу тўрида бошимизга неки маломат келса, барчасига балоғардон бўламан, кетишим зарур бўлган кунда сиздан сўрамасдан чиқиб кетаман», деганман. Манга, ёмон номим яхшига чиқадиган, бир бурда номимни топиб ейдиган куним ҳам бор экан. Ҳозир қишлоқда муаллимман, бу ёруғ дунёда яккаю ягона овунчоғим — қизим бор, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Фақат сиз гуноҳидан ўтсангиз, бас, опагон!..

Унинг чексиз дарду ҳасрати қаршисида мен лол қолган эдим. Нима ҳам дея олардим, қўлимдан нима ҳам келарди? У ўз ғам-алами билан бахтсиз, ўз муҳаббати билан эса бахтли эди: назаримда, ўзини кутаётган ёлғизлик қулфатини энгишга қодир қудратини топа оладигандек эди...

Ажаб, ҳозир бувимнинг ўша пайтдаги суратини кўз олдимга кетириб, ҳайратга тушаман: самбитдек тик қомат, қирқ кокили елкасини тутган, хаёлкаш, уятчан, хушрўй чехра...

Наҳотки, бобом буларнинг барчасидан воз кеча олган бўлса?.. Муҳаббат деганлари шунчалар ақл бовар эмас нарсами?!

«Энди тузук эслаёлмайман-у, лекин шундан сўнг буванг билан тагин ярашиб кетдик... У кириб келганда болалар ухлаб қолишган, ёлғиз менгина кўз юммай ўтирар эдим. Ташқари ойдинлашиб қолган, ой шуъласи хонани гира-шира ёритиб турар эди.

Мен шўрпешона бошимни аста кўтариб, унинг қорача чехраси, қийиқ, ўткир кўзларига тикилдим. Негадир вужудимда титроқ турди.

— Яхшимсиз? — деди у ниҳоят паст овозда. Балки болаларни уйғотиб юбормаслик учун атай секин гапиргандир. Лекин мен шу захоти ўзимча хулоса чиқардим: бу одам нақадар кучси, нақадар бевафо! Мен эса... мен унга таянишни, ундан куч-қувват олишни ўйлаб, холмаёл бўлибман-а! Ахир у менинг кўз ёшимга ҳам, муҳаббат у нафратимга ҳам арзимайди-ку!

Бир сўз демай, бошимни тагин ёстиққа ташладиму устига кўрпа тортдим...

Мен ўшанда дунёдаги энг бахтсиз, энг бечора кимса эдим. Бахтсизлигим сабабкори бўлмиш бу одамни кечиролмасдим ҳам, лекин... усиз яшолмасдим ҳам...»

...Баъзан ўзимча ўйлайман: балки ўшанда бувимнинг бошқа иложи бўлмагандир? Ахир, эзилган, хўрланган, ёруғ кун кўрмаган бир аёл остонасига келиб бош урганда уни суяб турғазлаш, қалбига яшаш, курашиш, энгиш завқини бағишлаш керак бўлганда у ўзгача йўл тута олмаган!..

Лекин бувим уни кечиришга қанчалик уринмасин, бари бир пинҳоний аламда ўртанган, ўзи учун дунёдаги ягона эркак деб ишонган кишининг ҳаётида ягона аёл бўлиш бахтига эришолмаганидан чексиз изтироб чеккан.

Аммо бувим, мунис бувигинам қалбидagi ғам-аламини ҳам ишқи каби махфий тута билган... Уруш бошлангач, бувим биринчилар қаторида фронтга отланган. Бувимга ёзган ҳар бир мактубида у гуноҳидан ўтишни ўтиниб сўраган...

«Агар худо бор бўлса, ундан биргина тилагим шу: сизнинг олдингиздаги гуноҳларини ювмоқ учун умримни ўшанга етгулик қилиб озроқ узайтирсин...»

«Қанақа гуноҳ? Қўйинг, қуриб кетсин ҳаммаси! Сиз омон қайтсангиз, бизга шунинг ўзи бахт. Агар худо бор бўлса, сиз соғ-саломат қайтасиз — болаларингизнинг, жигаргушаларингизнинг ҳар кунги дуоси сизни қўллайди. Илойим, ой бориб, омон қайтинг!..»

Хаёлнинг чегараси йўқ — мен бирпасда олис-олисларда қолиб кетган воқеа-ҳодисаларга гувоҳлик қилдим... Лекин бизнинг ўн биринчи қаватда — юдузлар ёғдусидан чароғон, осуда, еру осмон ўртасидаги гўшада тантанавор ҳаёт давом этмоқда.

Фанижон ёнимизга келиб ўтирди. Мен билан сўрашган бўлди, лекин гапининг оҳангидан сездимки, у менинг Мастура билан судралиб бу ерга келганимдан норози...

Фанижон ўзини хотиржам тутишга ҳарчанд уринмасин, ҳаяжонини жиловлашга бари бир ожизлик қиларди: пешонаси, юзидagi дона-дона терни қафти билан дам-бадам сидириб артади, қиёфаси бениҳоя ҳорғин...

— Сенинг шу истехзоли қиёфанг жуда жонимга теғди! — деди у Мастурага тўсатдан хўмрайиб. — Нега менга доим бундай қарайсан? Кечирасан-у, сенинг башаранг юрагимни зада қилиб қўйибди!

Мастура индамади, графиндаги шарбат сувини станкага қуяркан, қўллари қалтираётганини сездим.

— Йўқ, ортиқ бундай яшаб бўлмайди, бундай турмуш — азоб! Нима қиларимни ҳам билмай қолдим! — деди Фанижон бошини чангаллаб.

— Нима қилардик, ажрашамиз, — деди Мастура сохта бепарволик билан.

— Ҳа-ҳа, бошқа чора қолмаганга ўхшайди ўзиям. — Фанижон негадир жонланиб кетди.

— Сиз, фақат сиз шуни истайсиз! — Мастура бирдан титради. — Бир амаллаб ажралиб, мени, болаларни ора йўлда қолдириб, балиқдай силлиққина думингизни олиб қочмоқчисиз. Янги ёр топилганда эскисини унутмоқ пайдасиз шекилли! Хом ўйлабсиз, бу ҳақда илгарироқ, ўн йиллар бурун, ошиқи беқарор ролини ўйнаб юргангизда ўйлашингиз керак эди!

— Тагин ўша гап! Қанақа янги ёр? Шу гапинг жонимга теғиб кетди-да лекин. Ундан кейин, мен ошиқ ролини ўйнаган бўлсам, сен ойдагига бўлиб маъшук ролини ўйнагансан...

Ё, таваба! Енгинамизда — ўн-йигирма қадам нарида эллик йиллик соф муҳаббат тўйи нишонланяпти, атиги ўн-йигирма қадам нарида сеғги саодати ҳақида қўшиқлар куйланмоқда. Нақ бошимиз устиде — серюлдуз осмон, яккаю ягона ой. Асрлардан буён шоирлар

унга боқиб муҳаббат ҳақида ғазаллар битишган, ошиқ-маъшуклар унга боқиб севимли ёр сиймосини эслашган... Аммо айни пайтда бизнинг давраимизда муҳаббат шаънига номуносиб бўхтонлар ёғилмоқда, муҳаббат топталоқда...

— Майли, майли, мен розиман, боринг ўша Назо-катингизнинг олдига, етимчасига оталик қилинг, кўн-глингизни қўшланг, лекин билиб қўйинг, болаларнинг бирортасини бермайман!

Во ажаб! Мен билган ўша — мактабимиз саҳнасида муҳаббат, поклик, эзгулик рамзи бўлиб қалбларни ром этган киз аллақачонлар Мастуранинг жисмини тарк этиб кетганини эслаб боягина афсус чеккан эдим... Ҳозир бундай қарасам, мен билган Мастура ҳам қаршимда ўтирган жувоннинг вужудини аллақачон тарк этиб кетган экан...

Мастура шашқатор қўйилиб келаётган кўзёшларини артиб улгурмайди, ҳиқиллайди. Ғанижон тирсагини столга тираганча бошини чангаллаган.

Уларнинг гапларига қулоқ тутиб ўтирарканман, назаримда, улар ҳамон ҳаваскор артистлар-у, фақат, мен бир пайтлар кўриб завқланган ошиқ-маъшуклар ҳақидаги спектаклда эмас, бошқа — бошдан-оёқ икки кишининг бир-бирига бўлган чексиз нафрати асосига қурилган спектаклда роль ўйнаётганга ўх-шарди...

— Энди нима қилмоқчисизлар? — деб сўрадим бе-ихтиёр. Аслида, бу саволнинг кераги йўқ эди — шусиз ҳам масала равшан-ку!

— Ажралишимиз керак, — деди Ғанижон совуққон-лик билан.

— Бу гап айтишга осон. Олдин яхшилаб ўйлаш ке-рак.

— Мен ўйлаб кўрганман.

— Йўқ, Ғанижон, калта ўйлагансиз. Мастурани-ку оқламоқчи эмасман, лекин болалар айбсиз-ку!

— Ҳамма фақат шу гапни айтади. Мени калтафаҳм, тошмехр, демоқчимисизлар?

— Бари бир, болалар...

— Ҳаммангиз насихат қилишга устасизлар. Менинг қандай қийноқларни бошдан кечирганим билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Менинг ҳам ўзимга яраша ақлим бор, бола деса, минг пора бўладиган қалбим бор...

— Ёлғон, ёлғон, умрингизда болаларни ўйлаган эмасиз! — деб чиқиллади Мастура.

— Чинқираверма, кэр эмасман! Гапимни гапириб олай, кейин, майли, менга деса, анави микрофонни оғзингга тутиб бақир! — Ғанижоннинг овози ҳам ўз-ўзи-дан баландлашди. — Мен сизга айтсам, жанжалимиз-нинг асосий сабабчиси — дугонангиз!

— Ҳали шундоқ денг?! Демак, бузғунчи Назокат эмас, мен эканман-да?! Ҳали мен...

— Ҳа, сен! Яна қайтараман: сен!..

— Қизгаверманглар. Хоҳласанглар, сизларни холи қолдириб кетишим мумкин. Жанжал эшитиб ўтиришга тоқатим йўқ, — дедим ўзимни иложи борича вазмин тутишга уриниб. — Қани, ётиги билан сўзлашайлик. Хўп, Ғанижон, сиз нима дейсиз.

— Ҳамма гап собиқ синфдошим Назокатнинг ту-ғилган кунига қақриб таклифнома юборишидан бош-ланди. Мастуранинг жанжали шундан чиқди. Назокат ўйнашим эмиш, бор пулимни ўшанга сарфлармишман. «Бўлмаса, у бизнинг уйни қаердан билади?», дейди нуқул. «Ахир, нега билмасин, биз синфдош эдик-ку!», десам ҳам тушунмайди. Хуллас, ҳеч гапни тан олгиси келмайди.

— Ҳа, энди бу ёғини гапиринг, бу ёғи қизик! — деб истеҳзоли тиржайди Мастура.

— Назокатнинг уйда собиқ синфдошлар билан кўришиб, хурсандчилик қилдик. Бир оз хафа ҳам бўл-дик: Назокат қизчаси билан эридан ажралган экан. Уйга қайтиб, ҳовли дарвозасини шунча тақиллатаман, қани биров очса! Жўралар тарқалишмаган бўлса, би-ронтасиникига эргашиб кетарман, деб ўйлаб яна Назокатникига бордим.

— Кўнгил қурмагур, яна орқага тортганда-а!.. — де-ди Мастура захарҳанда билан.

— Лекин, бахтга қарши, Назокатникида ҳеч ким қолмаган экан, — деди Ғанижон унга эътибор бер-май. — У меҳмоннавозлик қилиб, қўймай ичкарига бошлади. Чой дамлади. Бир пайт эшик тақиллади. Ҳеч нарсадан беҳабар Назокат бориб зинки очди. Соцла-ри ёйилган дугонангиз дод солиб кириб келди. Бош-ланди ҳангома! Аввал менга ёпишди, сўнг Назокатга...

— Ҳой ёлғончи, ноинсонф, уни севганман, ҳозир ҳам севман, деган ким эди? — Мастура ялт этиб эри-га қаради.

— Мен бу гапни ҳеч қачон айтмасдим. Ўзинг ну-қул, ростини айтинг, деб туриб олганингдан кейин, бошқа гапга ишонмаганингдан кейин айтганман-да, жаҳл устида...

Бу гаплар юрагимни чангаллаб, аёвсиз сиқа бошла-ганини сездим.

Ҳозир тўртинчи қаватдан олис-олисларга кўз тиккан бувигинамнинг ҳаёлидан нималар кечаётган экан? Ёр-ёр садолар энди авж нуқтасига етган, узун, тор кўча-лар ловиллаб ёнаётган машъалалардан, қизлар, йигит-ларнинг кулгисию қийқириғидан ёришиб кетган — ме-нинг кўҳна шаҳримда энг қадимий, муқаддас удумла-ринмиздан бири амалга ошириляпти.

Бугун ўн биринчи қаватда ҳам ёр-ёр айтилмоқда: «олтин тўй» қатнашчилари ёр-ёр бошлаб юборишди. Жавлон ака билан Ҳожар опа ўйга чўмган, берилиб тинглашади, назаримда, улар ҳозир ўзларини ўн би-ринчи қаватда эмас, эллик йил бурунги серюлдуз ос-мон остида сезишарди...

Ғанижон ва Мастуранинг мунозараси эса ҳамон да-вом этмоқда. Уларнинг гаплари қулоғимга узуқ-юлуқ чалинади:

— Бундан чиқди, сен бир умр Зухра бўлишни ис-тайсан, шундайми?! Мен-чи, мен! Ҳозир мен сенинг кўзингга Қоработир бўлиб кўриняпман. Лекин, билиб қўй, мен бир умрга Тоҳир бўлишни, бир умрга севиб-севилишни истаб сен билан бир ёстиққа бош қўйган эдим. Аммо сен Зухралигингни йўқотгач, мен ҳам Қо-работирга айландим...

— Бу кишига сира тушунолмайд қолдим. Овқатнинг таъми салгина шўр бўлса ёки кўйлаги бирон кун дэ-молланмай қолса бас, дарров тумшуги осилади, дэр-ров битта гапни маҳкам ушлаб олади, ажралишни ўр-тага солади... Кейин мен ҳам тинч ўтиролмай, бу гап кўнгилда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Назокатга ўх-шаш биронта бевани топиб олгандир-да, деган хаёлга бораверман...

— Қўйинглар энди, Тоҳир-Зухра эмас, Мастура-Ғанижон бўлақолинглар, — дедим уларни муросага чор-лаб. — Менимча, муҳаббат йўлида фидойи бўлиш ке-рак, ҳаммаша унга муносиб бўлишга интилиш керак...

Мунозарамиз энди вазмин, насихатомуз оҳанг касб этади. Агар Ҳожар опа ва Жавлон ака даврасидан ва-кил келиб, бизни «олтин тўйга» таклиф қилмаганида, бу ҳолнинг қачонгача давом этишию нима билан туга-ши номаълум эди. Юбиллярлар ёшлик дамларига қай-тишни истаб қолишибди. Ғанижон билан Мастуранинг бирорта спектаклдан парча ижро этиб беришини сўра-шибди. Бу гапни эшитиб, Мастура билан Ғанижон не-гадир кўп ҳам ўйлаб ўтиришмади, мени тамом ҳайрон қолдирганча қўл ушлашиб, Тоҳир-Зухрага айланиш учун туриб кетишди.

Мен бир ўзим қолдим. Йўқ, ёлғизлигим узоққа чў-зилмади. Орадан сал ўтмай, бу тун мени ҳайратлан-тирган яна бир воқеа юз берди: қадам босиши ўзга-риб, икки бети қизарган, пешонаси ялтираб қолган официант сирли илжайиб, столга бир шиша шампан ва шоколад қўйди.

— Адашдингиз шекилли, биз ҳеч нарса буюрмаган эдик-ку? — дедим таажжубланиб.

— Йўқ, адашмадим. Сиз Ҳафизасиз, шундайми?

— Ҳа.

— Қўшни столдаги танишларингиздан. — У қўлимга буклоғлик қоғоз тутқаэди. Очиб ўқидим:

«Ҳафиза, кўзларимга ишонмаяпман, ўзингизмисиз! Нега ёлғизсиз? Беш минутга вақтингизни олсам май-лими? Равшан!»

Равшан... Собиқ курсдошим. Шоша-пиша атрофга қарадим. Турдаги столларнинг бирида кимдир қўл кўтарди, сўнг ўрнидан туриб, тўғри мен томонга юриб кела бошлади.

Равшаннинг қомати янаям тўлишибди, қорача юзида табассум. Унда бир йигитга етиб ортадиган хислат-фаълиятларнинг барчаси мужжасам. Боз устига, катта бир амалдорнинг ёлғиз куёви...

Равшан... Негадир кўпдан бери уни ҳеч бўлмаганда бирров кўришни истардим. Мана, ниҳоят, учрашдик. Секин қўл узатдим, у оҳиста эгилиб кўлимни ўпиб кўйди, ён тарафдаги стулга ўтириб, кўзимга тикилди.

— Ҳалиям чиройлисиз-а, Ҳафиза, — деди ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин. — Очиги, илгари бу гапни сизга сира айтмаганман. Нимагадир тортинардим. Энди айтаверишим мумкин, тўғрими, Ҳафиза?

Унинг табиятида андак муғомбирлик борлигини аввалдан билардим. Ҳозир ҳам жилмаётган, ўша муғомбир кулгиси яққол намоен бўлди. Илгарилари унинг бу одатини атай пайқамасликка уринар, эътиборини бошқа нарсаларга қаратишга ҳаракат қилар эдим.

— Қўйинг шу гапларни, Равшан, — дедим бетоқат бўлиб. — Яхшиси, ўз ишларингиздан гапиринг, аҳволингиз қалай?

— Аҳволимми? Аҳволим қалай эмас, олтин! Узингиз биласиз-ку, аҳволим ҳамиша олтин бўлишини, — дея хаҳолаб кудди у. — Эсингиздами, доммо «Равшан Ҳолматов ҳали дунёдаги энг омадди одам бўлиб кетади», деб юрардим. Сиз эса менинг гапларимга сира ишонмасдингиз. Узим ҳам баъзида ҳайрон қоламан: ким эдим у ким бўлдим? Гоҳо мактабдаги ўқитувчи Жума акага ўзимча «Раҳмат», деб кўяман. Бир кунни шўхлик қилганимда, «Сен одам бўлмайсан!», деб бир шاپалоқ ургани суяк-суягимдан ўртиб кетган эди. «Ҳали одам бўлмаганимни сизга кўрсатиб кўяман!» деган эдим ўшанда. Тунов кун «Жигули»ни ҳайдаб онамларникига бораётсам, бекатда оғир сумка кўтариб букчайиб турган бир киши кўзимга таниш кўринди. Анча узоқлашгач, эсладим: Жума ака. Шартта оракамга қайтдим, ахир, одам бўлган-бўлмаганимни ис-тлашим керак эди-да! У мени дарров таниди. Машинага ўтқазиб, манзилига етказиб кўйдим. Менинг тўғримда эшитиб юрган экан, роса мақтади. «Сенга ўхшаган шогирдлар билан фахрланман», дейди. Гапни қаранг! Ҳа, Ҳафизахон, одамлар шунақа — вазиятга қараб ўзгараверишади. Бир пайлар мен билан сўрашишни ор деб билувчи одамлар энди қариндошлик даъво қиладиган бўлиб қолишди. Дунё шунақа, сендан бирон наф бўлсагина, одамлар сен билан гаплашади, бўлмаса, кимсан ҳам демай туртиб-суртиб кетаверишади.

— Уч-тўрт йил илгари, диссертация ёзаяпман, деган эдингиз... — дедим мен унинг гапини бўлиб.

— Одамни хафа қилманг-да, Ҳафизахон! Мен билан умуман қизиқмай қўйгансиз шекилли. Диссертацияни аллақачон ёқлаб юбордим-ку! Комсомол мукофоти ҳам олдим. Докторлик ишим ҳам деярли тайёр. Иш деган нарса биздақалардан зириллаб туради, ўзингиз биласиз-ку...

Ҳа, ўзим биламан: Равшан ўртамиёна студент эди. Ким билсин, эҳтимол, мен сезмагандирман: балки у истеъдодли одамдир. Балки унинг шу даражага етишувида амалдор қайноғасининг ҳеч қандай хизмати йўқдир. Тан олиш керак, у биздан — собиқ курсдошларидан анча ўзиб кетибди. Лекин қизиқ, нега энди бунча мақтанчоқлик қилади? Нега ўзини бу қадар осмон фаҳмлайди? Менинг олдимда ўзини оқламоқчимми? Аммо менинг у ҳақдаги фикрим энди бари бир ўзгармайди-ку?! Аслида, ўшанда ундан ҳеч қандай айб ўтмаган эди. Фақат... оддий бир қизга уйланишдан кўра, «тагли-тахтли» жойга куёв бўлишни афзал билган эди, холос...

— Ҳафиза, ҳалиям хаёлпарастлигингиз қолмабди-да! Сизни баъзида эсласам, шу ҳолатингиз кўз ўнгимга келаверади. Биласизми, ўшанда сиз билан Душанбега учиб кетмаганимдан ҳали-ҳали афсусланаман...

Қизиқ, негадир сира эслолмапман. Қачон у билан Душанбега учмоқчи бўлганман-у, нега учолмай қолган эканман? Ахир, у бирор наф чиқмаса, бекордан-бекорга бирон ишга қўл урмайдиган кимса эди-ку! У ҳатто хаёлида ҳам учолмайдиган одам. Нега энди, келиб-келиб у билан учмоқчи бўлган эканман? Агар қандан ҳам шундай қарор қилган бўлсам, демак, ўшанда ғирт тентак эканман.

...Иккаламиз истироҳат боғида ўтирардик. Ёнгинамиздаги овоз ёзиш студиясидан шўх музика янграр, атрофда одам кўп, лекин биз ҳеч кимни кўрмас, ҳеч кимни сезмас эдик. Ногоҳ қаршимизга кимдир келиб тўхтади-да, менинг номимни атаб чақиргандек бўлди. Бошимни кўтариб қарасам — Гулнора, собиқ синфдошим, ўн йиллик қадрдон сирдошим. Кўришмаганимизга анча бўлган эди. Аллақачон турмуш қурибди, бир қиз, бир ўғилчаси бор экан: никоҳ уйида ишларкан.

Буни эшитгач, Равшан кулимсираб деди:
— Ишингиз зўр экан, яқин орада биз учун ҳам бир хизмат қиласиз-да энди...

Гулнора табиятан шўх қиз эди, йиллар шаддодлигини яна ошириб юборганми, дарров жавоб қайтарди:
— Сизлар учун ҳозироқ жон-жон деб хизмат қилишим мумкин!

— Йўқ, йўқ, кейинроқ, — дедим мен қизариб-бўзариб.

— Юринглар, кетдик! Буям бир гап-да, ҳозир фақат ариза ёзасизлар, бир ойдан кейин келиб никоҳдан ўтасизлар, — деди Гулнора жилмайиб.

Мениям шайтонлигим тутдими, билмайман, дик этиб ўрнимдан турдим:

— Қани, кетдик, бўлмаса, — дея Равшанга қарадим. Ё, тавба, у жойидан ҳам қимирламади, ҳатто ранги оқариб кетгандек туюлди.

— Бунинг учун паспорт керак-ку, — деди у. Овози одатдиган кўра пастроқ чикди.

— Ҳозирча паспортнинг кўраги йўқ, кетдик! — Бечора Гулнора ундаги ўзгаришдан беҳабар, ҳамон ҳазилга зўр берарди.

— Йўқ, Гулнора, бошқа вақт борармиз, — дедим мен вужуд-вужудим бўшашиб.

— Ҳа, ҳа, биз ҳали албатта борамиз... — деди Равшан алланечук жонланиб.

Гулнора баланд пошнали туфлисини тақиллатганча биздан узоқлашаркан, иккаламиз ҳам мум тишлаган каби жим қолдик. Равшаннинг кўнглидан шу дамда нелар кечаётганини билмайман. Мен эса, худди Гулнорадек, асфальт йўлкани тақиллатганча бошим оққан томонга жўнаб қолиш истагида ўртанардим. Лекин қандайдир номаълум бир куч мени ўрнимдан жилишга қўймасди. Кетсам, Равшаннинг ёнига кейин ҳеч қачон қайтмаслигимни ҳис этганим учун ҳам журъат қилишга юрагим дов бермаган шекилли...

У эса, пайти келганда ҳатто кецирим ҳам сўрамаган эди. Уйлайманки, лоақал жиндек изтироб ҳам чекмаган бўлса керак...

Бугунги бўлиб ўтган ҳамма керакли-кераксиз гаплар, унутилган ва ёдда қолган хотиралар мени толиқтирганини сездим. Қаршимда ўтирган Равшаннинг хушбичим чеҳрасига боқиб ўтириш ҳам, унинг баландпарвоз силлиқ гапларини эшитиш ҳам энди менга малол кела бошлаган эди. Ҳузур қилиб сигарета тутатаётган Равшан эса завқ ва мароқ билан шаҳар ташқари-сидаги муаззам чорбоғи ҳақида сўзларди. Бирдан фикрим равшанлашиб:

— Сигаретангиздан менга ҳам беринг, — дедим.
— Ҳазиллашяпсизми? — деб сўради у таажжубини яширомай.

— Йўқ. Шунчаки чекким келяпти, — дедим сохта лоқайдик билан.

— Яхши эмас. — У норози бош чайқаб, ишонқилрамайгина сигарета узатиб, гугурт чақди.

— Нима яхши эмас?

— Чекиш. Аёлларга...

— Нега энди? — дея асабий жилмайдим.

— Қўйинг, чекманг... Рост гап, сиз ҳақингиздаги фикрим ўзгаришини истамайман.

— Сиз билан юрган пайтларимизда ҳам чекардим. Яширинча... — деб «хужум»ни давом эттирдим. Бу гап уни бутунлай эсанкиратиб қўйди.

— Ҳазиллашдим, денг. Ҳазиллашяпсиз, шундайми? Юрагимни ғашлик кемирмоқда, лекин бари бир бер-парво кулимсираб қўйдим.

— Нега куляпсиз? — деб сўради у ошкора хавотирланиб. — Мени масхара қилаётганга ўхшайсиз.

— Йўғ-э, нега энди? Фақат, раҳмим келяпти сизга. — Нега?!

— Билмадим, — деб елка қисдим. Чиндан ҳам, бу нарсани унга тушунтиришга ожизлик қиламан. У ҳам тушунмайди. Ҳеч қачон!

Уртага ноқулай жимлик чўқди. Равшан аччиғи чиққанини яширишга ҳарчанд уринмасин, юзи қизариб кетди, манглайда тер томчилари пайдо бўлди.

— Сиз... сиз мени хафа қияпсиз, — деди у. Овози негадир бўлиниб-бўлиниб чиқди.

— Буни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Гарчи кечирим сўрашнинг ўрни бўлмаса-да, сўзларим қаттиқ ботган бўлса, кечиринг, — дедим ўзимни дадил тутиб.

— Биламан, сиз мени ёмон кўрасиз...
— Бунинг энди ҳеч қандай аҳамияти йўқ, Равшан.

— Сизнинг шу мағрурлигингиз бор-да, Ҳафиза. Шунинг учун ҳам бошқалардан бошқача яшайсиз.

— Нима деганингиз бу?
— Сизнинг бахтингиз ҳам, бахтсизлигингиз ҳам шунда, демоқчиман...

— Узингиз-чи? Узингиз бахтингиз ва бахтсизлигингиз нимада эканини биласизми? — Ҳамон қўлимда туриб турган сигаретани кулдонга босиб эзгиладим. — Сиз ўзингизни ҳаддан ташқари яхши кўрасиз. Бахтингизни шунда деб биласиз. Билмадим, эҳтимол, ўзингизча бахтиёрдирсиз. Лекин мен буни тамоман аксинча тушунаман... Тўғри айтдингиз, биз бутунлай бошқабашқа одамлармиз!..

Равшан асабий ҳолатда чўнтақларини кавлаб сигарета ошлашга тушди — вазиятдан қутулишнинг осон йўли шу.

— Кечирасиз, мен ҳозир... — дея ўрнидан турди-да, жўралари ўтирган стол томон кетди.

— Мен яна ёлғиз қолдим.
Осмонда юлдузлар жилваси, атрофда ҳамон ёр-ёр садолари, шодиёна руҳ...

«Олтин тўй» авжиде. Меҳмонлар қаторида ҳозиргина ошиқ-маъшуқлар ролини ўйнаб барчани қойил қолдирган Мастура билан Ганижон ял-ял ёниб, ҳамма нарсани унутиб ўтиришибди. Равшан ҳам менинг столимга қайтишни «ёдидан чиқарган». Балки қайтишга юраги бетламаётгандир...

Мен сўнги бор Равшан томонга қарадим: у сигаретани бурқситганча шерикларига ниманидир уқтиряпти. Назаримда, шу дамда у мени тамоман унутган, ўз дунёқараши доирасидаги ташвишлари, фикр-ўйлари билан машғул. Мени эслаб ўтирмагани ҳам маъқул, ахир, у ҳам менинг ёдимда узоқ сақланиб қолмайдикун! Кўп ўтмай тамоман унутилади...

Ун биринчи қаватда, еру осмон ўртасида фақат менгина ёлғиз ўтирибман. Йўқ, олисдаги уйнинг тўртинчи қават деразасидан қоронғиликка термилиб хаёлга толган бувим ҳам ёлғиз... У мени кутяпти. Эҳ, тавба, мен нима қилиб ўтирибман бу ерда? Бувигинамнинг ҳузурига боришим керак-ку!

...Эшик қўнғироғини босишим билан қуёшдай порлаб мунис меҳрибоним пешвоз чиқади. Хийла кеч бўлиб қолгани учунми, шивирлашиб гаплашганча, деразалари ланг очиқ айвонга ўтамиз, сўнг узоқ-узоқлардан эшитилаётган ёр-ёр садоларига қулоқ тутган кўйи ҳузур қилиб кўк чой ҳўплаб, бу кўҳна ва серташвиш дунё ҳақида оҳиста суҳбат бошлаймиз...

АДАБИЙ ҲАЁТ ҲАНГОМАЛАРИ

Инглиз киноактёри Генри Ирвинг ўз ҳаётида бўлиб ўтган қизиқ ҳангомаларни дўстларига сўзлаб беришни жуда яхши кўрарди. Бир куни Марк Твен ҳузурда бир воқеа тўғрисида ҳикоя қиларкан, ёзувчидан сўради:

— Бу воқеани эшитганмисиз?

— Йўқ, эшитмаганман, — деди Марк Твен.

Ирвинг ҳикоясини давом эттирди ва бироздан сўнг яна сўради:

— Жаноб Твен, наҳотки бу воқеани эшитмаган бўлсангиз!

Марк Твен иккинчи марта «йўқ» деб жавоб бергандан кейин у яна ҳикоясини давом эттирди. Ҳикоянинг яна бир қисмини айтиб бўлгач, учинчи марта сўради:

— Жаноб, Твен, сиз ростдан ҳам бу воқеани эшитмаганмисиз?

— Азиз Ирвинг, мен икки марта ҳурмат юзасидан сизга ёлғон гапирдим. Кечирасиз, учинчи марта ёлғон айтишга тилим бормаяпти. Бу ҳикояни бундан бир неча йил аввал ўзим ёзганман.

Бир ёш немис ёзувчиси кўпчилик олдида мақтанди:

— Мен Александр Фон Гумбольдтдан атиги уч фунт энгил эканман.

Даврада машҳур юморист Мориц Сафир ҳам бор эди. У деди:

— Уша уч фунт мянгишга тааллуқли бўлса керак.

Гётенинг уйида хизмат қилиб юрадиган бола бир куни ошхонадан катта бир чўртан балиқни ўғирлади. У балиқни пальтосига яшириб, уйдан чиқиб кетаётган эди, Гёте уни пайқаб қолди ва секин ёнига қақирди:

— Бу ёққа кел-чи, ўғлим!

— Нима буюрадилар жаноб!

— Келгуси сафар балиқ ўғирлайдиган бўлсанг, кичикрогидан ўғирлагин ёки узунроқ пальто кийиб олгин, тушундингми!

Гоҳи имлаб чўққилар,
 гоҳо ўраб гирдоблар,
 Кўзларимга сен билан
 синган ғаройиб хоьлар.
 Нур селиб, осмон эмас,
 кўксимда бир ой юксалар,
 Мен учун оламда йўқ
 сендан бўлак маҳтоблар.
 Куй таралмас, ой бўлиб
 юксалмаса кўксингда ишқ,
 Минг йўсинда сайрасин
 минг бир туман асбоблар.
 Бир умр кўксимда нур,
 шундан менинг бўйнимда қарз,
 Порласин, дейман, йўлингда
 бир умр офтоблар...

Уйлагандим:
 Мен учун битди бу дунё сирлари.
 Билмагандим:
 Бор экан қалбнинг яланғоч қирлари.
 Худди булбул сайрагандек,
 бир муножот тингладим,
 Йиғлади наздимда дунёнинг буюк шоирлари.
 Йўқ,

тушундим мен сени,
 куйчим,
 муҳаббат ҳурмати,
 Сенга бир пулдир бу оламнинг бутун таҳқирлари.
 Мен омонлик истагандим, мен муножот тингладим,
 Бир умр бўйнимда қолди
 Сочларинг занжирлари...

Бутун оғир хасталиклар,
 беморликларга
 Албатта шунчаки чидаб бўлмайди.
 Аммо чидаб келган одамлар.
 Изтиробли тунлардаги
 бедорликларга
 Албатта шунчаки чидаб бўлмайди.
 Аммо чидаб келган одамлар.
 Камситишлар,
 ҳақоратлар,
 минг хил хўрликка
 Албатта шунчаки чидаб бўлмайди.
 Аммо чидаб келган одамлар.
 Нотантилик,
 ўғирликка,
 муштурмзўрликка
 Албатта шунчаки чидаб бўлмайди.
 Аммо чидаб келган одамлар.
 Бекорга гап тўқишмаган: одам ўлмайди.
 У йўл кечаверар, чекиниб хатар —
 Қадалганча оёққа тикан.
 Мен ўйлайман: кулфатларки, умрга оғу —
 Чидаганми инсон
 ноиложликдан,
 Қудратидан чидаганми у!!



ОМОН
 МУХТОРОВ

Баҳор

Қўшиқ

Дунёда сен борсан. Дунёда мен бор.
 Йўлимиз гоҳ олис. Гоҳо ёнма-ён.
 Сен, эҳтимол, баҳор.
 Мен, эҳтимол, баҳор.
 Бизга муштоқ замин ва замон.
 Сен менинг қалбимсан. Мен сенга даркор.
 Бизга душман дунёда мудроқ.
 Сен, эҳтимол, баҳор.
 Мен, эҳтимол, баҳор.
 Йўлимизда уйғонар тупроқ.
 Саодат — ҳаётга бўлмоқ мададкор.
 Шунда олам кўрмайди завол.
 Сен, эҳтимол, баҳор.
 Мен, эҳтимол, баҳор.
 Бизникидир бир дунё хаёл.

Бир ҳол туюлади гоҳ менга эриш,
 Ҳаттоки, инжийман ундан норизо —
 Кимнингча, масалан, бўлмаган эмиш
 Дунёда Робинзон Крузо.
 Кимдир оқилона бошини чайқаб,
 Айламоқни истар баъзан мени мот.
 Дон Кихот, дейди у, тўқилган бир гап,
 Дунёда бўлмаган Дон Кихот.
 Булар майли, дейлик... Қолишади лол,
 Мен айтсам мабодо: чангитиб кўча —
 Бизга тонгдан учрар фаррошлар мисол
 Айрим кунлар Насриддин Хўжа.
 Ким билиб-билмасин, дунёда мангу
 Эзгулик ҳукмрон. Бир мард чиқса бас —
 Робинзон, Дон Кихот, Насриддинга у
 Жон бағишлар,
 Бағишлар нафас...

Шоир кўп. Қай бири —
 Байрамлар шоири.
 Шоир кўп. Қай бири —
 Аламлар шоири.
 Шоир кўп. Қай бири —
 Пок ҳислар шоири.
 Шоир кўп. Қай бири —
 Мажлислар шоири...
 Гарчи гоҳ туюлар
 Оддий иш шоирлик.
 Инсонга у қилар —
 Кўпинча оғирлик...

Қорли кун

Халқ оҳангида

Осмон тиниқ. Қолган бироқ
 Булут ҳамон унда-бунда.
 Қуёш ёрқин, қуёш порлоқ
 Қор қуюлган оппоқ кунда.
 Қанот чиқар, дейди шамол,
 Шивирлайди шу мазмунда.
 Учгим келар, сезмай малол,
 Қор қуюлган оппоқ кунда.
 Шеър ўйладим, қолиб танҳо,
 Гоҳо кундуз, гоҳо тунда.
 Шоирликка етдим аммо
 Қор қуюлган оппоқ кунда.
 Ҳар фасл бир шайдо бўлдим
 Уз юртимга. Бахтим шунда.
 Мухаббатга қайтиб тўлдим
 Қор қуюлган оппоқ кунда.
 Кўп учратиб қуюнларни
 Қолганим йўқ мен қуюнда.
 Кўрдим ажиб ўйинларни
 Қор қуюлган оппоқ кунда...

Кўнгила

Халқ оҳангида

Кўкларда кўшиқ ёнди.
 Кўкларда кўшиқ энди.
 Бир қуш каби талпинди —
 Кўкларга баҳор Кўнгила.
 Кўзларга жаҳон гулшан,
 Гуллар очилиб-кулган.
 Ёрим, ўтақол йўлдан,
 Йўлингга нигор Кўнгила.
 Кўкламда булут бўлса,
 Ёз пайтида ўт бўлса,
 Куз пайтида қут бўлса,
 Қиш пайтида қор Кўнгила.
 Уртанди менинг борим,
 Бор севгида иқрорим.
 Билсанг-чи, ахир, ёрим,
 Ёлғиз сенга ёр Кўнгила.
 Кутганда жавобингни,
 Кўрсатдинг азобингни.
 Қўй энди рубобингни,
 Кўксимдаги тор Кўнгила.



НОРМУРОД
НОРҚУЛОВ

Чаноқда — ТОНГ ТЎЛҒОНАР

Фасллар йўрагида
 Ухлатиб қўйган ёзни:
 Ҳазонлар йўлагидан
 Умидларим барг ёзди!

Сиёҳранг ҳув шафақда —
 Қуёш бормоқда ёниб,
 Еллар чалган чапақдан
 Новдалар ухлар қониб.

Булутлар тунд... гоҳ майин,
 Тўғидан ун чиқмас.
 Тинглаб бўронлар найин
 Баданларим жунжикмас.

Сочларимда уйғонар
 Уйқуга чўмган шамол.
 Чаноқда тонг тўлғонар,
 Беланчақдай бемалол.

Ҳандалаклар полизда
 Ҳавога бўй сепишар.
 Боғда — мандан олисда,
 Олмалар тўп тегишар.

Қовунлар «тарс» ёрилиб
 Элни чорлаб ҳашарга,
 Шарбатларга қорилиб,
 Отланади шаҳарга.

Гувлар Аму, гувлар Сир
 Ахир, бундоқ қаранглар:
 Айтаверсам бирма-бир,
 Ўзбекистон жаранглар!

Кўзларимда кунлар чўмилди..
 Кипригимда юзди шуълалар!
 Сочларимга қувонч кўмилди
 Лабларимда ойдин ўланлар!..

Пешонамда — фасллар изи...
 Иягимда қировли йиллар.
 Нафасимда чўяндай қизиб —
 Омонатим-умрим чийиллар!

Кетмонда йўқ чарчоқлик, гашлик,
 Армонларим гуллардай хурсанд...
 Имкон бўлса, сени, гул ёшлик,
 Кафтга олиб, кўтариб юрсам!..

...Изларимни босса-да хазон,
 Йўқлигидан бисотда кўзёш:
 Ёшлигимдай пичирлар Осмон,
 Ёшлигимдай жаранглар Қуёш...

Юрагинг — ҳали мен
 Кезмаган олам.
 Кипригинг — ҳали мен
 Сезмаган майса.
 Ёногинг — ҳали мен
 Ҳидламаган гул,
 Кўзларинг — қуёшнинг Ватани,
 Пешонанг — тонгларга бўсаға...

Соат

Гар сен одил бўлсанг...
 Гар ҳақ бўлсанг эдинг, дилбарим:
 Уткинчи йилларнинг
 қўлига
 Асир тушмас эди тирик кунларим...



НОДАР
ДУМБАДЗЕ



АБАДИЯТ ҚОНУНИ

РОМАН

Рус тилидан
Низом КОМИЛОВ
таржимаси

Расмларни В. БУДАЕВ чизган

Оғриқ ўнг елкадан бошланди. Кейин аста-секин кўкрак томонга сурилиб, чап тўшнинг аллақайси бир тубига жойлашиб олди. Сал ўтмай, кимнингдир қаварган, дағал бармоқлари кўкрак қафасини ёриб кириб, юракка чангал урдию уни худди бир бош узумни эзгилагандек аёвсиз эзгилай бошлади. Эзгилаганда ҳам шошмасдан, ҳафсала билан эзгиларди: бир-икки, икки-уч, уч-тўрт... Ниҳоят, обдан мижиқланган юракда бир қатра ҳам қон қолмагач, яна ўша қўллар уни бамайлихотир улоқтириб ташлади. Юрак уришдан тўхтади. Йўқ, олдин у деразага ўқдек келиб урилган чумчуқ янглиғ пастга қулаб, бир оз типирчилаб турди, ана ўшандан кейингина тўхтади. Аммо-лекин тўхтаган юрак — бу ҳали ўлим деган сўз эмас, бу — мислсиз даҳшатдан бақрайган кўзлар ва азоб тўла интиқликдир: яна уриб кетармикан бу юрак лаънати!

— Юракни қарғаб бўлмайди, батано! «Уни авайлаш, бамисоли қайнаб тошаётган сўтни пуфлагандек оҳиста пуфлаш керак... — деди ҳамшира.

— Азизим, ҳозир чиройли сўзларнинг вақти эмас! Ёрдам беринг!

— Надя, анальгин!.. Ҳозир оғриқ босилади!
— Ичган бу, доктор!
— Кардиограммани беринг!
Кимдир беморни қучгандай бўлди.
— Хўш? — деб сўради врач.
— Жудаям ичкарида... Нима дейишга ҳам ҳайронман.

— Оғриятими?
— Доктор, оғриқни тўхтатинг... ёки бўлмаса ўлдириб қўяқолинг!
— Промедол!

Орадан беш минут ўтди.

— Қалай, босилдимиз?

Бемор бу бемаъни саволни берган одамга бир қараб қўйиш ниятида кўзларини очмоқчи бўлди-ю, лекин уддасидан чиқолмади: қовоқлари қўрғошин қуйилгандай зил-замбил эди.

— Морфий! — деб буюрди саросимага тушган врач ва шошиб телефон трубкасини кўтарди. — Бу мен, Антелаваман. Мониторни бўшатиб, дефибрилляторни тайёрланглар. Тез!

— Оҳ-оҳ, қачон қутуламан! — дея ингради бемор.

— Азот! — деб буюрди врач.

Бемор юзига нам дока текканини сизди. Бир пайт унинг танасини оҳиста кўтариб, қайиққа жойлашди. Сўнг...

...Сўнг қайиқ ойнадек сип-силлиқ денгиз сатҳида хиёл тебраниб сузиб кетди. Қўққисдан қайиқчи катта-кон занглаган миҳ олиб, беморнинг кўкрагига қўйди-да, мушти билан бир уриб уни харракка қоқиб ташлади.

— Нима қиялсан, зolim! — деди инграб бемор.

— Бўлмаса, сувга ағдарилиб кетасан! — деб жавоб қилди қайиқчи.

1 Батано (груз). — эркакларга нисбатан ҳурмат юзасидан қўлланиладиган мурожаат сўзи.

«...— Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баравар оғирроқ... Шу қадар оғирки, уни бир киши кўтаролмайди... Бинобарин, биз, одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз, бир-биримизнинг юрагимизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак: сиз — менга, мен — унга, у эса — бошқа бировга... Токи ўлим ҳаётда бизни ёлғизлик балосига гирифтор қилиб қўймаслиги учун бу ҳаракат узлуксиз давом этмоғи лозим...»

Бу сўзлар атоқли грузин адиби Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» романининг бош ғоясини белгилайди. Совет адабиётининг кейинги йиллардаги йирик муваффақиятларидан бири сифатида Ленин мукофотиغا сазовор бўлган мазкур асар миллионлаб китобхонларнинг маънавий мулкига айланди. Романда бугунги куннинг долзарб ижтимоий-ахлоқий муаммолари изчил гражданик позициясидан, юксак бадиият билан таҳлил этилади. Асарнинг бош қаҳрамони — ёзувчи Бачана Рамишвили ҳақ ва ҳақиқат йўлидаги муросасиз курашларда гоҳ зафар нашъасини суради, гоҳ мағлубият аламини чекади, аммо ўз ҳаётини эътиқодига ҳамиша содиқ қолади.

Ушбу сондан эътиборан муҳтарам ўқувчиларимизни бу ажойиб асарнинг таржимаси билан таништира бошлаймиз. Уйлаймизки, романда ифода топган ҳаёт ҳақиқати ва бадиий фалсафа журналхонларимизнинг гражданик дунёқарашини янада оширади, замонамизнинг мураккаб ахлоқий проблемалари ҳусусида теранроқ мушоҳада юритишга даъват этади.

Кейин у худди ўшандай зангланган миҳлар билан беморнинг оёқ-қўлларини ҳам тахтага қоқиб, ўзини сувга отди.

— Тўхта, мени ташлаб кетма, оғайни, — деди ёлвориб бемор. — Миҳларни ким суғуриб олади?!

— У ёқда, нариги соҳилда суғуриб олишади! — Қайиқчининг овози жуда олисдан эшитилди. Беморнинг қўлоғига соҳил томондан келаётган бошқа ғала-ғовурлар ҳам ғира-шира чалиниб турарди, аммо у буларнинг нималигини — сафар олдидан бериладиган ўғитларми, огоҳлантирувчи қичқириқларми, тасаллию таскинларми ёки унга аза очган кишиларнинг йиғи-сиғиларими — англай олмасди.

...Сўнг овозлар аста-секин пасайиб, тинди. Фақат симиллаган оғриқ, зориқиб кутиш, бепоён денгиз ва қайиққа миҳлаб ташланган, ҳамманинг ёдидан кўтарилган ёлғизгина унинг ўзи қолди.

— Э худо, ё парвардигор, нима гуноҳ қилдим?! — Бемор шундай деб шивирлади-ю, аммо бу сўзларни ўзи айтмаганини ва, бинобарин, худо буни эшитмаслигини шу заҳотиёқ фаҳмлади.

Қайиқ эса ҳамон мовий денгизда енгил чайқалиб борарди...

Орадан минг йиллар ўтди, бемор бирдан аллақандай турткини сезди. Унинг зарбидан гўё юрагига пичоқ санчилгандай бўлди. Қайиқ соҳилга келиб урилган эди. Бир зумда қайиқни оломон қуршаб олди.

— Ёпирай, миҳлаб ташлашганини қаранг-а шўрликни! — деди ачиниб биров, қайиқни қирғоққа тортиб чиқазаркан.

— Михни суғуриглар, ортиқ чидаёлмайман! — деб ёлворди бемор.

— Яшвили қани? — деб сўради кутиб олганлардан бири.

— Шу ерданман!

— Суғур!

— Жуда мустаҳкам...

— Бўлмаса, ҳаммамиз баравар тортамиз! Қани, ҳа... Бир-икки, тортиқ!..

«Э худо, наҳотки суғуришолмасам?», деб ўйлади бемор, қўлини хиёл кўтариб.

— Қимирламанг! — деб огоҳлантирди кимдир ва шу заҳотиёқ оломонга мурожаат қилди: — Қани, яна бир марта, то-ортдик!

Орадан яна минг йил ўтди. Одамлар бемор танасидаги миҳларни тишлари билан тортишарди.

— Хўш, қалай? — деб сўради бошлиқ.

— Кўтариляпти! — дея жавоб беришди унга тобе-лар.

— Қанча?

— Олтмиш!

— Бўпти, босимни қўя туринглар, энди юракка қаранглар!

— Томир уриши — эллик!

— Афтидан, халос бўлди шекилли! — деди мониторнинг ёнида турган одам.

— Думалаб кетди! — Бемор енгил тин олди.

— Нима думалаб кетди? — деб сўради врач ажабланиб.

— Ғилдирак! — жавоб берди бемор.

— Қанақа ғилдирак? Қаёқдан думалаб кетди? — Врачнинг овози бу гал титраброқ чиқди.

— Мана бу ердан, мана бу ердан, батано! — дея бемор қўлини кўксига қўйиб жилмайди.

Врач енгил хўрсиниб, беморнинг пешонасидаги совуқ терни артди:

— Сақлаб қолдик, чамамда!

— Ҳм, шу ёшда инфаркт... Барвактроқмасмикан? — деб сўради кимдир титроқ қўл билан сигарета оларкан.

Бемор бу бемаъни саволни берган одамга ҳам бир қараб қўйиш ниятида яна кўзларини очмоқчи бўлди, лекин уддасидан чиқолмади: қовоқларига қўйилган кўрғошин баттар оғирлашган эди.

...Кейин, кейин ғаройиб бир сархушлик — шифобахш, илиқ ва енгил сархушлик пайдо бўлди. Оғриқ йўқолди. Бемор яна йўлга отланди, аммо бу гал денгизда эмас, бош-охири йўқ айланма зиналарда кезарди. Фақат бир нарасадан ҳайратда эди у: зинадан пастлагани сайин тобора юқорилаб кетаётгандек туюларди...

2

Узун, қора қўйлагини шимининг устидан тушириб, белига чилвир боғлаб олган Аветик Бабаянц аллақандай бир қўшиқни хиргойи қилганча оқсоқланиб ҳовлига кириб келди. У белига фанердан ясалган ханжар осиб олган эди. Унинг орқасидан шарманка орқалаган аёл пайдо бўлди. Аёлга миттигина кучукча эргашиб келарди. Кучукчанинг пешонасига осилиб тушган оппоқ юнглари орасидан тугмачадай-тугмачадай кўзлар чакнаб турарди.

Бабаянцнинг сайёр театри ҳовли ўртасига жойлашди. Оқсоқ тўрт қаватли бино балконларига тизилишган уй бекаларига мамнун табассум билан кўз ташлаб чиқди, чап тирсагини ханжари дастасига намоийшкорона тираб, ўнг қўлининг бармоқларини лабига теккизиб аёлларга узоқдан бўса йўллади-да, театрнинг репертуарини эълон қилди:

— Тбилисининг муҳтарам фуқаро ҳамда зодагонлари! Грузия халқ артисти Аветик Бабаянцнинг сайёр театри бугун сизларга «Отелло» фожиасининг янги, замонавий вариантини намоийш қилади. Ролларни ижро этадилар:

Отелло — Аветик Бабаянц,
Дездемона — Мария Павловна,
Яго — кучукча Стелла.

Увертюрани шарманкада Мария ижро этади.

Паттанинг баҳоси — йигирма тийин. Насияга томоша кўрсатилмайди.

— Бошламайсанми, тентак!

Мария шарманканинг қулоғини буради. Хириллаган куй оҳангига мослаб, Бабаянц кўшиқ бошлади:

**Пашша учар Бағдоддан,
Пашша учар Бағдоддан...
Вой дод-ей, вой дод-ей...
Ичингизда ким сахий —
Пулдан ташласин тагин!
Вои дод-ей, вой дод-ей...**

Бир зумда ҳовли саҳнига танга ёғилиб кетди. Болалар худди оч қолган чумчуқлардай тангалар устига ёпирилишди.

— Ҳой-ҳой, зумрашалар, чўнтакка урмасдан, бу ёққа узатларинг!

— Чақалариям кўп, Бабаянц амаки!

— Чақаларини қиздириб, кетларингга босларинг, лекин оқларини бу ёққа чўзларинг!

— Тескари тушганларини-чи?

— Узат, узат, чўнтакда ўзи ўнгланиб кетади!

— Уҳ-ҳў, шунча йиғилибди-ку!

— Бари бир дадангнинг маошидан кўп эмас!.. Ҳой, Мария, кўкрагингга яширган пулларни чиқаз бу ёққа, мегажин!

Пул йиғиш маросими тугади. Бабаянц белидаги чил-вирни ечган эди, тангалар шимининг ички чўнтагига жаранглаб тўкилди, у кейин устки чўнтагидан буклогли газетани олиб ёзди-да, ҳовли саҳнига ётқизилган тош устига қўйиб, гугурт чақди. Газета ёниб бўлгач, кулини аста кафтига сидириб, унга бир туфурди-да, иккала кафти билан кулни ишқалай бошлади. Сўнг кафтларини юзига суриб, томошабинларга ўгирилди. Оломон жонланиб кетди — у венециялик маврининг худди ўзи бўлиб қолган эди.

— Стелла, қани чиқ! — деди Отелло.

Кучукча чопиб олдига келди. Отелло эгилиб, қулоғини кучукчанинг ялтираб турган қоп-қора тумшугига тутди. Кучук — Яго уч марта акиллаб, орқа оёқларига турди.

— Ой — деб хитоб қилди Отелло томошабинларга қараб. — Яго айтадики, хотиним Дездемона Кассио билан дон олишиб юрганмиш!

У юзига дардли ифода бериб, яна кучукчага энгашди, кучукча яна уч марта — бу гал илгаригисидан кўра қаттиқроқ, куйиниброқ акиллади.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Йўқ-йўқ! Елгон гапиряпсан, итвачча!

Стелла Мариянинг олдига чопиб бориб, тишлари билан унинг қўлидаги гулли бағдоди рўмолчани юлқиб олди-да, пилдираганча маврга келтириб берди. Отелло рўмолчага тикилиб, донг қотиб қолди.

— Ҳа, бу ўтган йили унга ўзим инъом этган ўша рўмолча! — деб хитоб қилди у изтироб билан ва бошини уч марта акас дарахтига урди. Утакаси ёрилган чумчуқлар дув осмонга кўтарилди. — Мария, чиқ! — Мавр Дездемонани чақирди.

Отеллонинг рафиқаси шарманкани дарахтга суяб, бошини эгганча унинг олдига келди.

— Мен тақдим этган рўмолча қани? — деб сўради Отелло хотинининг кўзларига синчковлик билан тикилиб.

— У нима деганинг? Рўмолчанг қаердалигини мен қайдан билай? Йўқотгандирсан ёки бирор жойга қўйгандирсан, мени нимага қийнайсан?! — деди Дездемона жеркиб.

— О, нақадар олчоқлик! Ким айтади сени аёл зотидан деб! Мени кимга алмаштирмоқчи бўлдинг? Уша разил Кассиогами? — Ҳазабга тўлган Отелло Дездемонани гирибонидан олди.

— Секинроқ, овсар! — Дездемона Бабаянцнинг қўлидан чиқиб, олдиндан ерга тўшаб қўйилган чодра устига ётди.

Отелло яна бир бор қаҳ-қаҳ уриб, унинг тепасида тиз чўқди, қулоғини Дездемонанинг кўксига тутиб,

арши аълога кетганига ишонч ҳосил қилгач, даҳшат ичида бошини чангаллади, сўнг фанер ханжарни суғуриб, худди термометр қўйгандай, қўлтиғининг тагига урди ва аста бокира рафиқасининг жонсиз жасади ёнига чўзилди. Кучукча — Яго, гўё шуни кутиб тургандай, акас тагига чопиб борди-да, бир оёғини кўтариб, дарахтга суяб қўйилган шарманка устига сийиб юборди.

Ғожа тугади.

Чор атрофдан — балкону равонлардан хотин-халаж, бола-чақа, чолу кампирларнинг гулдурос олқишлари янгради:

— Офарин, Бабаянц!

— Офарин, Отелло!

— Баракалла, Мария!

— Барака топ, Дездемона!

— Яшавор, Стелла! Қойилман, Яго!

Ошхонада чироқ ёниб турарди. Уч одам, гўё тўртинчи бир кишини уйғотиб юборишдан кўрққандай, шивирлашиб гаплашишарди. Девор соати икки марта занг урди.

— Бўлақолинглар, яна бошқа жойга ҳам киришимиз керак... — деди эркак киши.

— Оля, бу ёғини сенга ишондим... Болани Хонига¹, оймникига обориб қўй.

Қўллари титраб-қақшаб кийимларини чамадонга жойлаётган аёл бир бурчакда унсиз йиғлаётган жувонга илтижо билан термилди.

— Кўнглинг тўқ бўлсин, Анико! — деди жувон пикиллаб

— Эртагаёқ!

— Васият қилишнинг кераги йўқ, калбатано², — дея гапга аралашди эркак. — Айтдим-ку, эрингизнинг иши юзасидан уч-тўртта савол беришадую қўйиб юборишадую. Қанча тез борсангиз, шунча тез қайтасиз.

— Гуноҳга ботиб нима қиласан! — деб ёзғирди аёл. — Шўрлик болага раҳминг келсин! — Унинг қўллари қалтирар, чамадонни сира қулфлаёлмас эди. Эркакнинг ўзи ёрдамлашиб, чамадонни қулфлади-да, аёлнинг қўлига тутқазди.

— Бўлақолсангиз-чи, калбатано, тонг отиб қолди!

— Қанақасига калбатано бўларканман сенга!..

Зиғирдек одамгарчилигинг бўлса, менга раҳм қил.. Уйда йўқ экан, деб қўя қол... Шу бугуноқ ғойиб бўламан, қорамни кўрсатмайман... — Аёлнинг овозида заиф умид учқуни бор эди.

— Йўқ, мумкин эмас!

— Бўлмаса, яна бир оз сабр қил, ўғлим билан хайрлашволай, — деди аёл.

— Уч марта хайрлашдинг-ку!

Аёл ётоқхона томон юра бошлаган эди, эркак олдинроқ бориб, эшикка кўндаланг туриб олди.

— Бас қилинг! Тартиб-қоида деган нарса бор!

— Кираману чиқаман.

— Йўқ!

— Ахир, сенинг ҳам хотининг, болаларинг бордир?

— Йўқ, бўлмайди ҳам. Мен эркин одамман! — деб жилмайди эркак.

— Эркин одаммансан, қулсан! Бадбахт қулсан, мунофиқсан, аблаҳсан, билдингми?! — Аёл ўзини тутолмади.

— Қайси биримиз қул ва аблаҳлигимиз борган жойимизда маълум бўлади, ҳозир тез олдимга тушинг, бўлмаса... — деди ранги ўчиб эркак.

— Нима — бўлмаса?

— Ватан хоинларини нима қилишларини биласизми?

— Келиб-келиб сен ватан ҳақида гапиряпсанми?!

Дайди ит!

— Шу гапларингиз эсингизда турсин!

¹ Хони — Цулукидэе шаҳрининг эски номи.

² Калбатано — аёлларга нисбатан ҳурмат юзасидан қўлланиладиган мурожаат сўзи.

— Эсимда туради!
Эркак аёлнинг тирсагидан ушлаб, ташқарига бошлади.

— Оля! — деб қичқирди аёл.

— Анико! Азизим!

Орага дақиқалик сукунат чўкди. Кейин бирдан икала аёл ҳам хўнграб йиғлаб юборишди.

— Падарига минг лаънат! Шунақа жойга юборишадими?! — деди эркак тишларини гижирлатиб. — Бўлди энди! Мен ҳам одамман-ку ахир! — У томоғига қадалган аламни аранг ютди. — Бўлди! Кетдик!..

Бола эшикнинг қарсиллаб ёпилишидан уйғониб кетди. У тезда ўрнидан туриб, онасининг қаравотига қаради. Каравот бўш эди.

— Ойи! — деб қақирди.

Ҳеч ким жавоб бермади.

— Ойи! — деди у яна аста. Кейин онасининг қаравоти ёнига бориб, кўрпани кўтарди. Тўшак ҳали илиқкина эди.

Боланинг юраги шув этиб кетди. У оёқяланг, узун, оппоқ кўйлагини судраганча эшик олдига чопиб бориб, уни ҳайиқибгина очди.

Ошхонада, пастак тахта қаравот устида бошини чангаллаганча Оля холаси ўтирарди. Унинг елкалари титрарди. Бола аёлнинг рўпарасида тўхтаб, аста сўради:

— Оля хола! Ойим қанилар?

Аёл жавоб бермади.

— Оля хола, қанилар ойим? — дея қайта сўради бола, озғин, муздек қўлини аёлнинг елкасига қўйиб.

— Биласанми, Бачана, ойинг... — Аёл дудуқланиб қолди.

— Қаёққа кетдилар ойим?!

Аёл болани қучиб, бошини маҳкам кўксига босди ва яна ўша даҳшатли саволни эшитмаслик учун қўли билан унинг оғзини тўсди. Бола индамай қолди, лекин лабларининг қимирлашидан ҳамон бир гапни такрорлаётганини аёл сезиб турарди.

Бола қалтирар, юзидан шувуллаб совуқ тер қўйилар эди. Лаблари кўкариб кетган ва энди қимир этмасди.

— Э худо, барҳақ эгам, наҳотки буни кўрмаётган бўлсанг? Агар кўриб турган бўлсанг, сенинг қодирлигинг қаёқда қолди?!

Ҳолдан кетган аёл боланинг ёнида тик чўкди...

— Боланинг юраги чаток, асаби ҳам ишдан чиққан...

— Йўғ-э? Нега энди, доктор? — деб сўради Оля хола ажабланиб.

— Яқинда орттирган бу дардларни... Бирор нарсадан қаттиқ изтироб чекмаганми?

— Й...йўқ!

— Ёши нечада?

— Тўққизда.

— Ҳм...м...қизиқ. Тавба...

Поезд секин-аста, тошбақаяриш қилиб Тбилиси вокзалидан кўзғалди. Оля хола Бачанани ечинтириб, эгнига узун тунги кўйлак кийдирди-да, тепадаги ўриндиққа ётқизиб, бошига каттакон чарм чамадонни қўйиб қўйди.

— Ухла! — деди у болага ва ўзи пастки ўриндиққа, дераза ёнига ўтирди. Бачана девор томонга ўгирилиб олди.

Лиқ тўла оддий вагон димиқиб кетган эди.

— Ётишдан олдин нима дейиш керак эди? — деб эслатди холаси.

— Яхши ётиб туринглар! — деди бола йўловчиларга жилмайиб ва яна нариги ёнбошига ўгирилиб олди.

— Одоблилигини қаранглар! — дея таажжубланди озғин йўловчи. — Менинг шумтакаларим бўлса сўкишгани сўкишган, оғзидан боди кириб, шоди чиқади,

тагин менинг олдимда-я!.. Кимингиз бўлади? Уғлингизми?

— Уғлим...

— Барака топсин... Лекин сизга сираям ўхшамайди. Отасига тортгандир-да?

— Ҳа.

— Шунақа денг... Меваси дарахтидан узоққа тушмайди, деб бежиз айтишмаган...

— Қани, пардаларни туширинглар-чи! — Проводникнинг амирона буйруғи эшитилди.

— Нима учун? — деб сўради Оля хола.

— ЗАГЭС! — деди кимдир.

— Хўш, нима қипти?

— Кўпоровчилардан кўрқишади, — дея тушунтирди яна ҳалиги овоз.

— Кўпоровчилар... Кўпоровчилар... — деб такрорлади Бачана уйқу аралаш. — Эрталаб Оля холамдан сўраб билволаман уларнинг кимлигини...

Шундай дедию сал ўтмай уйқуга кетди...

...Тунда онаси келди. У Бачананинг боши устидаги чамадонни авайлаб олиб, ўрнига юмшоқ, момиқ ёстиқ қўйди. Бола сал қимирлади-ю, тинчиди. Онаси илгари ҳам кечалари унинг ёстигини тўғрилаб қўярди, шунинг учун у ҳатто кўзини ҳам очмади, қайтага аёлга баттароқ бурканиб олди.

— Бошингни ёстиққа қўй, ўғлим... — деган шивирлаш эшитилди Бачананинг қулоғига, сўнг юзини биров сийпалагандай бўлди. Лекин нима учун бармоқлари бунчалик дағал? Ойисининг қўллари мулойим эди-ку... Ёки отасимикан-а? Ҳа, албатта, отаси, ҳозир у ёстигининг тагига совға қўйиб кетади...

— Ду-у-у-у... — Поезд узун гудок чалди.

Бачана ширин уйқу оғушида ғалати туш кўриб ётарди... Пионерлар саройининг ойнаванд залида болалар ва қизлар саф тортишган... Ҳамманинг эгнида оппоқ кўйлак, бўйнида лоларанг галстук... Бачана ҳам уларнинг орасида. Бугун ажойиб кун: Хосе Диас билан Долорес Ибаррури тбилислик пионерларга испан республикаси болаларининг совғаси — попукли қалпоқчаларни топширишади... Баланд бўйли, бугдойранг, истараси иссиқ Долорес Ибаррури Бачанага басклик бола номидан қалпоқча тақдим этади.

— Бўл тайёр! — дейди Ибаррури.

— Доим тайёр! — деб жавоб беради Бачана.

— Салют! — дейди Долорес Ибаррури боши узрамуштумини кўтариб, кейин Бачананинг юзларини силаб, мулойим жилмаяди...

Поезд Ципск туннелидан қуюндек отилиб чиқди-ю, Марелиси станциясида тўхтамай, пишқирганча ўтиб кетди (перронда турган одамлар ўзларини базўр четга олишди).

— Бир соатдан кейин Самтретиада бўламыз! — деди бўйнига исқирт дока боғлаб олган йўловчи хирилдоқ овоз билан.

— Самтретиада тўхтармикан? — деб сўради Оля хола ташвишланиб.

— Мўхетада поездимизга ғалати бир вагонни улашди, — дея гапга аралашди боя Бачананинг одобини мактаган озғин йўловчи. — Зиналариди ҳарбийлар туришган эди. Сув олишга тушганимда ўз кўзим билан кўрдим.

Поезд катта-кичик станцияларни ортда қолдириб, ҳамон олға интиларди.

— Ярим соатдан кейин Самтретиа! Уч минут тўхтаимиз, холос! — Проводник вагон бўйлаб юриб, қўлидаги калити билан ўриндиқларни тақиллата бошлади.

— Поездинглар бугун жа-а учиб кетяпти, — деди

1 ЗАГЭС — Тбилиси яқинидаги Зем-Авчал электростанцияси.

унга озғин йўловчи, — балки қўшимча кира ҳақи тўлармиз?

— Буни борганинга станция бошлиғидан сўрайсан! — деб жавоб берди проводник тўнғиллаб.

— Бошлиқ мени кутиб олармикан? — дея ўзини атай гўлликка солиб яна гап ташлади озғин йўловчи.

— Агар ҳукумат уни огоҳлантиришни унутмаган бўлса, албатта кутиб олади.

— Э, ҳукуматимизнинг хотирасидан ўргилай... Тўққиз юз бешинчи йили Илорск черковида бўлган митингга ким учун овоз берганимни ҳалигача унутмайди...

— Ҳой, оғзингга қараб гапир, кейин, бу гапингни фақат мен эшитганим учун худого шукр қил! — деб пўписа қилди унга проводник.

Озғин йўловчи жим бўлиб қолди. Поезд юришини секинлатди.

— Қалбатано, Самтредида тушмоқчи эдингиз шекилли? — деди ёш йўловчи мудраб ўтирган Оля холанинг елкасига аста туртиб.

Оля хола бир сесканиб, кўзини очди.

— Нима?

— Самтредида яқинлашиб қолдик, дейман. Тушмоқчимидингиз?

— Ҳа.

Оля хола сакраб туриб, Бачанани турта бошлади: — Бачана, тур, кўзичоғим! Тушамиз!

Бачана ўрнидан туриб ўтирди.

— Бўлақол, болагинам!

Оля хола сумкасини йиғиштиришга тушди.

Бола бош қўйган томонига қўлини узатди-ю, донг қотиб қолди.

— Оля хола, ойим қанилар?

— Нималар деясан, Бачана?! — Оля холанинг овози титраб кетди.

Йўловчилар ҳайрон бўлиб, гоҳ болага, гоҳ ранги оқариб кетган аёлга қарашарди.

— Оля хола, кечаси ойим чамадонни олувдилар, қаёққа кетдилар?

Аёл ўтган кунги воқеа ҳозир яна такрорланишини ҳис қилди. Болани дарҳол пастга тушириб, бағрига босдию қўли билан унинг оғзини тўсди.

— Ҳой, яхшилар, ёрдамлашворинглар!

Поезд тўхтади.

Самтредида станциясининг навбатчиси уч марта занг урди. Иккинчи йўлда турган поезд аста ўрнидан қўзғалиб, кўздан ғойиб бўлганда ҳам навбатчи жойидан жилмаган эди: унинг рўпарасида, бўм-бўш перронда икки одам — сочлари тўзғиган, хаёли паришон, пальтосиз аёл билан оппоқ кўйлаги товонигача тушган, ялангоёқ бола турарди. Улар бир-бирларининг қўлларидан маҳкам ушлаб олишган эди. Навбатчи уларни кўриб, бир лаҳза доводи раб қолди, кейин беихтиёр кўнғироқ чилвирини тортиди. Зим-зиё тун бағрини жомнинг мунгли садоси тутиб кетди.

Данг... Данг... Данг...

— Зосим, — дея станция бошлиғи ўз ёрдамчисига мурожаат қилди, — жон оғайни, анови ярамасни тинчитиб қўй! Навбатчиликка яна кайф билан кепти!

Аёл билан бола ҳамон бўм-бўш перронда, ўша аллоптада туришарди.

Кўнғироқ ҳамон ўша ҳазин қўшиғини такрорларди:

— Данг... Данг... Данг...

3

Уч кишилиқ палатани йодоформ, спирт, камфара ва эндигина ювилган полнинг намхуш ҳиди тутиб кетган эди. Бачана бўғилиб қолмаслик учун эҳтиётлик билан аёлни бурнига тортиди, кейин худди шундай эҳтиётлик билан томирини ушлаб кўрди. Юраги худди болалик пайтидагидай уриб турарди. У бошини деворга тираб, кўзларини қисганча санай бошлади: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, са-ак-киз, са-ак-киз ярим, тў-ўқ-киз, тў-ўқ-киз ярим, ўн!

Бачана қўлини томиридан олиб, юрагининг устига қўйди. Юрак урмасди. Қапалаги учиб кетган Бачана дарров яна томирини ушлади. Томири уриб турарди. Шундан кейин у аста бурнидан аёлни тортиди. Димоғига ўткир ҳид урилди.

— Дераза... — деди Бачана базўр.

— Нима? — деган овоз эшитилди ёнидаги қаравотдан.

— Ҳў, тирикми? — деб сўради нариги қаравотдаги одам.

— Нуқул мурдаларни опкелишади! Бу ер нима — палатами ёки ўликхонами? — деди биринчи қаравотдаги бемор ранжиганнамо.

— Ёзувчи, дейишаётувди, — деб қўйди иккинчиси.

— Ёзувчи бу ерда нима қилади, уларнинг жойи Мтацминдада¹.

Бачана кўшни қаравотдаги беморларнинг гап-сўзларини эшитиб ётар, лекин ҳозир унга тоза ҳаводан бошқа ҳеч нарса керак эмас эди.

— Дераза! — деб такрорлади у.

— Нимадир ёқмаепти бунга — ё ҳаво, ёки дераза, — деди биринчи бемор.

— Ҳаво, — деди Бачана.

— Биласизми, муҳтарам биродар, иккаламизга ҳам туриш у ёқда турсин, ҳатто қимирлаш ҳам мумкин эмас, — дея гапга қўшилди иккинчи бемор, — бинобарин, ҳамшира келгунга қадар, мен билан ҳурматли Булика нафас олиб турган ҳаводан баҳраманд бўлишингизга тўғри келади.

Бачана тушундики, Булика дегани — биринчи қаравотдаги бемор. Энди иккинчи беморнинг кимлигини аниқлаш қолган эди.

— Соат неччи бўлди? — деб сўради у.

— Менингча, тақсиримнинг чўқиниб, олло таолога ибодат қиладиган айни пайтлари! — деб жавоб берди биринчи бемор.

Бачана иккинчи қаравотга кўз қирини ташлаб, мошгуруч соқолни кўрди. «Полга ўхшайди», деб кўнглидан кечирди ва ҳалиги саволини яна такрорлади:

— Соат неччи бўлди?

— Ун, — деб жавоб қилди соқолли киши.

— Нечанчи асрлиги қизиқтирмайдими сизни? — дея гап олди Булика.

Беморлар одатда ўлим олдидан ёки тузалиб кетгандан кейин ана шундай ҳазиллашишади. Қайси асрлигини Бачана биларди, ҳозир уни бошқа нарса — шифо топган мана шу беморнинг чеҳраси қанақалиги қизиқтирарди. Булика ёстиғини Бачананинг оёқ томонига қўйиб ётганидан унинг фақат ялтироқ бошигина кўриниб турарди.

Бачана беихтиёр жилмайди ва суҳбатдошини ранжитмаслик учун сўради:

— Ҳўш, нечанчи аср?

— Ҳа-а, бу оғайнимизи жуда узоқ ўлкалардан келганга ўхшайди, отахон, — деб мурожаат қилди Булика иккинчи қаравотдаги беморга. — Мен у ёқларда бўлмаганман.

— Сенинг юрагининг фақат орқа девори жароҳатланган, бунинг юраги баайни Бағрати² харобасининг ўзига ўхшаб қолган.

— Ундай бўлса, сиз учун, муҳтарам биродар, ҳозир янги солнома бўйича биринчи аср! — деди Булика.

Бачана жавоб бермади. Индамай палатани кўздан кечира бошлади.

Эшик. Қаравот. Яна қаравот. Иккита пастак шкаф, тепасида қатиқ солинган банклар, ҳар хил дорилар, устига сочиқ ташланган мева-чева. Оппоқ девор. Кат-

¹ Мтацминда (луғавий маъноси: «Муқаддас тоғ») Тбилисидаги таниқли жамоат арбоблари дафн этиладиган даҳма ўрнашган тепалик.

² Бағрати — Кутаиси яқинидаги Бағрат ибодатхонаси (X—XI асрлар).

такон дераза. Столда сувсиз графин билан сўлиган атиргул. Биринчи каравот остида — ҳожат учун қўйилган оқ тувак, иккинчисининг тагида нима борлиги Бачанага кўринмасди. Унинг ўзи учинчи каравотда эди. Биринчи қўшнисининг тепакалини кўравериб тўйди. Иккинчи — соқолли қўшнисининг чеҳраси унга анча жозибали туюлди: кенг пешона, ихчам бурун, қалин, мошгуруч соқол... Бугун қанақа кун, қайси ой?

Бачананинг миясида шу хилдаги саволлар кетмакет туғилар, аммо у буларнинг бирортасига ҳам жавоб тополмас эди. Ҳа, майли, бўлар иш бўлди, лоақал ҳозир қайси йиллигини билганида эди!

— Ҳозир қайси йил? — деб юборди у беихтиёр.
— Бу одам ё алаҳсираяпти, ё бизни лақиллатяпти! — деди Булика.

— Йўқ, унга ҳаво етишмаяпти, шунинг учун хотираси ҳам яхши ишламаяпти. Мен ҳам шунақа бўлганман, — деди соқолли киши. — Деразани очиб қўйиш керак.

Хонага бирдан ўша таниш, пуштиранг туман ёпирилиб кира бошлади ва Бачана яна ўша айланма зинага бориб қолгандек бўлди.

— Исмингиз нима, биродар? — Олисдан Буликанинг овози эшитилди.

«Исмин Бачана, фамилиям — Рамишвили!», деб жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин индамай қўя қолди — Булика жудаям олисда эди.

— Қўявер, ухлаяпти! — деди соқолли киши. Унинг овози ҳам аранг эшитилди.

«Йўқ, ухлаётганим йўқ, зинадан пастга тушиб кетяман! Ердан беринглар, тепага опчикинглар мени!» деб дея кичкирмоқчи бўлди Бачана, лекин уддасидан чиқолмади. Яна ғалати сархушлик бошланиб, тили айланмай қолган эди. Бачана қўшниларида бутунлай жудо бўлмаслик учун зинапоёга ўтириб олди.

— Уйқуга кетди! — деди Булика.
Бачана уйғоқ эди. Ҳамма гапни эшитиб ётарди.

Буликанинг каравоти остидан каламуш пилдираб чиқди, тумшугини кўтариб, ҳавони искаб кўргач, мўйловларини қимирлатиб қўйди.

— Келди! — деди иккинчи бемор.

— Бир ўзими ё бола-чақаси биланими? — деб сўради Булика.

— Ҳозирча бир ўзи.

— Қаранг-чи, ёзувчимиз ўлиб-нетиб қолмадимикан? Каламушлар мурданинг ҳидини дарров пайқашадия, — деди Булика ва каламушга қараш учун бошини хиёл кўтарди, лекин бунга муяссар бўлолмади. Каравот ёғирлаб кетиб, каламуш инига ура қочди, Булика думининг учини кўриб қолди, холос. — Кетди! — деди у афсусланиб.

— Келади! — дея тасалли берди унга иккинчи бемор ва шкафдан бир бўлак қанд олиб, полга ташлади. — Ҳозир келади, бутун оиласи билан келади.

— Бари бир, бундай қараб қўйинг-чи, ёзувчи тирикмикан?

Соқолли киши бошини Бачананинг каравоти томонга бурди. Бачана қонсиз қўллари кўксига қўйганча қимир этмай ётарди.

— Адёл қимирляяпти, қовоқлари учиб турибди.

— Адёл қимирляётган бўлса — демак, нафас оляпти; модомики, нафас олаётган экан — демак, юраги ишлаб турибди; қовоқлари учиб турган бўлса — демак, уйғоқ; модомики, уйғоқ экан — демак, гапларимизни эшитиб ётибди; эшитаётган экан — демак, жавоб бериши керак; модомики, жавоб бермаётган экан — демак, аҳволи чатоқ... — дея хулоса чиқарди Булика. — Муҳтарам ёзувчи, тирикмисиз?

«Тирикман. Қачон юқорига тортиб оласизлар деб зинапоёда кутиб ўтирибман», демоқчи бўлди Бачана. Афсуски, бу хоҳиш эди, холос. Бировларнинг хоҳишини илғаб олишга эса Булика ожизлик қиларди.

— Қутулиб кетади, худо ҳаққи! — деди Булика соқолли кишига мурожаат этиб.

— Ана, чиқди! — дея суюниб кетди соқол. — Бутун оиласи билан чиқди.

Бу гал каламуш жуфти ҳалол ва икки нафар боласи билан ташриф буюрган эди. У тувак атрофида бир айланди-да, кейин дадил ўрмалаб қандга яқинлашди. Лаззатли таомни инига кўтариб кетишга ҳам эриниб, оила аъзоларини қақирди; навбатма-навбат қандни ғажигашга тушишди.

— Ўрнимиздан туролмаслигимизни сезяпти, ярамас! Бўлмаса, одамларнинг олдида бунақа сурбетлик қилишга ҳатто йўлбарс ҳам журъат этолмасди! — деди хуноби ошиб Булика.

Каламуш бошини кўтариб, орқа оёқларида турди-да, сўзлаётган одамга синчковлик билан тикилиб қолди.

— Гапларимизга ҳам тушунади, аблаҳ! — деди Булика ажабланиб.

**У дунёнинг мўъжизадай сирли, пинҳон тили бор,
Одамизод англай олмас уни азал-азал ҳам.
Биз идрокли одамларга не ажаб бўлса ошкор,
У дунёда аллақачон неки маълум — мужассам.**

— «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»данми? — деб сўради Булика.

— Йўқ, Паҳлавон»да мана бундай дейилган:

**Унинг иссиқ кўзёшларин ҳайвонлар ялар йўлда,
Олов эса тўхтамайин авж олади кўнгилда.**

— Ҳм, одамдан яхши яшайди бу. Текин қандни ейди, на инфарктни, на стенокардияни, на тахикардияни билади... Бунинг устига, унга шеърлар ўқиб берамиз!.. Чўчка боласидай семирлик кетганини қара!

— Шароит яхши-да бу ерда...

— Тўппа-тўғри. Агар масалага ижтимоий-тарихий аспектда ёндашиладиган ва антисанитария жиҳати истисно қилинадиган бўлса, мантиқан ва объектив шундай хулоса чиқариш мумкин: каламушлар озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўл бўлган жойларда пайдо бўлади. Бунинг ҳеч қандай айб жойи йўқ... Иннайкейин, каламушлар ҳам худонинг махлуқи, ахир... Фақат касаллик тарқатгани ёмон, холос...

— Сиз мени койиманг, шаккокликда ҳам айбланманг, қани, марҳамат қилиб айтинг-чи, шу каламушларни худо нима учун яратган ўзи, а? Лоақал бирон-бир йўл-йўриқ ўргатган бўлса ҳам майли эди! Хўш, бу ёруғ дунёда уларнинг нима хизмати бор, а? Музика чаладими? Йўқ! Вино ичадими? Йўқ! Пойабзал тузатадими? Йўқ! Овқат пиширадими? Йўқ! Хўш, нима қилади? Қанд ейди, полни кемиради, ерни ўяди, темир-неғажийди, вабо, ўлат ва бошқа минг хил касалликларни тарқатади! Мана, сизга худонинг махлуқи! Тфу, онасини эмсин!.. — Булика туфуриб, девор томонга ўгирилиб олди.

— Э-э, нодон одам экансан! Худо таоло каламушларни сенга ўхшаган банди ғофиллар тангрининг кучу қудратига имон келтирсинлар, деб яратиб қўйган! Тилингни тийиброқ гапир, тагин ўлганинган кейин парвардигор жонингни мана шу каламушларга бахш этиб юбормасин! — деб пўпса қилди соқолли киши.

— Бунинг учун битта каламуш ҳам етарли! — деди Булика сал паст тушиб.

— Қанддан ташла, меники тамом бўлди! — деди иккинчи бемор.

— Балки унга шоколад бериш керакдир? Ёки ҳуснбузар тошиб кетармикан-а? — Булика ижирғаниб, яна суҳбатдоши томон ўгирилди.

— Дунёдаги жамики тирик мавжудотни олло таоло яратган, — деди соқолли киши насихатомуз, — ҳаммамиз иноқ-иттифоқ бўлиб яшамогимиз лозим...

Каламушлар қандни еб бўлиб, Бачананинг шкафини ҳидлай бошлашди, аммо егулик бирор нарса топилмагач, — Бачанада ҳали ҳеч вақо йўқ эди, — иккинчи бемор томон ўтишди. Аммо бу ерда ҳам дурустроқ нарса топилмади, шундан сўнг улар шкафнинг оёғини кемира бошлашди.

— У, падарингга лаънат! — деб бақирди иккинчи

бемор ва қавушини олиб, кучининг борича каламушларга қараб отди. Чўчиб кетган Булика юрагини чангаллаб қолди.

— Иноқ-иттифоқ бўлайлик, отахон! — деди у кесатиб ва ҳар эҳтимолга қарши тилининг тагига бир дона нитроглицерин ташлади.

— Тинчликми? — деб сўради шовқинни эшитиб кирган ҳамшира.

— Ҳурматли Женя, — деб мурожаат қилди унга иккинчи бемор энтикиб, — бизни ё анови махлуқлардан ҳимоя қилинг, ёки бўлмаса сичқонқопқон қўйиб қўйинг!

— У нима деганингиз?

— Важа Пшавеланинг «Сичқонқопқон»ини айтаётганим йўқ, албатта! Бизни каламушлардан қутқаринг. Безор қилди, ортиқ чидаб бўлмайди!

— Нималар деяпсиз, батано, ўттиз йилдан бери шу ерда ишлайман, ҳали бирорта ҳам сичқон кўрганим йўқ!

— Сичқон деяётганим йўқ, каламушни гапиряпман! — дея тушунтирди Булика.

— Қаламушни тушимда ҳам кўрмаганман!

— Тиқилиб ётибди каламуш! — деди фиғони чиқиб иккинчи бемор.

— Кимнинг қавуши бу? — деб гапни бошқа ёққа бурди ҳамшира.

— Меники, ҳурматли Женя, меники, каламушни ўлдирмоқчи эдим!

— «Озор берма» деган гапингиз қаёқда қолди, отахон?

— Бунақа нарсалар сизнинг шарҳингизга муҳтож эмас, Женя хоним, нафсиларини айтганда, сизнинг ёшингиздаги аёл инсонни каламушдан фарқ қила билиши лозим! — деди иккинчи бемор ранжиган бўлиб.

— Менинг ёшим билан ишингиз бўлмасин! — Женянинг бирдан жаҳли чиқиб кетди. — Мен каламушлар бўйича мутахассис эмасман! Дори керак бўлса, — айтинг, сичқонқопқону стрихнинни омбор мудиридан сўранг!

— Палатамизда ёзувчи ётибди. Ҳализамон ҳушига келиб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўради, сизни газетага уриб чиқади! — деб уни кўрқитмоқчи бўлди Булика.

Ҳамшира Бачана ётган каравот ёнига борди, тўшакнинг бир четига ўтириб, беморнинг мажолсиз билагини ушлади.

— Эҳ-ҳэ, қаёқда ҳали... — деди хўрсиниб.

— Илтимос, деразани очворинг, боя кўзини очиб, ҳаво етишмаяпти, дегандай бўлувди, — дея эслаб қолди иккинчи бемор.

Женя дарҳол каравотдан туриб, бориб деразани катта очди.

Хонага акас гулларига тўйинган, ҳаётбахш, мусаффо ҳаво ёпирилиб кирди. Палатада баҳор ҳиди анқиб кетди.

— Тур, тур ўрнингдан! — Зинапояда ўтирган Бачанани аллақандай таниш бир овоз чорлагандай бўлди, у аста ўрнидан турди. Зинапоялар уни атрофи қийғос гуллаган акаслар билан ўралган, қип-қизил лолақизғалдоқлар очилиб ётган кичик бир ялангликка олиб чиқиб қўйди. Лолақизғалдоқлар ўртасида қордай оппоқ, ёлдор бир тойчоқ турарди. У бетоқат бўлиб, олдинги оёқлари билан ер депсинар, Бачанани гўё ўз ёнига чорлар эди.

— Кел, устимга мин! — деган овозни эшитди Бачана. У тойчоққа минди-да, бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди. Тойчоқ елдек учиб кетди. Ҳали тақа кўрмаган туёқларининг дупури қулоққа майин эшитиларди. Тойчоқ Бачанани оппоқ бир ибодатхона олдига опкелди-да, шундай бир кишнадики, гўё минглаб кўнғироқлар бараварига чалингандай бўлди. Ибодатхонанинг эшиги очилиб, остонада чақалоқ кўтарган Биби Марям кўринди. «Ё парвардигор», деб кўнглидан ўтказди Бачана ва аста тиз чўқди...

...Бачана кўзини очиб, томир уришини санаб ўтирган оқ халатли ҳамширани кўрди. У томирларида қон қандай оқаётганини ва юрагининг яқин бир жойида секинлаб, аллақандай тўсиққа урилаётганини сезди. Аммо қон оқими ўжарлик билан ўзига йўл очар, унинг ҳаракати тобора шиддатлироқ, тобора кучлироқ бўла борар эди. Аста-секин у қайнаб-жўшиб, шу қадар жунбушга кирдики, бундан ҳатто Бачананинг чаккалари лўқиллаб кетди. Аммо бу тамомила бошқача оғриқ эди. Бачана ўзини тарк этган ҳаёт қайтиб келганини, хонага кирганини, каравоти четига ўтириб, кўксини сийпалаганини ҳис қилди. Буларнинг ҳаммасини у аввал сезди, кейин эшитди, ундан кейин эса кўзи билан кўрди.

— Салом! — деб жилмайди у қайтиб келган ҳаётга.

— Салом! — дейишди бараварига ҳамшира билан иккала бемор. Мана шу бир оғиз сўзда ҳамма нарса — тасодиф ҳам, қувонч ҳам, ҳайрат ҳам мужассам эди.

— Салом! — дея такрорлади Бачана хонадагиларга кулимсираб.

— Қайтиб келди! — деди Булика.

— Қайтдим! — деб тасдиқлади Бачана.

— Хўш, қаерларда бўлдингиз? — деб сўради Булика.

— Чамаси, Вифлеемда! — деди кулиб Бачана.

— Афтидан, у ҳалиям ўша ерда шекилли! — Булика маънос тортиди.

— Йўқ, мен ростдан ҳам қайтиб келдим! — деди Бачана уни юпатмоқчи бўлиб. Сўнг ҳамширага мурожаат қилди: — Неча кундан бери ётибман?

— Бир кечаю бир кундуз, — деб жавоб қилди аёл ёстиқни тўғриларкан.

— Раҳмат...

— Ўзингизни қандай сезяпсиз?

Бачана ўйланиб қолди. Юраги нотекис урар, лекин унчалик замф эмас эди — у ўзининг юрак тепишини эшитиб ётарди. Қўл ва оёқларини қимирлатиб кўрган эди, танасининг оғирлигини мутлақо сезмади. Бачана ўзини қушдай енгил ҳис қиларди. «Вазнсизлик деганлари мана шу бўлса керак-да», деб кўнглидан кечирди у.

— Ўзингизни қандай сезяпсиз?

— Худди космонавтдай! — деб жавоб берди Бачана чинакам космонавтдай қатъий ишонч билан.

— Юрагингиз безовта қилмаяптими?

— Сал оғриб турибди, лекин илгаригидай эмас...

— Биламан, — деб унинг гапини бўлди ҳамшира, — ҳозир гепарин билан пантопондан укол қилиб қўяман. Ухлаб дам олинг, гаплашманг, ҳаракат қилманг... Кечқурун профессор келади.

— Сираям ҳаракат қилмайинми?

— Мутлақо.

— Сал-пал қимирласам-чи?

Ҳамшира бир оз ўйланиб турди-да, кейин осойишта, аммо ниҳоятда қатъий бир оҳангда деди:

— Уласиз!

Бачана сўлагини базўр ютди. Сўнг итоаткорлик билан иккита уколни олди-да (ҳамшира нина суқилган жойларга шу заҳотиёқ иссиқ грелка қўйди), жим бўлиб қолди.

— Бирор гап бўлса, мени чақиринг, — деди ҳамшира унга. — Сизлар эса, — дея у нариги иккала беморга ўғирилди, — седуксен ичиб, жимгина ухланглар. Бошқа палатадагилар ҳам баъзи бир нарсаларни сезишган, лекин сизларга ўхшаб оламини бошларига кўтаришаётгани йўқ.

Ҳамшира чиқиб кетди.

— Профессор келса, ҳаммасини айтиб бераман! — деб қичқирди унинг орқасидан Булика, аммо аёл буни эшитмади.

— Сиз нариги дунёдан қайтмасингиздан олдин андаккина фижиллашиб олувдик, каламуш масаласида, — деб тушунтирди иккинчи бемор Бачанага.

— Қанақа каламуш?

— Ҳозир чиқиб қолади, ўшанда танишволасиз... Энди, ижозат берсангиз, ўзимни таништирай: Ортачала¹ чераковининг ноziри Иорам Канделаки бўламан. Бу киши — вакелик² этикдўз Автандил, яна бир номи Булика, Гогиллашвили.

— Нега энди Булика?

— Болалигимда «булка» сўзини «булика» деб талаффуз қилардим. Шундан исми Булика бўлган. Сиз ҳам шундай деб атайверишингиз мумкин, — деди Булика.

— Жуда соз... Мен — Бачана Рамишвили, ёзувчи-ман.

— Бун биламиз. Нимадан инфаркт бўлдингиз?

— Худо ҳаққи, билмайман, — деб жавоб берди Бачана хўрсиниб.

— Эҳтимол, ҳалиги... мановиндандир? — Булика кекирдагига намоийшқорона чертиб қўйди. — Ёзувчиларни кўп отади, дейишади.

— Йўғ-э... унчаликмас! — Бачана жилмайди.

— Сираям-а? — деб таажжубланди Булика.

— Нега энди? — деди ўз навбатида Бачана ҳам ажабланиб.

— Ҳа, бу бошқа гап!.. Ичмаган одам қанақа қилиб ёзади?! Қанча кетади, масалан?

— Хўш... икки-учта...

— Рюкками?

— Шиша!

— Э, қойилман! Зўр экансиз! Аммо-лекин энди компот ичиб туришингизга тўғри келади, вақтинча.

— Вақтинча эмас, умрбод! — деди ҳазрат Иорам.

— Қўйсангиз-чи! Ундан кўра ўлиб кетаверган маъкул эмасми? — дея қичқириб юборди Булика.

— Ҳа, фақат компот... Агар компот ичиб юргангизда, бу ерда чўзилиб ётмасдинг! — деди ҳазрат Иорам насихатомуз.

— Ўзлари-чи? Хўш? Винони оғзингизга ҳам олмангиз-у, лекин бари бир менинг ёнимда ётиб-сиз, а? — дея заҳарханда қилди Булика.

— Ҳа-а, компотга ўтилмаса бўлмайдиганга ўхшайди, — деди Бачана.

— Умуман, тўғрику-я... Менинг бир танишим бор эди, сизга ўхшаган ёзувчи, туфлисини тузатиб бериб турардим. Қачон мени ширакайф кўрса, бир гапни такрорларди:

**Буликажон, кўп отма,
Кейин чўзилиб ётма!**

Унинг гапига ишонмасдим, ҳамма шоирларга ўхшаган жиннироқ, деб ўйлардим... Мана, айтгани келди! Уттизга кирмай, яримта бўлқолдим... Ҳе, виноям бор бўлсин... — деб хўрсинди Булика. — Ҳар кеча, худди соҳибжамол қиздай, папирос тушимга кириб чиқади!.. Шу инфарктдан кейин, мен сизларга айтсам, одамни яшагиси ҳам келмай қоларкан..

— Инфарктдан кейин одамни ваҳима босади, жуда қаттиқ ваҳима босади! Сиз кўрқмаяпсизми? — деб сўради ҳазрат Иорам Бачанадан.

— Кўрққанда қандоқ!.. Кўрқмай бўладими?! — деди тан олиб Бачана.

— Бекор қиласиз! — деб гапга аралашди Булика. — Сиз ҳали наркоз таъсиридасиз, бориб-бориб ҳаммаси ўтиб кетади... Кўзингизга ҳеч нарса кўринмаяптими? Маза-бемаза тушлар кўрмайсизми?

— Ҳа, кўриб тураман, — деди Бачана бир оз ўйла-ниб туриб.

— Шунақа бўлади... Баъзан тушингизда гапирасиз ҳам.. Бутун сирларингизни айтиб қўясиз! Агар ўйна-шингиз бўлса, эҳтиёт бўлинг-а, тагин хотинингизнинг олдида унинг отини айтиб юрманг!

— Ташаккур, ҳисобга оламан, — деди кулиб Бачана.

— Умуман, — деб давом этди Булика, — ақлли одамлар хотинларига адаш бўлган аёллардан ўйнаш

тутишади. Масалан, мен сизнинг ҳозирги аҳволингизга тушган пайтимда, яъни космонавт бўлган пайтимда дейимизми, алаҳсираб роса ўйнашим Светани гапирганмишман, уни ҳар хил чиройли сўзлар билан кўкларга кўтариб мақтабман. Ушанда хотиним Света каравотимни ёнида ўтирган экан: «Вой, Буликажон, мени шу қадар севишингни билмаган эканман!», деб хўнг-хўнг йиғлаганмиш. Мен бўлсам, тинмай маъшуқам ҳақида гапириб ётибман... Агар хотин билан маъшуқанинг исми шарифи ҳам бир бўлса, унда эркакни ҳаёти бамисоли жаннатни ўзи деяверинг!.. Лекин бир гал қовун ҳам туширганман! Мана, Иорам ота гувоҳ...

— Қанақа қилиб? — дея қизиқиб қолди Бачана.

— Э-э... шу десангиз, алаҳсираганда ўтлаб кетибман-да. «Светахон, — дебман ўйнашимни назарда тутиб, — биласиз-ку, Светахон, узумнинг яхшисини ит ейди, — ит деганда мен хотинимга шама қилганман, — майли, ҳечқиси йўқ, шу ердан эсон-омон тузалиб чиқсам, ўша кунгизга ўзингга уйланаман!» Хотиним бу гапларни эшитиб: «Вой-дод, Булика эсидан оғиб қопти, ҳатто тўйимизни ҳам эслолмаяпти!», деб дод-фарёд кўтарганча бошини сизни каравотингизга ураверибди, у пайтда бу каравот бўш эди.. Худонинг асраганини қаранг, ўшанда эс-хушим жойидалигини хотиним сезганда нима бўларди!.. — Булика бирдан гапдан тўхтаб, Бачанага тикилиб қолди.

Бачана кўзларини юмганча бир текис нафас олиб ётарди.

— Ие, ғалати одам экан-ку! Икки дунё бир қадамми дейман бунга! — деди Булика ҳафсаласи пир бўлиб руҳонийга.

— Майли, ухласин. Пантопоннинг таъсири... Халақит берма.

Бачана эса бу пайтда пуштиранг туман оралаб, ўзига таниш айланма зинапоядан пастга тушиб борар, аммо пастга тушгани сайин тобора юқорилаб кетаётганини бу гал яққолроқ сезиб турарди...

4

— Мана, сенга йўлланма, ўғлим. Чохатаурига бориб, рентгенга тушиб кел... Юзингнинг қизили, кўзларингнинг йилтираб туриши менга ғалатироқ кўринапти! Бачана қозони тўрт буклаб, чўнтагига солди.

— Нима бўлган менга, Евгений амаки? — деб сўради врачдан.

— Кўпдан буён иситманг чиқадими?

— Бир ойча бўлқолди.

— Терлайсанми?

— Кундузи фақат кафтларим терлайди, аммо кечаси сув бўлиб кетаман! — Бачана терлаган кафтини шимига артди.

— Йўталасанми?

— Баъзан, лекин йўталганда қаттиқ йўталаман, нафасим ичимга тушиб кетади, — деди Бачана маънос тортиб.

— Туфунгизда қон сезмадингми?

— Утган ҳафта сал бор эди, мана мунча, — деб Бачана жимжилогининг учини кўрсатди.

— Нега шу пайтгача индамадинг, ўғлим? — врачнинг овози титраб кетди.

— Менга нима бўлган ўзи? — деди Бачана ҳавотирланиб.

— Рентгенга тушиб келганингдан кейин айтаман.

— Бу касалнинг номи нима?

— Инфилтрат... Оғирроқ шакли — бронхоаденит.

— Грузинчасига-чи? — деб сўради Бачана безовталик билан.

Врач жавоб бермади. Стол ёнига ўтириб, қоғозларни бемақсад титкилай бошлади.

— Қанақа дорилари бор? — деб сўради Бачана яна.

— Пенициллин билан сульфидин, — деди врач бошини кўтармай.

— Топса бўладими?

¹2 Ортачала, Ваке — Тбилисидаги районларнинг eski номлари.

¹ Чохатаури — Гурбий Грузиядаги район маркази.

— Бўлади! Ун минг сўмга Тбилисидан топиш мумкин! — Врач шундай деб, Бачананинг ҳайратдан бақрайиб қолган кўзларига қаради.

— Бунча пулни қаердан оламан?

Врач қўлларини икки томонга ёзиб, елкасини қисди.

— Яна қанақа дори керак, Евгений амаки?

— Янами? Сарёғ, сут, балиқ мойи, икра, тухум, қанд, асал ва Бахмаро!... Мана, сенга керак бўлган дори-дармонлар!

Бачананинг томоғи қуруқшаб кетди. Врач айтган нарсалар у тайинлаган дорилардан икки баравар қимматга тушарди. Бачана анчагача индамай турди, кейин чўнтагидан йўлланмани олиб, яхшилаб текислади, да, стол устига қўйди ва миқ этмай эшик томон юра бошлади.

— Ҳа, қаёққа, йигитча! — дея тўхтатди уни врач.

— Борай энди, Евгений амаки, касалимини бир амаллаб ўзим тузатарман, — деди Бачана қовоғини солиб.

— Тўхта! Аптекага кириб, гемотоген ол, ҳар кунни уч маҳалдан чойқошиқда ичиб юр. Фойдаси бор... — Врач киссасидан ўн сўм чиқазиб, Бачанага узатди: — Ма, ол...

Бачана пулни олиб столга, йўлланманинг ёнига қўйди.

— Пулни бувам берадилар... Катта раҳмат сизга, Евгений амаки! — Бачана эшикни очди.

— Бувангга айт, менга бир учрашсин.

— Тоблари йўқ, Евгений амаки, юрولмайдилар, — деди Бачана ёлғон гапириб.

— Унақа бўлса, айтиб қўй... — Врачнинг томоғига бир нарса қадалиб, гапиролмай қолди.

— Нима дейин?

— Айтгинки... — Врач тугилиб-тутилиб сўзларди. — Асло қўрқма, ўғлим! Ҳали кеч эмас! Сен бақувват йигитсан, ҳар қандай дардни енгиб кетасан!

— Бувамга нима дейин, Евгений амаки?

— Буванггами?! — Врач бирдан қизишиб кетди. — Бориб айт, у нокас дарров ҳамма нарсасини — уйини, ҳовлисини, бор бисотини сотиб, сенга пенициллин олсин! Эшитдингми?! Орқага сурмасин!

Врач стол ёнига чопиб бориб, пул билан йўлланмани олди-да, майда-майда қилиб йиртиб, шифтга улоқтирди, кейин Бачанага ўгирилди. Унинг рангига қараб бўлмасди.

— Нима деган одам бўлдим! Мен қандай врачман?

Бачана врачнинг нигоҳига дош беролмай, хонадан тез чиқиб кетди.

— Аграфена хола, икки шиша гемотоген беринг. Якшанба кунни Чохатаурига шафтоли обораман, сотиб, пулини бераман, — деди Бачана аптекачи аёлга, улар ёлғиз қолишгач.

— Гематогенни нима қиласан, болам? Сил касаллар ичади-ку бу дорини.

Бачананинг аъзойи бадани музлаб кетди, кафтларига совуқ тер чиқиб, тиззалари қалтирай бошлади. Ҳали шу пайтгача ҳеч ким бу даҳшатли хасталикнинг номини унга баралла айтмаган эди.

— Бувамга... Врач тайинлади. Қувватсизликда ёрдам беради, деган эди...

— Ма, ўғлим, олақол... Фақат... Шафтолинга ишонмайроқ турибман-да...

— Нима, шунақанги қиммат дорими?

— Бир шишаси тўққиз сўму олтиш тийин туради...

— Унда бир шиша берақолинг. Якшанба кунни албатта ҳисоб-китоб қиламан.

— Нима бўлди сенга, ўғлим? Нега рангинг оқариб кетди? — деб сўради Аграфена унга ичи ачиб.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ўзим азалдан шундай оққуваман. Бачана шишани олиб, аптекадан чиқди-ю, йиқилиб тушмаслик учун зинапояннинг чириган тахтасига ўтириб қолди.

— Салом, Глахуна амаки!

— Салом, салом! Танаймай турибманми сени?.. — деди кўзларини қисиб ферма мудирини.

— Бачанаман, Ломқаца Рамишвилининг невараси.

— Оббо сен-эй! Катта йигит бўпкетибсан-ку! — деди Глахуна ажабланиб. — Буванг қалай?

— Юрибдилар.

— Ҳа-а... Шундоқ ўғилларидан жудо бўлди-я... Тагин ҳам чидаркан-да одамзод... Сен қайси бирининг ўғлисан?

— Каттасининг.

— Акакийними?

— Ҳа.

— Эҳ, отанг зўр одам эди-да! Сенинг ёшингда бир ўзи, қурол-пурулсиз айиқ овига борарди!.. Хўш, Ломқацага нима керак бўпқопти? Ҳар ҳолда, бекорга келмагандирсан?

— Глахуна амаки, мени фермангизга чўпон қилиб олсангиз...

— Ёшсан ҳали, ўғлим, қийналиб қоласан.

— Отанг сени ёшингда айиқ овларди, дедингиз-ку! — Отанг паҳлавон одам эди-да! Сени қара — пуф деса учиб кетасан. Ёшинг неччида?

— Ун бешда.

— Буванг нима дейди? Рози бўлармикан?

— Сиз хўп десангиз, рухсат берадилар.

— Қанақасига хўп дейман! Чўпоннинг меҳнатини буванг мендан яхши билади-ку!

— Йўқ деманг, Глахуна амаки!

— Иложим йўқ, ўғлим.

Бачананинг лаблари буришиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Ўтиниб сўрайман, Глахуна амаки!

— Намунча? Чўпонлик тушингга кириб чиқдимми?

— Сил бўпқолдим, Глахуна амаки! — деди Бачана кўз ёшини аранг тийиб.

— Нималар деяпсан, тентак! Бунақа нарса билан ҳазил қилиб бўладими! — Глахунанинг жаҳли чиқиб кетди.

— Евгений амаки айтди... Кўп ёғ есанг, сут ичсанг, тоғ ҳавосидан нафас олсанг, тузалиб кетишинг мумкин, деди...

— Бу нима кўргилик! — деб инграб юборди Глахуна Керкадзе Бачанани бағрига босиб. — Тоғда шамоллаб қолиб, бирор кор-ҳол бўлса-чи? Унда нима қиламан? Бувангнинг кўзига қандай қарайман! Бўталоғим, сенга тоғу ўрмон эмас, пар тўшагу парвариш керак!

— Хўп, деяқолинг, Глахуна амаки! — Бачана Глахунанинг елкасига бошини қўйиб, йиғлаб юборди.

— Бўпти, бўпти, тойчоғим! Оламан, эчки сути ҳам гапми — парранда сути билан боқаман! Кўз қорачиғимдай асрайман! Икки ой ичида бир қўлинг билан уч яшар буқани ағдарадиган бўласан! Бўлди, бўлди энди, йиғлама, азизим! Нима бўпти сенинг касалинг бизга! Ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетасан ҳали! Бас қил энди, қизиталоқ!

Бачана аллақачон йиғидан тўхтаган, аммо энди Глахуна Керкадзенинг ўзи, худди ёш боладай, хўн-хўн йиғлар, уни юпатадиган бирор кимса йўқ эди...

Йигирма учта сигир, икки нафар буқа, йигирма етита эчки, учта от ва бир дона чўчка — 1943 йилнинг ёзида Кведобан колхозининг ҳам сут, ҳам гўшт берадиган бор-йўқ чорваси шу эди. Ферма Бахмаро яқинида, Чхакоура тоғининг ёнбағридаги яйловда жойлашган эди. Ёзда колхозчилар жамоат чорвасига қўшиб, ўз молларини ҳам яйловга ҳайдаб кетишарди. Аксарият тана ва ғунажинларни олиб чиқишарди, чунки ўша очарчилик йилларида соғин сигирларни уч-тўрт ойга яйловга жўнатишининг иложи йўқ эди.

Юз йигирма хонадоннинг мана шу аянчли бойлигини икки овчарка билан уч эркак — ферма мудирини

1 Бахмаро — Грузиядаги тоғли курорт.

Глахуна Керкадзе, Сипито Гудавадзе ва Иона Орагелидзе қўриқлашарди. Бачана тўртинчи бўлиб қўшияган, аммо уни ҳеч ким қаторга қўшмас эди.

Попадаги яккаю ягона эркак чўчка Глахунага тегишли эди. Ана шу чўчканинг бошига бугун илгари бичилган хешларининг аччиқ қисмати тушмоқда эди. Икки ёшли зотдор, бақувват жонивор, табиийки, бундан беҳабар эди. У ҳузур қилиб ахлатларни титкиларди, калта, бақувват тумшуги билан ерни омондай ўйиб, егулик нарса қидирарди. Чўчка бамайлихотир ўз иши билан машғул бўлиб юрган айни пайтда, Глахуна бостирма тагида туриб, миҳда осиеғлиқ юганга устарани қайрамоқда эди.

— Чўчкага раҳмим келяпти, Глахуна амаки! Шу ишни қилмай қўяқолинг! — деб ялинди Бачана.

— Бир ўзи ўрмонда куётўрага ўхшаб юрадимиз?! Бу ерларда урғочи чўчқани кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Бичиб қўйсак, қорнидан бошқа ташвиши қолмайди. Эс-ҳуши жойига келиб семиради, вазни ортади, мана кўрасан! — деб тасалли берди Глахуна Бачанага.

— Қизиқ гапларни гапирасан-да! Мана, Сипито ҳам ўрмонда бир ўзи юради, лекин уни бичганимиз йўқ-ку! — деди Иона Орагелидзе чўчканинг ёнини олиб.

— Ҳў, харомхўр, оғзинга қараб гапир! Агар сениям вақтда бичиб қўйишганда, анови даҳо меросхўринг ҳам туғилмаган бўларди. Ун еттига кирибди-ю, ҳалигача нокни олмадан ажратолмайди-я! — деб тўнғиллади бостирманинг тагидан чиқиб келган Сипито.

— Вой тўнка-ей! Менинг ўғлим болалигида дарахдан йиқилиб тушган, буни ҳамма билади! Сен-чи? Ҳаётингда бирор марта ҳатто тойиб ҳам кетмагансан, лекин зехнинг пастлигидан биринчи синфда тўққиз йил ўтиргансан? Эсингдами?

— Глахуна, — дея Сипито ферма мудирига мурожаат қилди. — Ке, ишни бошлайлик, бўлмаса, манови ит эмган таъбимизни тирриқ қилади! Кўряпсан-ку, гапидан латта ҳиди келяпти!

— Глахуна, қани, ўзинг инсоф билан айт-чи, қайси биримиз ҳақмиз? — деди Иона Глахунани гувоҳликка чорлаб.

— Икковингнинг ҳам тилингни суғуриб олиш керак, чўчқани тинчиганимдан кейин, сенларни бир ёқлик қиламан! — деди Глахуна, кейин устаранинг дамини бош бармоғининг тирноғига тегизиб кўргач, давом этди: — Бас қилинглр бемазагарчиликни! Чўчқани тутиб келинглр!

— Унга бас келиб бўларканми! Кўрмаяпсанми, ерни кўпориб ташлайман деяпти! — деди Иона.

— Қоринни қашлагин-чи! — деб маслаҳат берди Глахуна Бачанага.

Бачана саройдан бир ҳовуч маккажўхори олиб чиқиб, чўчканинг ёнига борди.

— Хур-хур-хур!..

Чўчка бошини кўтариб, маккажўхорини кўрдию қулоқларини ликиллатганча Бачананинг олдига чопиб келди.

— Вой, аҳмоғ-эй, ўзи кундага югуради-я! — деди Иона чўчкага ичи ачиб.

Сипито илиқ сув билан кул тайёрлади, Иона арғамчи келтирди. Глахуна устарани буклаб, белига кистирди-да, эгар кигизи орасидан ипакли ип ўтказилган каттакон бигизни олиб, енгини шимара бошлади.

— Қашла, қашла! — деб қичқирди у Бачанага.

Бачана чўчканинг ёнига чўккалаб, унинг қоринни қашлай бошлади. Маккажўхори кашаётган чўчка Бачанага эътибор ҳам бермади. У насибасини еб бўлгач, бирдан сергак тортиди, кўзларини юмиб, ҳузур қилганидан хур-хурлаб юборди. Аввалига тик турган чўчка сал ўтмай тиз чўқди, кейин бир ёнбошига баралла чўзилиб олди.

— Эҳ, эси йўқ жонивор-эй, бир ҳовуч маккажўхорини деб, нимангдан махрум бўлаётганингни билсанг эди! — деди Иона чўчканинг орқа оёғига сиртмоқ ташларкан. Чўчка ҳатто қимирламади ҳам: кўзларини

юганча хур-хурлаб ётаверди. Бачана икки қўллаб унинг қоринни қашларди.

Иона чўчканинг иккинчи оёғини ҳам боғлаганда у ҳушёр тортиди-ю турмоқчи бўлиб талпинди, аммо энди кеч эди. Сипито унинг устига миниб олган, Иона эса иккала қулоғидан маҳкам ушлаб турар эди. Бачана ҳам тош қотганча, бундан кейин нима воқеа бўлишини кутарди. Глахуна чўчканинг тиғ уриладиған жойини илиқ сув билан ювиб бўлгунча у кўпам типирчиламади. Ниҳоят, Глахуна устарани очдию... чўчканинг юракни ларзага келтирувчи чинқирғи теварак-атрофни тутиб кетди.

— Оғзингни тўсиб олсанг бўларди, тагин касалинг юқиб, яраси газак олиб кетмасин, — деди Сипито Глахунага.

— Овозингни ўчир! — деб нўписа қилди унга Глахуна.

Жарроҳлик давом этарди. Чўчканинг фарёдидан осмон қоқ иккига бўлиниб, тоғлар ўпирилиб тушгандай туюларди.

— Қулоқни тешворяпти-ку бу жин ургур! — деди Сипито.

— Бунинг ўрнида сен бўлганинга кўрардим диконглаганингни! — деди Иона.

— Яна бошладингни? — деди Сипито унга ер остидан қараб.

— Бўпти, бўпти. Лекин мен Сталиннинг ўрнида бўлганимда, уруш тугаши билан Глахунани чақириб, Гитлерниям, унинг шериклариниям худди мана шунақа ахта қилишни буюрардим! — деди Иона.

— Бошқаларини билмадим-у, лекин Гитлернинг ахта қиладиган нарсасиям йўқ шекилли... Хотиниям, бола-чақасиям, ҳатто ўша ишга хоҳишиям йўқ, дейишадилар... — деб империя маҳкамасининг сирини ошкор қилди Сипито.

— Умуман, одамхўрлик — барча ахта қилинганларга хос хусусият... Оға Муҳаммадхон ёдларингдами?! Тбилисини вайрон қилган шоҳ бор-у!... Ушаям шунақа бўлган... У олтингургут сувига умид боғлаган экан... Аммо натижа чикмагач, ғазоби кўзгаб, шаҳарга ўт қўйишни буюрибди, — дея Иона ҳам ўз навбатида, шоҳ саройининг сирини ошкор қилди.

— Вой, оғайни-ей, агар олтингургут сувининг нафи текканда ўзимизнинг Ефросиньядан бадавлат одам бўлмасди дунёда, ҳовлисида ўшанақа сув булоқ бўлиб ёқиб ётибди! — Глахуна кесилган жойини тикиб бўлиб, ипни кесди, қонга беланган қўлининг орқаси билан пешонасидаги терни артиб, ўрнидан турди-да: — Қўйворинглр — деб буюрди.

Сипито билан Иона чўчканинг оёғидаги арқонни ечиб, ўзларини четга олишди. Чўчка аввалига дўзах азоби тугаганига ишонмай чинқириб ётаверди. Кейин, энгил торганини сезиб, ўрнидан кўзгалди, бир оз депсиниб тургач, ўрмон томонга ура қочди.

— Эҳ, биз одам эмас, ваҳшиймиз! — деди Бачана.— Шу ишни қилишдан олдин озгина ароқ ичириб қўйсак нима бўларди?

— Қўлга сув қуйвор, — деб илтимос қилди ундан Глахуна.

— Емон гуноҳга ботдинг-да, Глахуна Керкадзе! — деди Сипито ферма мудирига. — Энди ўрмонда урғочи чўчканинг юзига қандай қилиб қарайди, шарманда бўлади-ку шўрлик! — Сипито чопиб бораётган чўчка томонга маънос нигоҳ ташлаб қўйди.

— Бўлди, майнавозчиликни бас қилинглр! Бориб сигирларни соғинглр — агар ўзи соғадиган нарсаси бўлса, кейин бу ёққа ҳайдаб келасизлар! — деб буюрди Глахуна шерикларига. — Сен чўчкага бунчалик тикилиб қолдинг?! — У Бачанага ўгирилди. — Бор, бугун Генонинг эчкисини соғ, ўзингники эртага бола-лаши керак. Лекин билиб қўй: хурмачадаги сутни бир томчи ҳам қолдирмасдан ичасан! Кейинги пайтларда

! Оға Муҳаммадхон — Эрон шоҳи, 1795 йили Грузияга бостириб кириб, Тбилисини ер билан яксон қилган.

фирромлик қиладиган бўлқолдин! Жир битиб қолди! Агар ҳаммасини ичмасанг, хурмачани бошинга уриб синдираман!

Бачана индамай эчки соғишга кетди.

— Умрингдан барака топ, Глахуна! — деди Иона, Бачана кўздан йироқлашган. — Болани сақлаб қолдин! Тамом ўзгариб кетди! Юзлари ҳам нақш олмадай бўлқолди-я!

Глахуна Ионанинг гапларига эътибор ҳам бермай, челакини кўтарганча сигирлар томон йўл олди.

Бир соатлардан сўнг Кведобан колхозни фермасининг моллари мў-мўлаб ва ба-балаб Чакоура тоғининг ям-яшил ёнбағрига таралиб кетди.

Кечкурун фермага кўнгилли халқ қўшинининг автомат билан қуролланган икки нафар жангчиси билан колхоз раиси Герваси Пацация келди.

Ҳаво салқин эди. Меҳмонлар ва мезбонлар гулхан яқинига ўтиришди. Атрофга хушбўй ҳид таратиб, ўртада қарағай ўтин чирсилларди. Қозонда эчки гўшти пишмоқда эди. Беминнат хизматлари эвазига ташланадиган лаззатли суякларни кутиб, овчарка итлар гулхан атрофида вовуллаб чолиб юришарди.

— Яна нима гаплар? — деб сўради Глахуна раисдан, тўрт буклоғлиқ газетани унга қайтиб узатаркан.

— Сени яна нима қизиқтиради? — Герваси бошини кўтариб, тиззасида ётган тўппонча филофини силади.

— Қишлоқда қолган мол-дунёмизни сўраётганимиз йўқ, — дея гапга аралашди Иона, — сен уларни кўпайтириб қўймагандирсан ҳар ҳолда... Фронтда ишлар қалай?

— Фронтдами?... Германиянинг иши пачава! — Герваси яна тўппончасини силай бошлади.

— Нарироқ олсанг-чи анови даҳмазангни, тагин бир балони бошлама! — деб тўнғиллади Сипито четроққа сурилиб. — Хўш, нима бўпти Германияга?

— Германиягами? Смоленск яқинида шарманда бўлди, Москва остонасида дабдаласи чиқди, — Герваси бармоқларини букиб санай бошлади, — хўш, яна қаерда бурни қонади? — деб сўради у ўзидан ва эслаёлмагач, қўл силтади. — Хуллас, иштонига ўтириб қўйди Германия, мана бу ерда ҳаммаси ёзилган! Руминия, Чехословакия ва Италияни зўрға ушлаб турибди...

— Уруш қачон тугайди? Сталин нима деяпти?

— Яқинда тугайди, деяпти, лекин вақтини аниқ айтганни йўқ, — деди Герваси қўлларини икки томонга ёзиб.

— Айта қолмайдими, ундан нима кетди? — деди Иона ажаблангандек.

— Қизиксизлар-а! Германия билан урушиш — чўчка бичиш эмас! — дея Сталиннинг ёнини олди Герваси.

— Чўчка бичиш ҳам ҳазилакам иш эмас, азизим Герваси! — деди Глахуна ўз касбининг обрўсини кўтаришга уриниб.

Сипито қозонни оловдан олди, улоқни оёғидан ушлаб, қайнаб турган сувдан кўтарди. Ҳавони пишган гўшт, пиёз ва дафна баргининг иштаҳани қитиқловчи хушбўй ҳиди тутиб кетди.

— Қани, йигитлар, опкелинглари! — деб буюрди Герваси.

Батальон жангчилари гулхан ёнига мешни судраб келишди. Глахуна ўтирганларга биттадан сопол пиёла тутқазди. Ҳамма навбатма-навбат Гервасининг ёнига келиб, ўз улушини олгандан сўнг, яна жой-жойига бориб ўтирди. Бачана ҳам пиёласини кўтариб, мешнинг ёнига борди. Герваси савол назари билан Глахунага қаради, у маъқуллагандай бош силкиб қўйди.

Винони биринчи бўлиб Гервасининг ўзи ичди.

— Мана бунни узум деса бўлади! Эккан одам барака топсин! — дея хитоб қилди у мамнун бўлиб. Бу хитоб биринчи қадаҳ сўзларидай қабул қилинди.

— Қўли дард кўрмасин! — деб такрорлашди бошқалар ҳам ва бир кўтаришда пиёлаларни бўшатишди. Герваси яна қўйди. Бу гал ҳам Бачанга қўйишдан

олдин нигоҳи билан Глахунадан рухсат сўради. У ижозат берди.

— Кўплик қилмасмикан? — деб сўради Герваси.

— Яна учта! — деди Глахуна.

— Ўзинг биласан! — Рози бўлди раис.

— Шу қадаҳни, — деб давом этди Герваси, — партияизмининг ва улуғ Сталин бошчилигидаги Сийсий бюронинг соғлиғи учун кўтарамиз! — Шундай деб у пиёлани охиригача сипқорди.

— Партия учун, Сталин учун! — деб такрорлашди ҳаммалари ва пиёлаларни бўшатишди.

— Иккинчи қадаҳ — улуғ Сталин бошчилигидаги ҳукуматимиз учун!

Яна бараварига кўтаришди.

Сал ўтмай, Герваси учинчи қадаҳни эълон қилди:

— Улуғ Сталин бошчилигидаги Қизил Армиямиз учун!

Бу қадаҳни ҳам яқдиллик билан қўллаб-қувватлашди, лекин ҳар ким ўзиникини қўшди:

— Армиямиз соғлиғи учун!

— Қизил Армиянинг ғалабаси учун!

— Солдатларимизнинг боши омон бўлсин!

— Қизил аскарларимизнинг ҳар битта ўқи душманга бехато тегсин!

— Ер юзида тинчлик учун!

Герваси яна пиёласини қўлига олди.

— Энди улуғ Сталин бошчилигидаги...

— Герваси! — деб унинг гапини бўлди Иона. — Мен бўлқолдим, лекин оёқда туришга ҳолим бор экан, мана шу бола учун ичамиз! Сталиннинг шаънига айтладиган қадаҳлару мақтовлар шундоқ ҳам етиб ортади... Худога шукр, сенсиз ҳам у ўз ишини эплапти.

— Бу гапинг чакки, Иона Орагвелидзе! — деди Герваси хафа бўлиб. — Агар бизнинг мададимиз бўлмаганда...

— Бизнинг мададимиз, азизим, давлатга соғлом ва бақувват йигитларни вояга етказиб беришдан иборат.

— Тўғри, сен ҳақсан! — Раис паст тушди.

Бачана Рамишвили учун ичамиз! Қулоқ сол, Бачана!.. Мана шу кунни ва мана шу одамни ёдинда тут.

— Герваси ёнида ўтирган Глахуна Керкадзенинг елкасига қўл ташлади. — Сен бу кишининг оёғини ўпишинг керак, ўғлим. Фронтда ҳалок бўлган ўғлининг ўрнига ўғил бўлишинг керак... Глахунамизга ҳеч ким ҳайкал ўрнатмайди, унга орден ҳам беришмайди... Сен ҳам орден, ҳам ҳайкал бўлишинг керак унга! Атрофинга бир назар ташлаб, ўйлаб кўр, шуни билгинки, бу ёруғ дунёдаги нарсаларнинг ҳаммаси сеники, болам! Ҳозир миллионлаб одам кўкрагидан ўқ еб ҳалок бўляпти. Ҳеч ким ҳеч нарсани олиб кетаётгани йўқ.

Ҳаммаси сенга, сенинг тенгдошларинга қолади... Хонадонларимизда ҳозир йиғи-сиғи. Етим болалар, тул қолган аёллар нола чекишяпти. Қаровсиз далалар инграяпти. Эгасиз қолган ер оҳ уряпти. Одамхўрлар тортиб олган ҳамма нарсамизни қайтариб оламиз...

Бироқ, вайрон бўлган мамлакатни тиклашга биз — қарияларнинг кучимиз етармикан? Билмадим... Бу ишни сен ва сенинг ўртоқларинг қилиши керак... Сизлар мамлакатни қайта тиклашларингиз лозим!.. Сизлардан катта ўтинчимиз шуки, «собиқ қишлоқ», «собиқ шаҳар» деган гапларни унутинглари... Сизлардан кейинги авлод уруш нималигини фақат айтиб берган ҳикояларингиздан билсин!.. — Герваси қўлини баланд кўтариб, ой нурига ғарқ бўлиб ётган тоғ чўққиларига нигоҳ ташлади. — Ватанимиз кўркини севиб, ардоқланглар... Буюк, мусаффо, қайноқ муҳаббат билан севинглари! Ватан — бу, муқаддас ибодатхона, унинг меҳроби қаршисида тиз чўкиб, топинмоқ керак. Фақат топиниш эмас, ҳар турли иблислар муқаддас даргоҳимизни оёқоти қилмаслиги учун уни қўлга қурол олиб ҳимоя қилиш керак. Яна бир гап: Ватанимиз учун жон фидо қилаётганларнинг олдинги сафларида бўлинглари!.. Менинг бошқа хоҳиш-илтимосим йўқ! Ичамиз! — Шундай деб, Герваси пиёлани лабига олиб борди.

— Герваси Пацация! — деб хитоб қилди Иона энтиқиб. — Агар ҳозир айтган гапларингни ёдлаб олган бўлмасанг, астойдил айтган бўлсанг, сени яна қайта раис қилиб сайламасам, қўлим узилиб тушсин!

— Мен бу ерга номзодимни кўрсатиш учун келганим йўқ! — деди Герваси. — Манови икки жангчи ҳам бекорга келмаган!

— Нима гап ўзи, Герваси? Бизни қамоққа олмоқчимисан, дейман? — Сипито кулди.

— Гап шундаки... Анови ярамас ҳаддидан ошяпти!

— Ким экан у, Герваси? — деб сўради Глахуна!

— Манучар Киквадзе!

— Наҳотки, ўша аблаҳни тутиш шунчалик қийин бўлса? Армиядан қочганига уч йил бўлди-ю, ҳалигача тутолмасанглар-а? — Иона жангчиларга юзланди.

— Ўрмонда одамни қўлга тушириш осон иш эмас! — дея ўзини оқлашга уринди улардан бири.

— Бунинг устига, у ҳозир жуда эҳтиёткор бўлиб қолган, — деб гапга аралашди иккинчи жангчи, — деярли ҳар куни турган жойини ўзгартиради. Илгари, ҳар қалай, ўзига бошпана топиб турарди, унга ёрдам беришарди — биров қўрққанидан, биров эски таниш-билишлик важдан... Ҳозир ҳамма ундан юз ўйрган. Суребида эса унга кафан бичиб қўйишибди, — ўша ерда у иккита балоғатга етмаган қизчани зўрлаган, яна бунинг устига, аллақандай бўлмағур касалликни қўтирган... Қизчалардан бирининг онаси ақлдан озиб қолганмиш.

— Отасининг кўзи қаёқда экан?! — деди бўғилиб Сипито.

— Фронгда отаси... — дея жангчи қўлларини икки томонга ёзди.

— Жавобингиз шуми?!

— Ўтган гал Квемо-Чалада қўлимиздан аранг қочиб, қутулди, бир ҳафтадан кейин эса, бегуноҳдан-бегуноҳ Бондо Ципуришвилининг тилини қирқиб олибди, чақимчиликда гумонсираб... Амаглебалик бева аёл Карцивадзе уйига киритмаган экан, ўша куниёқ тунда ўт қўйиб кетибди... Ҳа, ҳозир у қутурган бўридан ҳам баттар хавфли бўлиб қолди...

— Худони ўртага солиб айтаман — у яшамаслиги керак! Агар қўлинглардан келмаса, бизга қурол беринглар, мана, биз йўқ қиламиз! — деди бирдан Глахуна Керкадзе ва негадир Бачанага қараб қўйди. Бачана Глахунанинг кўзларида олов чақнаганини кўриб, аъзойи бадани музлаб қетди.

— Яқинда Киквадзе Набеглава фермасидан анчамунча пишлоқни кўтариб кетган. Бу ерга ҳам келқолиши мумкин, шунинг учун давлатга топширадиган нарсаларинг бўлса, эртагаёқ қишлоққа олиб боринглар, — деди Герваси ўрнидан туриб.

— Ажаб бўпти! Нега бизнинг қуролларимизни олиб қўйишди бўлмаса? — деб тўнғиллади Сипито.

— Ҳозир мунозаранинг вақти эмас! Бизга йигирма бўлақча пишлоқ билан иккита улоқни беринглар, бундан ортигини опкетолмаймиз! — деди Герваси ва жангчиларга ўғирилди: — Бўла қолинглар, эрталабгача қишлоққа етиб боришимиз керак! — Шундай деб, оти боғланган томонга қараб юра бошлади.

— Ие, ҳаммасини ўзинглар опкетсанглар, Манучар Киквадзега нима қолади? — деб пичинг қилди Иона.

— Вой, захар-эй, — дея хафа бўлди раис, — қачон мен колхоз мулкни еганман? Болалар боқчасига, ўзининг неварангга олиб бораман! Ёки шубҳанг борми?

— Ҳазиллашдим, ҳазил! — деди уялиб Иона. — Аммо-лекин... Сендан олдинги раис ҳам шунақа дерди, кейин қарабсанки, ўша улоқчалар ўзининг ҳовлисида чопқиллаб юрган бўларди. Шунақасиям бўлади!

— Ҳм, қани энди мен ҳам ановинга ўхшаган қароқчи бўлсаму тилингни шартта сугуриб олсам! Сени қара-ю! — Герваси қўл силтаб, отининг айилини торта бошлади.

— Ҳаммаси тайёр! — деди Глахуна унинг олдига келиб. — Бугун отларни ҳайдаб келамиз, қолган нарсаларимизнинг барини эртага қишлоққа жўнатамиз.

— Жуда соз! Лекин эҳтиёт бўлинглар! Ҳозирча хайр! — Герваси отига минди.

— Герваси! — деб чақирди Глахуна.

— Хўш?

— Тўппончангни ташлаб кет.

— Узим нима қиламан қуролсиз?

— Сизларга иккита автомат етади. Тўппончангни яқшанба куни олиб бораман.

Герваси иккиланиб қолди.

— Хўш, ўйлайдиган нимаси бор экан бунинг, тезроқ ҳал қил!

Герваси истамайгина елкасидан қайишни ечиб, тўппончани Глахунага узатди.

— Лекин, билиб қўй, совға қилаётганим йўқ, қайтариб берасан!

— Олдин овозини эшитасан! — Глахуна Гервасининг қўлидан тўппончани олиб, Бачанага узатди. — Ма, хуржунга солиб қўй.

Бачана тўппончани бостирма устунда осиглиқ турган хуржуннинг бўш кўзига ташлади. Герваси билан жангчилар отларини буриб тоғ ёнбағридан пастга тушиб кетишди.

Кўп ўтмай, уч отлиқ туман орасида кўздан ғойиб бўлди. Анчагача от туёқларининг овози эшитилиб турди, кейин ҳаммаёққа жимлик чўкди. Чхакоура ёнбағрида маскан тутган одамларнинг ўй ва ташвишлари отларини йўрттириб кетган суворийлар ортидан чувалиб қолди.

— Энди бориб отларни ҳайдаб келинглар! — деди Глахуна шерикларига. — Эрталаб кўрувдим, ҳов анови ёқда, Зоти томонда ўтлаб юришган эди. — У қўли билан ишора қилди. — Икки соатда қайтиб келасизлар. Болани ҳам олакетинглар... Чўпчиरोқ ҳам олволинглар.

Сипито елкасига арғамчи ташлади, белига ойболта қистириб, чўпчироқни ёқди. Глахуна бостирма томонга қараб юрди.

— Намунча тиқилинч? — деб қичқирди унинг орқасидан Сипито. — Эрталаб борсак ҳам бўлади-ку... Қоронғида туртиниб юрамизми?

— Айтган ишни қилинглар, митингнинг кераги йўқ! — деб жавоб берди Глахуна.

— Болага раҳм қилсанг бўларди! — деди Сипито Глахунани кўндиришга уриниб.

— Унга жин ҳам урмайди! Ургансин!

Сипито билан Иона тоғ оралаб кетган сўқмоқдан индамай боришар, Бачана уларга базўр етиб юрар эди.

Фермадан мунгли маъраш эшитилди. Бачананинг эчкисини тўлғоқ тутаётган эди...

Тонготарда қайтган чўпонлар ҳангу манг бўлиб қолишди. Сўнган гулхан ёнида бошидан ўқ еган иккала овчарка чўзилиб ётар, оғилдаги соғилмай қолган ва оч жониворлар зорланиб маърашар эди. Глахуна кўринмасди. Чўпонлар зир югуриб уни қидира бошлашди, аммо ферма мудирининг изини ҳам топишолмади. Бирдан Бачананинг қафтларидан худди илгаригидай тер чиқиб кетди. Сипито Гудавадзе бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо гапиролмади, соқовдек алланималар деб гўдранди, кейин бўшашиб ерга ўтириб қолди.

— Манучар Киквадзенинги иши бу! — деб хитоб қилди Иона Орагвелидзе, эгарланмаган отга сакраб минаркан.

— Қаёққа? — деди Сипито базўр.

— Топиш керак уни! — Шундай деб, Иона отини учуриб кетди.

Бачана чопиб бориб, хуржунни пайпаслаб кўрди. Тўппонча жойида эди. Кейин Сипитонинг ёнига келиб ўтириб, муздек кафтини унинг тиззасига қўйди.

— Сен борма, йигитча! — деди Сипито пешонасидаги терни артиб.

Бачана Сипитонинг тиззаси қалтираётганини сезиб, унинг ўзидан ҳам баттар кўрқаётганини англади.

— Сиз... Сиз кўрқманг, Сипито амаки! — деди у Сипито аянчли жилмайиб, қалтираб турган оёғини узатди.

— Кўрқмай бўладими, ўғлим! — деди у ва бирдан хўнграб йиғлаб юборди.

Пишлоқ тўла кажавани орқалаб олган Глахуна олдинда чайқалиб борарди. Унинг орқасидан келаётган Манучар Киквадзенинг қўлидаги милтиқнинг тепкиси кўтариб қўйилган эди.

— Тезроқ, тезроқ юр, Глахуна! Мен билан ҳазиллашма! — деди Манучар Глахунани туртиб.

Глахуна лабини тишлади.

Ферма мудирига алам қиларди. Қандай қилиб бу ярамас билдирмасдан, писиб келди? Глахуна жонидан ҳам ортиқ кўрадиган итларни отишга қандай муваффақ бўлди? Глахунани олдига солиб кетишга, тагин пишлоқ тўлдирилган кажавани орқалашга қандай мажбур қилди?

Глахунани қон, итларнинг қони ҳаяжонга соларди. Ҳаётида у қонни кўп кўрган эди, аммо бу қон — ўқдан оққан қон бошқача бўларкан!.. Уят ва иснод сенга, Глахуна! Тўппончани нима учун олган эдинг? Хуржунга яшириб қўйиш учунми? Шармандалик, шармандалик! Нима учун қуролга ташланмадинг? Ахир, бу калласекар тепамда турган эди-да! Унга бас келиб бўлармиди! Уят ва иснод сенга, Глахуна!

Алам ёшлари Глахунанинг томоғига тиқилаётган эди. «Ёрилиб кет, юрак!», деб илтижо қилди у. Аммо юрак ёрилмади. Қайтага, Глахуна қадамини тезлатди. Шармандалик, шармандалик!

Олдинда ҳалқоб кўринди. Тўлин оининг акси ҳалқобда жилва қилар, гўё ой ер остидан, унинг қавагидан мўралаётгандай туюлар эди. Мана, ҳозир Глахуна ана шу қавакка қадам ташлайди ер остига киради-кетади. Аммо ҳалқоб тагида ковак йўқ эди, бинобарин, Глахуна шалоп этиб кўлмакка ўтириб қолди.

— Тур ўрнингдан, ялқов! — деб бақирди Манучар.

Глахуна ўрнидан туриб, Манучарга қаради.

— Хўш, Глахуна Керкадзе, чарчадингми? — дея иржайди Манучар.— Шунақа бўлади! Тиланчи раисинг билан анови мишиқи қаҳрамонларга нима керак экан? Мени тутмоқчи бўлишибдими, а? Мен ўша ерда эдим-ку, ахир! Ҳа, ўша ерда учовини ҳам чуғурчудай нишонга олиб ўтирган эдим. Нега ўрмонга киришмади? А? Журъат этишолмадими? Шунақа бўлади! Ўз автоматлари билан биқинларидан дарча очиб қўйишимни билишган-да, азаматлар! — Манучар қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Куляпсан-у, Манучар Киквадзе, лекин бари бир кунинг битган! — деди Глахуна.

— Бу ҳақда урушдан кейин гаплашамиз! Энди кажавани олиб, олдимга туш! Лойда думалашга улгурасан, большевиклар текин путёвка бериб, сени Цхалтубога¹ жўнатишади. Совет ҳокимиятига кўрсатган хизматларинг учун!.. Қани, юр!

— Урушдан кейин, агар унганча биров ўлдириб қўймаса, Чохатауридаги энг баланд чинорга ўз қўлим билан осаман сени, аблаҳ! Улигингни нимта-нимта қилиб, туз сепаман! Тфу! — Шундай деб, Глахуна Манучарнинг юзига туфурди.

Киквадзе ҳангу манг бўлиб қолди. Кейин бирдан қулочкашлаб Глахунанинг чаккасига туширди.

Глахуна ҳалқобга ағдарилди. Ўрнидан туриб, юзига қонни артди.

— Улдирадиган бўлсанг — ўлдири, ярамас, лекин сен билан ҳеч қаёққа бормайман! — деди у бўғиқ овоз билан ва яна ўтириб олди.

— Бекорларни айтибсан, Глахуна! Пишлоқни керакли жойга олиб бормагунингча, ўлимни ҳаёлингга ҳам келтирма!

— Кимга қарши курашяпсан, ит эмган?! Қани, тушунтириб бер-чи!

— Сизларга қарши, ҳурматли Глахуна, большевикларга қарши! Йигирма икки йилдан бери отамнинг ерини тепкиляпсизлар... Етар! Энди бизнинг галимиз келди!

— Биз деганинг ким?

— Мен ва Германия!

— Германия қани?

— Келади, Глахуна, келади! Ана ўшанда мени осмоқчи бўлган чинорингга биз ҳаммаларингни осамиз! Энг олдинда райкомингларнинг секретари қизил байроқ кўтариб боради!.. Энди тур!

— Тидик эканман, жойимдан жилмайман, ўлигимни қаёққа олиб борсанг — олиб бор! Шу пайтгача сен билан келдим, мана шу шармандагарчилик ҳам етади! Киквадзе, қўли яна бир инсоннинг қони билан бўялишига ишонч ҳосил қилди.

— Қани бўлмаса, у ёққа қараб, худога арзи додингни айтиб қол... Минг қилганда ҳам олло таоло лойимизни бир жойдан олган...

Глахуна чўккалаб, қўлларини кўкка чўзди:

— Эй парвардигори олам! Бугун мен мана бу иблисни ўз қўлим билан ўлдиришга ваъда берувдим... Акси бўлди, энди ўзим бунни дастидан ўлиб кетадиганга ўхшайман! Бунга йўл қўйма, қодир эгам! Мен сени банданман, омонатингни ўзинг ол! Агар бор бўлсанг, агар овозимни эшитаётган бўлсанг, тезроқ жонимни олақол! Модомики, мен билан манави ҳайвоннинг лойи бир жойдан олинган экан, бу дунёда яшаб нима қиламан!

Чахокура ўрмонида акс-садо бериб, уч марта қаттиқ гумбурлаш янгради. Глахуна ҳозиргина ер остидан тўлин ой мўралаб турган ўша ҳалқобга юзтубан йиқилди. Она ер кўксини очиб, уни ўз бағрига олганини, кейин яна бўшлиқ беркилиб, замин ўзининг улкан кафти билан унинг қовоқларини оҳиста силаганини, сўнг осмонга қора чойшаб тортила бошлаганини Глахуна аниқ-равшан ҳис этди...

Сипито Гудавадзе, Иона Орагвелидзе, Герваси Пация ва икки нафар кўнгилли жангчи Глахунанинг жасадини фермага олиб келишганда тонг ёришиб қолган эди. Беш нафар эркак чурқ этмай, бир томчи ҳам кўзёши тўкмай кун чиқишини кутишди.

Ҳақат тонг отгандан кейингина Иона Бачана фермада йўқлигини пайқади.

— Шуниси етмай турувди! — деди Сипито хуноб бўлгандан иккала қўли билан тиззаларига уриб. Сўнг: — Бачана! — деб қичқирди.

— Бачана! — деб такрорлади Иона.

— Бачана-а-а-а!.. Бачана-а-а-а! — деган овоз ҳаммаёқни тутиб кетди.

Акс садо у қоядан-бу қояга урилиб, сўнг дарага шўнғиди, сой ва жарликларни айланиб, охири ўрмонга ўтди ва ниҳоят, болани топа олмай, фермага, оғир мусибат ва умидсизликдан адои тамом бўлган эркакларнинг ёнига қайтди...

Қуёш энди тиф отган паллада елкасига хуржун ташлаб олган бола ўрмондан ёлғизоёқ йўлга чиқди. Булоқ бўйига ўтириб, йиртиқ чувагини ечди, уни бир зум қўлида айлантириб турди-да, сўнг бир четга улоқтириб, шишиб кетган оёқларини муздек булоқ сувига солди. Кейин ювинди, бошига хуржунни қўйиб, кўм-кўк ўтлоқ устига чўзилгач, чуқур-чуқур нафас олди. Жуда баландда, мовий осмонда қанотларини ёзиб қирғий учиб юрарди.

«Эҳ, қани энди меням қанотларим бўлса! — деб кўнглидан кечирди бола.— Осмондан ҳамма нарса кафтдагидек кўриниб туради...»

Бола кўзларини юмиб, анча пайтгача қимирламай, ҳеч нарсани ўйламай ётди.

Бир маҳал тепадан сўқмоққа қасир-қусур қилиб уч-тўртта тош думалаб тушди. Бола тез ўрнидан туриб,

¹ Цхалтубо — Грузиядаги курорт.

атрофга аланглади. Кўтарма четида соч-соқоли ўсган жаги олдинга туртиб чиққан, озгин бир одам қўлида милтиқ ушлаб турарди. Боланинг дами ичига тушиб кетди.

— Кимсан?— деб сўради ҳалиги одам.

Бола чурқ этмади.

— Нима бало, соқовмисан?

— Чакоураликман!— деди бола базўр.

— Қаёққа кетяпсан?

— Зотига.

— Кимникига?

— Қариндошларимизникига.

Эркак ўйланиб қолди. Сўнг боланинг кўзларига синчковлик билан тикилиб, сўради:

— Сизларнинг қаршингизда Квенобан фермаси бор. Уша ёқдан ўтдингми?

— Йўқ, ферма биздан узоқ. Ўрмон орқали келяпман, йўл яқин бўлсин, деб...— Бола қуруқшаб кетган лабларини ялади.— Узингиз кимсиз, амаки?

— Урмончиман. Фермага кетяпман, чўпонларда ишим бор эди... Хуржунингда нима бор?

Бола шошиб қолди, чунки хуржунда нима борлигини билмасди. Таваккал қилиб қўлини хуржуннинг бир кўзига тикди ва оғзига карам ўзаги тикилган шишани олиб, ўт устига қўйди.

— Нима у?— деб сўради эркак.

— Ароқ.

— Ҳали ароқ ҳам ичасанми, тирранча?

— Оз-моз!— дея жилмайди бола. Кейин хуржундан қирққулоқ баргига ўралган бир бўлак пишлоқ, маккажўхори унидан ёпилган яримта нон ва, ниҳоят, пишган эчки гўшти чиқариб қўйди.

— Уҳ-хў, маза қиладиган бўпмиз-ку!— деди эркак ва тепадан пастга туша бошлади.

— Қани, келинг, марҳамат!— деб таклиф қилди уни бола ва ўзи хуржун устига ўтирди.

— Демак, фермада бўлмадим, дегин?— Эркак боланинг ёнига ўтириб, милтигини тиззасига қўйди. Бола «йўқ» дегандай бош чайқади ва титроғини сездирмаслик учун қўлларини тагига босди. Эркак тамадди қилишга тушди. Қорнини тўйғазиб олгандан кейин болага мурожаат этди:

— Нега қараб турибсан? Ҳаммасини бир ўзим ейманми?

Эркак шишани қўлига олиб, обдон чайқади.

— Зўр ароққа ўхшайди!— деди.

— Жудаям зўр!— деб жавоб қилди бола.

Эркак кафти билан шишанинг оғзини артиб, даҳанига бир култум ароқ қуйиши билан уни қаттиқ йўтал тутди.

— Ў, жин урсин! Ароқ эмас, олов-ку бу!— деди у ва чап тирагини юзига босди.

«Э худо, менга куч-қудрат ато қил, кейин жонимни олсанг ҳам майли!», деб кўнглидан ўтказди бола ва қўлини хуржунга узатди. Кейин тез ўрнидан турди.

Нафасини ростлаб олган эркак болага қаради-ю, донг қотиб қолди. Бола унга тўппонча ўқталиб турарди.

— Тур ўрнингдан, Манучар Киквадзе!— деди бола эркакдан кўзини ўзмай.

Киквадзе турмоқчи бўлди-ю, аммо туролмади.

— Тур деяпман сенга, аблаҳ!— деб такрорлади бола.

— Кимсан ўзинг, бу нима қилганинг, йигитча?— деди Манучар ўзига келиб.

— Глахуна Керкадзе!

Манучар эсанкираб қолди.

— Мен Глахуна Керкадземан, энди менинг қўлим-да ўласан!

Оғир маузер боланинг қўлида лапанглаб кетаверганидан у қуролни икки қўллаб ушлаб олди.

Манучар тиз чўкди ва тер босганидан гўё ҳозиргина сувдан чиққандай шалоббо бўлиб кетган бошини чайқаб, ёлвора бошлади:

— Тентаклик қилма, бола!.. Сенинг ёшингда одам ўлдирдиш— гуноҳ...— Манучарнинг овози титраб кетди.— Отма!.. Қандай қилиб қотил деган номни кўтариб юрасан, кейин бу оламда қандай яшайсан?

— Узинг-чи? Узинг қандай яшаб юрибсан?

— Нима, мени яшяпти, деб ўйлайсанми!!

— Бўлмаса, энди ўласан, Манучар!

— Лоақал исмингни айт, нима учун менинг қотилим бўлмоқчисан?— дея илтижо қилди Манучар ва лабини шундай тишладики, тирқираб қон чиқиб кетди.

— Айтдим-ку сенга: Глахуна Керкадземан!

Манучар ҳамон бир нималар деб пичирлар, аммо бола эшитмас эди. Унинг қулоқлари том битиб қолган, юраги қинидан чиқиб кетгудек дукурлар, чакка томирларининг лўқиллагани худди улкан темир болганинг зарбини эслатар эди. Бола фақат эшитиш қобилиятини эмас, шу билан бирга кўриш қобилиятини ҳам йўқотгандай эди, чунки унга томон эмакляб келаётган Манучарнинг башараси гоҳ иккита, гоҳ учта бўлиб кўринарди, сўнг бутунлай кўздан ғойиб бўлди. Шундан кейингина бола тепкини босди.

У ўқ овозини эшитмас, қанча ўқ чиқаётганини ҳам санамас эди. Фақат, бармоқлари нимкумуш дастасига ёпишиб қолган тўппончанинг ва ўз билакларининг титрашини сезиб турарди, холос. Ниҳоят, тўппончанинг силкиниши тўхтагач, бола бирдан ҳолсизланди, бармоқлари бўшашиб, тўппонча Манучар Киквадзенинг илматешик бўлиб кетган боши ёнига тўп этиб тушди.

Бола юзини мурдадан четга бурди, ерга ўтириб, бошини тиззалари орасига суқдию гўё ўрмонда адашиб қолган бўри боласидай уввос тортиб йиғлаб юборди.

Ярим кечада Ломкаца Рамишвили эшикнинг қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди. Урнидан туриб, жинчирокни ёқди-да, эшик олдига келиб:

— Ким у?— деб сўради.

— Мен, Бачанаман!— деган товуш эшитилди эшик орқасидан.

— Йўқ, сен Бачанамассан!— Ломкаца неварасининг овозини танимади. Унинг юраги ўйнаб кетди.

— Менман, бува, очинг эшикни!

Ломкаца тамбани суриб, эшикни очди. Остонада бошини ҳам қилиб Бачана турарди. Унинг уст-боши бир аҳволда, оёқларига қон чаплаган эди.

— Кир!

Бачана кимираб этмади. Ломкаца унинг елкасидан тортиб, ичкарига олиб кирди. Жинчирокни стол устига қўйиб, ўзи стулга ўтирди.

— Нима бўлди?— деб сўради чол титроқ овоз билан.

— Одам ўлдирдим!— деди Бачана. Шундай деди-ю, жағи титраб кетди. Ломкацанинг ранги қув ўчиб, юрагини чангаллаб қолди. Орага узоқ жимлик чўкди. Ниҳоят, Ломкаца ўзига келиб, аранг тилга кирди:

— Беш йил Инжилни шунинг учун ўргатувдимми?

Бачана индамади. Терлаган кафтларини иштониға артиб, бошини қуйи эгганча тураверди.

— Кимни ўлдирдинг?— дея ниҳоят жимликни бузди Ломкаца ва жавоб кутиб, бутун вужуди қулоққа айланди.

— Глахуна Керкадзенинг қотилини ўлдирдим, бува! Ҳайратдан Ломкацанинг кўзлари бақрайиб қолди. Урнидан турмоқчи бўлган эди, тиззалари қалтираб, туролмади.

— Сен... Манучар Киквадзени ўлдирдингми?— дея қайта сўради у пичирлаб.

— Ҳа, ўшани!

Ломкаца инқиллаб базўр ўрнидан турди, бориб эшикни зич қилиб ёпгач, неварасининг олдиға қайтиб келиб, унинг бошини кўксига босди.

— Биров биладими бунини?— деб шивирлади.

Бачана бош чайқади.

— Мен учун иккита илоҳий одам бор эди,— деди чол паст товуш билан,— сен ва Глахуна. Биттаси Манучарнинг дастидан ҳалок бўлди...— Бачана иссиқ кафти билан бувасининг қадоқ босган қўлини ушлади. Чолнинг қўли яхдек совуқ эди.— Яхшилаб ўйлаб кўр, болагинам... Тагин биров тўккан қонни бўйнингга олиб юрма... Оғир иш бу...— деди Ломкаца чуқур ўйга то-

либ ва бирдан қартайган томирларига неварасининг чўғдек қизиби турган қўлидан қайноқ қон қуйилаётганини сезди, бу қон аввал кўкрагини ёндирди, сўнг чаккаларига урилди. Ломкаца неварасининг кўзларига узоқ тикилиб, энди унинг ўн беш ёшли, касалманд бачана эмаслигини англади. Боланинг ўтли нигоҳига бардош беролмай, кўзларини олиб қочди. Тамом ўзгариб кетган бу одамнинг кўз қорачиқларига яширинган пинхоний саволни Ломкаца дил-дилидан ҳис этди ва неварасининг бутун келажаги ўзининг бу саволга берадиган жавобига боғлиқ эканини тушунди.—Тўғри қипсан, ўғлим! Мен ҳам шундай қилган бўлардим!—деди у ва неварасини маҳкам бағрига босди. Бачана бирдан бўшашиб, жиққа терга ботди, бувасининг қучоғидан сирғалиб чиқиб, полга ўтириб қолди.—Э танг-рим! Наҳотки, шу норасида гўдакнинг қўли билан ўч олсанг!—Ломкаца инграб, неварасининг ёнига чўкди... Юз берган ҳодисадан эс-ҳушини йўқотган Сипито Гудвадэе тонг маҳали Ломкацанинг уйига ҳовлиқиб кириб келганда бува билан неварача ҳамон полда ўтиришар, бачана хўнграб йиғлар, Ломкаца эса унсиз ёш тўкар эди...

5

Профессор Антелавна палатага даволовчи врач билан ҳамшира ҳамроҳлигида кириб келди. Бачана юрак уришига қўлоқ тутганча кўзларини юмиб ётарди. У мамнун эди: юраги қаттиқ тепиб, бутун аъзоларига шиддат билан қон ҳайдамоқда эди. Бачана толиққан юраги кун сайин қувватга тўлиб, фикри тиниқлашиб бораётганини сезиб турарди. У профессор кирганини фаҳмлади-ю, аммо ҳаётга қайтгани тўғриликни вужудини қоплаган севинч туйғусидан маст, ўзини ухлаганга солиб ётаверди.

— Салом!—деди профессор.
— Муҳтарам профессорга саломлар!—Булика хиёл бошини кўтарди.
— Сихатлик тилайман!—деб жавоб қилди ҳазрат йорам.

— Хўш, ишларимиз қалай?—дея умумий савол берди профессор, Буликанинг касаллик варақасини диққат билан кўздан кечираркан.—Тез кунда сизни реабилитация бўлимига ўтказамиз!—деди у қониқиб ҳосил қилгач.

— Менга амнистия маъқулроқ! Ўзимни яхши ҳис қилаяман, уч кундан бери ўз оёқларим билан ҳожатга бориб келяман, агар сиз рухсат берсангиз, шу бугуноқ уйга кетишим мумкин!—деди Булика ва ўзининг соғайиб кетганини намоийш қилиш учун аёл тағидан яланғоч оёқларини чиқазиб кўрсатди.

— Сизни огоҳлантирган эдим-ку!—деди профессор врачга ўгирилиб.

— Мен нима қилай, каравотга боғлаб қўёлмасам!
— Боғлаб қўйиш керак! Туриш мумкинмас сизга, тушунарсизми? Ёки тувак ёқмаяптими?—дея ҳазиллашди профессор ва Буликани елкасидан босиб, ўринга ётқизиб қўйди.

— Унақамас, профессор! Муҳтарам жамоани безовта қилгим келмаяпти!—деб тиржайди Булика.

— Ҳечқиси йўқ!—деди профессор.
— Ундан ташқари, виждоним қийналяпти: мен тўғрилик Вакенинг ярим аҳолиси яланғоёқ юрган бўлса керак-ов!

— Нима, Вакенинг бутун аҳолиси яланғоёқ юришини хоҳлаяпсизми?

— Ҳм... Кечирасиз, ҳурматли профессор, бошқа такрорланмайди!—Булика гапнинг мазмунига тушунди ва ҳақиқатан ҳам Вакенинг жамики аҳолиси фақат унинг соғайишини кутаётгандай, ўринга жуда эҳтиётлик билан чўзилди.

— Бугун католикос қўнғироқ қилиб, соғлигингизни сўради. Унга нима деб қўяй, ҳазрат Йорам!—дея профессор Ортачала черковининг нозирига мурожаат қилди.

Католикоснинг ғамхўрлигидан таъсирланган руҳонийнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— У кишининг дуои фотиҳалари шарофатидан қондор эгам омонатини қайтариб олмаяпти, падари бузрукворга шундай деб айтинг.

— Демак, бизнинг алоқамиз йўқ экан-да?—деди профессор ёлғондакам ўпкаланиб.

— Сиз, врачларга дўзахнинг эшиги ишониб топширилган, католикос эса беҳишт дарвозасини қўриқлайди,—дея ўзини оқлашга уринди ҳазрат Йорам ва шоша-пиша чўқиниб қўйди.

— Йўқ, отахон, у дунёга олиб борадиган йўл фақат битта дарвозага тақалади, ана шу дарвозада биз, врачлар турамыз. Жаннат билан дўзах эса, у дунёнинг икки бўлаги холос, кимни қаёққа раво кўради—бу худонинг иши. Бизга у дунёнинг дарвозасини одамларга бевақт очмаслик буюрилган. Шунақа!

Ҳазрат Йорам ўнғайсиз ҳолга тушиб, бир йўталиб қўйди ва бошқа оғиз очмади.

— Ҳалиям ухляптими?—деб сўради профессор Бачанинг томир уришини ўлчайтуриб.

— Кечасию кундузи ухляпти!—деб жавоб берди врач.

— Жуда соз!—Профессор Бачананинг бош томонида осийлиқ турган касаллик варақасини олди.—РОЭ камайган, холестерин ҳам оз, бу яхши!—деди мамнун бўлиб.—О, экстрасистол давом этяптими? Қанақа чора кўряпсиз?

— Эральдин. Таъсири зўрроқ...
— Оғриқ борми?
— Оз-моз.
— Қай пайтларда?
— Тахминан ҳар ярим соатда, уйғоқ пайтида.
— Пантопонни давом эттиринг.

Профессор аёлни қайириб қўйиб, Бачананинг кўкрагини узоқ кўздан кечирди, кейин энгил тин олди.
— Аневризмга чап бериб қолганимиз яхши бўлди-да!

Бачана кўзларини очди.
— Салом, муҳтарам профессор!
— Ие, уйғоқмисиз?—деди ажабланиб профессор.
— Мен умуман ухламайман.
— Нега энди?
— Шундоқ. Ухلامасдан, туш кўриб ётавераман.
— Қанақа тушлар кўрасиз?
— Гоҳ яхши, гоҳ ёмон.

— Уйқу олдидан яхши нарсалар ҳақида ўйлашга ҳаракат қилинг, шунда тушингиз ҳам яхши бўлади.

— Сиз нима дейсиз, профессор, қутулиб кетдимми?—деб сўради Бачана.

— Буни сиздан сўрамоқчи эдим!
Бачана шошиб қолди:

— Назаримда... Менингча... Ўзимни дуруст ҳис қил-япман...

— Унақа бўлса, яхши!—Профессор Бачананинг юрагига фонендоскоп қўйди.

— Хўш, қалай?—деб сўради Бачана овози титраб.
— Яхши эшитяпман. Кеча чатоқ эди.

Профессор кетишга чоғланди.
— Агар тирик қолсам, сизга тилладан иккита бюст ясаптирман!—деб жилмайди Бачана.

— Нима учун иккита?
— Биттасини ўзингизга тақдим этаман, иккинчисини ёзув столига қўйиб, унга сажда қилиб юраман.

— Гоғлашвили сиздан кўра пишиқроқ экан, у фақат битта бюст ваъда қилляпти!

— Рафиқангизга иккита бриллиант исирға ҳам. Бундан ташқари, умр бўйи пойабзалингизни текинга тузатиб бераман!—деди Булика.

— Илоҳим, соғайиб кетинглар! Энди мен борай, хотинимни огоҳлантириб қўйишим керак—қулоғини тештириб турсин... Дарвоқе, сиз нима ваъда қиласиз, ҳазрат Йорам?

— Бўйингиз баравар шам ҳада этаман, кейин умр-бод дуои жонингизни қилиб юраман.

— Аммо-лекин, инфарктдан кейин одамнинг хоти-

раси заифлашиб қолади, тагин...— дея кулди профессор.— Хўш, яна қанақа шикоятлар бор?

— Ҳа, айтгандай, каламуш масаласида гаплашмоқчи эдик... Лекин, келганингиздан суюниб кетиб, батамом хотирамиздан кўтарилибди...— деди Булика ва ҳамширага бир қараб қўйди.

— Қанақа каламуш?— деди профессор ҳайрон бўлиб.

— Узлуксиз ичкиликбозлик оқибатида кўзига ҳар нарсалар кўринадиган бўлқолган, мухтарам профессор,— деди бидирлаб ҳамшира.

— Хўп, мен шунақа эканман, бу киши-чи? Бу киши ҳам йўқ нарсаларни кўрадиган бўлқолганми?— Буликанинг жаҳли чиқиб, қўли билан ҳазрат Иорамни кўрсатди.

— Умуман, улар беозор жониворлар...— деди руҳоний вазиятни юмшатиш учун,— чиқиб, айланиб юришадди, қанд ейишадди... шу!

— Завхозни чақиринг!— деб буюрди профессор.

— Каламушларнинг қандини олиб келишга кетган,— дея жавоб қилди врач.

— Бу қанақаси— каламушларни қанди эмиш-а? Нима, республика касалхонасида каламуш шу қадар кўпки, уларга алоҳида таом белгиланганми?!— Профессорнинг фигони чиқиб кетди.

— Заҳар у, профессор!— деб тушунтирди врач.

— Маргимуш!— дея аниқлик киритди ҳамшира.

— Бемаънигарчилик!— деб хитоб қилди профессор ва хайрлашмасдан палатадан чиқиб кетди.

— Балки гапирмаслик керакмиди?— деди Булика ташвишланиб.

— Гапирсанг, гапирмасанг— ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Бир оз турганида, ўз кўзи билан кўрарди,— деди ҳазрат Иорам.— Ана!— Шундай деб, у Буликанинг каравоти остидан чиқиб келган каламушга бир бўлак қанд ташлади.

Бир соатлардан сўнг палатага касалхонанинг бош врач, хўжалик мудир, дезинфектор, иккита санитар, даволоччи врач ва ҳамшира Женя кириб келишди.

— Қани каламуш?— деб сўради дезинфектор важоҳат билан.

— Мана!— деди Булика бармоғи билан ўнг қовоғини қайириб.

— Ифвогарлик қиялсизларми, а?

— Анови қандни мен ебманми?— Булика полда ётган, ярим ғажилган қандни кўрсатди.

Санитарлар эмаклаб каравот тагига кириб кетишди, кейин палатани айланиб, ҳамма тирқишларга маргимуш тикиб чиқишди.

— Маргимуш сал эскирган, лекин ҳечқиси йўқ. Эртагина кутамиз, агар таъсир қилмаса, мушук топик келамиз,— деб беморларга таскин берган бўлди дезинфектор, кейин санитарларга мурожаат қилди:— Менинг кабинетимга ҳам сепинглар, шкафнинг оёқларини ғажиб ташлашибди, лаънатилар!.. Яна нима талабларинг бор?— дея у тагин беморларга юзланди.

— Нима учун Американи Жанубий Корейдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетмапти?— деди Булика.

— Ғаламис! Ярамас, ифвогар!— Дезинфектор зарда билан эшикни ёпиб чиқиб кетди.

— Ғаламис ва ифвогар— сени отанг, ўзинг эса каламушсан— деб бақирди Булика унинг орқасидан.

Сал ўтмай, шприц кўтариб палатага Женя кириб келди. У Бачананинг каравоти ёнига келиб, аёлни кўтариб ташлади-да, ўзича ғудранди:

— Аслида баъзи бровларнинг тилига пантопон қилиш керак эди, ортиқча валдирамаслиги учун!

— Агар мени назарда тутаетган бўлсангиз, пантопон қилиш учун бошқа ерим ҳам бор!— деб сўз қотди Булика.

Женя индамади. Бачанага укол қилиб, нина ўрнини ишқалади-да, хонадан чиқиб кетди.

Аммо ҳаял ўтмай қайтиб келди:

— Сизни бир одам сўраяпти,— деди у Бачанага.

— Ким экан?

— Яқин қариндошиман, дейди.

— Агар сиз йўқ демасангиз, майли, кирсин.

Женя чиқиб, ўрта бўйли, юзини сепкил босган, маллатоб бир одамни бошлаб кирди.

— Фақат беш минутга!— деб огоҳлантирди у.

— Бир лаҳзага!— деди нотаниш киши ва таклифни ҳам кутмай, Бачананинг каравоти ёнида турган стулга ўтирди.

— Салом, ҳурматли Бачана!— У Бачананинг тиззаларига енгил шапатилаб қўйди.

— Салом!— деди Бачана таажжубланиб.

— Танимадингиз-а?

Бачана ҳарчанд уринмасин, уни эслаёлмади.

— Энди-чи?— Малла одам юзини ён томонга бурди. Бачана ўнғайсизланиб, жилмайди.

— Бир эсланг-а: Сухуми, Чернявка, Венециан кўлриги, ўн учинчи мактаб, холаларингиз— Маро, Нина, Тамара, холавачаларингиз— Нелли, Зулейка, Додо, Кокә...— дея нотаниш киши бармоқларини букиб, санай бошлади.

— Қариндошларимни яхши биламан, сиз ўзингизни таништиринг!— деди Бачана тоқати тоқ бўлиб.

— Нугзарман, Нугзар Дарахвелидзе! Эсингиздами, Нина хола синглимни чўқинтириб, унга Луиза деб ном қўйган эдилар...

— Улай агар...— Бачана баттар хижолат чекди.

— Ушандан бери исми Луиза бўлкетган.

— Хурсандман.

— Ҳа, баракалла, ўша Луизанинг акасиман. Нугзар Дарахвелидзе!— дея ниҳоят масалага аниқлик киритди нотаниш киши.

— Хўш, хизмат?— деб сўради Бачана.

— Соғлигингиз қалай, ҳурматли Бачана? Халқ қаттиқ ташвиш чекапти...

— Бир нави...

— Кўринишингиз яхши, илоҳим, дард нималигини билманг! Юзларингиз нақш олмадек. Фақат сал озбисиз, холос... Яқинда телевизорда кўрувдик, зўр гапирдингиз... Кулавериб ичагимиз узилди!... Зап тилингиз бор-да! Ҳа-ҳа!.. Айниқса, муҳолифлар ҳақидаги гапларингиз қойилмақом чиқди!.. Ҳа, унда сал тўлароқ эдингиз... Лекин ҳозир ҳам,— тфу, тфу, кўз тегмасин,— ранг-рўйингиз бинойидек, дўстларингиз суюниб, душманларингиз куяверсин!— Малла киши яна Бачананинг тиззаларига шапатилади.

— Ўзингиз қалай, синглингиз Луиза яхши юрибдими?— деб сўради Бачана мулоиймлик билан.

— Э-э, асло сўраманг! Ёмон, ҳурматли Бачана, жуда ёмон!— Дарахвелидзе пешонасидаги терни артди.

— Нима гап ўзи?

— Биласизми... Бегона одамларнинг олдида қанақа бўларкин?..

— Уларга ўринларидан туриш мумкин эмас, менга ку мутлақо... Шунинг учун, айтадиган гапингиз бўлса, шу ерда гапиравинг...

— Худо ҳаққи! Бемалол!— Булика бошига аёлни тортиб, девор томонга ўгирилиб олди, ҳазрат Иорам ҳам дарров шундай қилди.

Дарахвелидзе бир оз иккиланиб тургач, ниҳоят юригини ёрди:

— Арзимаган нарса, ҳурматли Бачана, биттагина чиройли имзонгиз керак бўлқолди.

— Менга қаранг, менга боягина пантопондан укол қилишган, гапни чўзманг, ҳозир ухлаб қоламан.

Дарахвелидзе бошларини буркаб ётган беморларга бир қараб олиб, сўзлай кетди:

— Хўш, ўзингиз биласиз... республикада ҳозир вазият сал... қалтисроқ... Ҳалигидай... опера театрини ёндиришди, университетга ўт қўйишди... Биров ўзини отган, биров томирини кесган... Хуллас, аҳвол мана шунақа, асабий... Кадр танлаш масаласи ҳам ҳалигидақа... Бозорда гўштининг баҳоси қанчалигини-ку айтмай қўя қолай...

— Пишлоқни-чи?— дея жилмайди Бачана.

— Ҳазиллашасиз-а, ҳурматли Бачана, тушунаман, касбингиз шунақа... Лекин гўшт билан пишлоқни, ўзингиз биласиз, сигир беради бизга...

— Сиз янги зотдор сигир етиштирдигингизми?— деб сўради Бачана жиддий.

Дарахвелидзе, Бачана мени калака қияпти, деган ўй билан унга тикилиб қаради, аммо Бачана киприк ҳам қоқмади. Шундан кейингина у хотиржам бўлди.

— Йўқ, мен бошқа масалада келдим,— деди.

— Балки, ўтга чидамли опера биносининг лойиҳасини яратгандирсиз?

Дарахвелидзе терлаб кетди. У қимир этмай ётган Булика билан ҳазрат Иорам томонга шубҳаланиб қараб қўйиб, андак каловланиб тургач, чўнтагидан икки конверт чиқарди.

— Утинаман сиздан, ҳурматли Бачана, бошлиқларга илтимоснома ёки райкомимиз секретарига икки энлик хат ёзиб берсангиз...

— Менинг нима алоқам бор?— деди ҳайрон бўлиб Бачана.

— Нега алоқангиз бўлмас экан?! Сиз инсонпарвар ёзувчисиз, депутатсиз, Марказий Комитет аъзосисиз! Дардимни сизга айтмай, кимга айтаман?— дея ўз навбатида Дарахвелидзе ҳам астойдил таажжубланди.

— Қаерда ишлайсиз?

— Абхазияда, тамаки тайёрлаш соҳасида.

— Бошлиқларга нима деб ёзишим керак?

— Секретаримиз билан қалин дўстсиз, мактабда бирга ўқигансизлар, буни ҳамма билади.

— Менинг олдимга сизни ким юборди?

— Секретаримизга фақат яхшиликни раво кўрадиган одам юборди... Битта конверт сизга, иккинчисини хоҳлаган одамнингизга беришингиз мумкин...— Дарахвелидзе чақонлик билан қўлидаги иккала конвертни ёстиқнинг тагига тикиб қўйди.

— Нима гап, ишдан бўшатишдими?

— Мени ишдан бўшатиш осон бўптими, ҳурматли Бачана?... Лекин «ҳа» деган туяга мадад, деган гап бор. Ҳатто менга чоҳ қазиётган одамга ҳам ҳозир шу нарса керак!..

Пантопон таъсир қила бошлади, Бачананинг қовоқлари оғирлашиб, гаплашишга, айниқса, осмондан тушгандек пайдо бўлган қариндошидан гап суриштиришга мутлақо хоҳиши қолмади.

— Тушунтириброқ гапиринг, нима гап ўзи?— деди Бачана кўзларини аранг очиб. Дарахвелидзе вақт ғаниматлигини дарров фаҳмлади.

— Гап шундаки, у менга ревизия жўнатди!

Эшикдан Женя бошини сўқди:

— Йигирма минут бўлди!

— Майли, ҳечқиси йўқ, азизим Женя, яна бирпас ўтирсин, қизиқ нарсаларни гапирарётувди!— деб илтимос қилди Бачана.

— Ҳа...— дея давом этди Дарахвелидзе.— Ревизия жўнатди!.. Йигирма йилдан бери шу соҳада ишлайман, лекин ҳали бирортаси ревизия жўнатишга журъат этмаган эди! Аввалига ҳазиллашяпти, деб ўйлабман...

— Жўнатса нима қипти?— деб савол берди Бачана.

— Ана холос! Абхазия билан Грузиядан қанча папиросу қанча сигарета чекилганини донама-дона санаб чиқишди, ярамаслар... Кейин, бу йил уч юз тонна тамакига юз тонна хашак қўшгансизлар, деб туриб олишди! Тагин бу гапларни кимлар гапиряпти, денг? Умрида кабинетидан остона ҳатлаб кўчага чиқмаган одамлар гапиряпти! Лоақал, тамаки қаерда ўсишини билишармикан улар? Тамаки далада ўсади, шундай бўлгандан кейин, унча-мунча ўт аралашса нима қипти? Ундан ташқари, ўт заҳар эмас-ку! Ўтдан ўлган одамни кўрганмисиз? Унинг нимаси зарар? Сигир умр бўйи ўт ейди, лекин ўлиб қолаётгани йўқ-ку! Сигирни нима билан боқиб керак бўлмаса, тамаки биланми? Бутун зараркунандалик шундаки, сизга ўхшаган одамларни никотин билан заҳарлаб, тинкасини қуритишяпти... Бу ҳам майли-я! Яна нима дейишди, денг? Гўё биз ўтнинг тамаки баҳосида ўтказиб, миллионлаб пул ишлаётган эмишмиз!.. Тавба! Бир тонна ўт нари борса ўн сўм туради, ундан ортиқ эмас, қанақа қилиб миллионлаб пул ишлар эканмиз? Ҳатто шу даражага бориб етишдики, сизлар тамакинни ҳўллаб сотгансизлар, ҳўл тамакиннинг вазни икки баравар ортиқ бўлади, дейишди!.. Топган галларини қаранг!..

— Ҳаммаси неча миллион?

— Реализациями ёки қўшиб ёзилганими?

— Жами?

— Кўп.

— Қанча?

— Бари бир ишонмайсиз...— деди Дарахвелидзе аниқ жавобдан қочиб.

— Ревизия яна нималар деди?

— Э-э, у ёгини сўраманг! Ҳатто уйимгаям боришди... Нега икки қаватли иморат қургансиз, дейишади-я! Ҳар битта хонага эринмасдан бош суқиб чиқишди! Нима қипти икки қават бўлса? Ҳар бир қаватнинг нормадаги баландлиги икки ярим метр бўлиши керак, меники атиги икки метру қирқ саккиз сантиметр, холос...

— Икки сантиметрнинг нима аҳамияти бор?— деди кулиб Бачана.

— Қизиқсиз-а, ҳурматли Бачана! Жудаям бор-да! Масалан, ўқнинг катталиги икки сантиметр келади, лекин тўғғизини ағдаради! Утган йили бир одамни, исмини айтмайман, қулатган ўқнинг катталиги ҳам икки сантиметрдан ортиқ эмас эди... Буни оғайнингизга гапириб ўтирманг, шунчаки омади гапни айтяпман-да... Кейин устки қаватдаги саккизта хонани санаб чиқишди. Тфу, залниям хона қаторига қўшадиган грузин грузинми! Тупурди-э! Яхшиямки, айвон билан бильярдхонани бу ҳисобга тиркашмади! Шунгаям раҳмат!.. Ҳурматли Бачана, мен чақалоқдай бегуноҳман! Секретарь оғайнингизга айтинг, мени тинч қўйсин... Сизнинг гапингизни икки қилмайди!.. Мен бадном бўлсам, сизнинг шаънингизга ҳам доғ тушади...

— Менинг шаънимга нега доғ тушар экан?— деди Бачана кўзларини очиб.

— Тушади-да! Мана, айтилик, бирортаси сиз ҳақингизда, яъни менинг яқин қариндошим ҳақида бўлмагур гапларни гапирса, менга тегадими-йўқми?!— деб хитоб қилди Дарахвелидзе.

Бачана энг яқин қариндошларини бирма-бир хаёлидан ўтказиб, Дарахвелидзега ўхшайдиган қиёфани эслаёлмагач, кўнгли хотиржам бўлди.

— Итвачча!— деди Дарахвелидзе бирдан қизишиб.— Сарик чақа учун одамларни обориб тикиб кўяди, менинг ўрнимни бўлса бир миллионга сотмоқчи!

— Қанчага?— дея қайта сўради Бачана.

— Ярим миллион сўмга!— Дарахвелидзе сал паст тушди.

— Ростдан ҳам шунақа кўп топасизми?

— Э-э, қаёқда! Бизнинг тоганимиз нима бўларди... Бачана ёстиги остидаги конвертларни ушлаб кўрди. Дарахвелидзе юзини четга бурди.

— Олдин тузалиб чиқай, ана ўшандан кейин гаплашамиз!— деди Бачана.

— У нима деганингиз!— дея бақириб юборди Дарахвелидзе, лекин дарров ўзини босиб олди.— Яъни демоқчиманки, сиз ҳали-вери чиқмайсиз, менинг масалами эса индинга бюрода кўришади... Райкомдан тўппа-тўғри турмага опкетишлариям мумкин... Икки оғиз гапингиз кифоя... Икки оғизгина!..

Бачана ёстиқ остида иккала конвертни олиб, кўрагига қўйди.

— Қанча бу ерда?

Дарахвелидзе яшнаб кетди:

— Бир яримтадан! Омонат дафтарчага қўйилган! Бегиدير!

Бачана ўйлиниб қолди. Дарахвелидзе бетоқат бўлиб, ўтирган жойида бир қимирлаб қўйди.

— Ҳурматли Нугзар,— деди Бачана узоқ жимликдан сўнг,— мана бу ерда, каравотимнинг тагида тувак турибди, агар малол келмаса, шуни олиб берсангиз... Заҳар танг қилиб қолди, узр энди...— Дарахвелидзе бир оз иккилашиб турди.— Қўрқманг, тоза...

Дарахвелидзе энгашиб, тувакни олди-да, тавозе билан Бачанага узатди.

— Илтимос, сал нарироқ сурилинг!

Дарахвелидзе стули билан бирга бир қадамча орқага силжиди. Бачана кўз қирини ташлаб, ўзи билан меҳмон орасидаги масофани чамалаб кўрди, кейин



бор кучини йиғди-да, қулочкашлаб туриб тувак билан Дарахвелидзенинг бошига туширди.

Тувак чил-чил бўлди. Дарахвелидзе стулдан аста сирғалиб туриб, полга чўзилиб қолди.

— Тувак бўшмиди?— деб сўради Булика.

— Ҳа, бўш эди!— деб жавоб берди Бачана.

— Э, аттанг!— деди ҳазрат Иорам афсусланиб ва овозининг борича ҳамширани чақира бошлади:— Же-ня!.. Же-е-ня!..

6

Бачана қовжираган саҳрода етти кечаю етти кундуз йўл босди. Дастлабки икки кун қаддини тик тутиб юрди, кейин эмаклашга тушди, сўнгги икки кунни эса қорнида судралиб ўтказди. Ниҳоят, бутунлай тинкаси қуриб, қимирлашга ҳам мажолли қолмади. Унинг лаблари тарс-тарс ёрилиб кетган эди. Чўғ бўлиб ётган қумга юзини босди-ю, ажал яқинлашаётганини сезди. Аранг чалқанчасига ётиб, нурсиз кўзларини офтобга қадади ва шунда умрида биринчи марта олам чароғига таъна тошларини ёғдира кетди:

— Нега мени ўлимга маҳкум этдинг, эй офтоб?

Бирдан қуёш гардишида инсон қиёфаси пайдо бўлди. Унинг кўланкаси Бачанинг устига тушиб турарди.

— Кимсан ўзи?— деб сўради Бачана.

Озгин, ялангоёк, кўккўз бир ўспирин унга тикилиб турарди. Бачана ҳангу манг бўлиб қолди— боланинг орқасида чарақлаган нарса қуёшмиди ёки унинг бошига тилларанг бўёқлар акси тушиб турганмиди— Бачана ҳадеганда англай олмади.

— Мен сенинг ҳукмдоринг ва қодир эгангман!— деб жавоб берди ўспирин.

— Буни нима билан исбот қиласан?

— Қаршингда намоён бўлганим— исботи эмасми?

— Йўқ! Сен саробсан!

Бачана ғалати бу қиёфанинг ғойиб бўлишини узоқ кутди. Аммо ўспирин ҳамон унинг қаршисида мулоийим жилмайиб турарди. Унинг истараси иссиқ, чехраси ниҳоятда ёқимтой эди. Бачана аста унинг олдида судралиб бориб, яланг оёғидаги ҳали битмаган, оқ-қизғиш ярага кўрқа-писа бармоғини теккизди.

— Шубҳа-гумонингни улоқтир,— дея жилмайди ўспирин.

— Шубҳа қиялпман, чунки мен даҳрийман. Ҳозир кўриб турган нарсамга ҳам ишонмаяпман. Бу ҳодиса мендан жуда-жуда олисда юз бераётгандай, назаримда. Яқинроқ келиб, менга тушунтир: қачонлардир ер юзида бўлганмисан, агар шу рост бўлса, унда нима учун одамларни тарк этдинг?— деб сўради Бачана.

— Одамларнинг ўзлари мендан юз ўгиришди, лекин мен одамзодни тарк этганим йўқ...— деди паст товуш билан ўспирин.

— Қандай исботлайсан?

— Рўпарангда турибман— исботи шу.

Бачана яна бир марта ўспириннинг яланғоч оёқларини сийпалаб кўрди.

— Нимасан ўзинг, ё алҳазар?

— Мен ишончман, умидман, куч-қудратман, эзгуликман, оташин муҳаббат ва ҳурриятман!

— Нега унда Иуда сени ўттиз тангага сотди?

— Иуда ўз тангрисини сотгани йўқ, унинг ўзи мунофиқларга ўттиз тангага сотилиб кетди. Унинг баҳоси шу эди, бинобарин, ана шу нарҳда сотиб олинди. Бугун ёстигинг остида ётган пуллар сенинг қадр-қимматингдан пастроқ эди, шунинг учун ҳам сен сотилмадинг. Бугун сотилмаганинг учун ҳам эртага қадринг янада баландроқ бўлади.

— Эртага ҳам, индинга ҳам сотилмасам-чи?

— Унда сен юксакликка кўтариласан ва мен нима ваздан чорчўпта михланган бўлсам, ана шу нарса рўёбга чиқади.

— Иуда сени сотишини билармидинг?

— Буни шайтон биларди. Худо бандасини йўлдан урмайди, уни синовдан ўтказди. Иудани шайтон йўл-

дан оздирди, уни ўттиз тангага сотиб олди. Мен эса Иуданинг кўлига арқон тутқазиб, уни синаб кўрмоқчи бўлдим.

— Иудани дуоибад қилмадингми?

— Йўқ!

— Нима учун?

— Чунки у ўн бир кишини гуноҳдан фориғ қилди. — Бўлмаса, нима учун Иуданинг бўйнидаги таққи лаънатни олиб ташламайсан?

— Чунки Иудани худо яратмаган, у шайтондан тарқаган.

— Демак, шайтон сени енгибди-да?

— Агар Иуда ўзини нобуд қилмаганида, шундай бўларди.

— Голгофага боратуриб, одамлар сени чорчўпга михлаш учун олиб кетишаётганини билганмидинг?

— Йўқ!

— Нимага умид боғлаган эдинг бўлмаса?

— Халққа.

— Сени ўғрига алмаштирган шу халқ эмасми, ахир?

— Ҳа, халқ эди.

— Демак, бу ўринда ҳам шайтон сендан ғолиб келибди-да?

— Йўқ, чунки бу— йўлдан оздириш эмас, синовдан ўтказиш эди.

— Халқ бу синовдан ўтолмадимми?

— Йўқ.

— Нима учун?

— Чунки халқ мендан мўъжиза кутган эди, шунинг учун ҳам ҳеч вако унмайдиган ўғрига мени алмаштириб юборди... Бу— Одам Ата билан Момо Ҳаво фарзандларини иккинчи марта, бемаврид синовдан ўтказишим эди, менинг иккинчи хатом ҳам шу бўлди.

— Унда биринчи хатонг нима эди?

— Биринчи хатом шуки, мен одамзодга жаннатдан жой ато қилдим. Инсон бировнинг иродаси билан эмас, ўз меҳнати, пешона тери ва имон-этиқоди билан жаннатга тушмоғи лозим!

— Чорчўпга михланишинг муқаррарлигига қачон ишонч ҳосил қилдинг?

— Қаршимда ўз онам билан суюкли шогирдим турганини кўрган пайтимда. Ушанда онамга қараб: «Ҳей, аёл, мана бу сенинг ўғлинг!», дедим, шогирдимга эса: «Ҳей, инсон, мана бу сенинг онанг!», деб хитоб қилдим. Шундай қилиб, менинг ўрнимга шогирдим онамининг этагидан тутди, онам эса унга волидамуҳтарамга бўлиб қолди.

— Истагинг нима, айт?

— Тур ўриндан!

Бачана турди.

— Чанқоқлик азоб бермаяпти, дегин!

— Чанқоқлик азоб бермаяпти!— деб такрорлади Бачана ва шу заҳоти чанқоғи босилди.

— Офтоб баданимни куйдирмаяпти, деб айт!

— Офтоб баданимни куйдирмаяпти!— деди Бачана ва ўша ондаёқ қуёшнинг беаёва тафти босилгандай бўлди.

— Ҳаётга ва олло таолога ишонаман, дегин!

— Ҳаётга ишонаман...— Бачана шундай деди-ю, «Олло таолога деган сўзни айтмади, зеро бу воқеа ҳамон унга саробга ўхшаб туюларди.

Шунда ўспирин:

— Кўнглингдаги энг эзгу тилагинг нима?— деб сўради.

— «Нечун инсон бўлиб туғилдим, ё раб? Нечун ёмғир бўла қолмадим!»— Бачана Важа Пшавеланинг сатрларини ўқиди ва бирдан...

Бачана ёмғирга айландию жизгинак бўлиб ётган саҳрода кўм-кўк барра ўт униб чиқди...

Бачана ёмғирга айландию жизгинак бўлиб ётган саҳрода ранг-баранг, анвойи гуллар бош кўтарди...

Бачана ёмғирга айландию жизгинак бўлиб ётган саҳрода тип-тиник, муздек булоқ кўзи очилди...

Бачана ёмғирга айландию жизгинак бўлиб ётган

сахро жонланиб, бир зумда ям-яшил воҳа жамолини кўз-кўз қила бошлади...

Бачана ёмғирга айландию бирдан ўзи ана шу воҳа ўртасида учи осмонга тегай-тегай деб турган, илди-лари бутун ер юзига тарқалган, сершоҳ, улкан бир эман дарахти бўлиб қад кўтарди... Етти иқлимдан турли-туман хушовоз паррандалар учун келиб, ана шу эман шохларига кўнишди, шу ерни маскан тутиб, шу ерда кўпайишди. Энди бутун оламга улуғвор ҳаёт кўшиғи тарала бошлади...

Ҳангу манг бўлиб қолган Бачана тиз чўкиб, ўспиринга бош эгиб таъзим қилди ва:

— Сени кўриб, борлигинга имон келтирдим,— деди.

Шунда Исо алайҳиссалом шундай жавоб берди:

— Сен мени кўргангидан кейин борлигимга ишонч ҳосил қилдинг. Илло, мени кўрмасдан туриб имон келтирганлар хушбахтдир...

7

Бачана кўзларини очди. Булика ёстиғига суюнганча каравоти устида чордана қуриб ўтирар ва бир маромда, кироят билан газета ўқиётган ҳазрат Иорамнинг овозига жим қулоқ солар эди.

— Салом, азизлар!— деди Бачана ҳамхоналарига.

— Э-э-э, қадамларига ҳасанот!— дея хитоб қилди Булика суюниб.

— Қалайсиз, ҳурматли Бачана?— деб сўради тавозе билан ҳазрат Иорам газетани бир четга қўяркан.

— Момо Ҳаводан олдин жаннатга тушган навқирон Одам Атодекман!

— Бир ўзингиз зерикмаяпсизми?

— Аксинча, бутун бошлиқ жаннат ёлғиз ўзимникидай!

— Қойилман сизга, ҳурматли Бачана!— деди Булика тантанавор оҳангда.— Бунақа нокаутни умрим бино бўлиб кўрмаганман: уч юзгача санасам ҳам кўзини очмайди-я!

— Ким?— деб сўради Бачана.

— Кўйинг-э! Бир бандани бекафан, бежаноза до-рулбақога жўнатворишингизга сал қолди-ю, тағин ким деб сўрайсиз-а!— деди ҳазрат Иорам энтикиб.

— Сиз шу ерда эдингиз-ку, отахон!— дея ҳазиллашди Бачана, лекин ўнғайсиз ҳолга тушиб қолди. У бўлиб ўтган воқеани деярли унутиб юборган эди— пантопоннинг таъсиридан бўлса керак, шунинг учун ҳам ҳазрат Иорамнинг бу луқмасидан кўнгли сал хижил бўлди.— Ростини айтсам, нима бўлганини яхши эслаёл-маяпман,— деди у пешонасидаги терни артиб.

— Парво қилманг, ҳурматли Бачана, биз ҳам беҳабармиз: мен ухлаётувдим, ҳазрат Иорам ибодат қилаётган эдилар. Шунақами, отахон?— Булика ҳазрат Иорамга мурожаат қилди.

— Шундоқ, шундоқ!— дея тасдиқлади қария.

— Биз гувоҳликка ўтолмаймиз,— деб қўшиб қўйди Булика.

— Ҳар ҳолда, нима бўлди ўзи?— дея астойдил қизиқсинди Бачана.

— Мундоқ бўлди: тувакни бошига уриб синдирганингиздан кейин у чўзилиб қолди. Женя чопиб келди. Камфарадан укол қилиб, бошига йод суртди. Кейин у ўзига келиб, ўрнидан сакраб турдию бирдан сўкинишга тушди.

— Нима деди?

— Нима дерди, пулни кам деб ўйлаганмишсиз, шунақа экан, дарров қайтариб берақолмайдими, дейди.

— Яна нима деди?

— Яна қандайдир Бацалашвили деган одамни тилга олди. Сиз уни арзмаган пулга ресторанга директор қилиб қўйган экансиз...

— Нима-а?— деди гарангсиз Бачана.

— Ҳа-да! Сиз уни ресторан директорлигига жойлаб қўйибсиз, эвазига у сизга ярим миллион сўм берибди...

Бачана хахолаб кулиб юборди.

— Улай агар, шунақа деб бақирди.

— Йўқ, мен бошқа нарсага куляпман... Ростдан ҳам бир ходимимизнинг қариндошига— ўша Бацалашвилига шу масалада ёрдам берувдим.

— Ҳа-а-а...

— Демак, ҳурматли Бачана, икки ўртада кимдир пора олибди-да!— деб савол ташлади ҳазрат Иорам.

— Шунақа бўлиб чиқади!

— Мениям шунақа бир аблаҳ танишим бор!— дея эслаб кетди Булика.— Жиянимни савдо техникумига киритиб қўювди, етим бола ўзи. Шунга уч минг сўм сўради: бир ярим минги директорга, минг сўми фалончига, уч юзи— яна аллакимга, икки юз сўм ўзимга, хизмат ҳақи, дейди. Иложим қанча? Жиянимни аҳ-воли ўзимга маълум-ку— калласида ҳеч бало йўқ.

Яқинда «55 дан 5ни олиб ташласа, қанча қолади?», деб сўрасам, «5 қолади», дейди ошқовоқ!

— Тўғрида!— деди кулиб Бачана.

— Э, тўғри бўлмай ўлсин, менга уч мингга тушиб турибди ўша «тўғри»си! Пулни олди-ю, йўқ бўлди-кетди, ярамас!

— Алдаб кетдимиз?— деб сўради ҳазрат Иорам.

— Йўқ... Жойлашга жойлаб қўйди-ю, лекин пуллари... қулоғини ушлаб кетди!

— Хўш, уни айби нимада?

— Нимада бўларди! Декабрда ўша техникумнинг директори чақиртириб қолди. Томдан тараша тушгандек: «Гражданин Гогиллашвили, сиз гражданин Гваладзегга уч минг сўм берганмисиз?», дейди. «Ҳа, берганман», дедим. Директор бирдан тутатди: «Вой, нокасей!», деб бақирса бўладими столни муштлаб!

— Сени айтдимки нокас деб?— дея сўради ҳазрат Иорам хафа бўлиб.

— Нега мени бўларкан! Анови аблаҳ Гваладзени-да!

— Э, ҳа-а, бунга лой чапламоқчи бўлган экан-да!— деди ҳазрат Иорам тутатди.

— Йўқ-ўқ, нахотки тушунмаётган бўлсангиз, отахон? Гваладзег пулни унга бермаган! Шунинг учун у мени ёқмадан оққолди: «Сен мени ким деб ўйляпсан?— дейди.— Савдо техникуми сенга анови...» Оти нимаиди... ҳалиги... Вакедаги новвойхона ёнидаги-чи... студентлари кечасию кундузи найчага тикилиб ўтиради-ган...

— Топография техникуми!— деди Бачана.

— Ҳа, «Савдо техникуми сенга топография техникуми эмас!— дейди.— Ҳозир— декабрь. Агар январь ичиде уч минг сўмини келтириб бермасанг, хумкалла жиянингни кавушини тўғрилаб қўяман!», дейди.

— Ким айтади?— деб сўради ҳазрат Иорам тааж-жубланиб.

— Ким бўларди— директор-да!

— Хўш, кейин-чи?

— Нима— кейин?! Келиб, хотиним Светага маслаҳат солсам, у: «Яхшиси, устига яна шунча қўшинг, биратўла савдо министри бўлкетса ажабмас жиянингиз!», деб ярамга баттар туз сепса бўладими!

— Демак, директор ҳам юлғич экан-да?— Бачана ётган жойида бетоқат бўлиб, бир тўлғаниб қўйди.

— Шунақа экан, азизим!.. Балки тувак керакдир? Янгисини беришгунча меникидан бемалол фойдаланаверинг...— деди Булика.

— Йўқ, раҳмат... Ҳозир ўйлаб қолдим, балки мен ҳам пулни олаверсам бўлармиди?

— Ким билади... Умуман, пул ўзи ифлос нарса...— деди Булика ўйчанлик билан.

— Уттиз танга бутун инсониятни хароб қилган!— дея сўз қотди ҳазрат Иорам куюниб.— Уттиз танга-я!

— Мен, ҳурматли Бачана, одамларни ҳалиги... нима дейишарди уларни? Физ... Физо...— Булика тутилиб қолди.

— Физиономистлар.

— Ҳа, ҳа! Мен одамларни бир-биридан худди ўшаларга ўхшаб ажратаман. Фақат улар юзига қараб, мен эса пойабзалига қараб ажратаман. Оёқ кийимига қарайману ўша одамнинг қанақалигини шартта айтаман-бераман... Анови сизни олдингизга келган одам-

ниям туфлисини кўрибоқ ғирт разил ва аблах одамлигини билувдим...

— Қанақа қилиб билдингиз?— деб сўради Бачана.

— Биринчидан, туфлиси локланган экан...

— Аксинча, мен уни профессормикан, деб ўйловдим,— дея Буликанинг гапини бўлди ҳазрат Иорам.

— Кирганидан кейин туфлисини шими билан арди...— Булика ҳазрат Иорамга бир қараб қўйди. — Профессор ҳеч қачон бунақа қилмайди... Иккинчидан, туфлининг тағчарми уч томонидан ейилган, пошнаси эса бунс-бутун. Демак, бу туфлини у бошлиқларнинг олдига борганда кияди. Табиийки, бошлиқнинг олдига оёқ учига юриб киради, шунинг учун ҳам туфлининг фақат уч томони ейилган. Хўш, бу одам аблахми ёки йўқми? Аблах, албатта... Учинчидан, кириб ўтириши билан товонини туфлидан чиқазволди. Хўш, нима учун бундай қилди? Шунинг учунки, туфли тор— оёғини сиққан. Тор туфлини нима учун кияди одам? Башарасини буриштириб юриш учун кияди. Мана, кўриб қўйинглар, қандоқ шўрпешонаман, қандоқ бахтиқароман, демоқчи бўлади бу билан! Шундоқ одамни аблах демай, яна нима дейиш мумкин?! Тўртинчидан, туфлисининг пошналари одатдагидан уч-тўрт сантиметр баландроқ. Нега бундай? Чунки у одам баданида боридан кўра ўзини каттароқ кўрсатмоқчи бўлади! Аблахми? Шубҳасиз, аблах! Яна нима десамикин? Энг муҳими шундаки,— бунинг энди пойабзалга алоқаси йўқ,— энг муҳими шундаки, бир одам таҳорат ушатилидиган тувак билан бошига солса-ю, у озор берган кишинини кекирдагини узиб олмаса— демак, у инсон эмас, бориб турган туван ва палид кимса!— Булика Дарахвелдизенинг таърифини шу билан тугатди.

— Хўш, сенингча, яхши одамнинг пойабзали қанақа бўлади?— деб сўради ҳазрат Иорам Буликанинг даъволарига ишонқирамай.

— Яхши одамнинг пойабзали бир меъёрда эскиради: ўнги ҳам, сўли ҳам, пошнаси ҳам, учи ҳам... Иннайкейин, бундай одам пойабзалнинг бир размер каттароғини кияди. Нега? Чунки қийналмасдан бемалол юради, оёғи қавармайди... Тушундингизми? Яна бир гап: агар пойабзалнинг орқаси эзилган ёки босилган бўлса— демак, у одам ё бировнинг пойабзалини кийиб олган, ёки ўзи ўлгудай палапартиш ва исқирт одам...

— Болалар-чи, болалар?— деб сўради Бачана.

— Болаларнинг йўриғи бошқа. Болалар ҳаракатчан, тиниб-тинчимайдиган халқ. Уларнинг суяги ҳали қотмаган. Шунинг учун ҳам ёш болани пойабзалига қараб бир нима деб бўлмайди.

— Узинг-чи? Узинг қанақа киясан пойабзални?— деди бехосдан ҳазрат Иорам.

Булика шошиб қолди:

— Менми?

— Ҳа, сен!

Булика энгашиб, каравоти остидан обдан кийилган, орқаси босиб ташланган туфлисини олдию унга тааж-жуб билан тикилганча қўлида айлантира бошлади.

— Ҳм, буни қаранглар-а, ўзим ҳам ўлгудай исқирт эканман!— деди тўнғиллаб ва туфлини яна каравот остига улоқтирди.

Бачана билан ҳазрат Иорам хаҳолаб кулиб юборишди. Уларга қўшилиб Буликанинг ўзи ҳам кулди.

— Ҳурматли Иорам ота,— дея Бачана бирдан суҳбат мавзунини бошқа ёққа буриб юборди:— Тушингизда сира Исо алайҳиссаломни кўрганмисиз?

Ҳазрат Иорам Бачанага бақрайиб тикилиб қолди. Сўнг дудуқланиб деди:

— Ҳурматли Бачана... Тавба деб гапиринг— бунақаси бўлмайди. Оллонинг жамолига фақат етишиш мумкин... Аммо парвардигор бундай бахтга ҳали мени ноил этгани йўқ.

— Овозини ҳам эшитмаганмисиз?

— Фақат жамолига етишган бандасигина эштади!..

— Нимага хизмат қилмасиз бўлмаса?

— Ёлғиз ана шу ният йўлида— унга яқинлашиш, овозини эшитиш, жамолини кўриш ниятида хизмат қилганман!

— Унақа бўлса, касбимизни алмаштиришга тўғри келади.

— Нима учун?— деди ҳазрат Иорам сергапланиб.

— Бир соат бурун мен уни кўрдим.

— Кимни?!

— Исо алайҳиссаломни.

Ҳазрат Иорамнинг овози титраб кетди:

— Тавба денг, бўтам! «Ёлғон сўзлама!»— Инжилда шундоқ дейилган!

— Кўрдим, деяпти-ку! Ишонасизми, ишонмайсизми— бу сизнинг ишингиз!— дея гапга аралашди Булика ва ҳазрат Иорамга кўз қисиб қўйди— бу билан у: «Кўяверинг, у ёғини эштайлик-чи», демоқчи эди.

Бачана жим бўлиб қолди.

— Хўш, кейин-чи?— деб сўради Булика, сабри чидамай.

— У мени тирилтирди, кейин ёмғирга айлантирди, қақраб ётган саҳро чамандай яшнаб кетди. Сўнгра мен улкан эманга айланиб, воҳага кўрк таратдим, сайроқи қўшлар бағримда маскан тутиб, муаззам ҳаёт қўшиғини куйлай бошлашди...

— Ё қудратингдан ўргилай, парвардигор!— деб юборди ҳазрат Иорам ёқасини ушлаб.

— Буларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганам— да менинг кўнглимдан ҳам худди шу сўзлар ўтди,— деди жилмайиб Бачана.

— Ие, ҳали шубҳангиз ҳам бормиди? Вой, шаккок бўтам-эй!— Ҳазрат Иорам ўрнидан туриб кетаёзди.

— Тушимда-ку оёғига йиқилдим-а... Лекин кейин, кўзимни очганимдан сўнг сизларни кўриб, ростини айтсам, сал иккиланиб қолдим...

— Наҳотки, қанчалик савобга ботганингизни сезмаган бўлсангиз!— Ҳаяжонланганидан ҳазрат Иорамнинг ранги ҳатто оқариб кетди.

— Биласизми, отахон, сизларнинг динингиз ҳаддан ташқари ҳақиқатдан йироқ, ҳаётдан узилиб қолган, хаёлий нарса... Агар кўрган тушимнинг лоақал озгинаси ўнгимда ҳам юз берганда эди...

— Ғирт шаккок экансиз! У сизни қайта тирилтирибди-ку, тагин нима керак сизга?!

— Тирилганимдан нима фойда? Эртага ҳаммаси яна қайтадан такрорланиши учун ҳаётга қайтдимми? Эртага яна ўлиш учун тирилдимми? Ахир, ўлим барҳақ-ку!

— Лекин фурсат-чи, фурсат!— деб қичқирди ҳазрат Иорам.

— Қанақа фурсат?

— Яшаш учун берилган фурсат! Ахир, олло таоло умрингизга умр қўшибди-ку!

— Бугун ўламанми, эртага ўламанми— нима фарқи бор?

— Сизга фарқи бўлмаса ҳам бошқалар учун бунинг фарқи бор!

— Ким учун, масалан?

— Ҳаёти сизни умрингизга боғлиқ бўлганлар учун!

— Аҳамияти йўқ... Кўп одамлар болалигдаёқ ўлиб кетган, лекин ер юзида ҳаёт давом этяпти...

— Нималар деяпсиз ўзи! Нега аҳамияти бўлмас экан!— деди ҳазрат Иорам жиғибийрон бўлиб.— Агар Руставели беланчагида ўлиб кетганида-чи?!

— Бошқаси туғиларди.

— Қачон?

— Бирор кун.

— Ҳамма гап шунда-да! Бирор кун! Унга қадар қанча вақт ўтиб кетиши мумкин! Агар Руставелининг даҳоси бўлмаганда шу пайтгача жамият не аҳволга тушиб қолишини тасаввур қила оласизми?!

— Нима қипти, Руставелидан олдин ҳам одамлар яшаган-ку!..

— Ҳа, яшашган, лекин худосиз яшаган!— Ҳазрат Иорам қақраб кетган томоғини ҳўллаш учун кўзачадаги сутдан ҳўплаб олди.— Вақт— худо! Шуну тушунинг! Сиз, коммунистлар, худого ишонмайсизлар, шу боис, вақтнинг қадрига ҳам етмайсизлар! Вақтни беҳуда со-вурасизлар! Вақтга сажда қилинлар, уни эъозламанлар! Модомики, янги эътиқод ва янги дин яратмоқчи экан

сизлар, буни вақтдан бошланглар! Акс ҳолда, ҳеч нарсага эришолмайсизлар, зеро, яна қайтараман, худо — вақт демакдир!..

— Олдин, худо — бу сўз, деган эдингиз-ку?

— Сўз, иш ва вақт — ажралмас, яхлит учликдир! — деди ҳазрат Иорам маъноли қилиб.

— Агар ундай бўлса, фикрингизга қўшиламан, отахон! Биз вақтни ҳам, ишни ҳам, сўзни ҳам қадрлаймиз. Нафсиларини айтганда, черков қадрлаганидан кўра асло кам эмас!

— Биласизми, сизларда кейинга қолдирилган ишлар ва ишни орқага сургашга ишқивозлар шунақанги кўпки, бунақаси ҳеч замонда бўлганмас! — деди кулиб ҳазрат Иорам.

— Э-эй, йўқ, отахон, унақа эмас! — дея шу заҳотиёқ чолга раддия билдирди Бачана. — Ишни орқага сурғашни сизларга чиқарган! Олло таоло одамзодга жаннатни қачон ваъда қилади? Улганидан кейин! Гапим тўғрими?

— У дунёдаги жаннатга бандаси бу дунёдаги покиза турмуши ва имон-этиқоди билан мушарраф бўлмоғи лозим. Ёки тайёрига айёрликми?

— Инсон ўз меҳнати ва пешона тери билан эришган нарсаларни сизлар худонинг марҳамати, дейсизлар... Адолатдан эмас, бу, отахон! Сизларнинг динингиз одамлардан жуда катта қурбон талаб қилади!

— Гуноҳга ботяпсиз, ҳурматли Бачана, гуноҳга ботяпсиз! — деди ҳазрат Иорам ранжиб. — Динимизнинг асосий қонуни олиш эмас — бериш, ҳукмронлик қилиш эмас — хизмат қилиш!

— Чиройли сўзлар булар, отахон, фақат чиройли сўзлар... Эслаб кўринг-а: жаҳолат, мутаассиблик, ақидапарастлик, салб юришлари, ўтда ёқишлар... Буларнинг ҳаммаси худо номидан, худо йўлида қилинган...

— Мен динимиз батамом камолотга етган, деб даъво қилаётганим йўқ... — деди ҳазрат Иорам сал шаҳиддан тушиб.

— Баракалла, отахон! — Бачана хахолаб кулиб юборди. — Художўй одамдан бунақа гапни биринчи марта эшитишим. Хўш, буни нима деб аташ керак? Унга оғишми ёки сўлгами?

— Христиан динида оғишлар ҳам, қутблар ҳам йўқ. Фақат арши аъло бор! — Ҳазрат Иорам кўзи билан шифтга ишора қилди.

— Қаерда ўша арши аъло? — деб сўради Бачана ҳам беихтиёр шифтга қараб.

— Арши аъло — бў, оллоҳнинг даргоҳи. Ана шу даргоҳга қадам қўйган киши жамики тақиқлардан фориг бўлиб, тамомила ҳурриятга юз тутади. Аммо лекин олло ўз даргоҳига фақат руҳи пок бандаларининггина қабул қилгай. Зеро, бундай бандаларнинг қазоси олло таоло жамолига етишмоқ йўлида қўйилган табаррук қадамдир... — Ҳазрат Иорам бошини қуйи эгиб, қўлларини кўксига қўйди.

— Узингизни чалажон бир аҳволда бу ерга келтириб ташлаганида кимни ёрдамга чақирганингиз ёдингиздами? Худони эмас, врачларни ёрдамга чақиргансиз! — дея суҳбатга аралашди Булика.

— Улим ваъсасеси баайни оллога яқинлашиш ваҳимасидур, — деб жавоб қилди ҳазрат Иорам Буликага қарамай.

— Муғамбирлик қияпсиз, отахон! Балки инфарктни ҳам ана шу ваҳима орқасида орттиргандирсиз? — Булика Бачанага кўз қисиб қўйди.

Рухоний Буликага еб юборгудай қаради.

— Сенинг дининг қориндан бошланиб, ҳожатхонада тугайди, осий банда! Сендай гуноҳкордан ҳатто дўзах ҳам юз ўгиради!

— Агар ўша ёққа сизнинг тавсияномангиз билан борсам, албатта шундай бўлади. Лекин дўзах ҳам, жаннат ҳам ўзингизга бюорсин. Мен коммунизмни қўрмоқчиман... Коммунизм — сизнинг жаннатингиз, шундайми, ҳурматли Бачана? Тўғри, мен партиясиз одамман, лекин ҳамиша сизларнинг ҳимоянгизга суюниб яшайман...

— Марҳамат, Булика! — Бачана этикдўзни бажонидил коммунизмга таклиф қилди. — Биз сахий одамлар-

миз, фақат сени эмас, ҳазрат Иорамни ҳам қабул қилаверамиз!

— Раҳмат. Ёлғон жаннатингларга ўзинглар бораверинглар, — дея таклифни рад этди ҳазрат Иорам. — Мен оллонинг иродасини кутаман... Сизларнинг аршъ аълонгиз ниҳоятда тубан. Ҳайронман, ўша коммунизмга етиб олгандан кейин нима иш қиларкансизлар?

— Олдин борволайлик-чи, кейин бир гап бўлар.

— Балки, ҳеч бало йўқдир сиз айтган ўша жаннатда? — деди ошкора истехзо билан ҳазрат Иорам.

— Ҳурматли Иорам ота, сизнинг динингиз яралганига қанча бўлди? — деди саволга савол билан Бачана.

— Икки минг йил! — Ҳазрат Иорамнинг овози ғурур-ла янгради.

Бачана хахолаб кулиб юборди.

— Бизникига ҳали юз йил ҳам бўлгани йўқ... Аммо тарафдорлари шунақанги кўпки — сизлар буни тушингларда ҳам кўрмагансизлар. Қойил-э! Икки минг ёшни уриб қўйиб, биздай юз яшар ўспиринлар билан тортишиб юрибсизлар-а! Уят эмасми? Сабр қилинглар, биз ҳам икки минг ёшга қирайлик, ўшанда арши аълонгиздан туриб, бизга бир назар ташлайсизлар. Қайбиримиз юксакроққа кўтарилганимиз ана ўшанда маълум бўлади.

— Ҳеч нарсага ишонмайдиган одамлар баҳслашишдан фойда йўқ! — Ҳазрат Иорам девор томонга ўгирилиб олди.

— Динингиз халққа нима беради? — Бачана чекинишни истамади.

— Маънавий озиқ! — деди ҳазрат Иорам Бачанага қарамай. — Сизники-чи?

— Бизники ҳам маънавий, ҳам моддий озиқ беради! Энг аввало моддий озиқ беради. Ахир, арши аълога йўл олган одамга нон-туз керак, картошка-пиёз керак, гўшт-ёғ керак. Шундай эмасми?

— Қани ўша гўшт? — Ҳазрат Иорам ажиб бир чаққонлик билан Бачана томонга ўгирилди.

— Бу энди баҳс эмас, отахон!.. Бугун бўлмаса, эртага бўлади!

— Бизнинг динимиз, мен сизга айтсам, одамларга гўшт ейишни ҳам, гўшт етиштиришни ҳам ман этмайди. Гапиришга сал ноқулай, лекин... Илгари гўшт кўп бўларди...

— Илгари ер юзида ярим миллиард одам яшарди, ҳозир эса — тўрт миллиард!

— Ҳм... Одамхўрликдан барвақтроқ воз кечган эканмиз, — деб сўз қотди шу пайтгача миқ этмай ўтирган Булика. — Агар шундай қилмаганимизда ҳозир одамзоднинг уруғи камайиб, гўшт дегани тикилиб кетган бўларди!

— Эшитдингизми?! Сизнинг динингиз инсонни мана шунақа сурбет қилиб қўяди! — дея ҳазрат Иорам қўли билан Буликага ишора қилди. Булика жавоб бериш учун оғиз жуфтлади-ю, аммо гапи бўғзида қолди: қаравоти остидан каттақон каламуш бутун оиласи билан пилдираб чиқиб, палатанинг ўртасига бориб туриб олди.

— Ана сизга маргимуш! — деди жимликни бузиб Булика.

Бачана каламушни кўрди-ю, ундан жирканиш ўрнига қизикиб кузата бошлади. Каламуш бир нарсани қидиргандай навбати билан учала шафачанинг олдига бориб-келди, лекин ҳеч вақо топа олмай беморларга бир-бир қараб чиқди. Булика бир чақмоқ қанд ташлаган эди, каламуш унга қайрилиб ҳам қарамади.

— Тавба, нима бўлган бунга ўзи? — деди ҳазрат Иорам таажжубланиб. — Ё тўйиб нонушта қилволган, ёки очлик эълон қилмоқчи.

— Женяни чақиринг керак. Анови бефаҳм дезинфекторни бошлаб келсин, қанақа каламушлар борлигини ўз кўзи билан кўрмагунча ишонмайди, — деб таклиф қилди Булика.

Каламуш шафчаларни яна бир-бир искаб чиққач, шериклари ёнига борди ва олдинги оёқлари билан мўйловини ғалати қимирлатиб, уларга бир нималарни тушунтира бошлади. Эркак каламуш билан икки нафар боласи жимгина кулоқ солиб туришди, кейин она ка-

ламуш болаларини Буликанинг каравоти остига бошлаб кириб, чамаси, уларни тешик орқали инига жўнатди-да, ўзи яна дарров жуфтининг олдига қайтиб келди. Уртада қизгин суҳбат бошланди.

— Оилавий можаро. Болаларнинг бўлмагани маъкул,— деб қўйди Булика бутунлай жиддий қиёфада.

Бирдан ўтакаси ёрилган урғочи каламуш турган жойидан ўқдек отилиб, палатани зир айланиб чопа кетди. Кейин нафаси бўғзига тиқилганча жуфтининг олдига келиб туриб қолди. Сал ўтмай эркак каламуш ҳам ана шу аҳволга тушди, у ҳам жазава билан палата ичида обдан югургач, урғочисининг рўпарасида тўхтаб, унга тиқилганча қотиб тураверди. Иккала каламуш шу алфозда узоқ туришди.

Нохуш бир нарсани сезиб, Бачананинг юраги орқага тортиб кетди... Каравот остидан иккита каламуш боласи чиқиб келди. Улар ота-оналарининг олдига чопиб боришган эди, катта каламушлар парво ҳам қилишмади. Шундан сўнг каламуш болалари уларни тумшуклари билан туртиб кўришди. Аммо ота-оналари ҳамон қимир этишмасди. Кейин олдинги оёқлари билан гоҳ оталарини, гоҳ оналарини тортқилай бошлашди. Бир пайт ҳаммалари бараварига жойларидан қўзғалишди гоҳ шкафга, гоҳ деворга, гоҳ бир-бирларига урилиб, бир йиқилиб, бир туриб хона ичида жазава билан югура бошлашди.

— Буларга нима бўлган ўзи! Ақлдан озганми?— деди ҳазрат Иорам чўкиниб кўяркан.— Булика, худо хайрингни берсин, Женяни тезроқ чақира қол!

Булика каравотда ўтирганча каламушларнинг ваҳшиёна рақсини томоша қилар, ранги докадек оқариб кетган, кўзлари олазарак эди.

— Маргимушнинг таъсири бу... Ичлари ёниб, сув қидиришяпти... Лекин сув баттар қилади,— деди Бачана.

— Сут-чи, сут?— деб сўради ҳазрат Иорам овози қалтираб.

— Бериб кўринг-чи!— дея илтимос қилди Бачана.

Ҳазрат Иорам титроқ кўли билан ликопчага сут қуйиб, полга қўйди. Лекин вақт ўтган эди. Каламушлар сутни пайқашмади ҳам.

— Қизиқ, болалари тетикроғ-а,— деди Бачана ва шу заҳоти, гўё унинг сўзини чиппакка чиқаргандек, каламуш болаларидан бири оёғи осмондан бўлиб қулади. Ҳаял ўтмай иккинчиси ҳам ағдарилди.

— Ортиқ чидаёлмайман!— Булика инграб юборди ва тилининг остига нитроглицерин таблеткасини ташлаб, кўллари билан юзини беркитди.

— Э худо, ўзинг бандам дегин!— деди ҳазрат Иорам аянчли бир оҳангда.

Каламушлар фалокатни сезиб, кўзларини очишди ва гандираклаганча болаларининг жасади ёнига бориб, тиз чўкишди.

— Женя!— деб қичқирди Бачана ва хиёл ўрнидан турди. Каламушлар бошини кўтарган эди, Бачана уларнинг қоп-қора, мунчоқдай кўзларига тўлган дард, ҳайрат ва ноумидликни кўриб, нафаси ичига тушиб кетди.

— Женя!— дея қичқирди у яна ва ҳолсизлиққа ёстиққа суяниб қолди.

— Ҳурматли Бачана! Бачана! Бўтам!— Ҳазрат Иорам ётган жойида тўлғанарди.— Булика! Ановиларга қара!

Аммо Булика юзини ёстиққа босганча қимир этмай ётар, ҳеч нарсани эшитмас эди.

— Ҳой, ким бор? Ёрдам беринглар!— деб бақирди ҳазрат Иорам ўрнидан туришга уриниб, лекин юрагида қаттиқ санчиқ сезиб, яна жойига чўзилиб қолди...

Палатага мудҳиш сукунат чўкди. Полда жонсиз каламушлар думалаб ётар, аранг нафас олаётган беморларнинг каравоти устида ўлим қанотларини ёзиб, ўлжасига кўз тиккан қўзғундек пайт пойлар эди. Эшик шахд билан очилиб, палатага ўтакаси ёрилган ҳамшира Женя билан врач кириб келганини ҳеч ким сезмади.

— Хўш, кўнгилларинг жойига тушдими энди?— деди

Женя ўлган каламушларни кўриб. Лекин шу заҳоти врачнинг безовта овози янгради:

— Пантопон! Тез! Учовига ҳам!

8

Ласа Басилия Тамарани Озургети¹ станциясидан топиб олган эди. Қиз кичкинагина сумкачасига бош қўйганча скамейкада ухлаб ётарди. У ўзига кимдир қаттиқ тикилиб турганини сезиб ўғониб кетди. Қизнинг кўзлари катта-катта, кўм-кўк, юзи пахтадай оппоқ, қизғиш лаблари пўрсикқина бўлиб, қуюқ тилларанг сочлари таранг кўксини қоплаб ётарди. Қиз сапчиб ўрнидан турди. Ласа унинг келишган, тиқмачоқдек қоматиға тез кўз югуртириб чикди...

...Шу кундан бошлаб Ласа Басилиянинг ошхонасида янги официант қиз пайдо бўлди, мижозларнинг сони эса уч баравар ортди. Энди бу ерда қишлоқнинг жамми эркаклари тўпланадиган бўлди. Улар уззуқун ошхонада ўтириб гап сотишар, аллақанча нордон «кизабелла»² ни ичиб юборишар эди. Эс-ҳушини йўқотган бу оломонни хотин-халаж ва ота-оналар минг машаққат билан ўрнидан қўзғатиб, уй-уйларига олиб кетишарди.

— Тамара, фариштагинам, яна ўн шиша!

— Тамара, сенга бундай ҳусн-жамолни ато қилганинг уйи куйсин!

— Қайтими керак эмас, бир боқшинг ўзи миллион сўм туради!

— Тамара, бир марта жилмайгин, кейин Ласайянинг³ пичоғи билан сўйиб ташласанг ҳам майли!

— Ласайя, бу қизчанинг оёғини ўпсанг ҳам арзийди, агар шу бўлмаса, сассиқ ошхонанг билан бирга касодга учардинг!

— Омадинг бор экан, Ласайя! Энди кучук сўйиб сотсанг ҳам бўлаверади!

— Тамара, мени бир марта ўп, кейин Супсага⁴ ташлаб юборсанг ҳам розиман!

— Қоматини қара, қоматини!

— Шу пайтгача буни биров ўғирлаб кетмаганини қара-я!

— Ҳозир бораман!

— Билмадим, йигитча!

— Миллион сўм — кўп. Шунча пулни нима қиламан?

— Узингнинг хотининг мендан чиройлироқ!

— Кайфинг тарқагандан кейин ўпиб қўй!

— Бошқа одамни севаман, азизим!

— Кўлингни торт! Торт қўлингни, деяпман! Ласа, манови пиянистанни тийиб қўй!

— Ласа, бўлди, беркит ошхонани!

Ҳар куни мана шу аҳвол...

Бачана ошхонага кириб, бурчакдаги столга ўтирди.

Ташқарида қизиб кетган тупроқдан ҳовур кўтарилар, поли эндигина ювилган ошхона эса ниҳоятда салқин эди. Ласайя ичкарида, қайнаб турган қозон атрофида ўймаланишар, Тамара пештахта олдида туриб, Бачанага орқа ўғирганча стаканларни артак эди.

Ҳали барвақт бўлгани учун ошхона бўм-бўш эди. Одатда хўрандалар тушдан кейин йиғилишарди. Бачана буни билар, шунинг учун ҳам олдинроқ келган эди. У бир оз кутиб ўтиргач, секин йўталиб қўйди. Тамара ялт этиб ўғирилди. Бачананинг юраги ўйнаб кетди. У ёққа қараб яна йўталди — бу гал ҳаяжонини яшириш учун шундай қилди. Тамара пештахтадан тарелка, пичоқ билан санчқи олиб, Бачананинг олдига келди. Бачана унинг фақат бармоқларини — узун-узун, чиройли, иссиқ сувдан сал қизариб, бўғриққан бармоқларини кўриб турарди. Қиз тарелкани столга қўяркан, хўранда-

¹ Озургети — Махарадзе шахрининг эски номи, халқ орасида ҳозир ҳам кўп ишлатилади.

² Изабелла — шу нав узумдан тайёрланган вино.

³ Ласайя — Ласанинг эрқалатиб айтилиши.

⁴ Супса — дарёнинг номи.

га қизиқсиниб разм солди: уни биринчи марта кўриши эди.

— Нима буюрадилар?— деб сўради у.
— Бачана бошини кўтарди.
— Нон!— деди секингина ва бир ютини кўйди.
— Шу, холосми?
— Озгина пишлоқ.
— Гўшт-чи?
— Йўқ.
— Вино опкелайми?
— Мумкинмас. Эртага имтиҳоним бор.
— Нимадан?
— Физикадан.
— Нечанчи синфдасан?
— Тугатяпман.
— Ҳа-а-а... Харчо ичмайсанми?
— Харчога пулим етмайди!— Бачана шундай дедию дув қизариб кетди.

Тамара кетди. Сал ўтмай патнис кўтариб келди. Столга нон, пишлоқ, тарелкада харчо билан бир стакан вино кўйди.

— Шуни ичсанг бўлади!— деди у жилмайиб ва Бачананинг ёнига ўтирди.— Исминг нима?

— Бачана.
— Фамилиянг-чи?
— Рамишвили.
— Менинг исмиам Тамара.
— Биламан!— Бачана стаканни қўлига олди.
— Нега сени шу пайтгача кўрмаган эканман?

Бачана уялиб кетди. Гўё сапчиб чиқиб томоғига қадалиб қолган юрагини қайта ўрнига туширмоқчидек, винодан бир ҳўллаб кўйди.

— Мен тенгилар ошхонага кирмайди.
— Сен нега кирдинг бўлмаса?
— Қорним очиб кетди, шунинг учун кирдим.— Бачана винодан яна бир ҳўллади.

— Нордон эканми?— Тамара бурнини ҳазиломуз жийриб кўйди.

— Саломат бўл!— Бачана стаканни бир кўтаришда бўшатди.— Қанча тўлашим керак?

— Физикани топширганингдан кейин ҳисоб-китоб қиламиз!

— Тамара!— деган овоз эшитилди ичкаридан.
— Боряпман, Ласа!— деб қичқирди Тамара.— Ҳозир келаман!— деди у Бачанага ва чопқиллаганча хўжайинининг олдига кириб кетди.

Қайтиб келган Тамара ҳангу манг бўлиб қолди. Бачана кетиб бўлган, столдаги таомларга эса қўл урилмаган эди.

— Салом!— деди Тамара стол ёнига ўтираркан.
— Салом!— деди Бачана ҳам.
— Топширдингми?
— Топширдим.
— Неччи бўлди?

— Уч,— деди Бачана базўр жилмайиб,— бу ҳам бувам Ломкацанинг ҳурмати туфайли.— У чўнтагидан беш сўм чиқариб, столга қўйди.— Кечаги тушликка.

Тамара пулга ҳатто кўз қирини ҳам ташламади.
— Яна нечта имтиҳонинг қолди?

— Тамара! Нима қиласан ёш гўдакнинг олдида ўралашиб? Бу ёққа келсанг-чи!— деб қичқирди Дуту Центерадзе. У тўртта улфати билан ошхонанинг нариги бурчагидаги стол ёнида ўтирар, кайфи анча ошиб қолган эди.

Тамара унга эътибор ҳам бермади.
— Яна нечта имтиҳонинг бор?

— Битта.
— Қачон?
— Индинга.
— Бўлмаса, индинга кел.
— Эртага ҳам келаман.
— Келавер. Ҳозир нима ейсан?
— Тама-ара! Намунча ёпишиб қолдинг ўша мишиқига? Келақолсанг-чи!— деб яна қичқирди Дуту.

Тамара унинг ёнига борди.

— Нима истайсиз?

— Сени ҳуснингдан бошқа нимани ҳам истардим! Утир биз билан!

— Вақтим йўқ, Бирор нарса керак бўлса, айтинг.

— Яна ўн шиша опкел-да, ёнимга ўтир! Сен учун ичмоқчиман!— Дуту Тамаранинг қўлидан ушлади. Қиз юлқиниб чиқиб, пештахта олдига борди.

— Ласа, ўн шиша вино бервор.

Ласа эгилиб шишаларни ола бошлади. Дуту ўрнидан туриб, пештахта томонга юрди. У анча-мунча ичиб қўйган, кўзлари йилтирар эди.

Дуту Центерадзе милиционер эди. Паст бўйли, яғриндор, қўллари узун-узун, белига тўппонча тақиб олган бу одам ўзига ниҳоятда бино қўйган бўлиб, ҳаммаша гердайиб юрарди. У пештахта олдига келиб, Тамарани бағрига тортди.

— Қизга тегажоглик қилма, Дутуйя, бор, жойингга бориб ўтир!— деди Ласа қовоғини солиб.

— Ўзи индамаяпти-ю, сен нима қиласан бурнингни суқиб!— дея дўқ урди Дуту ва олтига шисани кўтариб, изига қайтди.— Аммо-лекин, винони столга опкелиб бериш сени вазифанг!— деб бақирди, у Ласага.— Агар бирортаси шу қизга шилқимлик қилганини кўрсан, жонидан умидини узаверсин! Жасадини авлиё Гавриил черковининг ҳовлисига ўзим кўмаман! Билиб қўйинглар!— Дуту бу сўзларни ҳаммага эшиттириб айтди.

Тамара қолган тўртта шисани олиб келган эди, Дуту уни мажбуран ёнига ўтказди.

— Утир, қизалоқ, сенинг саломатлигингга ичмоқчиман!— Дуту стаканни қўлига олиб, ўрнидан турди ва Ласага қараб гап бошлади:— Ласайя Басилия! Шундоқ қизни тарелка ювдиришга уялмайсанми? Тамарани менга бер, мен уни олтин тахтага ўтказаман, бэмисоли малика Тамарадай! ҳаёт кечиради!

— Қайси бир олтин тахтинга ўтказасан?! Биттасида хотининг Талико савлат тўкиб ўтирибди-ку! Бўладиган гапни гапирсанг-чи, ўпкаси йўқ! Ҳовлингга дарахт у ёқда турсин, диккайган чўп ҳам кўринмайди-ку! Олдин товукларингга қўноқ ясаб бер. Ҳе, сендақа валломатдан ўргилдим!

Ошхонада қаҳқаҳа кўтарилди.

— Оғзингга қараб гапир, Ласайя, тилингни суғуриб оламан-а!— Дуту ғижиниб, тўппончасини ушлади.

Бачана ўрнидан туриб, эшикка қараб юра бошлади.
— Тўхта, ҳой бола!— деб чақирди уни Дуту.— Нега бу ерда ўрналишиб юрибсан? Қара, бирорта сен тенги одам борми?

— Овқатлангани кирувдим,— дея хотиржам жавоб берди Бачана.

— Нима учун кирганингни яхши биламан! Ма, манодини ичгину туёфингни шиқиллат!— Дуту Бачанага бир стакан вино билан бир бўлак товук гўшти узатди. Бачана яқинлашиб, унинг қўлидан стакан билан гўштни олди-ю, индамай столга қўйди.

— Мен ичмайман.

— Ундай бўлса, бир жўнавор-чи!

— Жўнайманми, жўнамайманми— бу менинг ишим!— Бачананинг икки юзи лоладек қизариб кетди. Дуту унинг қўлоғидан ушламоқчи бўлиб қўлини чўзган эди, Бачана чап берди. Дутунинг қўли ҳавода муаллақ қолди.— Сен мастсан, Центерадзе!— деди Бачана милиционерга ва ташқарига қараб йўл олди.

— Ким бўлди бу итвачча?— деб сўради эсанкираб қолган Дуту.

— Ломкаца Рамишвилининг невараси!— деди унинг ёнида ўтирган Ушанги Каландадзе. Дутунинг дами ичига тушиб кетди.— Эсингдами, Манучар Киквадзени йўқ қилдим, деб бошлиғинг орден олган эди, аслида уни мана шу бола ўлдирган... Тинч қўй уни...— деб шивирлади Каландадзе Дутунинг қўлоғига.

1 Тамара — XII асрда ҳукмронлик қилган грузин маликаси.

— Бекор гап,— деди Дуту тишини ғижирлатиб. — Узим қатнашғанман ұша операцияда!— Центерадзе-нинг юзи бұғриқиб кетди.— Троцкийчининг ұғли, мак-кор бола у!

— Нима гуноқ қилди бола бечора? Овқатлангани кириб, ҳеч нарса емай чиқиб кетяпти, бировга финг дегани йўқ... Яхши эмас, Дуту, битта аёлни деб ақл-дан озиш...— деди хафа бўлиб Афанасий Лория.

— Ким аёл, аҳмоқ?! Аёл эмас, фаришта у! Олдида тиз чўкиб, оёғини ўпишинг керак!— Дуту патнисдек келадиган қафти билан Афанасийнинг елкасига тушир-ди. Афанасий қалқиб кетди.

Ошхонага оғир сукунат чўкди.

— Нима, заёмга ютганмисан Тамарани, Дутуйя? Қўйвор қизни, биз ҳам кўриб, мундоқ яйрайлик!— деди Мамука Яшвили вазиятни юмшатмоқчи бўлиб.

— Майли, бугунча кечираман, аммо эртадан бошлаб қорангни кўрмайин бу ерда!— деб пўписа қилди унга Центерадзе.

— Шунчалик зўр экансан, армияга борсанг бўлар-ди!— деди кулиб Мамука.— Балки, Гитлернинг таъзи-рини бериб қўярмидинг!

— Ким тартиб ўрнатади бу ерда? Сенга ўхшаган қочоқларга ким кўз-қулоқ бўлиб туради?

— Ким қочоқ?! Мен-а?! Бир килограммлик осколка ҳалигача кўкрагимда турибди!— Мамука кўйлагининг ёқасини ечди.— Сен мени қочоқ деясанми?! Бу ер-да ҳали сен тартиб ўрнатасанми?! Уччига чиққан ишەкмас ва қочоқ ўзинмасанми?!— Мамука столдаги шишани олиб, Центерадзега ташланди. Дуту тўппонча-сини суғурди.

Бачана ошхонадан чиқиб кетди.

Тамара ошхонада пайдо бўлганига уч ой тўлар-тўл-мас, қишлоқда узунқулоқ гаплар ўрмалаб қолди. Худ-ди баҳорги қалдирғочдай бу миш-мишлар ҳовлидан-ҳовлига, уйдан-уйга ўта бошлади. Далаларда, чойзору узумзорларда, боғ ва томорқаларда, бозорда, идора-да, ҳаммомда, сартарошхонау кутубхонада— хуллас, ҳамма ерда официант қизнинг ғийбатини қилишарди.

— Эшитдингми, уч кун бурун ошхонада Мамука Яшвили билан Дутуйя Центерадзе ана шу касофат қизнинг дастидан бир-бирларини ўлдириб қўйишларига сал қопти...

— Айтишларича, танбал Дутуйя хотинини роса дўп-послаб, Мелекедурига— отасиникига жўнатиб юбориб-ди...

— Қандоқ ялмоғизни топиб келган экан-а Ласайя ўлгур! Ундан ҳомиласи ҳам бор эмиш... Вой, яшшама-гур-эй...

— Ундан эмас, Дутуйя милиционердан ҳомиласи...

— У жувонмарг Мамука Яшвилига ҳам кўз сузиб юрган экан, хотини сезиб қолиб, қизнинг роса адаби-ни берибди...

— Гитлердан баттар экан у манжалақи! Бутун қиш-лоқни остин-устин қилиб юборди-я!

— Ҳамманинг бошини айлантириб қўйибди мега-жин!

— Айлантириш ҳам гапми? Айтишларича, Торнике Кинцурашвили Ардалион Гваладзега пичоқ кўтарган-миш...

— Дутуйя милиционернинг кўзи қаёқда?

— Дутуйянинг ўзи биринчи ўйнаши-ку!

— Дутуйя ҳам майли-я, анови болани ҳам йўлдан ураётганмиш у суюқоёқ!

— Қайси болани?

— Ломқаца Рамишвилининг неварасини-да, Бачана-ни... Фақат шунинг учуноқ уни турмага жўнатиш ке-рак... Она сути оғзидан кетмаган болага кўзини сузади-ми?! Уч кун бурун ошхонанинг олдида кўрдим— тел-баном бўп қопти боёқиш...

Тамара Зосим Хинтибидзеникида ижарада турарди. У энг четдаги, деразаси кўчага қараган кичкинагина бир хонани эгаллаган эди.

Қишлоқ маст уйқуда эди. Бачана аста деразани черт-ди. Сал ўтмай деразада Тамаранинг кўрқувдан буриш-ган юзи кўринди. Бачанага кўзи тушиши билан қиз-нинг нигоҳида таъна ва алам ифодаси учқунлади. У лабини тишлаб кафтларини кўксига жуфтлади, кейин деразани қия очди-да, хижолат чекиб турган Бачана-дан:

— Сенмисан?— деб сўради шивирлаб.

— Бир минутга кирай?— дея ёлворди Бачана.

— Сен етмай турувдинг!— Тамаранинг овози тит-раб кетди.

— Хўп дегин!

— Бу ифлос ишларга аралашма, Бачана! Бор, уйин-га бор! Мендан нима истайсизлар ўзи? Нега мени бад-ном қиласизлар? Сизларга нима ёмонлик қилдим? Бўлди... Мени тинч қўйинглар...— Тамара хўнграб йи-лаб юборди.

Бачана деразадан ошиб тушди-да, Тамарани четлаб ўтиб, стол ёнига бориб ўтирди. Қиз жинчиरोқни ёқди, кейин ўзи ҳам Бачананинг рўпарасига келиб ўтирди:

— Хўш, нима дейсан?

Бачана индамади.

— Нимага келдинг?

— Шу гаплар ростми?— деб сўради Бачана титроқ кўли билан жинчироқ қурумини кўчиракан.

— Қайси гаплар?— дея хўрсинди Тамара.

— Сен ҳақингдаги... Ёмон гаплар...

— Ўзинг-чи, ўзинг ишонсанми?

Бачана елкасини қисди:

— Мен айтмоқчи эдимки...

— Хўш, қани?..

— Мен шунинг учун келдимки...

— Қўй, гапирма! Қишлоқда ёлғиз сени софдил одам деб биламан! Гапирма ҳеч нарсани!

Бачана кўзёшини ичига ютиб, бирдан тилга кирди:

— Кийин!

— Нима?!

— Кийиниб, мен билан юр.

— Қаёққа?

— Билмайман.

— Қаёққа бораман, ахир?

— Сен қишлоқдан кетишинг керак!

— Шарманда бўлиб-а?

— Кетишинг керак! Улар сени фақат аёл деб били-шади, мен бўлсам...

— Сен-чи?

— Кийин, деяпман! Нарсаларингни ҳам йиғиштир, бўла қол!— Бачана шундай ишонч ва қатъият билан га-пирардики, бунга ҳатто ўзи ҳам ҳайрон қолди.

Тамара сакраб туриб, каравот остидан чамадонини олди-да, елиб-югуриб унга нарсаларини йиғиштириб сола бошлади. Бу орада Бачана айвонга чиқиб, Зосим-нинг эшигини тақиллатди.

— Ким у?— деган уйқусираган овоз эшитилди ич-каридан.

— Бу мен, Бачана, Ломқаца Рамишвилининг неза-расиман.

— Адашибсан, болакай!

— Йўқ, Зосим амаки, адашганим йўқ. Илтимос, Ма-ро холам билан бир минутга чиқинглар!

— Кайфинг ошган бўлса, уйинга бор!— деди Зосим зарда билан.

— Йўқ, маст эмасман! Чиқа қолинглар, илтимос!— деди Бачана яна.

Эшик очилиб, Зосим чиқди. У яланг ички кўйлак-иштонда эди. Унинг орқасидан ўтакаси ёрилган Маро мўралаб турарди.

— Мен Тамарани олиб кетяпман, Зосим амаки, шу-ни билиб қўйинглар демоқчи эдим...

— Опкетақол... Шунгайм уйқуни ҳаром қиласанми? Унинг менадан қарзи йўқ... Ижара ҳақини олдиндан тў-лаб қўйган...

— Зосим амаки, Мамука Яшвилини, ёки Дутуйя Цен-терадзеги, ёки Ласайя Басилияни, ёки Торнике Кинцу-рашвилини Тамаранинг хонасидан чиқиб кетаётганини кўрганмисиз?

— Нега менга ёпишиб олдинг, болакай? Нима, мен унга қоровулманми?

— Йўқ, Зосим амаки, сиз тўғри одамсиз! Менга ҳақиқатни айтинг!

Зосим дудўкланиб, чаккасини қашлай бошлади.

— Ростини айтсам, ўғлим, бировнинг у ерга кириб-чиққанини ҳечам кўрмаганман!.. Дутуйя Центерадзё кирмоқчи бўлиб, маст ҳолда уч марта хиралик қилган, лекин Тамара киритмаган. Икки марта Торники Кинчурашвили қадамранжида қилган, у ҳам кайф эди, қиз униям қувиб солган... Тунда унинг хонасига кирган биринчи одам сенсан...— Зосим чамадон кўтариб турган Тамаранинг кўзларига қаради.

— Нега бўлмаса уни ёмонликка чиқаришди?— деб сўради Бачана.

— Биздан бир оғиз ҳам ножўя гап чиққани йўқ, болагинам!— дея гапга аралашди Маро эрининг олди-га ўтиб.— Қайтага, олдида ҳам, орқасидан ҳам мақтаб юрамиз, ишонишмаса, нима қилайлик?

— Кетдик!— Бачана Тамаранинг қўлидан чамадонни олди.

— Бемаҳалда қаёққа борасизлар, болам? Эрталаб кетинглар, йўлга у-бу нарса тайёрлаб берардим...— деди Маро хижолат бўлиб.

— Мана шу гапингизнинг ўзи етиб ортади!— деди Бачана.— Хайр, раҳмат сизларга!..

— Бу ишингни буванг билладими?— деб сўради Зосим Бачанадан, улар ҳовлига чиқишгач.

— Билади!— дея қисқагина жавоб берди Бачана ва Тамаранинг қўлидан ушлади:— Кетдик!

Улар анчагача индамай боришди. Катта йўлга чиқишгач, Бачана чамадонни ерга қўйди-да, бир четга ўтириб, тамаки ўради. Тамара унинг ёнига ўтирди. Бир оз дам олишгач, яна йўлга тушишди. Насакирали довоғига етганда тагин нафас ростлагани ўтиришди.

— Нега индамайсан, гапирсанг-чи!— деди Тамара.

Бачана қўйинидан кичкина бир тугунча олиб, Тамаранинг тиззасига қўйди.

— Нима бу?— деб сўради Тамара.

— Ишлаган кунларим учун олган авансим... Олти юз сўм... Ҳозирча етади сенга... Ун сотиб ол...— Бачананинг томоғига бир нарса қадалиб, у ёғини гапиролмади.

Тамара тугунни очди, пулни кўрди-ю, тугунни қайтадан ўраб, Бачананинг қўйинига солиб қўйди, кейин юзини тиззасига босганча хўнграб йўғлаб юборди. Бачана уни юлатмади, тасалли ҳам бермади. Қизнинг йўғлаб бўлишини кутди. Ахийри чидаёлмай, гап бошлади:

— Йўғлаган яхши... Мен ҳам бирор ерим оғриси ёки бирор нарсадан қаттиқ изтироб чексам, ўрмонга бораман-да, дарахт тагига чўзилиб, тўйиб-тўйиб йўғлаволаман... Худди ёш боладай ўкириб-ўкириб йўғлайман... Кун бўйи, то кўз ёшам қуриб, кўнглим бўшамагунча йўғлайвераман... Шундан кейингина енгил тортман. Майли, йўғла, йўғлайвер!.. Юрагингни бўшатвол. Бўлмаса, инсон чидармиди... Аммо-лекин сен одамлардан хафа бўлма... Уларда айб йўқ... Ҳаммасига ҳуснинг, тенги йўқ ҳуснинг сабабчи... Бизнинг эркакларга келсак... Улар бир-бирларига ҳасад қилганларидан ёқа юлишди... Уч ойдан бери мижжа қоққан-ним йўқ, фақат сени ўйлайман. Бунчалик гўзал бўлмасанг?... Ким кўрса, фақат менга кулиб боқяпти, фақат менга ишва қиляпти, деган хаёлга боради... Менга ҳам шундай туюларди. Лекин унақамаслигини биламан! Биламан-у, аммо... яхши кўраман, жудаям яхши кўраман... Сенсиз туролмайман... Уламан...— Тамара йўғидан тўхтаб, Бачананинг сўзларига таажжуб билан қулоқ сола бошлади. У ҳамон гапдан тўхтамасди:— Яқинда ўн еттига тўламан... Ёш бола эмасман энди... Аммо, биламан, сен менга худди ёш болага қарагандай қарайсан... Ажабланма... Сени севман, шунақаям севманки... Нима қилай!.. Бу пулни олиб қўй... Мен уни йўғирлаб олганим йўқ... Бувам бердилар... Сенга деб

бердилар... Бувам— доно одам... Сени олдинга ҳам ўзлари юбордилар, қишлоқдан опчиқиб кет, дедилар... Мени севолсанг қанийди... Лекин сен бениҳоя чиройлисан, билмадим, қисматинг нима бўларкан... Мен ҳали ёшман— сени ҳимоя қилолмайман, сенга паноҳ бўлмайман... Аммо яхши кўраман, жонимдан ҳам ортиқ кўраман... Уч ойдан бери уйқу йўқ, кечасию кундузи кўз олдимдан нари кетмайсан...

Бачананинг ўлкаси тўлиб, гапиролмай қолди. Тамаранинг тиззасига бошини қўйдию худди ўрмонда адашган қолган бўри бошасидай, ҳув бир пайтар Чхакоура ёнбағрида йўғлаганидай уввос тортиб йўғлаб юборди.

Тамара унинг бошини кўксига босди, шунда Бачана музлаб ётган юрагига аллақандай тафт ўтганини, бу ҳарорат аста-секин кучайиб, қалбида мислсиз бир олов пайдо бўлганини сизди. У Тамарани кучоқлаб, кўксидан, елкаларию бўйиндан, юз-кўзларидан энтиқиб ўпа бошлади. Қизнинг кўзларидан шўртаём ёш қуюлар, ўзи эса эҳтирос билан шивирлар эди:

— Офтобим, қувончим... Сен менинг акамсан, отамсан... Қайғую ҳасратларимсан... Ҳам ўғлим, ҳам етимлигимсан... Сен менинг ҳаётим ва заволимсан... Болагинам, муҳаббатим... Қаёқдан пайдо бўлдинг, ҳаётимга қай йўсин кирақолдинг?

Сўнг уларнинг лаблари туташиб, жимиб қолишди— энди юраклар тилга кирган эди.

Ҳар икки дилда гўё кумуш кўнғироқлар жаранглар, шундай ҳамоҳанг ва улуғвор жаранглардики, шу тобда улар худдога илтижо қилмоқдан бошқа нарсага ожиз эдилар...

— Эй парвардигор! Қалбларимиз ва жисмимизни бир-бирига пайванд эт, бизни улкан, ягона бир вужудга айлантиру сўнмас ҳаёт бер!.. Э қодир эгам, менинг томирларимда унинг қони, унинг томираларида менинг қоним жўш урсин! Бизни гуноҳдан асра, тезроқ омонатингни қайтариб ол!..

— Бачана, қуёшим, қайдан пайдо бўлдинг, нега ҳаётимга кирдинг?... Менинг бахтим, менинг кулфатим... Қўй, кераги йўқ, жоним, кераги йўқ... Қизман ҳали...

— Э танграм! Менга сабот ва чидам бер! Эс-ҳушимдан жудо қилма! Узинг асра, парвардигор!

Улар қўл ушлашиб, яна йўлга тушишди. Ўрмон уйғонди. Қушлар тонг ва қуёш қўшиғини бошлаб юборишди. Теварак-атрофдаги қишлоқлардан итларнинг воуллаши эшитилди. Дарёнинг нариги томонида ҳўроз биринчи қиқиритиши биланоқ оёқга турган деҳқон томорқасига кирган сигирни болохонадор қилиб сўқди. Осмон ёриша бошлади. Тоғ чўққиларининг тепасида сузиб юрган булутлар қизғиш тусга кирди. Насакиралада тонг отди.

Бачана тўхтаб, чамадонни Тамаранинг оёқлари остига қўйди.

— Энди боравер!— деди у ғамгин товуш билан.

Тамара унга узоқ тикилиб турди. Сўнг хотиржам сўради:

— Нима қиламиз бу ёғига?

Бачана индамади.

— Қўшнилариингга нима дейсан?

Бачана елкасини қисди.

— Кетавер...— деди у базўр.

— Мени унутиб юборма.

Бачана бош чайқади.

— Дунёда энди ҳеч кимни сени севганчалик севолмайман!

— Турмушга чиқма... Мен ҳадемай улғаяман...— Бачананинг кўзларига ёш қалқди.

Тамара тиз чўкиб, унинг қўлларига лабини босди.

— Улғайганинг шу-да, тагин қандай улғаярдинг? Қиз Бачананинг тиззаларини қучди.

Бачана оёқларини қизнинг кучоғидан аста бўшатиб, уч-тўрт қадам орқага тисланди-ю, шартта бурилиб... кета бошлади.

Ярим чақиримча юргач, қайрилиб қаради. Қиз ҳамон йўл устида тиз чўкканча унга тикилиб турарди. Бирдан Бачана ҳайратдан титраб кетди. У қизнинг катта-катта, мовий кўзларини аниқ-равшан кўриб турарди. Тамаранинг кўзлари жиққа ёш эди.

Қоқ пешинда Бачана ошхонага кирди. Тамаки тунига тўлиб кетган зал гаажум, ғала-ғовур эди. Ласа пештахта орқасида туриб, одатдагидек чаққонлик билан бодринг ва помидор тўғрарди. Бачананинг кирганини кўриб, пичоғини кўтарганча донг қотиб қолди. Ошхонага жимлик чўкди. Кулиб турган, ҳайратга тўла, қути ўчган турли хил чеҳралар Бачанага бараварига қадалган, ҳамманинг нигоҳида фақат битта савол ифодаси бор эди. Бир муддат жимликин бузишга ҳеч ким журъат этолмади. Ниҳоят, Ласа тилга кирди:

— Ана ўзлари!— деб хитоб қилди у ва елкасидан тоғ ағдарилган одамдай энгил хўрсиниб қўйди. Ошхона яна жонланди. Ҳамма бараварига гапира кетди. Ана шу ғала-ғовур орасидан Дуту Центерадзенинг масха-рамуз овози эшитилди:

— Иштонсиз куёвга саломлар!

Бачана милиционерга эътибор бермай, тўппа-тўғри Торнике Кинцурашвили ўтирган стол ёнига борди.

— Қизни қаёққа яширдинг? Ёки бувангга обориб бердингми?— Торникенинг кайфи анча баланд эди.

— Торнике Кинцурашвили! Одамларга тўғриси айт, ўша қиз бузқумиди ёки бузқумасмиди?— деб сўради Бачана овозини кўтариб.

— Буни Ласайядан сўра. Уша қизинг унга ҳам тўшак, ҳам ёстиқ эди!— деб жавоб берди Торнике халолаб.

— Бу одам тўғри гапиряптими?— дея Бачана Ласага мурожаат қилди.

— Агар қизга ножўя гапирган ёки қўлимни теккизган бўлсан, лоақал кўнглимга ёмон ўй келган бўлса, эртагача тил тортмай ўлай, мана шу пичоғим юрагимга санчилсин!— Ласа қўлидаги пичоқни бир уриб, пештахтага санчиб қўйди.

Бачана яна Торникега юзланди:

— Агар эркак бўлсанг, Торнике Кинцурашвили, ўринингдан туриб, гапир: қизникига неча марта боргансан? Гапиравер, тортинма, бари бир у эшитмайди!

— Кимсан ўзинг, мушиқи?! Келиб-келиб сенга ҳисоб бераманми!— Торникенинг қони қайнаб кетди.

— Бўлақол, бўйнингга ол, неча марта у сени уйдан ҳайдаб юборган?

— Ҳеч ким мени ҳайдаган эмас! Кайфим тарқаганидан кейин ўзим кетганман... Ана, Зосим гувоҳ, сўра ишонмасанг!— Кинцурашвили сал паст тушди.

— Мамука Яшвили, ҳеч кимга ишонмасам ҳам, сенга ишонаман! Айтгин-чи, нима учун хотининг Дарежон Тамара билан уришган эди?— Бачана боядан бери лабини тишлаганча миқ этмай ўтирган Мамукага мурожаат қилди.

— Аҳмоқ-да, аҳмоқ! Дутуйя Центерадзенинг хотини қулоғига пичирлайвериб, ақлдан оздирган...— деб жавоб берди Мамука бошини кўтармай.

— Сен менинг хотинимга тил теккизма, аблаҳ!— деб бақирди Центерадзе.

Мамука ўрнидан турди, аммо Бачана уни гапиртирмади:

— Энди бўйинларингга олинлар, қайси бирларингиз лоақал бир марта бўлса ҳам Тамара билан ётгансизлар? Сен бошла, Дуту!

Центерадзе ўрнидан турди. У бу ерда интизом ўрнатмоқчи бўлган безбет болани гирибонидан олиб, ошхонадан чиқариб юбориш ниятида эди, аммо Бачана милиционернинг хатти-ҳаракатини ўз саволига жавобдек тушуниб, пештахтага санчилиб турган пичоқни суғурди-да, Центерадзенинг устига бостириб борди:

— Ёлғон, аблаҳ, ёлғон! Уч марта кирмоқчи бўлгансан қизинг олдига, лекин учала сафар ҳам у сени ҳайдаган шармандангни чиқазиб! Сен — сурбет, мақтанчоқ одамсан, Дутуйя Центерадзе, эл олдида мақганиш учунгина ҳалол-покиза бир қизни бадном қилдинг, юзига қоракуя суркадинг! Тўғрими гапим, Зосим амаки?

— Тўғри, ўғлим, тўппа-тўғри!— деди ранги оқариб кетган Зосим.

— Сен қаёқдан биласан, каллаварам?— Центерадзе унга ташлашиб қолди.— Ё этигимни ечиб қўйганмисан?!

— Боланинг гапи тўғри, халойик, тепамда худо турибди!— дея такрорлади Зосим.

— Палид одамсан, Дутуйя Центерадзе!— деди Бачана милиционерга, ўзи ҳам кутмаган аллақандай бир ички шижоат билан.

— Ўлдираман, чурвақа! Нега бу ерда гап сотиб, олифтагарчилик қиялсан?! Нега ҳаммага лой чаплайсан?! Мен кимман — қонуний ҳокимиятнинг вакилиманми ёки югурдак боламанми?!— Центерадзе тўппончасини чиқазиб, Бачанага талпинди.

— Ҳайвонсан, Дутуйя Центерадзе, билдингми, ҳайвонсан! Тупурдим тўппончангга!— Бачана ҳам Центерадзенинг устига бостириб бора бошлади. Ласа пештахта орқасидан чопиб чиқиб, икковининг орасига туриб олди.— Ҳамма эшитиб қўйсин!— деб қичқирди Бачана.— Кеча кечаси мен Тамараникида эдим! У қишлоғимизга қиз келиб, қиз кетди! Агар ёлғон бўлса, онамни ўртага қўйиб қасам ичишим мумкин!

Бирдан қарсиллаган товуш янгради, Дуту Центерадзе полга ағдарилиб тушди. Мамука Яшвили зарбдан шишиб кетган кафтини ишқалаганча Бачананинг олдига келиб, ўша қўли билан унинг юзини силади:

— Яхши йигитсан, ўғлим! Уйингга кетавер, бу ёғини ўзим тинчитаман...


Бачана шошмасдан эшикка йўналди...

Давоми келгуси сонда

Болалигим Қорадарё бўйларида, Балиқчи қишлоғида ўтган. Мактабга қатнаган кунлиримдан бошлаб пахта терганман, қиш-қировли кунлари сандал атрофида ўтириб, кўсак чувиганман, «Тўжилган пахтани териб қутига солганлар яхши бола бўлади», дейишганида, дарсдан кейин соатлаб донғил йўлда тўжилган пахталарни терганман... Шулар ҳақида, пахта тўғрисида кўрган-билганларим, эшитганларим асосида, «Пахтам пахтазорим» деб номланган янги шеърлий китоб ёздим. «Ешлик» журнали ҳукмингизга ҳавола этаётган шеърлар шу китобдан.

**ШУКУР
ҚУРБОН**

АВТОР



Ош ичар¹

Бир туп сада остида булоқ.
Сал нарида қозон — қирқ қўлоқ,
Булоққа ҳамоҳанг қайнайди қозон...
Булоқ бўйи — намхуш тупроққа
Тўшалган палос,
Палос узра давра қуришган
Ҳозиргина пахтазорлардан,
Бамисли сув париларидек,
Қаторлашиб чиқиб келишган
Пахтакор сингилларим,—
Оппоқ дурра барчасининг бошида.
Улар шу ўлтиришда
Уватларда батартиб унган
Пахталарга ўхшаб кетар хўп...
Уч-тўрт қадам наридан эса
Бошланади пахтазор,
Бошланади эртақдек:
Дув очилган ғўзалар,—
[Пахтакор сингилларим
Каби бошида дурра],—
«Ош бўлсин!» деб иштаҳа тилар
Азиз заҳматкашларга...
«Раҳмат» дея ютиниб олар-да сингилжонлар,
Бир-бири-ла иболи уриштириб олар кўз...

Бир муддат гап-сўз тинар,
Бир муддат тинар булоқ,
Бир муддат ўйга чўмар
Жазирама дала-туз.

Бола эканимда

Бола эканимда, дўппим тўлдириб
Мен илк марта пахта терганман.
Чанг-ғуборин қоқиб ўлтирмай,
Кийиб юрганман.

Бунни кўриб кулмаган ҳеч ким,
Койимаган ота-онам ҳам.

Сабабини англадим кейин:
Бу диёрда пахта гардини
Бошда баланд тутмаган одам,
Яшай олмас бекам-кўст, тугал.

¹ Тушлик маъносида

Пахтакорнинг

иш куни...

— Пахтакорнинг иш куни қачон бошланар!
— Неча соат!
— Тугайди қачон!..
— Пахтакорнинг иш кунини, минг йиллар аввал,
Юртимда илк бора пахта экилган
Пайтларда боболар беришган бошлаб:
Шундан бери у тугамаган.

Орият

Енидан бир эгат олиб кўяр у,
Орқада қолади дусоналардан.
Бироқ яқинлатмас йигитни ғурур,
Этар йироқлардан кўз ташлаб сирли.

Ҳар куни аҳвол шу,
Орият, қаттиқ,
Икки ҳисса ортиқ пахта терар қиз.
Шунча гайрат, шунча шижоат
Бир сўзни айтишга қилади камлик.

Бўлаверади...

— Кийиб олинг оҳорли уст-бошингизни,
Кўрган нима дейди, дадаси...
— Пахтанинг кўзи кўр — бўлаверади.
— Келинг кўйлагингиз ювиб берайин.
— Эртага ҳам пахта,
Барибир қуримас ювганинг билан,
Пахтанинг кўзи кўр — бўлаверади.
— Ҳеч бўлмаса, алмаштирволинг
Этакни, ахир,
Яхши бўлар таъб учун пича.
— Қўйсанг-чи, хотин,
Ҳар хил ташвиш билан бошши оғритма,
Яхшиси, кел мундоқ, бағримга босай!..
— Бағримга босаймиш,
Ҳо, ёқмай қолсин!..
Барвақт туришингиз керак пахтага.
Яхшиси, тескари қаранг-да, ухланг:
«Пахтанинг кўзи кўр — бўлаверади».



Ранглар мусиқаси

Мусаввир ижодининг ривожланиши ёхуд бу жараённинг сўст кечишида баъзан тасодиф ҳам катта роль ўйнайди. Маҳмуд Аҳмедов ўн тўрт ёшидан мустақил равишда бўёқ билан сурат ишлашга киришган, пейзаж ва натюрмортлар чизган. Ҳали ўсмирлик йилларидаёқ миллий хонадонлар шифти ва айвонларига халқ амалий санъати анъаналари йўлида суратлар ишлаган.

Оддий ишчидан участка бошлиғигача бўлган қийин ҳаёт йўлини босиб ўтган, қурилиш ишларида роса ўн йил малака орттирган йигирма етти ёшли М. Аҳмедов П. Беньков номидаги Тошкент Рассомлик билим юртига ўқишга киради.

Бу ерда энди расм машгулотлари мунтазам ўтказилар ва улар маълум мақсад сари йўналтирилган бўларди. М. Аҳмедов учинчи курсдан бошлаб, Е. Мельниковдан сабоқ ола бошлайди. Бу рассом билан учрашув ёш мусаввир ҳаётида ўчмас из қолдирди. Унинг учун чинакам санъат мактаби ана шу даврдан бошланади. Е. Мельниковдан у композиция қурилишида аниқ ифодавийликка эришиш усули — юксак нуқтаи назарлиликни ўрганди. Бу табиийдир, чунки тасвирланаётган жисмга юксакдан қарай билиш декоративликка мойил рассом учун ягона манتيқий йўлдир.

Ёш рассом ўқув юртини тугатгач (1969), ўзаро узвий боғлиқ бўлган натюрморт ва пейзаж жанрлари устида ишлай бошлади. Ижодиди йил сайин драматизмнинг ўсиб боришига қарамай, унинг ёрқин ва тиниқ рангларга бўлган чексиз муҳаббати полотноларига байрамона улугворлик, шоироналик бахш эта борди.

...Натюрмортда тасвирланаётган жисмлар, одатда, ерда ёки фазода жойлаштирилади ва пейзажнинг бир бўлаги сифатида қабул қилинади [«Олмалар натюрморти», 1976 й; «Янги вино», 1973 й; «Рўмол ва натюрморт» 1972—1977 й.]. Ана шу усулда чизилган расмлар ҳаракат мушиқаси билан лиммо-лим, импрессиондир [«Баҳор нафаси», 1974 й.]. М. Аҳмедовнинг бу давр ижодида акварелда ишланган нозик, мушиқавий манзаралар [«Бўржар. Қуз. 1973 й.】 билан ички туғёнларга бой мой бўёқда ишланган асарларнинг мавзу уйғунлиги хосдир.

Ижодининг дастлабки босқичида рассом бошқа йўналишларда ҳам тинимсиз изланди. Вақт ўтиши билан, у рассомликдаги бир томонламаликдан узоқлашди, шунингдек манзаравийликка ҳам майли орта борди.

70-йилларнинг бошларида тақдир уни Ю. Талдикин ва В. Бурмакин сингари уста рассомлар билан учраштирди. Маҳоратда беъазир мусаввирлар билан яқиндан танишиш ёш рассомга фикрий кенглик, тасвирда журъат ва эркинлик ато этди.

1973 йилда М. Аҳмедов «Шоҳқўрғон» манзара асарини

ишладики, бу унинг ижодидаги янги босқични ташкил этар эди. Мазкур сурат бир қарашда, Ю. Талдикиннинг Сўқоқ манзараларига оид асарларини эслатса ҳам, ишлаш техникасидаги принципиаллиги билан тубдан фарқ қилади. М. Аҳмедовнинг бу ва бундан кейинги асарларида ҳам, биз Талдикин ижодига хос монументаллик, тектониклик ҳамда, ҳар гал қатъий равишда амал қилинадиган симметриклик каби хусусиятларни учратмаймиз.

М. Аҳмедов полотнолари композицияси доимо марказлашган, аммо уларда тасвирланаётган жисмлар олами муқаррар суратда марказдан қочувчи, мураккаб ҳаракат кучлари таъсиридадир. Мусаввир полотноларида бир-бирига зид икки бошланма уйғунлаштирилади: барча жисмлар бир вақт ичида ўзлари жойлаштирилган фазодан чиқиб кетишга ҳамда, айни пайтда, ўз мувозанатларини сақлаб қолишга интиладилар. Умуман оптимистик, деб аталадиган сербўёқ суратлардаги яширин драматизм сарчашмаси ҳам ана шу ердан бошланади. Рассом асарларидаги бош мавзу осонгина ўқиб олинади. Бу мавзу — унинг илк ижод даврида ноқ бошланиб, ҳеч ўзгаришсиз келаётган, — бизни ўраб турган дунё гўзаллиғидир.

Рассомнинг техник маҳоратини эгаллашдаги даврий якун «Анор терими» (1975 й.) картинасида мукамал аксини топан. Бунда пейзаж ва натюрморт ягона вужуд сингари уйғунлаштириб юборилган. Манзарага теримчи қизлар тасвирининг киритилиши, рассом томонида куйланаётган гўзалликка инсоннинг дахлдор эканлигини таъкидлайди. Уша йили М. Аҳмедов «Анор терими» билан бирга, ўзининг мустақил кўриш, фикрлаш услуби борлигини исботловчи, юқоридаги асар образларига ўзгача талқин берадиган «Замин тўғалари» картинасини яратди. Аввалги ишда ҳали В. Бурмакин мўйқалами тасвирини аниқ кўрсак, кейинги асариди М. Аҳмедов меҳнат темасининг ўзига хос ечими билан ўша таъсири тамоман енади.

Асосий масалаларда қатъий мустаҳкамланган рассом энди матони тайёрлаш маданиятига катта аҳамият бера бошлайди. Бинобарин, унинг камер натюрмортга муножаати [«Кунгабоқарлар», 1976 й; «Қовоқ», 1977 й. каби] ҳамда пейзаж элементларидаги декоратив ечим [«Икки кунгабоқар», 1976 й; «Баҳор», 1977 й; «Қизғалдоқлар», 1975 й. сингари] мазкур изланишлар самарасидир. Бу йўлдаги картиналар дастлабки яратилган натюрморт ва пейзажлардан шартлиликни таъкидлаши, ишлаш техникасининг мураккаблашганлиги билангина эмас, балки ранглар ташиётган юксак эмоционал «юк» билан ҳам ажралиб туради... Рангларнинг давомий товушлари, жарангдорлиги ўзининг юксак чўққисига чиқади. Бутун композицияни ўз ичига олган жўшқин ҳаракат, ранглар товушидан янада драматикроқ мазмун касб этади. Техник услулар ҳам ўзига хос тараққиётни бошидан кечиради.

Рассом эндиликда пейзаж жанрида ўзини олам билан биргаликда тасаввур қилишга интилади. Жўмладан, «Куз» (1977 й.) манзараси марказида замин образи туради. Эгри-бугри ўсган дарах танасининг самога интилаётган сершоҳ новдалари бамисоли тирик вужуддек типирчилмайди. Навбатдаги, «Эгарчи» маҳалласи» деб номланган картинадан эса янада мукамал, сирли руҳий ҳолатни сезиш мумкин. Ҳовли ўртасидаги ҳовуз, бир-бирига ёндош қурилган уйлар... Миллий турмуш кўринишлари билан жонлантирилган бу манзара дунёнинг алоҳида бўлаги сифатида, бир бутунлигича қабул қилинади. Мусаввир унда кичик деталлар воситасида ҳаёт ҳақидаги мураккаб фикрларни ифодалашнинг уйдасидан чиққан.

М. Аҳмедов ижодининг бундан кейинги тараққиёти борасида бир нарса дейиш қийин. Аммо ҳар бир талабчан истеъдод соҳиб қабил, уни ҳам изланишлари истикболда янгидан-янги ижодий кашфиётлар кутаётганлиги аниқ.

О. ЛЕБЕДИНСКАЯ



СОБИТ
МАДАЛИЕВ

Инсон

Менда уйғонади муаммо, сирлар
ва яна ўзимда ечилар тугун.
Заминнинг бошию охири менман,
у менсиз яшашга қийналар бугун.

Қ. РАҲИМБОЕВА таржимаси

Шундай пайт келарки,
умр зимнида
тутоққан жилғалар тинч оқа бошлар —
туби равшан тортиб то юраккача,
равон порлай бошлар юлдуз, қуёшлар.
Аёл бор. Кўзлар бор. Бокира нур бор.
Нажиб туйғуларга айтай салламно.
Ул кўзлар покликнинг сокин юкини
мен сари элтгувчи осуда дарё.
Йиллар кетар, кетар,
аммо хаёлда
Уша соғинчларнинг қора оқими
аксланиб, солланиб тургани турган.
Ул аёл менга жим боққани боққан.
Ва қирғоқ емириб,
мангулик ҳақда
эслатиб,
ул сувнинг оққани оққан.

О. МАТЖОН таржимаси

Баҳор ёмғиридек юраги тоза,
қувлик, айёрликка ёт унинг таъби.
Уни майна қилиб
қулишар баъзан,
у эса
жилмаяр болалар каби.

Инсонга ишонар, ихлоси баланд!
Уни чув туширмоқ — осондан осон,
ишончи туйғайли еса ҳамки панд,
кек сақлаб юрмайди қалбда

ҳеч қачон.

Ҳуда-беҳудага юбормас сарфлаб,
поклик-эзгуликка ишончини у
ганжи хазинадай авайлаб, асраб
қоғозга тўкади тунлар беуйқу.

Шундай зимистоянинг тўри-тўридан
милтираб кўринар гоҳида маёқ,
лекин унинг дилга яқин нуридан
йўл топар ўзига адашган сайёҳ.

М. РАҲМОН таржимаси

Полизда тонг

Оғирлашар шудрингдан кўрпанг,
жунжикасан салқин чайлада,
эшитилар тарс-турс товушлар —
қовунлар етилган палла-да;
Ғира-шира узун соялар
чўзилади жуда йироққа.
Қовунларнинг ошно ҳидлари
урилади ташна димоққа.
Ва бу дамлар завқлидир жуда
оёқяланг бўлиб югурмоқ,
ёрилган қовунга эгилиб
муздек болни тўйиб симирмоқ.

И. ЭШБЕКОВ таржимаси

Ариқча чопарди ҳуркиб, буралиб,
сувга оқизардим кемачаларни.
Дўппи кийиб юрган бедард болалик
сувдай оқиб кетди. Қайда у! Қани!
Қанчалар ошиқиб кетгандим уйдан
соғиниб талпиндим бағрига бу дам.
Қулочга сиғмайди тераклар улкан,
кўприкча ҳам янги...
пасайган сув ҳам.
Жийдадан таралар қушчалар саси,
борлиқ ҳам боладай нотинч негадир.
Кўприкчага ётиб
қўшни боласи
сувга дўпписини оқижаётир...

Н. ОСТОНОВ таржимаси



Катта ҳаёт чорраҳасида

Институтга ҳужжат топшириб, вақтинча ўқишга кира олмаган йигит-қизларнинг тақдири ҳақида мулоҳазалар

«Ким бўлсам экан? Қайси касбни танласам доғда қолмайман?»

Кўнгул тушган ишни қилиш керакми ё

катталар айтган йўлни тутуш шартми? Институтга кира олмасам нима қиламан?

Шаҳарда қолиб, заводга ишга кирсаммикан?

Қишлоққа қайтсам, ўзимга яраша юмуш топилармикан?

Ҳар йили ўрта мактабларни битириб катта ҳаёт йўлига

чиққан минглаб ёшлар олдидан шундай саволлар кўндаланг туради.

Дарҳақиқат, қайси йўл мақбул?

Қандай касб ёки ҳунар орқали ҳаётда ўз ўрнини тезроқ топиш, халққа ва жамиятга кўпроқ фойда келтириш мумкин?

Журнализмнинг бу сафарги давра баҳси ана шу мавзуга бағишланди.

Унда ёзувчи Нурали Қобул,

«Ташсельмаш» заводи ишчиси (эндиликда Ўзбекистон Компартияси Марказий

Комитетининг масъул ходими)

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,

Маҳмуд Мўйдинов, «Висотстрой» трести қурувчилар бригадаси бошлиғи, СССР Давлат

мукофоти лауреати Мухтор Ҳабибуллаев,

Тошкентдаги «Гулистон»

ресторани директори Шариф Солиҳов, Тошкент

Политехника институти комсомол комитети секретарининг ўринбосари Ҳамид Мамажонов,

«Ёшлик» мактаб-магазини ишлаб чиқариш

таълими мастери Шоҳида Аҳмедова,

Марказий универмагнинг катта сотувчиси

Салима Адашеввалар иштирок этишиди.

Даврани журнал бош редакторининг

ўринбосари, ёзувчи Муроджон Мансуров олиб

борди.

М. МАНСУРОВ. Ҳар йили шу воқеанинг бир содир бўлиши бор: ёз келиши билан шаҳарларимиз ҳам бирдан яшариб кетади. Мактабларни битириб, қўлига етуклик шаходатномасини олган ўн минглаб ёшлар республикамизнинг турли чеккаларидан олий ва махсус ўқув юртиларига оқиб кела бошлайдилар. Тошкентнинг ўзида юз мингдан зиёд йигит-қиз абитуриентга айланади. Баъзи институтларда ўқиш истагини билдириб ҳужжат топширган ёшлар сонининг бир ўринга ҳатто беш-ўн кишигача бориб етади. Масалан, бу йил республикамиз олий ўқув юртиларига 32 минг 500 киши қабул қилинар экан. Хўш, қолган ўн минглаб ёшлар-чи, улар қаерга боради! Келаси қабул имтиҳонларига эса бир йил бор. Нима қилиш керак! Шу шаҳарда бирор ишга кириб, кечкида ёки сиртдан ўқисинмикан, ё қишлоққа қайтиб кетиб биратўла келаси йил яна омадини синаб кўргани келсинмикан! Агар ишга кирса, қаерга боради, қайси касбни танлагани маъқул! Тўғри қўрилишга ёки заводга боравериши керакмикан, ё бирорта даромадли, енгилроқ ишни қидиргани маъқулмикан!

Қандай қилса тўғри бўлади!

Бу йилча ўқишга кира олмаган минглаб ёшларни ана шундай саволлар қийнаши табиий. Улар худди шу пайтда яхши бир маслаҳатга, кимнингдир тўғри йўл кўрсатиб юборишга ўта муҳтож бўладилар. Шундай нозик бир пайтда ота-оналар, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилар қандай маслаҳат бериб, уларни қаёққа йўналтирсалар тўғри бўлади! Ёшлар қайси йўлдан борсалар, кейин пушаймон бўлиб қолмайдилар!

Гап шундаки баъзи ота-оналар фарзандларининг келажagini ўйламай, ўғил-қизларини қандай қилиб бўлмасин тезроқ даромадли жойларга жойлаштириб қўйишга уриниб келмоқдалар. Баъзилари эса, биз қийинчилик кўрдик, булар кўрмасин деб, атай енгил-елпи ишларга киритиб қўймоқдалар. Аксарият ёшларнинг ўзлари эса, бемаслаҳат иш тутиб, охири пушаймон бўлиб қолмоқдалар. Фақат айрим институт комсомол комитетларигина абитуриент штаби ташкил этиб, ўқишга кира олмаган ёшларни ишга жойлаштириш билан шуғулланиб, хайрли иш қилмоқдалар, холос. Кўп жойларда эса бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ваҳоланки, катта ҳаёт чорраҳасида турган бу ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, келгусида бир яхши касбнинг эгаси бўлишлари учун ёрдам бериш, фойдали-ижтимоий меҳнатга жалб этиш — энг хайрли иш эмасми! Шунинг учун ҳам бугунги баҳсимизда биз Сиздек маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишиларга мурожаат қилмоқдамиз. Сиз уларнинг ўрнида нима қилган бўлардингиз ва ўз ўрнинида уларга қандай маслаҳат берар эдингиз! Ҳар бир ёш ҳаётда тезроқ ўз ўрнини топиб олиши учун қандай фазилатларга эса бўлиши лозим деб ўйлайсиз! Ёшлар учун тезроқ пул топиб, ота-онанинг ёнига кирган маъқулми, ёки бир ҳунарни чуқурроқ эгаллаб, шу ишнинг устаси бўлиб етишган яхшими! Қай бири муқим бахт келтиради!

М. ҲАБИБУЛЛАЕВ. Жуда ўринли масалани ўртага қўйиб-сизлар. Ҳаммамизнинг ҳам ўғил-қизимиз бор. Уларнинг келажagini, келгусида ким бўлишини ўйламаслик мумкин эмас.

Ш. СОЛИҲОВ. От босмаган жойларни той боссин дейишади. Лекин боя сиз айтгандек, катта ҳаёт бўсағасида турган ёшга кимдир ёрдам бермаса, тўғри йўлни кўрсатиб юбормаса бўладими!

М. МҲЙДИНОВ. Иккиланиб, қаёққа боришни билмай турган пайтда қилинган битта яхшилик кишининг бир умр ёдидан чиқмас экан.

Мен армиядан қайтиб келганимда биринчи учратган устозимни ҳали-ҳали миннатдорчилик билан эслайман. У киши мени тўғри йўлга солмаганда бу обрўлар, бу қаҳрамонлик юлдузи қаёқда эди, дейман.

С. АДАШЕВА. Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, дейдилар-ку. Шунинг учун ҳам вақтинча ўқишга кира олмаган ёшларнинг келажagini ҳақида астойдил қай-ғурадиган одамлар, бирор ташкилот керакка ўхшайди.

Балки бу вазифани олий таълим министрлиги ёки ҳунар техника таълими давлат комитети ўз зиммасига олар. Ҳар ҳолда кимдир шу иш билан шуғулланиши керак.

Ҳ. МАМАЖОНОВ. Менимча, бу комсомолнинг иши. Комсомол комитетлари бу борада ташкилотчилик қилишлари мумкин. Масалан, бизда ҳар йили абитуриент штаби ташкил этилади, институт комсомол комитети ўқишга кираётган ёшлар тақдири билан бевосита қизиқади. Штаб аъзолари ҳар бир факультетда, ётоқхоналарда тушунтириш ишлари олиб борадилар. Имтиҳонлардан ўта олмаган ёшларга бу йилча қаерга бориб ишлаб туришлари, қандай касбни танласалар кам бўлмасликлари ҳақида атрофлича маслаҳат берилади. Кейин абитуриентларнинг ҳоҳиш-истаги ҳисобга олинади ва махсус йўлланма билан бирор корхонага юборилади. Бу йўлланма бўйича бир йил ишлаб келган ёшлар келгуси йили институтга кирадиган бўлсалар, мандат комиссиясида маълум имтиёзларга эга бўладилар. Биз ўтган йилларда кўпгина ёшларни Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш», Бекобод металлургия комбинати ва Сирдарё ГРЭСларига комсомол йўлланмаси билан ишга жўнатдик.

М. МАНСУРОВ. Бу жуда яхши тажриба экан. Лекин ҳар бир факультет ёки институт ўқишга кира олмаган ёшнинг ўзи танлаган соҳа бўйича ишга жўнатса бўлмайдими! Ахир ҳар ким ҳам бирор ўқишга кирмоқчи экан, кўнглида шу ихтисосликка озми-кўпми иштиёқ, ҳавас бўлади. Шундай экан унга ўзи ёқтирган соҳада ишлаш учун йўлланма бериш керак шекилли. Масалан, қурилиш факультетига кирмоқчи бўлган ёшларни қурилиш объектига, энергофака кирмоқчи бўлганларни ГЭСгами, ГРЭСгами жўнатилса маъқулроқ эмасмикан! Шунда «тасодифий» мутахассислар масаласи ҳам тезроқ ҳал бўлармиди!

М. ҲАБИБУЛЛАЕВ. Жуда тўғри гап. Келгусида қурилиш инженери бўладиган ёш қурилишда кўзи пишса, ўзининг қўлидан бир иш келадиган бўлса қандай яхши!

М. МҮЙДИНОВ. Институт комсомол комитетлари ўз мутахассисликларига яқин корхоналар билан алоқа ўрнатиб, шартнома тузсалар яна ҳам яхши бўларкан. Масалан, Тўқимачилик институти тўқимачилик комбинати билан, политехника институтининг механика факультети «Ташсельмаш» билан... Кейин шу корхоналарнинг таниқли ишчилари билан абитуриентларнинг учрашувлари ташкил этилса, ишчилар ўзлари ҳақида, ишчилик касби ҳақида гапириб беришса, ёшларда шу касбга қизиқиш уйғотишса ёмон бўлмайди. Кейин завод ва институт комсомол комитетлари биргаликда абитуриентлар учун нега заводга саёҳат уюштиришлари мумкин эмас! Ёшлар завод ҳаётини, ишчиларнинг маданий-маиший шароитини ўз кўзлари билан кўришса ёмонми!

М. МАНСУРОВ. Бир сўз билан айтганда меҳнатга муҳаббат уйғотиш керак. Токи ёшлар ўзлари ҳеч тасаввур қилмаган, иштиёқлари бўлмаган ишларда умрларини беҳуда ўтказишмасин.

Ш. СОЛИҲОВ. Жуда ўринли мулоҳаза. Нега масалан, дилига агроном бўлишни тугиб келиб, қишлоқ хўжалик институтига ҳужжат топширган, лекин бу йил имтиҳондан ўта олмаган ёш албатта шаҳарда қолиб бирор иш қилиши керак! У қишлоғига қайтиб кетса, пахтадами, бошқа соҳадами ишлаб, маъмурчиликка ўз ҳиссасини кўшса, деҳқончилик сирларини ўрганса, кейин келиб институтга кирса, бўлажак агроном учун нур устига нур эмасми! Йўқ, кўп туппа-тузук ота-оналар ўз ўғил-қизларини даромадлироқ бирор ерга жойлаштиришга ошиқиб, катта хатога йўл қўяётганликларини ўйламаптилар. Ҳар жойни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу, дейдилар. Ҳар ишни ҳам қўлидан келадиган, меҳр-иштиёқи зўр одам эплайди. Савдо ҳам, ошпазлик ҳам ўзига яраша бир санъат. Уни ҳар ким ҳам ўздalay олмайди. Ахир одамлар билан муомала қилиш, ўзи пиширган таомни кўпчиликка манзур этиш осонми! Лекин кўп ота-оналар узокни ўйламай, ўз фарзандларни мактабни битириши биланoқ, «Шунимиз топарли-тупарли соҳага кира қолсин, акалари ўқигани етар», деб бизга етаклаб келишади. Кўпинча бунақа осон мол топиш ҳаёли билан келган йигитчалар тез орада одамларнинг ҳақиқаи хиёнат қилиб, оладиганини олиб кетади. Хўш, бунда ким айбдор! Савдо соҳасини тебратиб турганларми, ё

уйдаги тарбиячиларми! Қуш уясида кўрганини қилади дейдилар. Боланинг олдида ҳар нарсани гапиравериш ҳам яхшимас. Мен бир оилани биламан. Ака-укалар турли соҳаларда ишлашади. Бирини — инженер, яна бирини — муаллим, энг кичиги эса магазин мудир, лекин негадир оиладагиларнинг ҳаммаси унга қуллуқ қилади. Ҳаққоний бир савол туғилади: Хўш, бу муносабатлар ўша оилада энди камол топиб келаётган ёшларга қандай таъсир қилади!

Тўғри, савдо ҳам кимдир ишлаши керак. Лекин шу ишга лаёқати, ҳақиқий иштиёқи бўлган ёшлар келса жонжон дердик. Баъзи маълумотларга кўра, савдо соҳасида ишлаш учун 7 минг киши етмас экан. Бу ўринни ёшлар тўлдириши керак, албатта. Лекин ҳамма гап уларни бизнинг соҳамизда ишлашга тайёрлашда қолган. Мактаб коллективлари бу борада жуда катта иш қилишлари керак. Мен ҳалигача бирорта мактаб ўз ўқувчиларини бирон бир умумий овқатланиш корхонасига экскурсияга олиб борганини, ёки шу соҳа одамлари билан учрашув ўтказганини эслай олмайман. Нега, масалан, мактабларда ўқувчиларнинг ўзи тайёрлаган овқатлар конкурсини ўтказиш мумкин эмас! Касблар билан таништирув яхши йўлга қўйилмагани учун ҳам бизнинг соҳага кўп тасодифий кишилар кириб қолмоқда.

М. МҮЙДИНОВ. Тўғри, тасодифий касб танлаш оқибатда тасодифий тақдирга олиб келади. Ҳалигидақа ёшлар у ердан-бу ерга учиб-қўниб юрадилар. Охири, умрини ўтади, ҳаёти барбод бўлади. Ишни бошидан пухталаш керак. Шунда одам беҳудар бўлиб қолмайди.

Мен йигирма йилдирки, «Ташсельмаш» заводида ишлайман. Бизда 7,5 мингга яқин одам меҳнат қилади. Улар орасида ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор қозонган кишилар кўп. Давлатимиз ишчилар учун барча имкониятларни яратиб берапти. Мен ишчилар синфининг шунчалик ардоқда эканидан бениҳоя хурсандман.

Икки оғиз ўз ҳаётим ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Мен қишлоқда туғилиб ўсганман, оддий колхозчининг фарзандиман. Армия сафидан қайтиб, ҳозир ишлаётган заводимга ишга кирдим. Албатта, у пайтда ишчиликдан шунчалик ҳурмат-эътибор топишми ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Мени корхона коллективи, устозлар тарбиялашди.

Эндиликда бригадага бошчилик қиляпман. Деярли ҳар йили сафимизга ёшлар келиб қўшилишади. Шу ўринда бир воқеани айтиб бермоқчиман. Бундан уч йилча муқаддам мени завод дарвозаси ёнига чақириб қолишди. Кимдир кутаётган эмиш. Борсам, аскар кийимидаги бир йигит турибди. Танишдик. У йигит Иброҳимжон Ғафуров экан, энди Армия сафидан қайтибди. Бизнинг бригада ишлари билан матбуот орқали таниш экан. Коллективимизга қўшилиш ниятида келибди.

— Ука, аввало, ишларимиз, бригадамиз аъзолари билан таништириб чиқай, Сизга маъқул бўлса, бирга ишлаймиз,— дедим.

Шундан кейин уни цехма-цех айлантирдим. Ишимиз у йигитга ёқди. Бригадамизга қабул қилдик. Кўп ўтмай у ўз меҳнати, ғайрат-шижоати билан коллектив ҳурматини қозонди.

Ҳозир бу йигит корхонада ишлаш билан бирга Тошкент политехника институтида ўқияпти. Ҳар ойда 250—300 сўм маош олиб, ота-онасига ҳам ёрдам берапти.

Шу биргина мисолнинг ўзида меҳнат билан ўқиш қўшилиб олиб борилганда қандай ижобий самаралар бериши очиқ кўриниб турибди.

Н. ҚОБУЛ. Маҳмуджон Мўйдиновнинг гапида жон бор. Модомики, ният — бирон мутахассисликни эгаллаб, халқ хўжалигида ишлаш экан — астойдил интилган одам унга эртами-кечми, албатта эришади. Аммо мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Кўпчилик қишлоқ ёшларини нотўғри бир тенденция бор. Улар қишлоқдан ўқиш, деб чиқдимми — иложи борица қишлоққа қайтиб келмасликка уринмоқдалар. Эҳтимол, бунинг сабаблари кўпдир. Натжижада нима бўляпти! Даладаги ишлар, асосан, болалар билан аёллар зиммасига тушяпти. Урта яшар ўн-ўн беш эркак эса, шийпанда ё идорада чўт қоқишдан бўшамайди.

Ҳалиги ўспирин-ку, айтайлик, вақтинча ўқишга киролмади. Бироқ бир йилгина бўлса-да, туғилган ерини, ҳамқиши-

лоқларини, жигарларини, кун иссиғида пахтада ишлаётган яқинларини унутиб, кўз юмиб кетганига ажабланаман.

Тўғри деҳқончилик, чорвачилик — дўзах азоби эмас. Лекин уларнинг меҳнатини, турмуш шароитини жаннатга қиёслаш ҳам ноўрин. Умуман, реалист бўлиш керак. Гоҳида радио ва телевидениеда, матбуотда қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳақидаги баландпарвоз сўзларни тинглаганда нақадар ҳаётдан узоқ эканлигимиз, кўкда парвоз қилиб юрганлигини англайсан, киши. Ерга тушиш, мавжуд нуқсонларни очиқ-ойдин айтиш ва уларни бартараф этиш йўллари қидириш пайти келладимикин! Шундай қилсак, юқоридаги жонсарак саволларга ҳам тезроқ жавоб топилаармики, дейман.

Баъзи ёшларнинг руҳан мўртлиги, маънавий қашшоқлиги катталар ҳам сабабчи. Бунда ўзимизнинг «муносиб ҳиссамиз», озми-кўпли айбимиз бор.

Ш. АҲМЕДОВА. Тўғри, мен ҳам шу гапни айтмоқчи эдим. Мактабларни битирган ёшларнинг бир қисми ишга ҳам, ўқишга ҳам кирмай қолаётир. Магазинимизга ишга келадиган айрим ёшлар билан гаплашсак, уларнинг 1,5-2 йил бекор юрганлиги маълум бўлаётир. Негаки, одатда 8-синфини битирган ёшларнинг бир қисми ҳунар-техника билми юрталарга ўқишга юборилади. Лекин ҳужжатлари қўлга берилмайди. Албатта, баъзиларга бу ўқиш ёқмайди. Улар билим юртига қатнамай қўядилар, кўчада бекорга санкиб юрадилар. Ишга кириш учун эса ҳужжатлари йўқ. 1-1,5 йилдан сўнггина ҳужжатларини қайтариб беришади. Бу орада бекорчи болалар нима ишларга қўл урмайди дейсиз! Безорилик ҳам, майда ўрилик ҳам, ичиш-чекишга ружу қўйиш ҳам бекорчиликдан келиб чиқади.

Яқинда бир воқеа бўлди. Бизга бир йигитча икки йил ота-онаси қарамоғида бўлганлиги ҳақида справка олиб келди ва ишга жойлашиш нияти борлигини айтди. Уни ишга қабул қилдик. Кўп ўтмай у бир жиноятга қўл уриб, қамалиб қолди. Кейин билсак, илгари ҳам жиноят қилган, ҳатто қамалиб чиққан экан. Уй шароити билан танишдик. Унинг онаси кўп ичар, отаси бирга турмас экан. Хуллас, онадаги тарбиянинг бўшлиғи бу ўсмирнинг жиноятчи бўлишига сабаб бўлган. Энди бошқа бир савол туғилади. Ким унга икки йил ота-онаси қарамоғида бўлганлиги ҳақида справка берган! Бу билан у жиноятга шерик бўлмади!

Менимча, мактаб ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш керак. Ҳозир эса, мактаб планини бажариш учун болаларнинг бир қисмини мажбуран билим юртига юборади, билим юрти ҳам планини бажариш учун, ўз навбатида, бола ўқиса-ўқимаса, рўйхатига тиркаб қўяди, ҳужжатларини бермайди. Боланинг кейинги тақдири мактабни ҳам, билим юртини ҳам қизиқтирмайди.

Энди савдо соҳасидаги харидор ҳақидан уриб қолиш, кам тортиш каби жиноятларга келсак, кўп ҳолларда бунга ўзимиз сабабчи бўламиз. Сотувчи 5—10 тийин уриб қолса индамаймиз ёки ўзимиз хотамтойлик қилиб «чойчақа» ташлаб кетамиз. Бу билан унинг «иштахаси»ни очамиз. Келгуси сафар у янада кўпроқ уриб қолишга ҳаракат қилади. Агар биз шундай пайтда «Ҳой, ука, нима қиляпсиз, уялмасизми», деб изза қилсак, иккинчи марта бу ишини такрорламайди.

С. АДАШЕВА. Савдо ходими сидқидилдан, виждонан ишламаса, нафсига қўл бўлиб қолса, ўз ҳаётини барбод қилади, коллективи шаънига доғ туширади. Яқинда бизда ҳам бир воқеа бўлди. Олий маълумотли катта сотувчиларимиздан бири жиноят устида қўлга тушди. У харидорлардан бирининг илтимосига кўра магазинда бўлмаган костюмни қаердандир олиб келиб, 40 сўм ортиқчасига сотган. Бу сотувчининг ишга кирганига кўп бўлмаган, яқинда уйланган экан. Хуллас, қинғир йўл билан пул топишга интилиши уни жиноятга олиб келди. Албатта харидор ҳам унинг жиноятга шерик. Сотувчини совет савдоси қонунини бузишга ундаган ҳам у эмасми!

Н. ҚОБУЛ. Менимча, айрим ёшларнинг ҳаётда энгил-елпи йўл қидираётганлиги бежиз эмас. Бунинг иккита сабаби бор. Бир — эътиқоднинг сустлиги. Иккинчиси — мешчанлик, онгимизга нисбатан нафсимизнинг ўсиб кетаётганлиги. Ҳамма нарсани пулга қақиш ҳам, моддий бойликни маънавий бойликдан устун қўйиш ҳам ана шундан

келиб чиқади. Бу энг катта иккита иллатга қарши аёвсиз курашмай туриб, бошқа нуқсонларни йўқотиб бўлмайди.

М. ҲАБИБУЛЛАЕВ. Бу фикрингизга тўла қўшиламан. Эътиқодсизликка, мешчанликка қарши қатъий кураш олиб боришимиз керак. Айрим ота-оналар фарзандлари олдида ҳаром йўл билан пул орттирган бирорта «бойвачча»ни мақтайдилар, уни мисол қилиб кўрсатадилар. Уғил-қизларини ҳам даромадлироқ, энгилроқ ишга жойлаштиришга интиладилар. Бу билан уларда мешчанлик кайфиятларини уйғотаётганликларини пайқамайдилар.

Баъзи текин пул топиб ўрганган кимсаларнинг жамоат ўртасида ўзини тутиши, юриш-туриши ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бир магазин мудирини биламан. Тагида яп-янги машина, устида чет эл кийимлари, ҳеч кимни назар-писанд қилмайди. Биров билан учрашиб қолса, қачон зиёфатда бўлгани, қачон тоққа чиқиб ўйнаб келгани, қўй сўйдириб кабоб қилганини оғиз кўпиртириб гапирди. Аминманки, унинг маоши қурувчи ёки ишчиникидан кўп эмас. Аммо уни кўрган, гапни эшитган ёшлар савдо мўъамал даромад манбаи экан, деган хулосага келади.

М. МУЙДИНОВ. Боланинг тўғри йўлни танлашида ота-она жуда катта роль ўйнайди. Мен яқинда бир киши билан учрашиб қолдим. Уз фарзандини ўқишга киритиш учун қишлоқдан келибди. Тахминимча, белига бирор минг сўм боғлаб ҳам олган. «Уғлим ўқишга кириб қолса, бўлди», — дейди. Сўраб-суриштирсам, оддий колхозчи экан, бир неча йил болалари оғзидан юлиб, шу маблағни тўплаган. Энди уни кимгадир бериб, ўғлини ўқишга киритмоқчи. Хўп, ўғли бир амаллаб, институтга кирди, ҳам дейлик. У яхши ўқиб кета оладими! Танлаган соҳаси унинг қобилияти, интилишига мосми! Афсуски, отага бунинг қизиги йўқ. Уғли бирорта ўқишга кирса бўлди. Бундай ота-оналар орамизда кам эмас. Улар таниш-билиш қилиб, гоҳида қинғир йўллар билан фарзандларини ўқишга киритадилар. Натжидада халқ хўжалиги яна ўнлаб ношуд, чаласавод мутахассислардан зиён кўради.

Ш. СОЛИҲОВ. Тўғри, ҳар ким ўз ишини қилиши керак. Афсуски, бизда гоҳи бунинг тескарисини кўраемиз. Яхши агроном бўладиган йигит адашиб қурилишда юрибди, ёки педагогликка диди бор, лаёқати бор ёшлар зўрма-зўраки техникага ўралашиб қоляпти. Қобилиятга яраша касб танланса давлатга ҳам, ўша мутахассисга ҳам фойда-ку!

Аслида касбнинг яхши-ёмони, катта-кичиги йўқ. Одам ўз касбига чин дилдан меҳр қўйса, астойдил олға интилса жамиятга ҳам, ўзига ҳам фойда келтиради. Энг муҳими, киши ўз касбидан маънавий қониқиш ҳосил қилиши керак. Шундагина меҳнат жозибали кучга айланади.

Н. ҚОБУЛ. Ҳа, меҳнат — чинакам санъат. У ифтихор, завқ-шафқ, меҳр-муҳаббат уйғотганидагина яхши натижа беради. Афсуски, биз меҳнатнинг ана шу томониغا кам эътибор берамиз.

Тротуар четида сарғайиб сомса сотиб ўтирган барзанги йигитни ёки бетон қораётган, терлаб-пишиб рельс ётқизаётган гулдай нозик қизни кўрганганда хижолат бўласан киши. Ахир, ҳалиги йигитнинг маоши ишчи қизиникидан икки баравар кам-ку! Нега у сомсадан кўнгил узолмайди. Йигитлик ғурури қайда қолди! Фикримча, ҳамма гап виждонда, қолаверса, онадаги тарбияда. Жамиятга иложи борича кўпроқ фойда келтиришга интилувчи ота-онанинг фарзанди ҳеч қачон бориб газ-сув сотмайди, бунга ўзига ор деб билади. Одатда ёшлигидан пулга ўрганган, қандай қилиб бўлса ҳам кўпроқ даромад орттиришга интилувчи ёшлар ана шундай энгил-елпи йўлни қидирадилар.

Таниқли болалар ёзувчиси Анатолий Алексиннинг бир гапини ўқиб қолдим. У шундай фикрни айтади: Ҳар кун эрталаб болаларимизни кийинтириб боғчага, мактабга жўнатамиз. Улар қайтиб келиб телевизор кўрадилар, ҳовлида ўйнайдилар. Фарзандларимиз учун ҳамма нарсани муҳайё қилишга интиламиз. Аммо мен аминманки, инкубатор жўжаларидек боғча ёки мактаб билан уй ўртасида қатновчи, ҳамма тайёр нарсаларга ўрганган, жонли табиатни ҳам яхши билмайдиган болалардан биз кутган одамлар қўмайди. Аксинча, ёшлигидан меҳнатга ўрганган, ота-онасига майда-чуйда ишларда ёрдам берувчи болалар мушоҳадали, қийинчиликлардан қўрқмайдиган иродали одамлар бў-

либ етишадилар. Шунинг учун тарбияни оила ва мактабдан бошлаш керак.

Айрим ёшлар меҳнат ва романтикани бир-бири билан алмаштириб қўядилар. Тўғриси айтганда, романтика кўп ҳолларда меҳнат туйғусини босиб кетади. Қайси соҳада бўлмасин, одам меҳнатнинг туб моҳиятини тушуниб етмаса, у ҳеч қачон кўзлаган мақсадига эриша олмайди.

М. ҲАБИБУЛЛАЕВ. Касб танлаш масаласи кишининг келгуси ҳаётини ҳам маълум даражада белгилаб берадиган долзарб муаммолардан биридир. Афсуски, кўпгина ота-оналар ўз фарзандларининг қобилияти, интилиши билан қизиқмайдилар. Бизга ҳам ҳар йили ўнлаб ёшлар ишга келади. Аввало улар билан суҳбат ўтказамиз. Дунёқараши, орзу-истаклари билан танишамиз. Агар 20 киши келган бўлса, улардан 1-2 тасигина ҳаётни кўрган, озми-кўпми қийинчилиқни бошдан кечирган бўлади. Кўпчилиги эса қурилиш ҳақида жуда узоқ тасаввурга эга бўлган, ота-онаси пинжидан узоқроққа чиқмаган ёшлар эканлиги аниқланади. Афсуски, ўз касбини севмаган, шу соҳага интилиши бўлмаган шахсни ҳеч қандай мураббий ўргатолмайди. Боя жуда тўғри фикр айтилди. Касблар билан таништиришни ўрта мактабда фаол амалга ошириш керак. Ота-она ҳам ўз шахсий намунаси билан ижобий роль ўйнаши мумкин. Мана, ўз оиламиздан бир мисол. Бир куни ўғлим дарсларини вақтида тайёрламаётганлигини сезиб қолдим. Сабабини сўрасам: «Э, барибир учдан кам қўйишмайди», деди хотиржамлик билан. Мен ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилдим:

— Агар яхши ўқисанг, бирорта институтга кирардинг. Ахир мен ҳам ўғлим институтда ўқияпти деб, фахрланиб юрай.

— Дада, ўзингиз ҳам институтни битирмагансиз-ку,— деб қолди ўғлим.— Нима, сиз бизни боқолмаяпсизми? Ҳамма сизни ҳурмат қилади. Қорнимиз тўқ, устимиз бут.

Бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. Уша йили институтга кирдим. Мана, ҳозир 5-курсдаман. Энди ўғлимдан яхши ўқишни талаб қилишга ҳаққим бор.

Кўп ҳолларда болани ёшлигидан меҳнатга ўргатишга эътибор бермаймиз. Топган-тутганимизни уларнинг олдига

келтириб тўкаверамиз. Кейин истеъмолчилар, мешчанлар қаёқдан пайдо бўлди экан, деб ажабланиб юрамиз. Бола азиз, аммо одоби ундан азиз. Узи меҳнат қилишга ўргатган, пешона тери билан нон топган бола яхши одам бўлиб етишди.

Касб танлаш, ҳунар ўрганишда биринчи мураббийларнинг роли ҳам ниҳоятда катта. Масалан, ўзим қурилишга вақтинча кирган, кейин заводга ўтиб кетишни мўлжаллаган эдим. Аммо яхши коллективга, меҳрибон устозларга дуч келдим. Ҳунар ўргандим. Қурувчилик севимли касбимга айланиб қолди.

М. МАНСУРОВ. Ёшларга касб танлашда кўмаклашиш фақатгина ота-оналарнинг ёки мактабларнинг вазифаси бўлиб қолмай, олий ва ўрта махсус ўқув юртлигининг, кенг жамоатчилиқнинг ҳам муқаддас бурчидир. Зотан, келажак бугундан бошланади. Агар биз фарзандларимизда юксак эътиқод, олижаноб фазилатларни шакллантиришга эътиборсиз бўлсак, касб ва ҳунар танлашда кўмаклашмасак, келажакимизга бефарқ қараган бўламиз.

Мана, бугун бу ерда жуда муҳим фикрлар, мулоҳазалар билдирилди, долзарб муаммолар ўртага ташланди. Маълум бўлдики, ёшларни касб-ҳунар сирлари билан таништиришда ҳал қилиниши лозим бўлган талайгина ишлар бор экан. Жумладан, мактабларнинг ҳунар-техника билим юртли ва ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш зарур. Ўз касбининг моҳир усталари бўлган ишчилар, қурувчилар, деҳқонлар билан ёшларнинг учрашуви ҳам яхши самара беради. Мактаблар ўз битирувчиларининг кейинги тақдири билан қизиқиши, керак бўлиб қолганда маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиши керак.

Албатта, битта суҳбат давомида бу муҳим мавзунинг барча қирраларини қамраб олиш қийин. Аммо, ўйлаймизки, журналхонларимиз касб танлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар хусусида, ўзларини қизиқтирган масалалар тўғрисида ўз таклиф ва мулоҳазаларини бизга ёзиб юборадилар.

Сўз сизга, қимматли журналхонлар!

Давра баҳсини Н. МУҲАММАДИЕВ

ёзиб олди

Ижодкор учун ижро техникаси эмас, муҳаббат зарур. Ҳар қандай санъат асари, агар у чинакам санъат асари бўлса, ижодкорнинг бошқа ҳеч нарсага ўхшамайдиган, тамоман ўзига хос самимий туйғулари ифодасидир.

Л. ТОЛСТОЙ

Болани кўтариш жуда ҳам осон,
 Бармоқда кўтариб бўлар тоғларни.
 Осмонни кўтара олади инсон,
 Кўзларда кўтариб бўлар тонгларни.
 Қуёшни юракда кўтарар, мана,
 Оламни кўтара олулар бошда.
 Кўнгилни кўтара ололмас ҳамма,
 Чунки у оғирдир қатра кўз ёшдан.

Юрак йўлидан...

Биз юрак йўлидан юрмоқчи бўлдик,
 Бирга тил топишиб, бирга севишиб.
 Бирга дўст бўлишиб, бирга ёнишиб,
 Туйғулар йўлидан бормоқчи бўлдик.
 Тақдир йўли бизга буюрмади лек,
 Гўё сизмай қолдик қалбда иккимиз.
 Бирга куйлаб, бирга ёнолмадик биз,
 Севги йўли бизга қилганди торлик.
 Сен кетдинг ақлнинг йўлидан юриб,
 Мен эса юракнинг йўлида қолдим.
 Сен ақл йўлидан қадр топдинг
 бориб,
 Мен юрак йўлидан юриб бахт
 топдим.

* * *

Шамол очолмаган кўрақни
 Мен чувийман қўлларим билан.
 Қуёш очолмаган куртақни
 Мен чувийман куйларим билан.
 Тупроқ очолмаган чаноқни
 Мен очаман қалб тафтим билан.
 Сойлар очолмаган бодроқни
 Мен очаман ғайратим билан.
 Музлаб қолган кўсақларни мен
 Эритаман нафасим билан.
 Ёмғир ёлган ғўраларни мен
 Қуритаман нафасим билан.
 Шу кечикиб очилган тонгдай
 Менинг қалбим очилар секин.
 Қалбим шундай кўсақки, қондай,
 Шеърдан ўзга очолмас ҳеч ким.

Эплаш ҳақида

Мен эплайман ўнта бола боқишни,
 Ўнта станокда йигираман ип.
 Мен эплайман юзта сигир боқишни,
 Яшайман минг-минглаб сатрлар тизиб.
 Тонналаб пахтани тера олгум мен,
 Саноқсиз сурувни ҳайдайман чўлга.
 Тоғларнинг бағрини ёра олгум мен,
 Қушларни ўргата оламан қўлга.
 Саноқсиз нон ёпгум ёқиб тандирни,
 Милёнлаб юлдузлар яратгум уйғоқ.
 Мен бутун қилолгум ярим тақдирни,
 Икки муҳаббатни эпполмам бироқ.



МУҲСИНА
 БОБОЕВА

Олов капалаклар

Урушда тўкилган жангчилар қони,
 Олов капалакка айланиб учар.
 Улар солдатларнинг қалбида ёниқ,
 Уфққа айланиб самони кучар —
 Юртини излаган аскарлар мисол
 Олов капалаклар учарди ял-ял.
 Уларни қувмангиз, тутмангиз асло,
 Тинчлик учун улар айланган хунга.
 Улар йиғилса гар қизарар ҳаво,
 Йўқолса табиат айланар тунга —
 Яратган боғини юргандай излаб,
 Олов капалаклар учади юзлаб.
 Қай бири баҳорнинг элчиси бўлиб,
 Яшил капалакка айланди бориб.
 Қай бири аёзнинг қамчиси бўлиб,
 Оппоқ капалакка айланди ҳориб —
 Куз кириб сарғайди баъзиси дарддан,
 Тун каби қорайди баъзиси гарддан.
 Туғилган юртини юргандай қўмсаб,
 Сарсон учаяпти ол капалаклар.
 Онасин, боласин юргандай асраб,
 Уйғоқ яшаяпти ҳалол юраклар —
 Улар бизни эслаб учади ҳар тонг,
 Биз уларни излаб яшаймиз ҳамон.

* * *

«Кўзларингда нега ёш», дединг,
 «Атир тегди», дедим жилмайиб.
 «Кўзларингда яна ёш», дединг,
 «Бўёқ тегди», дедим жилмайиб.
 «Ғамгин, — дединг, — нечун кўзларинг»,
 «Тутун кирди», дедим ўксиниб.
 «Намгин, — дединг, — нечун кўзларинг»,
 «Киприк кирди», дедим хўрсиниб.
 Аслида мен аччиқ сўзингдан,
 Тўйиб-тўйиб ёшим тўкардим.
 Айбни қўйиб пиёз сувига,
 Сенга атай кулиб боқардим.

МУҲАММАД
СОЛИҲИБРОҲИМ
ҲАҚҚУЛОВ

Покланаётган умид

И. ҲАҚҚУЛОВ: Замон кишилари қалбидан чуқур ўрин олган ҳақиқатлар ҳамиша, биринчи навбатда, шеърда акс этади. Шу маънода у давр овози. Одамлар руҳини қақшатиб, эртасини абгор этаётган юхотомоқ рўёлар ер юзида қанчалик кўп бўлмасин, улар шеъриятнинг зийрак нигоҳидан яшириниб қолаётгани йўқ. Ҳаёт ҳодисаларига янада ҳушёр руҳ билан қараладиган, улар моҳияти янада терең чегараларда идрок этиладиган бўлиб бормоқда. Шундай бўлиши керак ҳам. Акс ҳолда, инсоният маънавиятида инқилобий кўтарилиш, ниқобдор ёвузлик кўри-нишларига қарши интиқом кучаймаган бўлур эди. Мана шунга ўхшаш долзарб муаммолар ҳусусида мулоҳаза юритар экан, беихтиёр шеърият, унинг ижтимоий вазифи тўғрисида ўйланиб қоласан киши. Келинг, гапни шеъриятнинг ижтимоий қиммати, унинг халқ олдидаги масъул хизматида бошлайлик.

М. СОЛИҲ: Менимча, дунёни ўзгартиришга «бел боғлаган» санъат турлари ичида, гарчанд бу ишга дахлдор эмасдек туюлса ҳам, энг курашчани шеъриятдир. Шеър бизнинг ташқи фаолиятимиз сарчашмаси — ҳиссиётимизни тарбиялайди. Шеърият таъсирининг қамрови кенг, аммо бу таъсир ботинийдир. Синчиклаб кузатсак, эзгуликка хизмат қилган ҳар бир шахс, ўз ватанини севган, дунё тақдирини учун қайғурган ҳар бир одам шеъриятни ҳам севиб, унга суюнганининг гувоҳи бўламиз. Башарият доҳийлари К. Маркс ва Ф. Энгельс фаолияти фикримизнинг энг ёрқин далилидир. Улар руҳи Шекспир, Гёте поэзияси билан сугорилган. Демак, шеърият — ўз ишини шов-шувсиз бажарадиган, инсонни ичдан поклантирувчи қахрамондир.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Ҳақиқий шеърият зиммасидаги масъулиятли ижтимоий вазифа — Ватанга садоқат, ҳар қандай шароитда ҳам унга муносиб, пок дил билан хизмат қилиш; қалбида Ватан сиймоси бўлмаган шоир — шоир эмас. Менимча, шоирлик дилдан Ватан тўғрисида юзаки

ва сохта, тил «безаги»га айланиб қолган тушунча ҳамда тасаввурларни чегириб ташлашдан бошланади. Мен Рабиндранат Тагор қахрамонларини севаман. Улар ватанларининг асл қиёфасини қалб кўзи билан кўришга, юрт юрагига имкон қадар яқинлашмоққа интиладилар. Биз талант ҳақида шавқ билан гапиремиз, лекин унинг шижоат даражасини баъзан мутлақо эсдан чиқарамиз. Натижада, ватанпарварликдек муқаддас туйғу ниқобга айлантирилаётганлигидан беҳабар қоламиз. Сўзни ялтиратишга моҳир, вазну қофияни ўрнига қўядиган шоирлар ҳам бор. Лекин шеърларини ўқиб, чуқурроқ мулоҳаза қилинса, улар майда, икир-чикир ҳиссиётлар билан яшаётганлиги билиниб қолади. Ватан ҳақидаги сўз ижодкордан ҳалол ва яна ҳалол бўлишни талаб қилади. Биз Абдулла Ориповнинг биринчи шеърларини мактабда ўқий бошлаганмиз. Кундан кун унга қаттикроқ боғландик — она Ўзбекистонимиз суваратини кўз билан кўриб, унинг юрак асрорига кенгроқ, тийракроқ қарайдиган бўлдик. Шу маънода, Абдулла Ориповнинг бугунги ёшлар шеъриятга кўрсатган таъсири ҳам шубҳасиздир. Йўқ, мени шоирлар ижодини камситиб, Абдулла Орипов шеъриятини ягона мезон қилиб кўрсатмоқчи, деб ўйламанг. Фафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби улкан санъаткорлар аъёнларини давом эттириб, Ватан мавзуда ўз гапларини айтаётган, шу туйғули, ўқувчилар меҳр-муҳаббатини қозонаётган шоирларимиз кўп.

Шеърият — бутун моҳияти билан «бедорликка» давлатдир. Шоирлик — руҳан бедорлик демак. Бу жамият, халқ, энг аввало, Ватан олдидаги бедорлик. Шоирнинг мангу «беором» руҳи, ҳаловат билмас юрагиде Ватан тўғрисидаги муқаддас ҳақиқат акс этади. Унда чин эрк ва истиқбол тимсоли — ҳур Ватан яшайди. Ана шунинг учун ҳам шоир қалбини биз ростлик олами ўрнида қабул қиламиз. Лекин баъзан ёш шоирларимиз шеърларида ватандан кўра, унга «доир», асоси сушт ҳис-туйғулар акс этаётгандек, назаримда. Эки менга шундай туюлаётмикин!

М. СОЛИҲ: Ватан — шоир учун мутлақо шахсий, ички тушунчадир. Бу ҳақда кўп гапириш, очик-яланғоч сўзлаш ҳатто ўнғайсиз ҳам. Бугунги кунда декларативликнинг ёмон эканлигини гапириб ўтиришнинг ўзи уят. Аммо гапиришга тўғри келади. Менимча, ўқувчини ҳаяжонга соладиган ҳар қандай яхши шеър — Ватан ҳақидаги шеър бўлиб қолаверади. Яъни майсага бағишлаб, «асоси сушт» шеър ёзган одам, Сиз айтган мавзуда ҳам дуруст нарса ёзиши гумон. Нимага шундай! Бир нарса дейиш қийин.

...Барглар орасига кирмасдан сира
Ошно юлдузлардан тўкилади нур.
Билмайман, қийнайди қайси хотира,
Титроқ юлдуз каби музлаган шуур.
Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол,
Маъюс эгилади терак учлари.
Барглар соясида ўйнайди беҳол
Уйқудаги қизнинг уйғоқ тушлари...

Бу Абдулла Ориповнинг «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси» шеърдан бир парча. Назаримда, ҳеч иккиланмасдан, уни Ватан ҳақидаги юксак шеърият намуналари қаторига қўйса арзийди. Лекин афсуслар билан шунини тан олишга мажбурмизки, ҳатто Абдулла Ориповдек катта шоир ижодига ҳам гоҳо ўз иқтидори ва аввалги шижоатига номуносиб ҳолатлар кўриниб қоляпти. Шоирнинг кейинги китоблардаги айрим мадҳия шеърлар унинг энг содиқ муҳлислари даврасида ва қалбида ҳам парокандалик уйғотмоқда.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Ҳар бир миллий шеъриятнинг келажаци — ёшлар ижоди, уларнинг йўналиши билан боғлиқ. Кейинги йилларда ўзбек шеъриятига кўпгина иқтидорли шоирлар кириб келдилар. Уларнинг ижодий тажриба ва

изланишларини кузатишнинг ўзи жуда мароқли. Аммо шу ўринда бошқа бир жиҳатга диққатни қаратмоқчиман.

Шарқ — дунё маданиятининг бешикларидан эканлиги маълум. Шарқ шеърляти эса инсоният бадийи тафаккури эришган энг юксак чўққидир. Унинг Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобир, Мирзо Бедил каби ўнлаб даҳо вакиллари бор. Улар ижодиётига хос руҳий теранлик, дард, инсон қалбига фавақулдда чуқур кириб унинг қайғу-ҳасратларини тирик оҳангларда акс эттириш санъати ижод аҳли учун ибрат намунаси бўлиб қолавериши шубҳасиз. Балки маълум ҳақиқатларни айтаётгандирман. Аммо бундай ҳақиқатлардан узоқлашиш ҳам баъзан нохуш муаммоларни туғдирар экан-да! Демокчиманки, ёш шоирларимиз негашди Шарқ шеърляти анъаналарига бепарво бўлиб боришаётди! Бу «узоқлашиш» жараёни ёмон оқибатларга олиб келмасмикин!

М. СОЛИҲ: Менмача, бу масалада она тилимиз — ягона таянчдир. Тил кўп нарсани ҳал қилади: тил — табиат, тил — ўзлик, тил — томиримизда оқаётган қон. Мен тилга, она тилимизга ишонаман. Тил стихияси бизни ўзига бўйсундиради ва ҳар қандай тақлид чангалидан қутқариб қолади. Лекин «ғарб таъсири» деган гап кўнглингиздан кечган бўлса, у сиз ўйлаганчалик ёмон эмас. Ғарб шеърляти ўзининг илғор қирраларини шарқ адабиётида чархлагани барчага маълум. Иккинчидан, миллий шоир дегани, ўзидан олдинги шоирларни такрорлаган шахс эмас, балки адабиётга биринчи галда ўз характерини олиб кирган ижодкор. Кўнлардан бир кунги она тилимизда ёзидиган бирорта «янги» шоир пайдо бўлиб қолса, биз уни «энг миллий шоир», деб тан олишга тайёрмиз. Америкалик шоир, Нобель мукофоти лауреати Т. Элиот шундай деган эди: «Биз кўйидагича саволлардан иложи борича қочиб-шмиз керак: «Бу янги ёзувчиларнинг ҳақиқий америкалик ёзувчи, деб айтиш мумкинми! Унинг ижоди адабиётда америка руҳини ифодалайди!» Равшан кўриниб турибдики, бу танқидий мезон ижоддаги оригиналликни ўлдирди. Янги номлар пайдо бўлар экан, жуда кўп ҳолларда: «Бу ёзувчида инглиз руҳидан асар ҳам йўқ!», «Ановисда француз руҳи йўқ», деган таъналар эшитилади... Аслида тирик адабиёт доимо ўзгариб жараёнида мавжуддир. Бир замонда яшаётган адабиётлар ҳаммиси бири иккинчисига таъсир қилиб туради, бири иккинчисини ўзгартириб боради».

И. ҲАҚҚУЛОВ: «Ғарб таъсири»ни ёмон дейишни мен хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Бундан ташқари, «ўзидан олдинги шоирларни такрорлаган шахс»ни ким ҳам миллий шоир деб биларди?! Шоирнинг адабиётга ўз характерини олиб кириши — аксиома. Лекин... Тил, она тилга таянишни яхши айтдингиз. Кўпчилик шоирларимиз худди шу тил жабҳасида оқсоқланаётганлигини ҳам биласизми! Ғарб шеърляти хусусиятларини ўзлаштириш, Шарқ адабиётидан ва миллий заминдан йироқлашиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Шакл излаб, шаклбозликка ўтишининг оқибати хунук. Ф. Достоевский: «Рус бўлатуриб, Пушкинни англамаган одам рус аталишга нолайиқдир», деган, Пушкинни бутун бир халқ сифатида таърифлаган эди. Худди шундай гапни Алишер Навоийни билмаган ўзбек ҳақида ҳам айтиш мумкин. Навоий — ўзбек шеърлятининг Ватани. Навоий — халқ руҳининг мангу осмонидир. Қани, айтингчи, тенгқурларимизнинг ҳаммаси ҳам Навоий ижодиётини чуқур биладими! Ёш шоир, энг аввало, бутун борлиги билан Навоийга боғланиши, унинг шеърлятидан нафас олиб яшаши шарт эмасми!

М. СОЛИҲ: Достоевскийнинг Сиз келтирган фикрлари шундай тугалланган: «Пушкин халқни қандай севиб кераклигини башорат қилмади, бунга тайёрланмади, махсус ўрганмади ва бир кунги ўзи халқ эканлиги маълум бўлди». Албатта, ёш шоирларимизнинг ҳаммаси ҳам бир кун келиб ўзида халқни тўла мужассамлантиради, деган хулоса чиқмаслиги керак бундан. Бугунги адабиётимизда кечаётган жараёни бир оз вақт ўтгач, равшанроқ кўришининг иложи бўлар. Ҳар ҳолда, менинг тасаввуримдаги бугунги ёш ёзувчилар изланаётган, воқеалар тумани орасидан ўз-ўзларини танишга интилаётган, олий мақсадларни юзаки тушунчалардан ажратиб олишга интилаётган кишилардир.

Бизда шеърлий шакллар устида чинакамига меҳнат қилаётган, уларни ичдан ўзгартиришга уриниб кўраётган бир гуруҳ ёшлар бор. Муҳаммад Раҳмон ва Усмон Азимнинг бармоқда битилган публицистик руҳдаги лирик асарлари, Тилак Жўранинг маънос табассум билан қоришиқ эркин шеърлари, Йўлдош Эшбековнинг халқ кўшиқлари йўлида ёзилган жозибали туркумлари — ҳаммасида ўзига хос куч, сеҳр бор. Уларни бирлаштириб турадиган фазилат битта — самимиятдир. Шакл улар учун ўйин эмас. Такрор айтиш мумкинки, шакл иқтидорли одам учун эрмак эмас ва бунинг йил ўтган сайин шоирларимиз ижодида ўз исботини топа боришига ишончим комил. Сарбаст шаклнинг бугунги кўринишлари ҳақида гапирсак, бу қадимий усулда ўз кучини синаб кўраётган қаламкашлар кўп, аммо сарбаст ҳали ўз мустақиллигига эришганича йўқ. Ҳар ҳолда, амалга оширилаётган тажрибалар адабиётимизнинг ички эҳтиёжидан келиб чиқаётганлиги аниқ. Анъана хусусидаги саволингиз эса ёши қирққа яқинлашиб, ўзини ёзувчиликка сал бўлса-да алоқадор деб санаган ҳар бир киши учун азобли саволдир. Улар ўқиган мактаб дарсликларидан Навоийнинг шеърларидан кўра, унинг «қисқача таржимаи ҳоли» кўп эди. Улар ўз келажакларини белгиловчи китобларни адабиёт ва тил йўналишига сезиларли таъсир қилган алфавит ислохидан кейин, қолаверса, «конфликтсизлик даври»да ўқиб чиқдилар. Шунингдек, биз йигирманчи ва ўттизинчи йиллар ўзбек адабиётининг бир қатор йирик намояндаларини узоқ вақт билмай юрдик. [Афсуски, бу ёзувчиларнинг ўрни мактаб дарсликларидан ҳануз бўш турибди]. Буларнинг ҳаммаси, фақат бизни эмас, эртаги ёшларни ҳам классик адабиётдан йироқлаштириш ваҳфи бор. Бу ҳақда ҳозир ўйлаб кўрилмаса, эртага ўртадаги жарлик янада чуқурлашиши мумкин. Бундан кейинги мактаб дарсликларини тузишда адабиёт учун жон куйдирадиган устоз шоир ва ёзувчилар ҳам иштирок этишса, дуруст бўлармиди, деган орзумиз ҳам йўқ эмас.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Юқорида сарбаст ҳақида гапирдингиз. Унинг «мустақиллигини қандай изоҳлайсиз!»

М. СОЛИҲ: Китобхонага «сарбаст» деб тақдим этилаётган шеърлий машқлар кўп. Бироқ уларнинг тўқсон фойизда мазкур шаклга бўлган эҳтиёж маҳсулини эмас, балки бошқа шакл, дейлик, бармоқдан кўр-кўрона қочиш учун қилинаётган ҳаракатларни кўрамиз. Ваҳоланки, бирор шакл имкониятларини тўла ҳис этиб, унинг бадийи чегараларини аниқ аниқлашгандагина, бошқа шаклга эҳтиёж сезиш мумкин. «Золим» шаклдан қутулган, қатъий қонун-қоидалар исканжасидан озод шоирнинг борадиган жойи бўлса, — бу манзил яхши. Яъни, у маълум система топиб, унга ўз эркини бўйсундирмагунча, шаклий мустақилликка эришолмайди.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Ҳозирги замон Ғарб шеърлятида, айрим ҳолларда, шаклий чегараланмиш, ҳақиқий санъат асарларини яратиш ўрнига, шаклбозлик ҳўкм сураётганлигидан хабардорсиз. Бугина эмас, ғарб адабиётини шундай ғоявий йўналишлар ҳам мавжудки, ҳар ҳолда улар билан эҳтиёт муносабатда бўлмоқ керак. Айтайлик, «Санъат — санъат учун» оқими. Унинг моҳиятини ўз вақтида Г. Плеханов яхши характерлаб берган. Аммо бу оқим то ҳануз ҳаракатдадир. Шеърлятимизнинг ёш вакили сифатида бу оқимга Сиз қандай қарайсиз!

М. СОЛИҲ: Хусусан, «Санъат — санъат учун» ғояси йигирманчи асрда пайдо бўлгани йўқ. Ҳамма даврларда, ҳамма адабиётларда бу ғояга турли ёзувчилар турлича ёндашган — гоҳ унга амал қилиб, гоҳ ундан воз кечишган. Яъни, бу «босқич»ни, адабиётни англашга интилган ҳар бир киши, у ёки бу даражада, бошидан кечирган. Сўз жозибаси одамни ақл бовар қилмас юксакликларга чорлайди. Мабодо, у боши берк кўчага кириб қолса ҳам, бунга ўша мангу сеҳр — сўз жозибаси айбдор. «Санъат — санъат учун» шиори тарафдорлари устидан ҳўкм чиқаришга ўша босқични ўтган одамнинггина тўла ҳақи бор. Лекин шунга айтиш мумкинки, мазкур назария сўз устидан ишлаб келаётган ҳар хил авлод вакилларининг мукамаллик ҳақидаги орзуларини ўзида тўла акс эттиролмайди. Шунинг учун ҳам бу шоир «гул — гул учун», деган ғалати гапга ўхшаб кўринади. Чунки, бу ғоя тарафдорлари

бўлмиш ғарб шоирларини ўқиган зийрак одам санъат мутлақо санъат учун эмаслигини сезади. Демак, бу ерда қандайдир «ҳийла» бор. Бу ғоя — жўнлик, фикрбозлик ботқоғига ботиб қолишдан кўрққан санъатнинг ўзини асраш учун атрофига тортган четани — ҳимоя рефлекс эмаслигини!

И. ҲАҚҚУЛОВ: Фикрбозлик деганимизга тушунмадим. Шеърятда фикр асос эмас демоқчимисиз!

М. СОЛИҲ: Йўқ. Мақсад фикр айтиш бўлса, шеърдан бошқа шакллар ҳам кўп демоқчиман. Шеър ўйлашимча, ҳикмат эмас. Шоир атайлаб афоризм тўқимайди. У шеър ёзади. Афоризмлар эса одам идрокини юксак мувозанатга чорлайди. Унинг ягона қонуни — мувозанат. Шеър, аксинча, бизни мувозанатдан чиқаради. Руҳимизни жунбушга келтиради.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Шеърга нисбатан сюжет термини ниҳоятда кам қўлланилади. Балки бу тўғридир. Аммо сюжетлилиқ шеърга хос сифатлардан. Энг интим лирик кайфиятларни ифодаловчи шеърда ҳам маълум сюжет чиқиқлари мажуд. Айрим ёш шоирлар, масалан, Усмон Азимнинг ижодида ҳам сюжетлилиқ асосий хусусиятлардан. Унинг энг яхши шеърларида ҳис, фикр, ранг ва оҳанг жозибаси гўё сюжет ривожига мувофиқ ҳаракатланади. Лирик сюжетга риоя қилиш ҳам бадий мезон эмаслигини!

М. СОЛИҲ: Сюжет эҳтирослар қуюнидан ўтса, фикрлар тадрижи узилиб қолмаса, бундай шеърни ҳамма ҳам севиб ўқийди. Акс ҳолда, сюжет шеър учун ҳалокатлидир...

И. ҲАҚҚУЛОВ: Сиз, одатда, мудроқ ҳиссиётлар билан ёзиладиган чўзинчоқ шеърларни, исми бору жисми нотайин айрим дostonларни назарда тутаётирсиз, шекилли. Бунда, сюжетда нима айб! Энг зўр қурол ҳам ландовур қўлида ҳеч нарсага ярамаслиги маълум-ку! Гап, қаловини топа билишда. Сиз асосий саволдан четга чиқяпсиз. Ёки бу хусусда гапиришга тажриба йўл бермайдими!

М. СОЛИҲ: Менинг орзу қилиб, доимо етолмаган шеърим — яхлит туйғу оҳангига қурилган шеърдир. Унда, — узунми, қискамми, — бир вақтлилиқ бўлиши керак. Агар ўн байтли шеър бўлса, унинг ҳамма байтлари бир вақтда жаранглаши шарт.

Фалсафада «нарса ўзида» деган тушунча бор. Шеърни, шартли равишда, «рақс ўзида» деб аташ мумкин. Шеър ўз «ичи»га қарайди, ўзи айтиб, ўзи тинглайди. Китобхон — томошабин, у рақс ёки музикадан қандай таъсирланса, шеърдан ҳам шундай завқланади. Лекин бу жуда субъектив фикр. Бу фикримни асло бировларга ўтказиш учун айтаётганим йўқ. Дунё шеърятини дурдоналари ичида воқеа асосига қурилган асарлар кўп. Менимча, сюжетдан фойдаланиш, ривоятларни шеърга солиш — ижобий усулдир.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Мен бундай деб билмайман. Сизнинг юқорида айтган фикрларингизни бадий ижод тажрибалари инкор этади. Адашмасам, сиз лирик шеър табиати, унинг бош белгиси ҳақида гапирмоқчисиз!

М. СОЛИҲ: Қандай тушутирсам экан!.. Дейлик, ҳар хил текисликларда ётган нур зарралари қабарик ойнадан ўтар экан, бир нуқтага тўпланади ва маълум иссиқлик ҳосил қилади. Мен шеърдаги бир вақтлилиқ деганда, тахминан шунга ўхшаш ҳолатни назарда тутаман.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Бир пайтлар илмда шоирнинг «мен»и ҳақида турли-туман тортишувлар бўлган. Бундай баҳслар ҳозир ҳам тинчиган эмас. Шеър кишининг ўзи учун, фақат ўз руҳий эҳтиёжларини қондириш учун яратилмаслигини биласиз. Шеърят вазифаси «шахсий нарса»ни ижтимоийга, бугунгини абадиятга айлантиришидир». Ижтимоий оқилларни аниқ англай билиш — шоирнинг кучи. Лекин айрим шоирларимизнинг маънавий қашшоқлиги туфайли, «мен» фақат тор, шахсий чегарада қолади. Яъни, унга муҳим туюлган гап, бошқаларни деярли қизиқтирмайди.

М. СОЛИҲ: «Мен» тушунчасини шоирнинг таржимаи ҳоли ёки унинг бошдан кечирганлари деб қараш тўғри, лекин бу бир томонлама қарашдир. Тўғрилиги шундаки, шоир чиндан умр бўйи ўз қисмати — таржимаи ҳолини ёзади, кўнглидан ўтказётганларини шеърга солади. Аммо у сўз одами. У сўзни ҳар хил муқомга солиши мумкин, бироқ сўз ҳам уни ўз ҳукмига бўйсундиради; шоирнинг «мен»и ва сўз қонуниятлари тўқнаш келар экан, шеърда-

ги «таржимаи ҳол» бутунлай ўзгаради. Яъни, тўқнашув натижасида, умуминсонийлик касб этади. Лекин бу, масаланинг бошқа томони. Биз кўпинча, шоирнинг «мен»и билан лирик қаҳрамонни аралаштириб юборамиз. Ваҳоланки, шоирнинг «мен»и чуқурроқда яшайди. У сўз қурилишида, ҳар бир нуқтада, ҳар бир ундовнинг жойлашувида, оҳангда, услубда, шаклдадир.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Баъзи мунаққидлар учун «истеъдод» сўзи ҳамма шоирларга берилмаётганидан аллақандай ёрлиққа ўхшаб қолди. Бир улғу санъаткор: «Истеъдод — бу дид», деган экан. Истеъдод — севги, деган гап ҳам бор. Уни, ҳақиқатни айтиш, ҳақиқат шаклида кўрсата билиш санъати, деб ҳам изоҳлайдилар. Аслида истеъдод шуларнинг бир бутун ҳолда таркиб топишидир.

М. СОЛИҲ: Балки. Менимча, истеъдод дегани — ўзликдир. Ҳатто истеъдод соҳибини бошқалардаги фазилат қизиқтирса ҳам, аввало ўша хислат ўзида бўлгани учун у қизиқади.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Масаланинг яна бир жиҳати бор. Гёте шундай деган: «Шекспир ижоди ҳаддан ташқари бой ва терандир. У табиатан маҳсулдор, унинг бир йилда биттадан ортиқ асарини ўқимаслик керак. Акс ҳолда, у ҳалокатга маҳкум қилади... Қанчадан-қанча немис ёзувчилари Шекспир ва Кальдерон таъсирида хароб бўлишди».

М. СОЛИҲ: Агар истеъдод бор бўлса, ҳар қандай таъсир унга ёрдам бериши мумкин. Истеъдод, биринчи навбатда, ўзини ўзи «ўғирлайди», очикроқ айтганда, у ўзига қарашли ерларнигина «босиб» олади ва шу йўл билан бўйиб боради.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Шеърят тўғрисида «догма»га айлантириб олган тушунчангиз борми!

М. СОЛИҲ: Бор. Яхшилиқ билан ёмонлик доимо олишади ва бу олишувда унинг энг кучли қуролларидан бири, шубҳасиз, шеърят. Яхшилиқнинг тили — шеърятдир.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Юқорида ёш шоирларимизнинг самимияти тўғрисида гапирдингиз. Бу тушунча моҳиятини қандай тушунасиз!

М. СОЛИҲ: Албатта, «ҳақгўй» бўлиб кўринишдан ёмон йўқ. Ҳақ гап айтдим, деб ҳеч ким мақтанолмайди. Лекин самимият хусусида шоир интиладиган бир ақида бор ва уни шундай шарҳлаш мумкин: шоирнинг ҳаётлигида айтган тўғри гапи — бошқаларнинг ўлими олдида айтган ҳақиқати қадар бўлмаса, шеърят ўз бурчини тўла адо этолмайди.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Адабий танқид — шеърятнинг руҳий ойнаси. Унда поэзиянинг қалб дунёси бутун мураккабликлари билан акс этиши керак. Акс ҳолда, адабий танқид совуқ муҳокама ва мулоҳазалар воситасига айланиб қолади. Унинг оғирлиги эса шеърятга тушади. Балки бундан шеърят ҳеч нарса ютказмас. Аммо оддий шеърхоннинг чалғиши-чи! Бу ёмон. Нима дедингиз!

М. СОЛИҲ: Уқувчи сифатида айтсам, бирор асар тўғрисида ёзилган танқидий мақола фикри, ҳаққонияти, тили билан ром этса, унинг ўзи бадий асардир. Бундай муаллифни ёзувчи, деб аташ керак. Ҳақиқий ёзувчининг эса ўз услуби бўлади. Ўз услубига эга танқидчиларимиз, афсуски, бармоқ билан санарли. Баъзан олимлик унвонлари паноҳида ёзилган мақолаларда сўз таҳлили эмас, сўзга таҳқир бор: уларда шалпайган жумлалар лоқайдлик ичига тизилади, фикр ўзининг соясидан кўрқади, мантиқ бачканалиги билан фахрланади! Танқидчилгимиз одати бўйича, бирор унвонли адиб ҳақида ёзиш керак бўлса, унга муроса тўла қадаҳ узатилади. Борди-ю, мунаққид мақташдан чарчаса, қўлини ёзиш учун, ҳеч ким танмай диган «зумраша» қаламкашни топиб олиб, бемалол «калтаклаши» мумкин. Энг қизиғи шундаки, бу мунаққид бир кун келиб, танилгудек бўлса, ўша «зумраша»га ёзган мақоласи билан танилади. Чунки, танқид муроса эмас, муросасизлик, замонасозлик эмас, замонавийликдир.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Мунаққиднинг услуби ҳақидаги фикрларингизга қўшиламан. Ҳақиқатда, ўзининг жонли услубига эга танқидчиларимиз оз. Лекин бор. И. Султон, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, И. Фафуров каби олимларимизнинг мақола ва китоблари бадий асарга ўхшаб, ҳавас билан ўқилишининг сабаби, аввало улардаги услубий хилма-хиллик ҳамда ўзига хослигида, деб биламан. Агар



АБДУҲАКИМ
АБДУЛЛАЕВ

Баҳор ҳақида баллада

Яланғоч дарахтнинг қотган кўксига
тўнган туйғулар
чинқириб юборди яшил овозда!

Одамлар! —
Қалдирғоч йиғиштириб ҳадикни
сиз билан яшамоқчи
битта кулбада! —

Тўхтанг!
Тўрт томондан бостириб келаётир
ям-яшил олам —
зангори кўшин.
У Сизнинг нақ юрагингизни
ишғол этмоқчи.

* * *

Йиллар бешафқат —
йироқларга итқитар ҳур Болаликни,
пахтазор изларни ютиб юборар.
сой оқижи кетар узоқ-узоққа.

Ҳарчанд тикиламан,
ҳеч нени илғамас нигоҳим.
Қулоқлар эшитмас —
ошенига айланар у Сукунатнинг.
Фақат хаёлнинг қўллари узун,
у топиб олар ҳур Болаликни
йиллар ортидан,
пахтазор қаъридан,
югурик Сойдан.

Хаёл
бизни қувғин этар Болалик сари...

* * *

Ҳаётим маъносини белгиласа-да,
биргина нарсага етмади қурбим,
биргина нарсага.
Рақибим ҳаёти ғарқ бўлди гулга,
биргина нарсани маҳкам тутди у.
биргина нарсани.
Ҳа, мен тушириб юборган БАҲТни
у олиб беролди тансиқ мевадай
сенинг қўлингга.

* * *

Ёруғлик! —
Тун кўксига санчилган ханжар,
бўғизлайсан ваҳималарни.
Мени хомуш қузатар остонам ҳар тонг,
хушнуд қаршилайди ҳар шом,
илтифот кўрсатар сўнгра чироқлар!
Ёруғлик!
Нега учрашганда қучишмаймиз белимизни
қарсиллатгудек!!
Хайрлашганда тўкмаймиз жоладай кўз ёш.
Кел,
энди қадримизга етайлик бир-биримизнинг.

сиз олим учун унвон муайян даражада нафосатни ҳис этиш, гўзаллик сирларини очиб мезони бўла олади, деб билсангиз, янглишасиз. В. Белинскийнинг бир таърифиға диққатингизни тортмоқчиман: «Санъат идрокка мансуб ҳодисалар турига киради ва шу сабабли шеър ёзишни ўрганиб бўлмаганидек, поэзияни тушунишни ҳам ўрганиб бўлмайди. Гўзалликдан яхши таассурот ола билиш ўзига хос истеъдоддир. У илм билан ҳам, таҳсил билан ҳам, машқ билан ҳам қўлга киритилмайди, балки табиат томонидан берилади. Поэзияни тушуниш руҳнинг кашфиётидир, кашфиёт сирини эса инсон табиатида яширинган бўлади. «Мана шунинг учун, сиз айтгандек, ёзувчи деб аташга мувофиқ танқидчилар фақат ҳозир эмас, азал-азалдан ҳам саноқли бўлган. Кейин, «муроса тўла қадаҳ» тутиш танқидчилигимизнинг эмас, айрим танқидчиларимизнинг одати.

М. СОЛИҲ: Сиз айтган ҳақиқатларни рад этмоқчи эмасман. Фақат кўзиб турганимни, танқидни мунтазам ўқиб борадиган бир ўқувчи сифатида, билганимни айтяпман. Уз сўзининг таъсири доирасини аниқ ҳис қиладиган — ўзи эришган муваффақият билан, ўзи йўл қўйган муросанинг таъсир кучи теппа-тег эканлигини эсидан чиқармайдиган танқидчи бизда кам. Яхши асарлар қаторида, тўйнома шаклидаги узундан-узоқ мақолалар ҳар бир танқидчи ижодининг, кечирасиз, қарийб ярмини ташкил қилади. Сабабини сўралганда: «Бу табиий, яхши мақолалар қаторида, муросасоз нарсалар ҳам ёзилади, бу табиий», дейдилар. Нега энди, бу табиий бўлиши керак, нотабиий эмас!!

Адабий танқидчилигимизда проблематик мақолалар деярли йўқ. Агар бирор танқидчи «проблема» қўйса ҳам, бу проблема қаршисида унинг ўзи тураверади. Маскур масалага бирорта ёзувчи ёки шоир яқинлашмайди. Сабаб нимада! Сабаб шундаки, проблемани танқидчи эмас, ҳаёт кўяди. Дейлик, танқидчи: «Шеърятда граждонлик мотивлари бўлмоғи шарт!», деб ҳайқаришдан аввал, нега бу фазилатнинг кўринмаётганлигини ўрганса, — оқибатдан олдин сабабини тушунириб берса, — шунинг ўзи проблематик мақола бўларди.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Сир тутишнинг ҳожати йўқ. Ёшлар поэзиясида гоҳида кишининг таъбини хира қиладиган ясама оҳ-воҳлар эшитилаётирки, бу бедардликнинг айнаи бир шаклидир. Аммо адабий танқид ёруғ дард билан, ўткинчи ғам-қайғуларнинг моҳиятини фарқлаб ҳукм юритиши лозим эмасми!

М. СОЛИҲ: Сиз айтганчалик «оҳ-воҳ» қилаётган ҳеч ким йўқ. Ёлғондан кўз ёш тўкаётган шоирлар бўлса, бу жуда ёмон иллат. Менимча, ҳар қандай санъатнинг қушандаси қувонч ёки қайғу эмас, балки ўша қувонч ва қайғунинг сохталигида. Аммо изтироб ифодаси — шеърятдаги тушқунлик эмас, азобланаётган умид тасвиридир. Азобланаётган, демак, покланаётган умид. Шу жиҳатдан ўлим тўғрисидаги шеър ҳам аслида ҳаётни эътироф этмоқдир. Реализмнинг ўзи шунини тақозо этади. Одам руҳида икки қайфия: — қувонч ва қайғу абадий бирга, олмухта яшайди. «Бизнинг адабиётда қайғу бўлиши мумкин эмас», дейиш гўстохликдир. Чунки, қувонч каби қайғунинг ҳам сиймоси ҳамма жойда бир хил. Таассуфлар бўлсинким, шаклан миллий, мазмунан социалистик қайғу йўқ. Бунини тан олмаслик, социалистик реализмни тан олмасликдан ўзга нарса эмас.

И. ҲАҚҚУЛОВ: Бугунги ўзбек шеърятини — турли услуб, хилма-хил ижодий йўналишларда тараққий этаётган шеърят. Унинг истиқболини нималарда кўрасиз!

М. СОЛИҲ: «Шеърятда тараққийёт бўлмайди», деган эски гап бор. Бу шунчаки айтилган гап эмас. Чунки, тараққийёт деганда, биз ўсишнинг узлуксиз занжирини тушунамиз. Бу тушунчани фанга қўллаш жоиздир. Шеърят тарихида эса Уйғонини даври билан Бухрон асри галмагал такрорланиб келган. Агар шеърят узлуксиз ўсганда эди, биз Навоий шеърятини фақат тарихий нуқтаи назардангина ўрганган, ундан завқланмаган бўлардик. Демак, шеърят фақат бойиб, ўзгариб боради. Бугунги ўзбек шеърятини кечаётган жараён, менда умид уйғотади. Йўналишларнинг кўплиги, шаклларнинг ранг-баранглиги эса ҳақиқий адабиётгагина хос белгидир.



ҲАБИБУЛЛА
ОЛИМЖОНОВ

ҚУЁШГА ИНТИЛИБ

ОЛИМ ака нонушта қилди-да, қозикдаги тўрхалтани олиб, чўнтагига солди.

Савзи борми, қизим?

— Бор, дада, — деди дастурхонни йиғиштираётган келини Зумрад, — кеча ўғлингиз опкелганлар. Фақат турп билан доривор олиб чиқа қолинг, қолган ҳаммаси бор.

Турп билан дориворсиз ҳам ош бўлаверади. Бироқ Олим аканинг тасавурида буларсиз ош кемтик бўлиб қоладигандек. Бир ёғи, бозорга тушишга, кўчани бир айланиб келишга бир баҳона ҳам керак. Бугун шанба дам олиш куни. Умр бўйи уйда ўтириб ўрганмаган одам, олтимишдан ошгандан кейин ҳам бунга ўрганолмайди. Қолаверса эски шаҳарнинг бозорига бориб, турп танлашнинг ҳам ўз гаши бор. Буни фақат ошпаз одам тушунади...

Олим ака ош дамлашни яхши кўради. Ҳар яқшанба куни газхонадан темир ўчоқни ҳовлига олиб чиқиб, қозонни ўрнатиб, ҳафсала билан ош пиширишга киришади. Сабзи-пийёз артиб, тўғрашдан тортиб, ошни сузишгача ўзи қилади. Учоққа ўтин ташлаётганда ўғли Ҳасаннинг гапи қулоғи остида жаранглайверади. Бир куни адасининг ишига разм солиб туриб: «Ада, ўтинниям танлаб ёқасиз-а» деганди. Ҳушёр-да, дарров илғаб олибди.

— Бу ҳам бир санъат, ўғлим, — деди ота ўшанда ўғлига, — масаллиқни қозонга ташлаш билан ош бўлавермайди. Таъб керак, дид керак. Сенинг токарлик станогингда пахта терадиган машинанинг шпинделини юзта токаръ бир хил қилиб тайёрлаши мумкин. Лекин бир хил масаллиқдан юзта ошпаз битта қозонда ош дамласа, ишончим комилки, юз хил чиқади.

— Лекин юзтаси ҳам сизниқига ўхшамайди! — Ҳасан ўз гапидан ўзи завқланиб, маза қилиб кулди...

Олим ака ўғлининг мақтовидан, ҳам ёш болаларча бегубор кулишдан мамнун илжайиб қўйди. Олим ака учун бу ҳалиям бола. Яқинда уйланди ҳамки, табиатидаги болаларча соддалик, бегуборлик ҳамон ўша-ўша. Лекин

фактдан кўз юмиб бўлмайди: ёши йигирма еттига борди, шаҳар партия комитетининг аъзоси...

Олим ака ўғиллари ҳақида ўйлаганида қалби ифтихор туйғуларига тўлади. Номаъқули йўқ. Беш ўғлининг ҳаммаси ҳалол меҳнати, хуш хулқи билан фақат раҳмат келтир-япти.

Олим ака хаёл билан бўлиб, Октябрь колхоз бозорига борганини сезмай қолди. Ғала-ғовур. Гавжум. Олим ака Тошкент бозорларининг ичида шу бозорни яхши кўради. Аллақандай файзи бор, бошқа бозорларга қараганда тўкин. Истаган нарсангни топасан бу ердан. Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор... Шунинг учун ҳам у дам олиш кунлари шаҳарнинг нариги чеккасидан — 4-тураржой шаҳарчасидан эринмай шу ёққа келади. Арзимаган нарса баҳонасида бир айланиб кетади, холос. Бўлмаса, рўзгорни тўнғич ўғли Комилга топшириб қўйган. Оила фонди ҳам, бозор-ўчар ҳам унинг қўлида... Ая, турп бозори.

— Келинг ака, Марғилон турпи.

— Мана буни еб кўринг, менга қаранг, олмасангиз ҳам еб кўринг.

Олим ака қўлидаги кўм-кўк турпга пичоқ теккизиб турган одамнинг кўзига қаради-ю, ўтиб кетолмади. Олди-га борди. Деҳқон турпдан бир паррак кесиб узатди. Еб кўрди. Ҳақиқатан ҳам турп мазали эди, карс-курс қилади-ю оғизда эриб кетаётгандек.

— Тортинг, — деди у.

Олим ака турпни шошилмай тўрхалтага битта-битталаб солаётганида, деҳқон — ўрта ёшлардаги сотувчи киши унга тикилиб қолди. Олим ака буни сезиб ҳайрон бўлди. Чўнтагидан пул олиб узатди.

— Менга қаранг, — деди деҳқон унинг кўзларига тикилиб, — телевизорда Ҳасан-Ҳусан ўғлини уйлантирган одам сиз эмасмисиз!

«Ёпирай, бу одамнинг таниганини қаранг!» Олим ака ҳам деҳқоннинг хотираси ўткирлигига қойил бўлиб қаради.

— Ҳа, мен эдим, биродар, — деди у самимият билан.

— Ие, буни қаранг! — деҳқон пештахтани айланиб ўтиб, Олим акани кучоқлаб олди! — Умрингиздан берака топинг, ака, болаларингизнинг роҳатини кўринг. Аммо-лекин қойилман, шунақа меҳнаткаш болаларни тарбия-лабсиз, қойилман!..

Қизиқ одам экан. Очиқ кўнгил, соддадил: «Бир фотиҳа қилинг, менинг болаларим ҳам сизниқига ўхшасин», дейди. Ота учун бундан ортиқ муқофот борми? Одамлар унга, унинг болаларига ҳавас билан қарашпти!..

...1979 йилнинг охири иссиқ келди. Декабрда ҳам офтоб қиздириб турди. Вақт ғаниматда, шундай ҳавода тўйни ўтказиб олишга қарор қилинди. Бирдан тўй тараддуди бошланиб кетди.

Тўйнинг ўзи бўладими? Ота бошчилигида беш ака-ука, икки келин югуриб-елишди. Худди шу пайтда, телевиденидан бир киши уйларига келди.

— Ишчи оиласи сифатида Янги йил базмида қатнашасизлар, — деди у, — шунга таклиф қилиб келдим.

...Кўрсатув ҳақиқатан чиройли чиқди. Янги йил базми кетаётган саҳнага юқоридан, зинадан икки келин-куёв «Тўйлар муборак» қўшиғи жўрлигида тушиб келишди. Иккига бўлиниб, «базмхона»нинг икки томонига ўтирдилар. Олим акага ўртадан, тўрдан жой кўрсатилди. Диктор Олим аканинг Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўттиз уч йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келаётгани, унинг беш ўғлидан тўрттаси пойтахтимиздаги кўҳна «Ташсельмаш» заводига бир цехда ишлаши ҳақида гапирганида зал-базмхона жимиб қолди, ҳамма ҳавас билан ҳам Олим акага, Ҳасан-Ҳусанга, опа-сингил келинларга тикилиб қолган эди. Нафақат телевидение студиясининг залидагилар, балки, янги йилни куттиш тараддудида дастурхон атрофида йиғилиб ўтирган

республикамиздаги миллионлаб кишилар бир зум экранга янада эътиборлироқ қараб туришганди...

Олим акани биринчи марта телевизор экранига кўриб, орадан бир ой ўтгач, бозорда таниб қолган деҳқон ҳам ўша миллионларнинг бири эди, албатта.

* * *

— Аёлнинг саришатида ҳикмат кўп, ўғлим, — дейди Олим ака. — Онаси раҳматлик Ҳасан-Ҳусаннинг тўйига битта-битталаб йиғиб, ош-овқатдан бошқа ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган экан, сира қийналмадик. Бўлмаса, ўзбекиликда тўй қилиш осонми...

...Тўйдан кейин учинчи кун Ҳусан тўртта гулдаста кўтариб келди.

— Кийининг, оймни кўриб келамиз, — деди Мўътабарга. — Ойм сизни кўришни кўп орзу қилардилар.

Кўшни хонадан Ҳасан билан Салима ҳам отланиб чиқишди.

Декабрнинг изғиринли оқшомида тўртовлон она қабри тепасида бош эгиб, сукут сақладилар...

Улар кетди. Тўрт чиройли гулдаста она ҳаёти давом этаётганлигини англатиб, қабрни безаб қолди...

* * *

Ҳасан хонтахтага ёйилган чизмани ниҳоясига етказолмай бош қотириб ўтирган эди, ёнидаги телефоннинг жиринглашидан чўчиб кетди. Уридан туриб, трубкани олди:

— Алло?

— Ҳасан ака? — трубкадан Салиманинг овози эшитилди.

— Лаббай.

— Ишхонамизда... «Москва кўз ёшларга ишонмайди»га билет сотишяпти, олайми?

Ҳасан бир оз ўйлаб қолди:

— Ҳмм... вақт масаласи...

— Кеча ўзингиз қизиқ фильм эмиш, деяётгандиз-ку, шу эсимга тушди.

— Диплом-чи, диплом ундан қизиқроқ-да, — ҳозилнамо жавоб берди Ҳасан. Салима унинг овозидаги оҳангни ризолик аломати деб тушунди.

— Эртага отдихим, ўзим қарашвораман диплом ишингизга, — деди Салима.

Ҳасан кулди:

— Мўътабарни ёрдами биланми, унда ишонса бўлади. Ҳа, айтганча, тўртта олинг-а билетни.

— Ҳа, албатта, — деди Салима.

Ҳасан трубкани қўйиб, енгил тортиди: «Яхши бўлди, бугун ҳеч қалла ишламаётувди ўзи. Кинога бормаганимга ҳам бир йил бўлди-е...»

Мўътабар — Ҳусаннинг турмуш ўртоғи, Салиманинг синглиси. Салима педагогика институтида, Мўътабар политехника институтида ўқийди. Ҳасан «ёрдам» деганида шунга, чизма чизиш Мўътабарнинг қўлидан келишига ишора қилаётган эди.

Ҳасан билан Ҳусан автомобиль транспорти ва йўллари институтининг кечки бўлимини битиришяпти...

Фильм ҳақиқатан яхши ишланибди. Жуда маза қилиб кўришди. Бу киноасар бойваччароқ эрга тегволиб, бахтини бойликдан топишга уринган қизлар, мансабдор одамнинг қизига ўйланиб, ҳаётини мансаб тафтида иситмоқчи бўлган йигитлар ва бунга қарама-қарши ўлароқ, бахтини ўз кучи билан яратишга ҳаракат қилган ҳамда бунга эришган кишилар ҳақида экан.

— Гоша менга жуда ёқди, — деди Ҳусан йўлда келаятиб завқ билан, — заводда менсиз айлана олмайган нарсам мен келишим билан айлана бошлайди, ҳаётимнинг мазмунини шунда деб биламан, дейди-я. Мундоқ қарасанг оддий гап, лекин зўр гап!

— Профессор оғайниси ҳам маёвқада Гошани бўлажак хотинига қойил қилиб таништиради, — уни қувватлади Мўътабар, — баъзи фан доктори, академиклар ишхонасида ойлаб бўлмаса ҳам, уларнинг йўқлиги билинмайди. Лекин Гоша цехда бир кун бўлмаса, уни қидириб қолишади. Мен докторлик диссертациямнинг саксон фоизи-ни Гошанинг ҳиссаси деб биламан, дейди.

— Анави директор хотин телевидение мухбирининг:

«Шундай катта коллективни бошқаришга қийналмайсизми», деган саволига ҳам зўр жавоб беради, — деди Салима ўз таассуротини ўртоқлашиб, — «аввал уч кишига бошчилик қилишни ўргансангиз кифоя, у ёғи ўзи кетаверади». Бу, менимча, энг асосийси — одам билан муомала қилишни билиш керак, учтами, уч мингтами — ҳаммаси одам, дегани бўлса керак.

Ҳасан баҳсга қўшилмай жимгина борарди. Фильм таъсириданми, у негадир ўзининг ўтмиши ва келажагини ўйламоқда эди: яқиндагина шогирд бўлиб заводга ишга кирган эди, кўз очиб-юмгунча ўн икки йил ўтиб кетибди. Бугун эса ўзи устозлик қиялпти...

...1968 йил ёзида Ҳасан-Ҳусан еттинчи синфни тугатишди. Комил билан Қобил акалари армияда эди. Ҳасан билан Ҳусан маслаҳатлашиб, акалари ишлаган «Ташсель-машга» ишга киришга аҳд қилишди.

Худди кечагидек эсида, ҳужжатларини топшириб бўлишгач, кадрлар бўлиmidан бир қиз уларни яна ўн чоғлик ишга кирувчи ўсмирлар билан бирга заводнинг Меҳнат шўхрати музейига бошлаб борди. Урта ёшлардаги очиқ чехралли аёл уларни эринмай ярим соатча музейдаги экспонатлар билан таништирди, завод тарихини қизиқарли ҳикоя қилиб берди. Ўзбекистон индустриясининг отаси, республика sanoatининг кейинги жадал тараққиёти учун кадрлар ўчоғи бўлишдек шарафли вазифани бажарган бу корхона улар учун ҳам кадрдон бўлиб қолди.

1973 йилда Сафин мастер вазифасига тайинланиб, бригадирликни Ҳасанга топширди.

— Комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилишга сендан кўра муносиброқ номзод йўқ, — деди у Ҳасаннинг қўлини дўстона қисиб, — ёшсан, тажрибалисан, коммунистсан. Бошқалар ҳам менинг таклифимни маъқуллашди. Эртага мажлисда расмий эълон қилишади...

Ҳасан «дод-вой» дегани йўқ.

— Менга ишониб бу ишни топширмоқчи экансизлар, раҳмат, — деди мажлис охирида сўзга чиқиб, — бу ишончингизни оқлаёлсам ўзимни бахтиёр деб биламан.

— Мана бу ҳақиқий ёш коммунистнинг гапи, баракала, — деди цех бошлиғи Баришев ўтирган жойида.

Ҳасан яна ғайрат-шижоат билан ишга киришди. Илгари илғорлар сафида бўлса, энди илғорлар сардори бўлиши керак, шахсий намуна кўрсатиши керак. Уч-тўрт йиллик меҳнат фаолиятдан тажрибасидан биладики, шахсий намуна-бригадани илғорликка олиб чиқишнинг энг қулай ва самарали йўли. Сафин шундай эди. Муомалани ҳам ўрнига қўярди, ўзиям смена нормасини ҳаммадан ошириброқ бажарарди. Ўзи қойил қилиб ишлаганидан кейин бошқаларга ҳам гапи ўтарди. Бошқалар унга етишга интилишарди. Шу тариқа бу участка цехдаги мукофотли ўринларни эгаллаб келарди.

«Мен жуда бўлмаса бригадани шу мавқедадан пастга туширмаслигим керак». Бу фикр Ҳасаннинг миёсига қаттиқ ўрнашиб олди.

1974 йилнинг эрта баҳорида Ҳасан Ҳошимов Иттифоқ комсомолларининг улкан анжуманида қатнашди. У бутун Ҳамза район комсомоли ВЛКСМ XVII съезидега юборган атиги икки вакилнинг бири эди...

Орадан бир неча ой ўтди. Кўшни участкада бир малакали токар ишдан бўшаб кетиб, план оқсаб қолди. Ҳасанни вақтинчалик ўша жойда ишлашга таклиф қилишди. «Йўқ» дейиш унга ёт нарсам. Цех манфаати, ишлаб чиқариш манфаати зарур эканки, шу ўринга таклиф қилишяпти. Урнига Ҳусан бригадир бўлиб қолди. Чунки иккаласининг ҳунари бир хил, бажарадиган иши, маҳорат, тажрибаси бир хил, буй-бастин-ю кўринишигача бир хил. Бегона одамлар уёқда турсин, кўпинча аτροφдаги ҳамкасблари, баъзан бошлиқлари ҳам иккаласини адаштириб юришади.

Ҳусан бригадирликда акасининг изидан борди, йил сайин бу коллектив олға борса бордики, орта кетмади. Пахта териш машиналарининг муҳим деталларига ишлов беришининг илғор усуллари ўзлаштирилди.

Шунинг учундирки, орадан тўрт йил ўтгач, 1978 йили ВЛКСМ XVIII съезидега ана шу бригаданинг бошлиғи делегат қилиб сайланди.

Бу бригадир энди Ҳусан Ҳошимов эди!

....1979 йил. Баҳорнинг ёқимли кунларидан бирида ака-ука якшанбани, одатдагидек, уйда ўтказишгаётган эди. Бир маҳал эшик очилиб, қўшнилари Ҳабибулла кириб қолди:

— Уқиш жонга тегмадим, профессор акалар, бир суришайлик.

— Кайфиятинг яхшига ўхшайди, бузиб қўяман-да, — деди Ҳусан, ўша заҳоти журнални қўйиб, кулганича тоқчадаги шахматни оларкан.

— Кўрамиз, кўрққан олдин мушт кўтарар, дейдилар. — Ҳабибулла ҳам бўш келмади.

Улар ўйин бошлаган, Ҳусан ўқийёлмай, тамоша қила бошлади. Иккаласи ҳам яхши ўйнайди. Шахматда ҳам, ишда ҳам устоз ва шогирд. Бундан икки йил аввал Ҳусан Ҳабибулла Кароматуллаевни ўз бригадасига ишга олиб борган эди. Ҳозир у пешқадам тоқарь.

Биринчи партия яримлай деганда, очиқ эшикдан хат ташувчининг овози эшитилди:

— Почта!

Ҳусан дарвозага ўрнатилган темир қутидан бир даста янги газеталарни олиб келди. «Комсомольская правда»ни яхши кўргани учунми уни биринчи қўлга олди.

Тахта устида бош қотираётган Ҳусан рақибни хато юриши билан шоҳга қўлини чўзди:

— Шах! Мот!

Газетага тикилиб қолган Ҳусан буни хатто пайқамади ва шу онда Ҳусанга хурсанд бўлиб қаради:

— Қўлни ташла, табриклайман!

Ҳусан Ҳасаннинг кафитга завқ билан урди-да, донларни қайтадан тера бошлади.

— Хув, сенга айтяпман, табриклайман деб, лауреат бўлибсан!

— Нима, ростданми? — Ҳусан «Комсомольская правда»ни тортиб олди-ю, хабарни тополмай шошиб қолди — Қани, қани?..

«Табриклаймиз, лауреатлар» сарлавҳали хабар-рўйхатда ўтган йил яқунлари бўйича жуда катта меҳнат муваффақиятларига эришиб, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати деган юксак унвонга сазовор бўлган бир группа ишлаб чиқариш илғорларининг номлари келтирилган эди. Улар орасида Тошкент шаҳридан икки киши бўлиб, унинг бири «Ташсельмаш» заводининг бригадир-токари Ҳусан Ҳошимов эди!..

Ҳусан билан Ҳабибулла қувончдан сакраб туриб, Ҳусанни кучоқлаб олишиди...

1980 йил бошда ака-укалар диплом отпускасини расмийлаштириб юришган эди, Ҳусанни парткомга чақириб қолишди. Партком секретари уни илиқ кутиб олди.

— Ишлар қалай, Ҳусанбой, — деди ўтиришга жой кўрсатаркан.

— Раҳмат, яхши. Отпускага чиқай деяпмиз.

— Ие... дипломми?

— Ҳа.

Бу гапни эшитган секретарь бир оз ўйланиб қолди. Кейин мақсадга кўчди:

— Шаҳар комсомол конференциясида сени яна горком аъзоси қилиб сайлашди, цех комсорги бўлиб анча-мунча тажриба орттирдиг, коммунистсан. Биз, партком ва маъмурият маслаҳатлашиб, завод комсомол комитети секретарлигига сенинг номзодингни кўрсатмоқчимиз. Бу кўпчиликлан маъкул бўлишига, сайланишинга мен ишонман. Чунки завод комсомоллари сени яхши билишади. Узинг нима дейсан?

Ҳусан бу кутилмаган таклифдан ҳозир бир нима дейиш ҳолатида эмасди. «Йўқ» дейиши аниқ, лекин буни партком секретарига қайси шаклда юмшоқроқ қилиб айтиш мумкин?

Завод комсомол комитетининг секретари Шавкат Алимов Акмал Икромов район комсомол комитетига биринчи секретарь бўлиб кетгандан буён икки ойча ўтди. Шу давр мобайнида бирон марта ўзини унинг ўрнига қўйиб кўриш Ҳусаннинг хаёлига ҳам келмаганди. Шавкат жуда ташкилотчи ва билимдон йигит. Ҳозир у билан ўзини таққослади-ю, унга етишга ҳали анча борлигини ҳис этди ва дилидагини айтиб қўя қолди:

— Йўқ, бу жуда масъулиятли иш, мен эпполмайман ҳали. Бир ёғи диплом иши, ярим йилча вақт кетади бунга. Агар ўшандан кейин секретарь ўринбосарлигига тавсия қилсанлар майли. Олдин бир-икки йил иш ўрганиш керак-да...

Партком секретари рўпарасида ўтирган бу содда, соф-кўнгил, аини пайтда ўз қобилиятини тарозига солиб, тўғри баҳолай олаётган бу йигитга бўлган ҳурмати яна бир баҳя ошди. Бу шунчаки камтарлик эмас, йўқ, бу — дили поклик. Ахир амал учун айрим одамлар ўзини не қўйга солмайди. Бу йигит-чи, тайёргина мана бу юмшоқ стулга ўтиринг десанг, йўқ, ҳали унга муносиб эмасман, деяпти...

— Айтгандай, диплом олгач заводда қолмоқчимисизлар? — сўради секретарь Ҳусаннинг бояги жавобига ўз муносабатини маъхум қолдириб.

— Албатта, — деди Ҳусан, — ўзимизга лойиқ иш топилса қоламиз. Ҳасаннинг ҳам фикри шундай.

Секретарь яна бир оз ўйланиб қолди. Кейин ўрнидан туриб, энгил кайфият билан қўлини узатди:

— Бўпти, Ҳусанбой. Дипломни олаверинглар-чи, у ёғи бир гап бўлар. Муваффақият, яхши ёқлаб олинлар.

— Раҳмат, — Ҳусан қўл сиқиб хайрлашди. — Хафа бўлмайсиз лекин.

— Хўп, Ҳусанга салом айт...

...Ҳусан ҳовлига чиқди. Намхуш ёқимли шабада юзига урилди, қуёш эса чарақлаб турарди. Дарвозага бориш учун бутун бир цехни айланиб ўтиш керак. Ҳусан бетон йўлка бўйлаб бораркан, вужудда ҳозиргача бегона бўлган бир сапобатни ҳис этарди. У шавқ билан атрофга тикилади. Ҳали февраль бўлишига қарамай, йўлка четидаги темир-терсақлар четидан ям-яшил майсалар униб чиқибди.

Ана, ҳатто бўлак-бўлак бетон парчаларининг тагидан ҳам майсалар ўзига йўл топиб чиқиб, бўй чўзяпти, қуёшга интиляпти...

Ҳусан-Ҳусанлар ҳаётдаги мустақил қадамларини ишчи алифбесини ўрганишдан бошлаган эдилар. Ҳозир эса ўзлари иш бошлаган ўша цехда мастер вазифасини бажаришяпти. Иккаласи ҳам автомобиль транспорти ва йўллари институтининг кечки бўлимини тугатиб, олий маълумотли бўлди. Бироқ, ўн беш йил меҳнат қилган заводни ўз оғушида тарбиялаб вояга етказган, оқ-қорани танитган коллективни ташлаб кетишолмайди. Чунки улар ўз ҳаётларини бир маромда гувиллаб турувчи дастгоҳларсиз шарафли ва масъулиятли меҳнатсиз, бирга ишлайдиган қўли қадоқ, меҳри дарё одамларсиз асло тасаввур қила олмайдилар. Бу фазилат уларга отадан, ишчилар сулоласининг бошловчиси Олим Ҳошимовдан ўтган бўлса, ажаб эмас.



ШОКИРАЛИ
НУРАЛИЕВ

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИНИ СИНДИРГАН «ХЎП-ХЎП»ЧИЛИК

РАЙКОМ СЕКРЕТАРИ
НЕГА ИШДАН
ОЛИНДИ

Бир танишим билан район келажаги ҳақида суҳбатлашиб ўтирибмиз. У ҳасрат қилди:

— Районимиз жуда қолюқ-да. Плани мундоқ эмин-эркин бажариб чиқиб кетганини эслолмаймиз. План учма-уч бажарилгач, даромад қаердан бўлсину, ободончилик қаердан бўлсин! Нега бундай бўляпти — ҳайронман.

Шундай дедию, кейин дарҳол райкомнинг биринчи секретарини эслади:

— Меҳнаткаш, ҳалол, ҳисоб-китобда унча-мунча экономистдан қолишмайди. Деҳқончиликни... энди қўяверасиз, деҳқончиликнинг пири. Секретарь бўлса шунчалик бўлади-да.

Район қолюқ бўлса ҳам, илғор бўлса ҳам дарҳол секретарь эсга олинади. Бу — табиий. Райком районда етакловчи, агар таъбир жонз бўлса, тортувчи бош орган. Етаклаш, «тортиш»да эса, юкнинг катта қисми биринчи секретарининг зиммасига тушади. Район қолюқ бўлса, демак, райком, аёвало унинг биринчи секретари ўз вазифасини лозим даражада уддалай олмаяпти. Мантиқан фикр юритиб, шундай хулосага келиш мумкин. Мумкину, лекин район шароитини кўрмай-билмай туриб, секретарь билан танишмай, унинг иш методини ўрганмай туриб, бундай хулосага келиш ҳар ҳолда яхши эмас. Танисанг, билсанг, бошқа гап. Унда гапириш ҳам осон. Кейин, «ие, бу ёгини ҳисобга олмаган эканмиз-да», деб аттанг ҳам қилмайсан... Шунинг учун кўрганим, билганим ҳақида гапирай.

У район ҳам шунга ўхшаш — қолюқ эди. Суҳбатдошимиз берган характеристикага қараганда, секретари ҳам ўхшарди: меҳнаткаш, ҳалол, ҳисобдон. Деҳқончиликни... энди қўяверасиз, деҳқончиликнинг пири эди. Секретарь бўлса шунчалик бўлади-да, дерди барча. Йўқ! Шунчалиги кифоя эмас экан. Яқинда уни бошқа вазифага ўтказишди.

Хўш, унда Фаттоҳ Алиевичда [исми-шарифини ўзимизча шундай деб атайлик. Номини дастак қилавериш ҳам яхши эмас] нима кам эди! Бир сўз билан айтиш қийин. У секретарликка сайланмасдан аввал шу ердаги совхозлардан бирига директор эди. Плани ҳар доим ошириб-тошириб бажарар, ҳурмат-эътибор қозонган, секретарликка сайланишининг боиси ҳам аслида шунда эди. Лекин, маълумки, директорлик бошқа, секретарлик бошқа. Унда эса, ҳануз секретарликдан кўра директорлик туйғуси устунроқ эди. Тўғрироғи, асосан директорлик чоғида орттирган тажрибасигагина таяниб иш кўрарди. Директорликда орттирган тажрибаси эса, ўз ишига нҳоятда берилган киши эмасми, нуқул хўжалик юритишга, фақат деҳқончиликка, ҳисоб-китобга доир эди.

Район — район. Районда қишлоқ хўжалиги — деҳқончилик, чорвачилик катта ўрин тутуди, албатта. Лекин бу соҳа район хўжалигининг бир қисми ҳисобланади. Аммо Фаттоҳ Алиевич учун бундай эмас эди. Математикларнинг тили билан айтганда, унинг учун «қишлоқ хўжалиги — тенг район хўжалиги» эди. Бошқа жамки идора, ташкилот, муассаса қишлоқ хўжалиги мавжудлиги учун мавжуд, унга хизмат қилиш учун мавжуд эди. Масалан, гўзани бегона ўт босиб кетди, дейлик [нега ўт босиб кетиши ҳақида кейинроқ тўхталамиз]. У ҳамма идора, ташкилот, муассасанинг бошлигини чақиртирар ва шундай дерди:

— Пахтани ўт босиб кетди. Эртадан бошлаб ҳаммангиз идорани беркитасиз. Ўзингиздан тортиб то қоровулингизгача — ҳаммангиз ўтоққа чиқасиз. Бир ҳафтага осмон узилиб ерга тушмайди.

Хуллас, бошқа идоралар бир ҳафта ишламаса ҳам осмон узилиб ерга тушмас эди. Бошқача айтганда, бу идораларда амалий иш бўлмас, амалий иш унинг назарида фақат далада, гўза қатори орасида бўлиши мумкин эди. У, деҳқонларга амалий ёрдам керак, деб таъкидлашни яхши кўрарди. Бу гапни, албатта, одамига қараб, ҳар хил шакл-

да айтарди. Масалан, маданият уйининг директорига мана бундай дерди:

— Деҳқонларга амалий ёрдам керак. Бориб ўйин кўрсатиб, дийдиё айтиб келаверган билан битта кўсак иккига бўлиб қолмайди.

Амалий ёрдам берувчи муассасалар орасида у, айниқса, мактабларни қадрларди. Мактабларга ишонч-ихлоси жуда катта эди. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида шахсан иштирок этар, шахсан доклад қиларди. Доклад икки қисмдан иборат бўларди: доклад қисм, нутқ қисм. Доклад қисм, албатта, ёзилган бўларди. Фаттоҳ Алиевич уни бош кўтармай ўқир, тезда [25 минутга мўлжалланган бўлса, 20 минутда] тугатар, кейин оғир юкдан халос бўлган кишидек қадинни фоз кўтарар, рўмолчасини олиб юз-кўзини, терлаган пешонасини артар ва доклад текстини [аслида бировнинг юкини, дейиш тўғрироқ. Негаки текстни кимдир ёзиб берган бўларди] нари суриб қўйиб, нутқ қисмига ўтарди. Ана энди бу ўзининг юки эди. Бу юки у 20 минут эмас, бир соат кўтариб турса ҳам оғринмас, терламас эди. Гапни пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда катта амалий ёрдам кўрсатганликларини учун мактаблар коллективларига миннатдорчилик билдиришдан бошларди. Аслида миннатдорчилик доклад текстида ҳам бор эдию, лекин у барибир секретаринг дилидагини ифодаладиган даражада кучли, таъсирли эмас эди. Ҳар ҳолда Фаттоҳ Алиевич шундай ҳисобларди.

Миннатдорчилик тугагач, амалий ёрдамни кўпайтиришда ҳали ишга солинмаган резервларга ўтиларди. Бундай резервалар кўп эди. Биз биттасига тўхталамиз. Резерв шуки, ҳозир колхоз-совхозлар тут кўчатларини бошқа жойлардан сотиб олиб келиб катта зарар кўряптилар. Ваҳоланки, мактаблар бу борада ҳам жуда катта амалий ёрдам беришлари мумкин. Мактабларга жами фалон агроучастка бириктиб қўйилган. Бу участкаларда фалон минг тут кўчати етиштириш мумкин. Бундан колхоз-совхозлар ҳам, мактаблар ҳам фалонча минг [ҳатто миллион] сўмлик даромад кўрадилар. Агар шундай қилинса, колхоз-совхозлар овозагарчиликдан, мактаблар эса ремонт қилгани қасқа сўраб, пул сўраб қишлоқ советларига, оталиқ ташиқлотларига ялинишдан қутуладилар.

Бу ҳисоб-китоблар ҳаммани бўлмаса ҳам, кўпчилик мактаб директорларини руҳлантириб юборар эди. Улар бирин-кетин минбарга чиқиб шундай кўчати етиштириш юзасидан социалистик мажбуриятлар ола бошлар эдилар. Ана шундай пайтларда Фаттоҳ Алиевич ниҳоятда яйраб кетар, ўзининг нотиқлик, ташкилотчилик санъатида ичида имон келтириб қўяр эди. «Қабул қилинган мажбуриятларни дафтарчасига шоша-пиша ёзар экан, мактаб коллективларига, айниқса, директорларга яна ишонч-ихлоси кетар эди. Ахир, тўғри-да, тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Аммо баъзи-баъзида тушунмаганлар ҳам учраб қолади. Шунда Фаттоҳ Алиевичнинг фиғони фалакка чиқиб кетарди. Бир кун уни мажлисда худди шундай ҳолатда учратдим. Воқеа қуйидагича бўлган экан. Автоинспекция ходимларидан бири битта бригадирнинг шоферлик гувоҳномасини олиб қўйипти. Штраф солибди. Секретарь далага бориб, бригадирни тополмапти. Гувоҳномасини олгани кетган, дейишпоти. Уша ердаёқ Фаттоҳ Алиевичнинг тепа сочи тикка бўлибди. «Қанақа бефаросат инспектор экан у! Билмасмикан ҳозир сезонлигини!» Идорасига кела солиб инспекторни чақиртирипти.

— Хўш, қанақа номаъқулчилик бу! Қаерликсиз ўзи! Ҳеч нарсдан беҳабар инспектор:

— Шаҳарликман, — дебди.

— Шаҳарликман! Йўқ, сиз шаҳарлик эмассиз. Шаҳарлик ҳам билади. Сиз марсликсиз. Марсдан тушгансиз. Билмайсизми ҳозир сезонлигини!

— Биламан...

— Биламан, ў-ў! Билсангиз нега бригадирнинг правасини олиб қўйдингиз! Нега сарсон қилдингиз!

— Қондани бузди. Сезон деб индамасак, тарбия бўшаши...

— Тарбия! Тарбияни сезондан кейин қиласиз! Тарбия

эмиш... Топган вақтини қаранг. Хуллас, гап шу. Бунақа номаъқулчиликни иккинчи такрорланган. У ёғини сўрасангиз сиз ҳам, мен ҳам ўша бригадирнинг орқасидан кун кўриб юрибмиз. Шу бугуноқ, ҳозирок правасини ўз қўлингиз билан олиб бориб беринг. Кейин менга хабарини айтасиз. Хайр.

Инспектор чиқиб кетибди. Аммо, барибир, Фаттоҳ Алиевичнинг аччиги босилмабди. Аччиги шу даражага келган эканки, ҳатто районнинг каттаю кичиги йиғилган — салкам 300 кишилик мажлисда ҳам бу воқеани эсламай ўтолмади. Унинг гаплари залдагиларнинг ҳаммасига бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда деҳқонларнинг кўпчилигига хуш ёқди. Ёнимда ўтирган киши — даладан тўғри келаверган кўринади: юз-кўзи чанг, соқоли ўсган, эғнида ранги ўнгиб кетган коржома, оёғида эски ағдарма этик — меҳри товланиб кетди шекилли, менга қараб:

— Жуда жонкуяр одам-да. Деҳқончиликни билади. Ҳар на қилса ҳам деҳқондан чиққан-да, — деб қўйди.

Ана шу «жонкуяр одам» раҳбарлик қилиб турган районда замонавий касалхона қурилиши бошланган, аммо орадан 4—5 йил ўтиб кетганига қарамай, ҳануз битадиганга ўхшамас, сабаби эса фақат қурилиш материал камлиги эмас эди. Қурилиш раҳбарларидан, касалхона қачон битишини сўрасангиз, «Агар материал кўпроқ, лекин яғана, ўтоқ камроқ бўлиб турса...» дея бош чайқашади.

Энди савол туғилади: хўп, бошқа соҳалар нега қоқоқлиги-ку тушунарли. Унда қишлоқ хўжалиги нега оқсаяпти! Ахир, секретарь собиқ хўжалик раҳбари бўлса, деҳқончиликнинг «пири» бўлса, деҳқончилик учун бутун район оёққа турса, хуллас, ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам деҳқончиликка чиқсаю... нега бундай!

Бир қарашда бу фикр фалати туюладию, лекин қишлоқ хўжалигининг ривожига ҳам худди ана шу факт — қишлоқ хўжалиги учун бутун район оёққа туриши ҳалақит бераётган эди. Мулоҳазамизни мантиқан давом эттириб кўрайлик. Хўш, ҳозир деҳқончилик қандай? Замонавий! Шундай бўлиши учун моддий-техникавий асос яратиб берилган. Бошқарув, молия-бюджет системаси ҳам аллақачон замонавийлаштирилган. Шартнома-мукофот наряди йўлга қўйилганига 15 йилдан ошиб кетди. Совхоз бригада билан шартнома тузади: биз сизга мана бунча маблағ, мана бунча иш ҳақи берамиз. Сиз бизга мана бунча маҳсулот берасиз. Планини юз процент бажарсангиз, орамиз очик. Ошириб бажарсангиз, мукофоти мана бунча. Ҳаммаси равшан. Хўш, қайси деҳқон, агар у тadbиркор бўлса, ишмини, демак даромадини ҳашарчи билан арра қилгиси келади! Арра қилмайди. У ҳашарчига эмас, ўзининг тadbиркорлигига суянади. Энг аввало техникага ёпишади. У билади: бир тонна пахтани териш учун шартномада 73 сўм белгиланган. Агар шу пахтани машинада тергизса, тракторчига 3 сўм 40 тийин тўлайдию, 69 сўм 60 тийинни чўнтагида олиб қолади. Қўли ҳам тирналмайди. Қўйлаги ҳам йиртилмайди. Давлатга ҳам фойда. Тadbиркор киши оёғини ҳоритмай, ўз қозонини мойга, давлат омбурини пахтага тўлдиради. Тadbиркорлигининг хосияти, замонавий деҳқончиликнинг моҳияти шундай.

Шундайликка шундайку-я, лекин бу районда бошқача, тўғриси тескари эди. Деҳқонлар техникага эмас, химияга эмас, кўпроқ ҳашарчига суянишарди. Яна уларнинг устидан арз ҳам қилишарди:

— Ишни сифатсиз бажаришади — бир. Даромадини арра қилиб кетишади — икки. Ҳай, майли, ҳосилни етиштириб олсак, пахта яхши бўлиб берса, мукофот билан ўрни тўлиб кетар, деб ўйлайсан, аммо қаерда... Ҳашарчининг иши нима-ю, ҳосил нима бўларди...

Улар худди боши берк кўчага кириб қолганга ўхшашарди: ҳашарчи ишлатмасанг, далани ўт босиб кетади, ўзинг эплолмайсан, ҳосил битмайди. Ишлатсанг, улар ишни ёлчиштирмайди, яна ҳосил битмайди. Нима қилиш керак! Ҳайрон бўлишлари ана шундан эди. Дарвоқе, улар ҳайрон бўлиш босқичидан аллақачон ўтишган эди. «Айб панда. План ортиқча белгиланган», — деган қарорга келиб бўлишган эди. Бундай қарор кишиларнинг руҳиятига қандай таъсир қилиши маълум. Ҳақиқатан ҳам кўплар даладаги ишдан аллақачон «қўлини ювиб қўлтигига артиб

қўйган» эди. Томорқаларига, мол-қолларига зўр беришарди. Оёқ-қўли чаққонроқлар кадрлар бўлимига учрашмаёқ бошқа соҳаларга, иложи бўлса, шаҳарга ишга ўтиб кетишарди. Қишлоқ хўжалигининг «амалий ёрдам»га муҳтожлиги ана шу фактор туфайли яна ҳам кучайган эди.

Хўш, бу билан нима демоқчимиз! Районга нуқул ишнинг кўзини билмайдиганлар тўпланган эди, демоқчимизми? Йўқ. Тадбиркорлар ҳам бор эди. Баъзилар эса ўзига маслақдош тополмай, ўйланларини амалга оширмай чарчаган эди. Аммо кўпчилиги ўзидаги тадбиркорликдан кўра секретардаги тадбиркорликка кўпроқ ишонарди. Ахир у узоқ йиллар совхозга директорлик қилган. Плани ҳам доим ошириб-тошириб бажарган. Деҳқончиликнинг пири. У кўрмаган, билмаган иш йўқ. Билмаса — гапирмайди. Дарвоқе, секретарининг ўзи ҳам бу «устулигини» таъкидлашни яхши кўрарди:

— Бу ишларнинг ҳаммасини биз бошимиздан кечирганмиз. Узимиз қилиб кўрганмиз.

Шундай дерди-да, кейин ўша — директорлик пайтида кўрганлари, қилганларидан мисол ҳам келтирарди.

Мана, ўша мисоллардан намуналар:
«Машина терими пайтида тўкилган пахтани бирийўла тозалаб териб олган маъқул. Одамдан ёрдам берамиз. Шундоғича териб олиб, кейин ворохочистелда тозаласангиз 5—10 процент хас-хашакка чиқиб кетади. Бундан район бўйича фалон сўм зарар кўрилади».

«Уруғни санаб экиш, уялаб экиш ҳам ёмон эмас. Шароитга қараб уларни ҳам қилиш керак. Олимлар бекорга тавсия этишмайди. Лекин деҳқон деган жиндек танти ҳам бўлиши керак. Уч-тўрт килограмм уруғнинг юзига бориб, уруғдан, янадан ютамиз деб, ҳамма ёқни ола қилиб қўйиб, қайтанга икки барабар чув тушганларни ҳам кўрганмиз».

«Гербицид яхши нарса, лекин қиммат. Қолаверса, жиндек шамолга тўпроқ билан бирга учиб кетиб, нафи кам тегади. Бу ёғи ҳам бор. Меҳнатидан қочмай, бир марта сифатли ўтоқ ўтказилса, олам гулистон. Одамдан ёрдам берамиз. Утоқ чопиқ ҳисобига ҳам ўтиб қолади».

Ниҳоят, секретарь гапига шундай аяқун ясарди:
— Ҳа, билмасак — гапирмаймиз. Айтганимизни қиларинг, кам бўлмайсиз.

У директорлик қилган пайтларда шундай бўлса — бўлгандир. Лекин ҳозир шароит ўзгарди-ку! Масалан, чигитнинг унувчанлигини оширувчи янги-янги биостимуляторлар чиқди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Қолаверса, энди у совхозга эмас, районга раҳбар. Чигитни санаб экишга мос ер унинг совхозда топилмаган бўлса, ахир, район бўйича топилиб қолар. Эҳтимол топилару, лекин деҳқончиликнинг пири бундай деб тургач, «совхозга узоқ йиллар директорлик қилмаган» директор, бўлим бошқарувчиси, агроном, бригадир ўзича бирон бир тадбир қўллашга ботинмасди. Биров секретарининг измидан чиқишга ҳайиқарди. Биров нимадир таклиф қилмоқчи бўлар, бироқ мен ўйлаган йўл кутилган самарани бермасая, деб кўрқарди. Биров эса, секретарь кўрсатган йўлдан бошқа тўғри йўл йўқ, деб чин дилдан ишонарди.

Инсоф юзасидан таъкидлаш керак: ундан, деҳқонларнинг раъйига ҳам қараш керак. Унинг ерини унинг ўзидан бошқа ким яхшироқ билади, деган гапни ҳам кўп эшитганман. Бу таърибани ҳам аслида у директорлигида, собиқ секретарь билан «олишиб» юрган пайтларидан орттирган эди. Тажрибасига қаттиқ амал қиларди. Хуллас, айтганимизни қилаверинг, дерди, мен айтгандек қиласан, деб ҳеч қачон талаб қўймасди-ю, аммо эгаллаб турган лавозими, шахсий обрўси туфайли барибир амалда у айтгандек қилинарди. Бундан ортиқ интизом бўладими! Интизом эса, ютуқлар гаровидир. Хўш, унда нега бу ерда ютуқ кам! Фаттоҳ Алиевичнинг-ку, жавоби тайин:

— О-о... қани ўша интизом! Йўқ-да! Агар бўлса, айрилган нарсангни айтилгандек қилишса-ку... Гап интизом ўрнатиш устида боряпти-да.

Йўқ! Гап фақат интизом ўрнатиш устида бормаяпти. «Гап, — Марказкомнинг КПСС XXVI съездига ҳисоботидан кўчирма келтираман. — ижрочилик, интизом билан дадил ташаббус ва тадбиркорлик узвий боғланиб кета-

диган иш услубини яратиш тўғрисида бормоқда». Районда худди ана шундай иш услуби йўқ эди. Интизом ғовлаб, «хўп-хўпчиликкиз айлиниб кетган, ташаббус эса секретардаги обрў, унга бўлган ишонч-ихлос остида бўғилиб ётарди. Районликлар собиқ секретарь даврида эндигина ўзлаштира бошлаган янгиликларни аллақачон унуттаёзишган, янги ташаббуслар ҳақида эса эшитишгану, аммо ҳали кўришмаган эди. Масалан, шундай дейишарди:

— Баъзи районларда колхоз-совхозлар одамларга сиз, беда, сомон сотилар эмиш. Қандай яхши. Бизда қачон шундай бўларкин-а!

Ваҳоланки, ҳамма жойда шундай бўлиши кераклиги ҳақида аллақачон Марказком ва Министрлар Советининг қарори чиққан эди.

Бир кун ишбу масала юзасидан Фаттоҳ Алиевичнинг қабулига киришимизга тўғри келди.

— Келсинлар, хўш, хизмат!

— Шахсий ёрдамчи хўжалик ҳақида материал уюштирган эдик, шуни...

— Қаердан уюштирдиларинг!

— «Свердловнинг иккинчи бўлиmidан.

— Ҳимм... — Фаттоҳ Алиевич ўйлиниб қолди. — Саккизинчисидан уюштириш керак эди-да... Еттинчисиданми... у ерлар ҳар ҳолда кенгчилик эди. Иккинчи торроқ. Хай, майли, қани ўқийлик-чи.

Сездикки, Марказкомнинг қарорини иккаламиз икки хил тушунар эканмиз. Саккизинчи бўлим районнинг чеккаси — атрофи тўқайзор эди. Бизнингча, бундай жойларда шахсий хўжаликни ривожлантириш ҳақида гапириш, тарғибот-ташвиқот қилишнинг ҳожати йўқ. Бу ерларда одамлар ўзи шундоқ ҳам сигир-бузоқ, 10-15 тадан қўй боқаётган эдилар. Гап, аввало, иккинчи бўлим сингари «торроқ» жойлар ҳақида бўлиши керак эди. Бу жойларда колхоз-совхознинг ёрдамсиз шахсий хўжаликни ривожлантириш қийин, амалда мумкин эмас. Секретарь худди ана шу ёрдамдан ўзини олиб қочаётган эди. Аммо материални ўқигач, фикри ўзгарар, деган мулоҳаза билан индамадик.

Материални уюштириш жараёнида қишлоқ активларидан бири бизга шундай деган эди:

— Беда-макка бригадасида тайинли одам йўқ. Одам тайинли бўлмагач, ҳосил тайинли бўладими! Бўлмайди. Хўш, нега одам қўймайди! Қўйса, пули қопламас эмиш. Нега қопламайди! Чунки арзимас ҳосил бияпти. Унинг ҳам бир қисми талон-торож бўляпти. Бригаданинг дафтарига ўтмаяпти. Даромад ҳам келтирмапти. Юз «вой» десин, минг «вой» десин, барибир одамлар молини давлатнинг бедаси билан боқаяпти. Фарқи шуки, ўғирпаз, яшириқча боқаяпти. Шундай экан, сот бедани. Ана унда ким ҳақиқий ўғриу ким заруратдан ўғри — маълум бўлиб қолади. Виждонлилар сотиб ола бошлайди. Виждонсизлар билан бошқача гаплашиш мумкин бўлади. Бригадага даромад ҳам тушади. Ҳозир, бурнинг қани деса, қулоғини кўрсатадиганлардан уч-тўрттаси бедага берикиб қўйилган. Улар ҳам бедани парваришlash ўрнига кўриқлаш билан банд. Бунақада икки дунёда ҳам ҳосил кўпаймайди. Йўқолади. Бедапояларга бориб кўринг, бедасидан ажриги кўп. Бу ёғини ўйламайди-ю, ҳали ўзимизнинг чорвани таъминлолмай ётибмиз, одамларга сотишга йўл бўлсин, деб юришаверади.

Материалга суҳбатдошимизнинг ана шу фикрларини ҳам сингдириб юборган эдик. Бизнингча, буларни ўқиб секретарининг фикри ўзгариши керак эди. Йўқ, фикри ўзгармапти. Фикрини-ку ўзидан эшитолмадик. Шартлашган пайда келганимизда зарур иш билан далага чиқиб кетган экан. Ташкилий ишлар бўлимининг мудир айтди:

— Биз хўжаликлар раҳбарларини биттама-битта қақириб, ўқитдик. Ҳаммасиям, бундай ташаббус бошлашга ҳали пича бор, дейишди. Улар бундақа деб туришгач... энди... Тўғри, иккинчи бўлим-ку, эплаймиз, дейишяпти, балки эплашар. Лекин ҳамма ҳам эплолмайди-да. Шуниси бор. Сотгандан кейин ҳамма жойда сотиш керак. Бўлмаса гап кўпаяди.

Директорлар ёрдамдан ўзларини олиб қочишлари, ҳар ҳолда, уддалай олармиканмиз, деб чўчишлари таби-

ий. Худди шу пайтда уларга далда берувчи, уларни олга тортувчи бир куч керак. Бу куч — райком, аввало, унинг секретари. Афсуски, секретарь ўз ўрнида эмас эди. У тортувчи томонда эмас, тортувчи эмас, балки тортилувчи томонда эди. Узи ҳам бошқа бировнинг тортишига муҳтож эди. Амалда етакчисиз, тортувчисиз қолган район адашган карвондек тусмол ва ҳадик билан беунум, берух йўл босиб борарди. Райком секретарининг шахси район тақдирида катта, айтиш мумкинки, беқиёс роль ўйнашини ана шунда чуқур тушунган, ҳис этган эдик. КПСС XXVI съездида умумдават, умумжаҳон миқёсидаги масалалар қаторида секретарь шахси масаласи ҳам бежиз ўрин олмаган экан... Марказкомнинг съездга ҳисоботида шундай дейилган эди:

«Ҳозирги вақтда... шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг учдан икки қисми инженер-техник, иқтисодий ёки кишлоқ хўжалик маълумотига эга бўлган кишилардир. Бу жуда соз. Аммо, ишлаб чиқаришдан пар-

тия апаратига ўтган мутахассисларнинг бир қисми етарли сиёсий тажрибага эга эмаслигини, баъзан партия органларига маъмурий хўжалик методларини олиб кираётганлигини ҳисобга олмай бўлмайди. Бундай ўртоқларнинг сиёсий тайёргарлигини ошириш, уларнинг зарур партиявий иш малакасини ҳосил қилишларига ёрдам бериш керак».

Хабарим бор, Фаттоҳ Алиевичга ҳам бевосита, ҳам билвосита кўп ёрдам берилган, жумладан, бир неча марта область, республика газеталарида районга доир танқидий материаллар эълон қилинган эди. Лекин танқид кам таъсир қилди. Ортиқ кутиш эса мумкин эмас эди. Шундай қилиб, у бошқа — ўзига муносиброқ вазифага ўтказилди.

Районимиз нега қолоқ экан-а, деб ҳайрон бўлган суҳбатдошимизга, ҳар ҳолда шу районнинг секретарига ҳам, район нега қолоқлигини тушуниб олишда бу ҳикоянинг бирон-бир нафи тегиб қолар. Уйлаймизки, нафи тегади.

КАМАЛАК

ПАВЕЛ
БОЦУ

Молдавия ССР

Сенгача бор эди...

Илк бор сен — гўдакнинг
Залварин туйиб,
«Қадам кўйгин» дея
Чўзилган сўқмоқ...
Уни «меники» деб
Айтсанг-да, суйиб,
Сўқмоқ сенгача ҳам яшарди бироқ.

Бу юлдуз
Қаерга борсанг порлайди...
Уйлайсан:
«У мен деб ёнади шундоқ,
У менинг юлдузим,
Мени чорлайди...»,
Аммо у сенгача бор эди, ўртоқ.

Сафарга отландинг,
Намланди кўзлар.
Онанг оқ йўл тилаб
Айлади дуо.
Сенга аталган у муқаддас сўзлар,
Дунёда сенгача бор эди аммо.

Гулдаги арилар,
Боғдаги гуллар,
Булутлар,
Булутни ёндирган чақмоқ,
Ёмғирлар, майсалар, кўз ёш,
Кулгулар...—
Барчаси сенгача бор эди, ўртоқ.

ГЕОРГЕ
ЧОКАЙ

Ёмғир

Теракларнинг учида юлдуз
Қалқинади, титраб-яшнайд.
Лаҳза-лаҳза
Ёмғир — шўх ҳофиз,
Япроқларни черта бошлайди.
Сен тинглайсан... Бир оҳанг — ёғду,
Қуйилади юлдузли наво.
Аммо, афсус, кетиб борар у.
Қайга кетар!
Қаерларга! Оҳ...
Узоқдаги водийлар узра
Елиб борар
Бир парча булут.—
У ёмғирлар тилида сўзлар,
Яшил боғлар турсин деб кулиб.
Жоним,

Менинг бедор тунларим,
Сенинг майин қўлларингдир.
Ёмғирли тун учрашади жим
Қўлларимиз — иккита тақдир.
Хазон бўлмас
Севги боғлари!
Расмин, ана, ойнага битдим.
Боғлар

Бирдан куртак боғлади,
Гуллади, ёр, кўнглинг ва кўнглим,
Қадамнинг товушими ё
Ёнғоқ ерга түшдимди ноҳос,
Сукунатнинг бағридан
Ногоҳ
Мени чорлар
Олмами, гилос.
Нафис бўйлар
Уфурган ердан,
Сенинг учун тераман мева.
Қўлларини ёйганча бир дам,
Пешвоз чиқар
Дарахтлар сенга.
Аста-аста берар экан жон,
Ёмғир ташлаб кетди дунёсин —
Хуш бўйлардан
Боғлар фаравон;
Барглар аро
Юлдуз шуъласи...
Хазон фасли
етган қайдадир
Боқиб кузги шаън адирларга,
Узга ошиқ дуо айтадир,
Оқ йўл тилаб оқ ёмғирларга.

У. АЗИМОВ таржималари



ТУЯ ЛҶК-ЛҶК ЭТАДИ...

Қувноқ ҚИТМИР
ҳангомалари

2. Қизилқумдаги томоша

Эртасига Жаннатхон элдан бурун аэропортга чиқиб олди. У дам-бадам соатига қарайди, бетоқат бўлиб Урол Мардиевични кутади. «Мени алдаб бошқа йўлдан кетиб қолса-я», деб ҳадиксирайди.

Ниҳоят, катта сариқ портфелини саланглатиб келаётган Мелиқулов кўринди. Жаннатхон отасининг дийдорига интиқ боладай унинг олдига югургилаб борди.

— Келдингизми, Урол ака! — деди ялтоқланиб, — кечикиб қолармикансиз, деб бирам кўрқдим, бирам кўрқдимки... Хайрият!

Жаннатхон хушомад юзасидан Мелиқуловнинг портфелини кўтариб олди, ўзининг сумкасини унга берди. Бир туп сада тагидаги ола-була курсига қараб юрдилар. Одамлар чап ёнига қийшайиб семиз портфель кўтариб кетаётган ниначидай қиз билан аёллар сумкасини боғичидан шалвиратиб олган бақалоқ кишига қараб кулиб қўйишди.

Жаннатхон портфелини тап эткизиб курсига қўйди, қўларини силтади:

— Нима бало солгансиз, билагимни узиб юборай деди-я!

— Тош, — деди Мелиқулов маъюс жилмайиб, — Қизилқумга борганда ё сизнинг бошингизга ураман ё ўзимнинг.

Жаннатхон энкайиб шарақлаб кулди.

— Вой мен ўлай! Шундан шунга тош орқаламасангиз... у ёқда топилмайдими!

Урол Мардиевич талшаниб қизга бошдан-оёқ разм солди. Унинг оёғида ўкчаси баланд оқ туфли, эғнида ёқаси катта ўйилган енгсиз ҳарир кўйлак, соч «лайлак уя» шаклида ҳафсала билан турмакланган. «Чўл шамолида кўйлагинг зонтик бўлиб шарманда қилмасайди», деб қўйди ичида Мелиқулов.

— Бу ёғидан ташвишланманг, — деди қиз гўё унинг фикрини ўқигандай — сумкада атлас кўйлагим бор. Рў-молни шу ёқдан оларман.

Жаннатхон умрида самолётга чиқмаган эди. Самарқандга боргунча шеригининг қулоқ-миясини еди. Самолёт сал «ташлаб» юборса, дод солиб Мелиқуловга ёпишди. «Вуй, анави машиналарни! Худди ўрмалаб кетаётган гугурт қутисига ўхшайди!» деб шанғиллайди, гоҳо люкка пешонасини тираб, оппоқ булутларга қўл силтайди, ўз-ўзидан қиқирлаб кулади.

Уларни дабдаба билан кутиб олишди. Жаннатхон лип этиб биринчи машинага чиқиб олди. Мелиқулов, бу шайтон ҳар балони ўтлаб юрмасин, деб Жаннатхоннинг ёнига ўтирди.

Машина Регистонга етай деганда Жаннатхон ўнг томонга қараб қиқириб юборди:

— Бибихон! Ана, Бибихон! Мелиқулов «Оғир бўлинг», дегандек унинг оёғини бошиб қўйди. Қиз тирсаги билан Урол Мардиевичнинг биқинига бир туртди.

— Нега оёғимни босасиз! Бибихон эмасми! Бибихон! Суратини кўп кўрганман.

Мелиқулов ўсал бўлиб мезбонларга изоҳ берди: — Бу синглимиз янгангизнинг уруғларидан, яъниким илонбош. Самарқандни кўрмаган эканлар, бир айланаиб... Жаннатхон Мелиқуловга еб қўйгудек бўлиб қаради:

— Нега илонбош бўлар эканман! Вой, сабатбош-ей! Урол Мардиевич қовоғини солиб, ёлғондан пўписа қилди:

— Жаннатхон, портфелдаги нарса эсингизда турибдими!

— Қўрқитмай қўя қолинг! — деди Жаннатхон яйраб, — аллақачо-он очиб кўрганман. Тош тугул балоям йўқ экан. Ҳаммаси қоғоз!

Гапга тушуниб, мезбонлар кулиб юборишди. Мелиқулов ҳам беихтиёр уларга кўшилди.

Самарқандда енгилгина тушлик қилиб, яна йўлга тушдилар.

Уч соатларда бир томони тоққа, бир томони саҳрога туташган қадим районга етиб келишди. Район катталари «шахсан Мелиқуловнинг ўзи» текширишга келаётганини аллақачон эшитишган эди. Меҳмонларни қўшни район чегарасида шаън-шавкат билан кутиб олишди.

Уларга райком дачасидан жой ҳозирлаб қўйишган экан. Лекин Мелиқулов кўнмади.

— Эски меҳмонхонага туша қолайлик, шу ёқ тинчроқ, — деди мезбонларни ажаблантириб. У «Дачада келди-кетди кўп. Мана бу ярамас тагин бир ҳунар кўрсатиб, шарманда қилмасин», деб чўчирди.

Эски меҳмонхона кўрмисиз бўлгани билан орастагина эди. Тоғ яқин. Атрофдаги қалин қайрағочзорда гир-гир шабада эсади. Чап томонда бозор. Меҳмонхона сиртида бўйрадек булоқлар қайнайди. Ҳовли ўртасидан бир ариқ булоқ суви оқиб ўтади. Чалов босган ариқда бир қарич-бир қарич «авлиё» балиқлар эркаланиб сузади. Сув бўйидаги сўриларда чекка қишлоқлардан келган чўпон-чўлиқлар чойхўрлик қилишади.

Мелиқулов билан унинг «қайнисинглиси»га атаб икки хос хонани ясатишди. Бирор соатда дастурхон атрофига районнинг казо-казоларидан ўн чоғли киши тўпланди. Стол дид билан безатилган, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор эди. Жаннатхон дастурхонга қаради-ю «Вуй!» деб чапак чалиб юборди. Тўрдаги стулга ўтиб ўтирди. Базм авжига чиқабошлади. Алёр устига алёр айтилди. «Урол Мардиевичнинг пойи қадамлари учун; у кишининг район чорвадорларига кўрсатаётган ғамхўрлиги учун; ой деса — ой, кун деса — кун дегулик гўзал Жаннатхон учун...»

Мелиқулов анор суви аралаштирилган шаробдан бир қултум ютиб қўйиб, сипо ўтирибди. Ёнидагиларнинг саволларига ё бош қимирлатиб қўяди ё қисқагина жавоб беради. Жаннатхон эса яйраб кетди. У кафтларини ишқалаб ҳар таомдан бир тотиб кўрар, аччиқроқ ё совуқ

бир нима еса, лунжида айлантириб, «ў-ў!» деб ҳаммани кулдирар, гоҳо «Ие, олинг, хўжайин, бунақа нарсалар Тошкентда топилмайди», дея Мелиқуловни ўсал қиларди.

Алёр айтиш навбати Жаннатхонга келди. У анча ичиб, кайфи ошиб қолган эди. Шампан тўла қадахни кўтариб ўрнидан турди. Мелиқулов унга кўз қирини ташлади-ю «Йиқилиб тушмаса гўргайди аҳмоқ!» деб қўйди. Жаннатхон мастона тебраниб гап бошлади:

— Хурматли эркеклар-р! Мен шу қадахни... сиз-дай мард, меҳмондўст ва... соғлом эркеклар учун ичишни истаймман! Эр... эркеклар-ни эҳтиёт қил-лайлик! Негаки... негаки, яшасин эркеклар! Олдик!

Мезбонлар кула-кула қадах кўтаришмоқда эди, қиз кўрсаткич бармоғини чайқаб пўлиса қилди:

— Йў-ў... Бун-нақаси кетмайди! Мен тикка туриб ичишни таклиф қиламан. Қани, турдик!

Ғала-говур қилиб ўн эркек баравар кўзғолди. Мелиқулов ҳам ичда Жаннатхонга минг лаънат айтиб, ўрнидан турди. Жаннатхон шаробни бошига бир кўтарди-ю қадахни тақ эткизиб қўйди. Қадахнинг таглиги ўзилиб тушди.

— Ҳечқиси йўқ бўлади, — деди иомига ичиб ўтирган хўшёр бир йигит ва қадах синиғини йиғиштириб олди.

— Утиринг-лар-р! — буюрди Жаннатхон. Ун эркек яна гувиллаб жойларига чўкдилар. «Хайрият, — деб ўйлади Мелиқулов, — энди бу маймундан қутуладиган бўлдик. Ҳозир студдан ағдарлиб тушади».

Дарҳақиқат, Жаннатхон тагин бир пас пойинтар-сойинтар гапириб ўтирди-ю, «вой бошим!»лаб ётоқхонага кириб кетди. Бироз ўтириб мезбонлар ҳам тарқалишди. Жаннатхон, суа, деб гингшиганда Мелиқулов икки думалоқ уйку дорини майдалаб ичириб юборди: «зора шу билан эрта-лабгача тошдай қотиб ухласа».

Эрталаб Урол Мардиевич чўчиб уйғонди. Юзларига ёлғир томчилаётгандай эди. У сесканиб кўзларини очди. Тепасида Жаннатхон йиғлаб ўтирарди. Мелиқулов энсаси қотиб кўзларини юмиб олди. Буни кўриб қиз хўнграб юборди.

— Мени кечиринг, Урол ака... Кеча эсимни еб қўйибман... Сиз... сизни шарманда қилдим. Энди оғзимга олсам, ҳар нарса бўлай. Ув-в...

Мелиқулов кўзини очди.

— Йўқ, яна ичинг! — деди кесатиб, зиёфатнинг каттаси бугун бўлади. Чўлда думалаб-думалаб ичишингиз мумкин! Жаннатхон студдан туриб қаработга ўтирди.

— Нима қилай, — деди ҳиқиллаб, — бунақа маншатни тушимда ҳам кўрмаганман. Хурсанд бўлганимдан олавурибман... Сиз ҳам бир оғиз қўй демабсиз.

— Сизга қўй деб бўлармиди! Қўй, деган одамни закуска қилиб еб юборадиган аҳволда эдингиз!

Қиз шойи халатининг енги билан кўзларини артиб хўрсинди:

— Майли, бўлар иш бўлди. Энди сиз айтгандек сизилиб, законий бўлиб юраман. Кечирдингиз-а, Уролжон ака! Бир оғиз кечирдим денг, садагангиз бўлай!

Қиз тўсатдан аслига қайтди, ўйноқлаб хўшомад қила кетди:

— Бошоғрингиз тутмадими кечаси! Қўлларингизни уқалаб қўяйми! Келинг!

Жаннатхон Мелиқуловнинг иссиққина биллагини тўшакдан суғуриб олди-ю ҳафсала билан уқалай бошлади. Урол Мардиевич қизнинг тарақ тегмаган сочига, ичкиликданми, уйкуданми кўпчиб кетган тиниқ юзига қаради-ю, «Йиғлаганда ҳам чиройлик-а лаънати, — деб қўйди, — бир уйни гуллатиб ўтирадиган сиёқинг бор. Отанг тенги одамга хўшомад қилмай сен ўл, қариганда кўғирчоқ ўйнамай мен ўлай илоийм».

Аёл қўдрати олдиде жаҳонгир Искандар ҳам дош беролмаган. Урол Мардиевич жаҳонгир эмасди, илжайиб ўрнидан тура бошлади...

Чошгоҳдан ўтганда чўлга жўнашди. Жаннатхон бу сафар Мелиқуловнинг йўлини пойлаб туриб бошқа машинага чиқди. У ҳар балони ўтлаб, яна Урол акаси билан жиқиллашиб қолишдан кўрқарди.

Изень экилган яшил яйловлар, саксовуллар чайқалиб турган қумтепаликлардан ўтиб, икки соатларда район адоғидаги бепоен дашт ўртасига келиб тўхташди. Атроф-

да уч-тўрт қора ўтов, омонат қурилган молхона. Ўтов олдидеги тош ўчоқлардан қуюқ тутун чиқади. Сал нарида ердан бош кўтармай ёйилиб юрган кўкиш қўйлар кўрилади. Одамнинг бетига қум уфуриб, шамол увлайди.

Меҳмонларга катта бир ўтовдан жой қилишган экан, Мелиқулов биринчи бўлиб остона ҳатлади. Жаннатхон бир чеккага ўтиб, ўтовни томоша қилиб ўтирди. Икки учига кашта тикилган узун қоziқлунгилар, қўлда тўқилган даста-даста гўлдор гиламлар, керагага осилган бурама олқор мугузи, ўтовнинг тепасидаги чанғарақ-туйнук — бари унга ажиб ва афсонавий туюларди.

Совхоз раҳбарлари ҳисоб бера бошлади. Жаннатхон уларнинг гапига бир пас қулоқ солиб ўтирди-ю сўради: — Кўчқор билан қўйнинг нима фарқи бор, барибир эмасми!

Ўтов эгалари индамай бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

— Нага миқ этмайсизлар! — бидирлади Жаннатхон, — фарқини билмайсизларми!

Мелиқулов заҳархандали кулимсиради:

— Кўчқор, бу — мен, сиз — қўйсиз, Жаннатхон, тушундингизми!

— Тушундим, — деди қиз ва шарақлаб кулиб юборди.

— Сиз кўчқормисиз! — деб сўради бармоғини бигиз қилиб, — сиз-а! Шохингиз йўғу! Сузганингизни ҳам кўрмадик. Бўлди, бундан кейин сизни Кўчқор ака дейман. Вой, не могу, ўлиб қоламан!

Жаннатхон кула-кула ташқарига чиқиб кетди. Мелиқулов ўзи билмай қармоққа тушиб қолганига пушаймон бўлди.

Жаннатхон ўчоқ бошига борди. Узун қўйлак кийиб, юз-кўзини ўраб олган тўлагина аёл овқат пиширарди. У «Келинг, пошшоқиз», дея Жаннатхоннинг елкасига қоқиб қўйди. «Пошшоқиз» чорпоядаги саватдан ёнғоқдай қурут олиб оғзига солди. Қозон тўлиб қайнаётган гўштга қараб сўради:

— Мунча овқатни нима қиласиз, хола, озгина бўлса етади-да!

— Меҳмон бор, — деди аёл, ёғоч чўмич билан қозонни ахтариб, — қолса болалар ер.

— Болаларингиз кўпми!

Аёлнинг ўн иккита боласи бор эди. Лекин у ирим қилиб биттасини камайтириб айтди.

— Худо берган ўн битта, тилаб олганим ҳам бор.

Жаннатхоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди, қурутга тиқилиб қолай деди.

— Ву-уй!.. Қандай боқасиз шунчасини! Қўйларингиз ҳам кўпдир, а! Бирон юзта бордир!

— Билмадим. Кишим билади.

— Чақиринг-да кишингизни!

Аёл индамай кулиб қўйди.

Ўчоқ бошига бирин-сирин ўн чоғли қора-қура, яланг-оёқ бола тўпланди. Улар «сувқўйлак кийган опазни ётсираб, ажабланиб томоша қилишарди. Жаннатхон хўштак чалиб, бир пас у ёқ-бу ёққа аланглаб турди. Кейин қўлини пешонасига қўйди-ю «Вой, туя!» деб бақириб юборди.

— Опа, минмайсизми! — деди тортиниб бир болакай.

— Минса бўладими! Тишламайдим!

— Ит тишлайди, туя тишламайди, — билағонлик қилди бола.

— Бўлмаса опкелинглар-да! — буюрди Жаннатхон. Болалар чувиллашиб югурди. Салдан кейин қулоқчин кийган киши туясини етаклаб келиб, ўтов ёнидаги кенг сайдонликка чўктирди. Болалар текин эрмак топилганига севиниб, гир айланиб туришди. Жаннатхон хавотирланиб туяга яқинлашди. Қўрқиб икки қадам чекинди.

— Қандай миноси бунга, амаки, норвонни йўқли!

— Йўқ-да, янга, — узр сўраган бўлди туякаш, — бис-милло дейсизу оёқни соласиз.

— Келинг, ушлашворинг!

Туякаш Жаннатхонни кўлтғидан олди. Қиз ўркачлар ўртасига ташлаб қўйилган наматга ўтириб улгурмай туя туриб кетди. Жаннатхон чинқириб ўркачини қучоқлади. Унинг товусини эшитиб Мелиқулов ўтов тирқишидан мўралади. Жаннатхонни кўриб тижинди, сўкинди. Хаёлига

хунук бир фикр келди: «наҳот мен ҳам анави туяга ўхшасам! Шарманда!..»

Жаннатхон ўзини босиб олди. Атрофга қараб кула бошлади.

— Ҳайё, ҳайт, туяжон! Кетде-ек Тошкентга!.. Ҳув ама-ти, намунча имиллайсиз, тезроқ юрмайсизми!

Туякаш илдамлади, туя ҳам лўкиллашга тушди.

— Тезроқ, тезроқ! — деб бақирди Жаннатхон. У энди қўлларини кўтариб «Ур-ре!» деган эди, мувозанатни йўқотди-ю бир томонига оғиб кетди. Жонҳолатда яна ўр-качга ёпишди.

— До-од! Улде-ем!

Туякаш югуриб келди.

— Ташланг, янга, мен ушлаб оламан.

— Йўқ, ётқизинг орданангизни, — йиғламсиради қиз, — ҳозир ўлиб қоламан!

У шундай деди-ю ўрқачни қўйиб юборди. Шилқ этиб туякашнинг қўлига тушди. Туякаш « Бу сардобани нима қиламан! » дегандай ҳайрон бўлиб турар, қиз эса унинг таёқдай қўлларида оқбилакдай типирчилаб ётарди. Бу манзарани кузатиб турган Мелиқулов:

— Анави лаънатини чаниринг, Валижон,— деди ерга қараб.

Пойгакда ўтирган йигит шипиллаб чиқиб кетди.

Жаннатхон туяни, туякашни қарғай-қарғай ўтовга кириб келди. Унинг сочлари тўзиб кетган, усти-боши жикқа ҳўл эди.

...Меҳмонхонага ярим тунда қайтишди. Мелиқуловнинг асаби таранг, ёмон сўз айтиб юборишдан ўзини зўрға тугтиб турарди.

— Сиз ҳеч қачон одам бўлмадингиз-бўлмадингиз, — деди плашнини ечиб отаркан, — тамом, сийлаганни сигир билмас экан. Тошкентга борайлик, биринчи куниёқ ҳай-даб юбораман!

Жаннатхон белини ушлаб, хезланиб каравотга яқин-лашди.

— Мени-я! Сиз мени ким деб ўйлаясиз! Мен сизга бояги чўпоннинг эчкисимидим қур-рей ҳайт, деса кета-верадиган. Мени кимсан — Жаннатхон дейдилар!


— Кўрамиз, — гезарди Мелиқулов.

— Кўрамиз, — деди Жаннатхон ва тарс-турс юриб ўз хонасига кириб кетди.

Ҳангоманинг давоми келгуси сонда




— Мана энди катта ёзувчи бўлдим.



Пашшадан фил ясаш.



Ёзувчининг иш усули.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

Расмларни Б. ТОЖИЕВ чизган.

АВТОРЛАРИМИЗ

Собит МАДАЛИЕВ. 1949 йили Жамбул шаҳрида туғилган. Москвадаги М. Горький номи Адабиёт институтини тамомлаган. «Шафтоли гуллаганда», «Куйловчи барханлар» номи китоблари нашр этилган. СССР Ёзувчилар союзида ўзбек адабиёти бўйича консультант бўлиб ишлайди. Рус тилида ижод қилади.

Шойим БЎТАЕВ. 1959 йили Тожикистон ССР Ленинобод областида туғилган. Ленинобод педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган.

Дилбар САИДОВА. 1951 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини тугатган. «Лолақизгалдоқ» номи ҳикоялар тўплами нашр этилган. «Саодат» журналида хизмат қилади.

Нормурод НОРҚУЛОВ. 1940 йили Қашқадарё областининг Чироччи районидagi Мирзатўб қишлоғида туғилган. 1963 йили Қарши шаҳар медицина техникумини тамомлаган. Шундан бери туғилиб ўсган қишлоғида шифокор бўлиб ишлайди.

Шеърлари район ва область матбуоти саҳифаларида, альманахларда эълон қилинган.

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА. 1959 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1982 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Дастлабки шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган.

Сулаймон РАҲМОН. 1946 йили Самарқанд областининг Зиёвутдин станциясида туғилган. Тошкент Давлат университетини битирган. «Илдиз нима дейди?», «Хаёл», «Хилол», «Биллур кўнги-роқлар» каби китоблар муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Омон МУХТОРОВ. 1940 йили Бухорода туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. «Чорлар қуёшли йўллар», «Оҳанг», «Қушлар ва тушлар», «Нигоҳ», «Йиллар шамоли», «Хаёт дарвозаси»,

«Ёғду», «Бухоролик донишманд» китобларининг автори. Ўзбекистон Кинематография давлат комитетида ишлайди.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ. 1948 йили Тошкент яқинидаги Черняевка қишлоғида туғилган. Тошкентдаги 2-хунар-техника билим юртини тугатиб, агрегат заводида бир неча йил фрезерчи бўлиб ишлаган.

У В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. Ҳозир «Тошкент ҳақиқати» газетасида ишламоқда. Илгор ишчилар тўғрисидаги «Ениқ юлдузлар», «Биродарлик майдони», «Қуёшга интилиб», «Хаёт билан учрашув» сингари китобларнинг муаллифи.

Шокирали НУРАЛИЕВ. 1947 йили Қўқонда туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетиде таълим олган. Уткир публицистик мақолалари, қишлоқ меҳнат аҳли ҳақидаги очерклари билан республика матбуотида фаол қатнашиб келмоқда. Шокир-али хозир Фарғона область Фрунзе район «Ғалаба» газетасида ишлайди.

Муҳсина БОБОЕВА. 1950 йили Бухоро областининг Гиждувон райониде туғилган. Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхонашунослик факультетини тугатган. Ўзбекистон Театр жамаияти кутубхонасида мудира бўлиб ишлайди.

Муҳаммад СОЛИҲ. 1949 йили Хоразм областининг Янгибозор райониде туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетиде ҳамда Москвадаги Олий адабиёт курсида таҳсил кўрган. «Бешинчи фасл», «Оқ кўйлақлар», «Қудуқдаги ой» каби шеърий тўпламлар автори. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ. 1949 йили Бухоро областининг Шофиркон райониде туғилган. Бухоро педагогика институтини тамомлаган. Филология фанлари кандидати. ЎзФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлайди.

«Ёшлик» («Молодость») — ежесаяный литературно-художественный и общественно-политический журнал
Орган Союза писателей
Узбекской ССР

На узбекском языке

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: М. НАБИЕВА

Адрес миз: 700000. Тошкент — П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР:

32-54-73

Бош редактор ўринбосари — 32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27.

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърят, адабий танқид

ва санъат бўлими 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим —

32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага туширилди — 30.07.82 й. Босишга рухсат берилди 6.09.82 й. Р—07400. Қоғоз формати — 84×108¹/₁₆.
Офсет босма усулида чоп этилди. Қоғоз ҳажми — 5,25 лист. Шартли босма листи — 8,82. Нашриёт ҳисоб листи — 12,5.

Тиражи — 45140 нусха.

Буюртма № 3889. Баҳоси 50 т.

Ўзбекистон ЛКМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриети.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26.

© «Ёшлик», № 9, 1982.
«Ёш гвардия» нашриети.

АВТОРЛАРИМИЗ